А.Султоновнинг олиб борган илмий тадқиқот ишларида 6А-12М русумидаги винтли тозалагичда янги турдаги винтнинг конструкциясини қўллаш орқали чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилган бўлиб, машинани тозалаш самарадорлиги оширилган. Пахта тозалаш саноатида қўлланилиш учун винтли конвейер винтида қозиклар шнек диаметрига нисбатан 3,5-4,0 кадамда ўрнатиш таклифи берилган. Қозикларни бундай ўрнатилиши натижасида уларнинг сонини камайтиради, бунинг натижасида ташилаётган пахта хомашёсини қозиклар томонидан титиш камайиши сабабли тозалаш самарадорлигини пасайиши кузатилади.

Х.Ж.Абдуғафоровнинг тадқиқот ишида пахта саноатида кенг қўлланиладиган винтли конвейерларда чигитни ташиш учун винт валига тебранма ҳаракат берувчи махсус қайишқоқ муфта ўрнатган бўлиб, ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар натижаларига кўра чигитларни тикилишлари ҳолати, буровчи моментни 25% атрофида ўзгариши ҳисобига камайиши аниқланди. Чигитни ташишда уни чиқиндилардан тозаловчи қисмига эга винтли конвейер конструкциясини ишлаб чиқди. Бунда винтли конвейер қобиғини ярим цилиндр қисмини чиқиндиларни чиқариб юборувчи юза билан алмаштирилди.

К.К.Юлдашевнинг диссертация ишида чигитни ташишда винтли конвейер мезанизмларини ишлаш даврийлигини ошириш ҳамда винт валидаги тебранма ҳаракатни камайтириш учун занжирли узатмадаги юлдузчаларга қайишқоқ элементли втулка ўрнатган, бу втулкалар механизмларининг тебраниб ишлашини маълум миқдорда камайтириб, механизмларни ишлаш даврийлигини оширишга имкон яратди.

МУҲОКАМА


Икки киримли винт механизми бўлган машина агрегати ҳисоб схемаси ва математик модели. Янги конструкциядаги подшипник таянчи қайишқоқ втулкадан ташкил топган икки киримли тўлқинсимон юзали винтли конвейернинг кинематик схемаси (1-расм) га асосан, машина агрегати динамик модели тузилди ва у 2-расмда келтирилган.



J_1 -юритма электр юритгич ротори ва ярим муфта келтирилган инерция моменти, J_2 -ярим муфта ва етакланувчи шкив келтирилган инерция моменти, J_3 -таркибли етакловчи шкив асоси инерция моменти, J_4 -етақланувчи шкив гардиши ва икки киримли винт келтирилган инерция моменти, $c_1, c_2, c_3, b_1, b_2, b_3$ -мос қайишқоқ элементларнинг бикирлик ва диссипация коэффициентлари, $M_{ю}$,- электр юритгич ротори валидаги юритувчи момент, $M_к, M_{шшк}$ -технологик қаршилик ва ишқаланиш кучлари моментлари, $U_{юм}, \dot{U}_{шш}, U_{шв}$ - массалар орасидаги узатиш нисбатлари

2-расм. Машина агрегати динамик модели

Ҳисоб схема таҳлилига кўра ЎУН нинг тасмали узатмани узатиш нисбати $\dot{U}_{шш}$ ўзгарувчан бўлади. Бунда қўлланилган тасмали узатма схемаси 3-расмда келтирилган [5,6].



1-етақловчи шкив, 2-етақланувчи шкив, 3-тасма, 4-эксцентриситетли таранглаш ролиги, 5-резинали втулка.

3-расм. ЎУН ли таркибли етақланувчи шкивли узатма схемаси

ЎУН ли эксцентриситетли тасмали узатманинг мавжуд кинематик таҳлилига [6,7] кўра қуйидаги ифодаларни ёзиш мумкин:

$$\tilde{U}_{12} = \frac{r_2(e \cos \varphi_3) + \sqrt{r_3^2 - e^2 \sin^2 \varphi_3}}{r_1(e \cos \varphi_3 + \sqrt{r_3^2 - e^2 \sin^2 \varphi_3})} \quad (1)$$

бунда \tilde{U}_{12} -тасмали узатманинг узатишлар нисбати,

$\dot{\varphi} = \frac{\dot{\varphi}_1}{\tilde{U}_{12}}$ бўлиши адабиётлардан [5,6,7] маълум.

Мос равишда \tilde{U}_{12} ни ўзгарувчан функция эканлиги инобатга олинса, унинг ҳосиласи қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} \tilde{U}'_{12} = & \frac{\left(-r_2 e \sin \varphi_3 - \frac{r_2 e^2 \cos \varphi_3 \sin \varphi_3}{\sqrt{r_3^2 - e^2 \sin^2 \varphi_3}} \right) \left(r_1 e \cos \varphi_3 + r_1 \sqrt{r_3^2 - e^2 \sin^2 \varphi_3} \right) \dot{\varphi}_3}{\left(r_1 e \cos \varphi_3 + r_1 \sqrt{r_3^2 - e^2 \sin^2 \varphi_3} \right)^2} + \\ & + \frac{\left(r_1 e \sin \varphi_3 + \frac{r_1 e^2 \sin^2 \varphi_3 \cos \varphi_3}{r_3^2 - e^2 \sin^2 \varphi_3} \right) \cdot \left(-r_2 e^2 \cos \varphi_3 + r_2 \sqrt{r_3^2 - e^2 \sin^2 \varphi_3} \right) \cdot \dot{\varphi}_3''}{\left(r_1 e \cos \varphi_3 + r_1 \sqrt{r_3^2 - e^2 \sin^2 \varphi_3} \right)^2} \end{aligned} \quad (2)$$

бунда, r_1, r_2, r_3 -етақловчи, етақланувчи шкивлар ва ролик радиуслари, e - эксцентриситет, $\varphi_3, \dot{\varphi}_3$ - мос равишда таранглаш ролиги тасма тармоғини тортишдаги бурчаклари.

Машина агрегатида қўлланилган ҳаракат манбаи бўлган 4А 112УА 843 русумли электр юритгич $P_{\text{юр}}=2,2 \text{ кВт}$, $n_{\text{юр}}=700 \text{ айл/мин}$. Бунда винтнинг ўртача айланиш частоталари 150 айл/мин , 163 айл/мин , 180 айл/мин вариантларида тажрибаларда кўриб чиқилган. Назарий тадқиқотларда $\dot{\varphi}_{\text{юр}}$ қийматини $17,3 \text{ с}^{-1}$ қилиб олинган.

ЎУН ли тасмали узатма параметрлари қуйидаги формулалардан фойдаланиб аниқланган [6,7].

$$c_{my} = \frac{4kr^2EF}{l_{my}}; \quad \vartheta_{my} = \frac{\psi c_{my}}{2\pi(\pi/T)} \quad (3)$$

бунда c_{my}, ϑ_{my} - тасманинг айлана бикрлиги ва диссипация коэффициентлари; k -тасманинг

бошлангич таранглиги коэффициенти;

E -қайишқоқлик модули, F - тасма кесим юзаси, l_{my} -тасма етакловчи тармоғи узунлиги, ψ - узатма ишлаш режимини белгиловчи коэффициент, T - тебраниш даври.

Массаларнинг инерция моментлари асосан тажриба усулида [8] ларга асосан тушувчи юklar методи билан аниқланди. Бунда валлар ва шкивларга арқонни ўраб, G_1 ва G_2 юklarни тушиш вақти ва баландликлари аниқланди. Мос равишда a_1 ва a_2 тезланишлар ҳисобланди. Кейин қуйидаги ифода орқали ҳисобланди [10,11,12].

$$J = \left[\left(1 - \frac{a_1}{g} \right) G_1 - \left(1 - \frac{a_2}{g} \right) G_2 \right] \cdot \frac{r}{a_1 - a_2}, \quad (4)$$

Ҳисоблашлар натижасида параметрларнинг қуйидаги параметрлари инобатга олинди: $J_{ю}=0,114 \text{ kg m}^2$; $J_{м}=0,193 \text{ kg m}^2$; $J_{ш}=0,307 \text{ kg m}^2$; $J_{в}=1,28 \text{ kg m}^2$; $P_{ю}=2,2 \text{ kVt}$; $\dot{\varphi}_{ю,yp} = 74,31 \text{ s}^{-1}$; $\dot{\varphi}_{м,yp} = 74,31 \text{ s}^{-1}$; $U_{юм}=1,0$; $\dot{\varphi}_{ш,yp} = 17,3 \text{ s}^{-1}$; $\ddot{U}_{мш,yp}=4,3$; $U_{шв}=1,0$; $\dot{\varphi}_{в,yp} = 17,3 \text{ s}^{-1}$; $c_1=(420 \div 430) \text{ Nm/rad}$; $\epsilon_1=(6,5 \div 7,0) \text{ Nms/rad}$; $c_2=(350 \div 380) \text{ Nm/rad}$; $\epsilon_2=(5,5 \div 6,0) \text{ Nms/rad}$; $c_3=(300 \div 320) \text{ Nm/rad}$; $\epsilon_3=(4,0 \div 4,5) \text{ Nms/rad}$; $M_{к}=(76 \div 160) \text{ Nm} \pm \delta_1 M_{к}$; $\delta_1=(0,08 \div 0,12)$; $M_{шш}=(25 \div 35) \text{ Nm}$.

Икки қиримли, тўлқинсимон сиртли винти бўлган конвейер машина агрегати математик моделини олиш учун Лагранжнинг II-тартибли тенгламасидан [12] фойдаланилди. Натижада қуйидаги дифференциал тенгламалар системаси ҳосил қилинди:

$$\begin{aligned} M_{ю} &= f \left(\frac{d\varphi_{ю}}{dt} \right); & J_{ю} \ddot{\varphi}_{ю} &= M_{ю} - M_{юм}; & J_{м} \ddot{\varphi}_{м} &= U_{юм} M_{юм} - M_{шш}; \\ J_{ш} \ddot{\varphi}_{ш} &= \tilde{U}_{шш} M_{шш} - M_{шв}; & J_{в} \ddot{\varphi}_{в} &= U_{шв} M_{шв} - (M_{к} \pm \delta M_{к}) - M_{ншш} \end{aligned} \quad (5)$$

бунда $\ddot{\varphi}_{ю}$, $\ddot{\varphi}_{м}$, $\ddot{\varphi}_{ш}$, $\ddot{\varphi}_{в}$ - мос равишда юритгич вали, муфта, етакланувчи шкив ва винт валларининг айланиш бурчаклар; $M_{юм}$, $M_{шш}$, $M_{шв}$ -массалар орасидаги ўзаро таъсир кучлари моментлари; $M_{к}$, $\delta M_{к}$, $M_{шш}$ -мос равишда технологик қаршилик кучи, унинг тасодифий таъсир этувчиси ва ишқаланиш кучлари моменти.

Электр юритгич механик характеристикасини [9] га асосан

$$\begin{aligned} \frac{dM_{ю}}{dt} &= \left(\omega_c - p \frac{d\varphi_{ю}}{dt} \right) \cdot \psi_1 - \frac{M_{ю}}{T_э}; \\ \frac{d\psi}{dt} &= \frac{2M_{к} - \psi}{T_э} - \left(\omega_c - p \frac{d\varphi_{ю}}{dt} \right) - M_{ю} \\ |T_э| &= (\omega_c \cdot S_k)^{-1}, \\ \psi &= \frac{S_k}{S} \left(M_{ю} + T_э \frac{dM_{ю}}{dt} \right) \end{aligned} \quad (6)$$

Шунингдек, машина агрегати массалари ўртасидаги таъсир кучларининг моментлари [10]:

$$\begin{aligned} M_{юм} &= \epsilon_1 \left(\frac{d\varphi_{ю}}{dt} - U_{юм} \frac{d\varphi_{м}}{dt} \right) + c_1 (\varphi_{ю} - U_{юм} \varphi_{м}), \\ M_{шш} &= \epsilon_2 \left[\frac{d\varphi_{м}}{dt} - \tilde{U}_{шш} \frac{d\varphi_{ш}}{dt} \right] \left(1 - \tilde{U}_{шш} \cdot \frac{d\varphi_{м}}{dt} \right) + c_2 (\varphi_{м} - \tilde{U}_{шш} \varphi_{ш}) \left(1 - \tilde{U}_{шш} \right) \\ M_{шв} &= \epsilon_3 \left(\frac{d\varphi_{ш}}{dt} - U_{шв} \frac{d\varphi_{в}}{dt} \right) + c_3 (\varphi_{ш} - U_{шв} \varphi_{в}) \end{aligned} \quad (7)$$

Мос равишда ЎУН ли тасмали узатма ўзгарувчан узатиш нисбати ва унинг ҳосиласи (6) ва (7) га асосан қуйидаги боғланишда бўлади:


$$\begin{aligned}\tilde{U}_{ми} &= \tilde{U}_{12}; \\ \dot{\tilde{U}}_{ми} &= \dot{\tilde{U}}_{12}\end{aligned}\quad (8)$$

Олинган дифференциал системаси (7) ни сонли ечими параметрларининг бошланғич ҳисоб қийматлари ва бошланғич шартлар, $t=0$; $\dot{\varphi}_ю = \dot{\varphi}_м = \dot{\varphi}_ш = \dot{\varphi}_г = 0$; $M_к=0$; $M_{инш}=0$ бўлганда Рунге-кутта дастуридан фойдаланиб амалга оширилди [6,7].

Ишқаланиш кучлари моментини аниқлаш. Икки киримли винтни айланма ҳаракатида унга қаршилиқ кучлари, жумладан подшипник таянчларида ишқаланиш кучлари моментлари таъсир қилади. Юқорида кўриб чиқилганидек, винт вертикал ўқ бўйича тебранганида ишқаланиш кучлари ҳам ўзгаради. Одатда думалаш подшипникларида думалаш ишқаланиш кучлари пайдо бўлади [11]. 4- расмда икки киримли винт таянчидаги подшипник шаригидаги думаланиш ишқаланиш кучини аниқлаш ҳисоб схемаси келтирилган. Ҳисоб схемасига асосан [9] ни эътиборга олиб, ишқаланиш кучи momenti:

$$M_{n_{ишк}} = P_{\delta} \cdot r_n f_n \quad (9)$$

бунда r_n - шарик радиуси, P_{δ} - босим кучи, f_n -шарик билан таянч орасидаги ишқаланиш коэффициентини. Маълумки, босим кучи подшипник таянчидаги қайишқоқ втулка тикловчи кучи билан мувозанатлашади.



4-расм. Икки киримли винт таянчидаги подшипник шаригидаги думаланиш ишқаланиш кучини аниқлаш ҳисоб схемаси

Бунда втулка тегишлича деформацияланади, шунинг учун [10]:

$$\bar{P}_{\delta} = \bar{P}_к. \quad (10)$$

Мос равишда

$$M_{n_{ишк}} = 4c_n \Delta_z k_{ш} r_n f_n \quad (11)$$

бунда c_n -қайишқоқ втулка вертикал йўналишдаги биқирлик коэффициентини, Δ_z -втулканинг вертикал z ўқи бўйича деформацияланиши қиймати,

$k_{ш}$ -подшипникдаги шариклар сони, r_n -шарик радиуси;


Таъкидлаш лозимки, қайишқоқ резинали втулкалар z ўқлари бўйича деформацияларни ўртача қиймати деярли винт ўқини вертикал тебранишлар амплитудасига мос келади. Шунинг учун машина агрегати динамика масаласи ечимини олишда олинган (5) дифференциал тенгламалар системасидаги $M_{n_{шук}}$ қийматлари (11) ни инобатга олинади. Бунда Δz ўртача винтни вертикал тебраниш қонунига (10) орқали инобатга олиб ечиш ўринлидир. Бунда машина ва мханизмлар назарияси учун ўзига хос янгилик сифатида қабул қилиш мумкин.

Ишқаланиш кучини (11) бўйича аниқлашда ҳар иккала подшипник кўрсаткичлари инобатга олинган.


НАТИЖАЛАР

Машина агрегати динамик таҳлили асосан юритгич, муфта, тасмали узатма, етакланувчи шкив ва винтнинг ҳаракат қонунларини, юкланишларини ташиладиган материалдан келаётган қаршилик моменти, тебранувчи подшипник таянчидаги ишқаланиш кучи қаршилиги, бикирлик- диссипатив параметрларини ўзгаришига қараб аниқлаш асосий ҳисобланади. Олинган дифференциал тенгламалар системасини сонли ечими асосида ротор вали, муфта, етакланувчи шкив ва винт вали бурчак тезликлари ва юритгич юкланишининг ўзгариш қонуниятлари олинди. 5- расмда винтли конвейер машина агрегатининг юритгич вали, муфта, етакланувчи шкив, винт валлари бурчак тезликлари, юритгич юкланишининг ўзгариш қонуниятлари келтирилган. Олинган ҳаракат қонуниятлари таҳлиliga кўра технологик қаршилик таъсирида, ҳамда системадаги қайишқоқ элементларнинг бикирликларига қараб, $\dot{\varphi}_{ю}$, $\dot{\varphi}_M$, $\dot{\varphi}_{ш}$, ва $\dot{\varphi}_B$, тебранишларини кўриш мумкин.

Машина ва механизмлар назарияси нуқтаи назаридан системадаги илмий янгилик асосан винт подшипниклари қайишқоқ втулкаси деформациялари ҳисобига, уни тебранишларини ишқаланиш кучлари моментининг ўзгаришлари инобатга олинганлиги, ҳамда тасмали узатмада ЎУН бўлгани ва етакланувчи шкивнинг қўшимча амортизатор билан жиҳозланганлигини таъкидлаш мумкин.



$$M_k = 80,5 Nm + 5,6 \sin \omega t \pm 1,5 Nm; M_{муф} = (12 \div 14) Nm$$



$$M_k = 140 Nm + 8,2 \sin \omega t \pm 2,5 Nm; M_{\text{шк}} = (20 \div 25) Nm$$

а) машина агрегати массаларининг бурчак тезликлари ва юритма валидаги юкланишни технологик қаршилик ва ишқаланиш кучлари моментига боғлиқлик графиклари, б) икки киримли винтли механизмли конвейер машина агрегатининг ротор вали, муфтаси, етакланувчи шкиви ва винт вали бурчак тезликларининг тебраниш қамрови ва юритгич валидаги момент тебраниш қамровини технологик қаршилик ва ишқаланиш кучлари моментига боғлиқлик графиклари


5-расм. Винтли конвейер машина агрегатининг юритгич вали, муфта, етакланувчи шкив, винт валлари бурчак тезликлари ҳамда юритгич юкланиши ўзгариш қонуниятлари

Шунинг учун уларни массаларнинг ҳаракат қонунига таъсирини ўрганиш илмий аҳамият касб этади. Олинган қонуниятларда юкланиш $M_k + M_{\text{шк}} = (95 \pm 1,5) Nm$ бўлганда $\dot{\phi}_m$, нинг қийматлари ўртача $68,05 s^{-1}$ бўлса, юритгич бурчак тезлиги $72,1 s^{-1}$ оралиғида бўлади. Бунда уларнинг ўртача фарқи $4,0 s^{-1}$ гача боради. Бунда технологик қаршилик ва ишқаланиш кучлари моментини таъсирини таъкидлаш ўринлидир.

Мос равишда технологик юкланиш ўртача $(165 \pm 2,5) Nm$ бўлганда, $\Delta_1 = \dot{\phi}_\omega - \dot{\phi}_m$ қийматлари ўртача $(7,0 \div 7,5) s^{-1}$ ни ташкил этса $\Delta_2 = \dot{\phi}_\omega - \dot{\phi}_\omega$ қийматлари $(1,2 \div 1,6) s^{-1}$ ни ташкил этади.

Бунда винт валидаги бурчак тезлик деярли номинал қийматиға нисбатан $(2,1 \div 2,5) s^{-1}$ гача камайишини кўриш мумкин. Бунда $\dot{\phi}_\omega$ ўртача қийматлари $(14,9 \div 16,3) s^{-1}$ оралиғида тебранишини кўриш мумкин. Олинган қонуниятларни қайта ишлаб параметрларнинг боғланиш графиклари қурилди. 6-расмда машина агрегати массаларининг бурчак тезликлари ва юритма валидаги юкланишни технологик қаршилик ва ишқаланиш кучлари моментига боғлиқлик графиклари келтирилган. Графиклар таҳлилиға асосан $(M_k + M_{\text{шк}})$ ўртача қийматлари $0,9 \cdot 10^2 Nm$ дан $2,4 \cdot 10^2 Nm$ гача ортганида $\dot{\phi}_\omega$ ўртача қийматлари $0,726 \cdot 10^2 s^{-1}$ дан $0,584 \cdot 10^2 s^{-1}$ гача, $\dot{\phi}_m$ ўртача қийматлари эса $0,695 \cdot 10^2 s^{-1}$ дан $0,56 \cdot 10^2 s^{-1}$ гача ночизикли қонуниятда камайса, $\dot{\phi}_\omega$ қийматлари $1,58 \cdot 10 s^{-1}$ дан $0,91 \cdot 10 s^{-1}$ гача камайса, $\dot{\phi}_\omega$ ўртача қийматлари эса $M_k, M_{\text{шк}}, c_1, c_2, c_3$ ҳамда инерция моментлари қийматларига қараб $1,505 \cdot 10 s^{-1}$ дан $0,87 \cdot 10 s^{-1}$ гача ночизикли қонуниятда камаяди. Технологик қаршиликлар ифодаларида винтнинг киримлари, қадами, айланиш частотаси

инобатга олинган. Винт вали бурчак тезлиги 19 s^{-1} дан юқори бўлиши конвейер иш унумини етарли даражада таъминлаши таъкидланган. Шунинг учун конвейер иш унумини етарли даражада таъминлаши учун $M_k \leq [(120 \div 125) \pm (8,5 \div 11)] \text{ Nm}$; $M_{\text{ишк}} \leq (20 \div 23)$ бўлиши тавсия этилади. Таъкидлаш лозимки, ротор валидаги юкланиш $J_{\text{ю}} = 0,125 \text{ kg m}^2$ бўлганда $M_{\text{ю}}$ ўртача қийматлари $0,32 \cdot 10 \text{ Nm}$ дан $3,1 \cdot 10 \text{ Nm}$ гача ночизикли қонуниятда боришини кўриш мумкин. (6-расм, 5-график).



$$1 - \dot{\varphi}_{\text{ю}} = f(M_k + M_{\text{ишк}}); \quad 2 - \dot{\varphi}_m = f(M_k + M_{\text{ишк}});$$

$$3 - \dot{\varphi}_{\text{ш}} = f(M_k + M_{\text{ишк}}); \quad 4 - \dot{\varphi}_v = f(M_k + M_{\text{ишк}});$$

$$5, 6 - M_{\text{ю}} = f(M_k + M_{\text{ишк}}); \quad 5 - J_{\text{ю}} = 0,25 \text{ kg m}^2; \quad 6 - J_{\text{ю}} = 0,128 \text{ kg m}^2$$

6-расм. Машина агрегати массаларининг бурчак тезликлари, юритма валидаги юкланишни технологик қаршилик ва ишқаланиш кучлари моментига боғлиқлик графикалари

Мос равишда M_k ва $M_{\text{ишк}}$ қийматлари ортиб боришида ва $J_{\text{ю}}$ қиймати $0,25 \text{ kg m}^2$ бўлганда, $M_{\text{ю}}$ ўртача қийматлари $0,78 \cdot 10 \text{ Nm}$ дан $4,61 \cdot 10 \text{ Nm}$ гача ортишини кўриш мумкин. Маълумки, инерция моментини ортиши билан мос равишда ҳаракат текисланади, лекин юкланиш, сарф қувват ортади. Шунинг учун $J_{\text{ю}} \leq (0,2 \div 0,22) \text{ kg m}^2$ оралиғида бўлиши тавсия этилади.

ХУЛОСА

Икки қиримли, қайишқоқ таянчли винти бўлган конвейернинг электр юритгич механик характеристикасини, ЎУН ли тасмали узатмасини инерцион, биқирлик-диссипатив хусусиятлари ҳамда технологик қаршилик, ишқаланиш кучлари моментини инобатга олиб, тўрт массали машина агрегати динамика масаласи ечилди, массаларнинг ҳаракат қонунлари аниқланди. Икки қиримли винт қайишқоқ таянчи биқрлигини инобатга олиб, ишқаланиш кучларини аниқлаш формуласи аниқланди. Олинган ҳаракат қонуниятлари, боғланишграфикалари таҳлилига кўра машина агрегати параметрлари асосланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Светлицкий В.А., Стасенко И.В. Сборник задач по теории колебаний. Учебное пособие для вузов. М., «Высш. школа», 1973 г. с. 456.
2. Артоболовский И.И. Теория механизмов и машин. - М.: Наука, 1988.с.640.
3. А.Мамахонов, К.Юлдашев. “Разработка эффективной конструкции и

обоснование параметров винтового конвейера для транспортировки и очистки хлопкового линта” “Механика муаммолари” 2020 №2 сон. 80-83 б.

4. А. Дж. Джураев., Н.Н.Жураев., Б.В.Давронов. Винтсимон конвейерлар механизмларини ишлаш муддатини оширишда подшипник корпусининг ўрни ва аҳамияти // Фарғона Политехника Институтининг Илмий техника журналин. 2021йил. Махсус сон №2. Б.226-230.

5. А. Дж.Джураев., Н.Н.Жураев. Подшипникларни ишлаш даврийлигини оширишда қайишқоқ элементларнинг механизмларга қўлланилиши // “Илм-фан тараққиётида ёшларнинг ўрни” мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг микёсидаги илмий- амалий онлайн- конференция материаллари тўплами. Андижон 2020. Б.42-45.

6. Джураев А., Жураев Н.Н. Methods for calculating the parameters of screw conveyors with a two-way wave surface. Наманган муҳандислик-технология институтининг илмий-техника журналин. VOL 6 – Issue (1) 2021. -с. 205.

7. Маматова Д., Юнусов С. Муродов О. Механизм привода с ременной передачей с переменным передаточным отношением. Тезис докладов международной научной конференции «Проблемы теоретической и прикладной механики». Алматы, Казахстан, 2006. Алматы. -2006, с. 96.

8. Mansuova M.A., Behbudov Sh.H., Tashpulatov S.Sh. Mathematical model of dynamics of device for applying polymer composition on grind parts of the clothes // European Sciences review. -Austria. – 2016 y. (January–February) № 11–12. - P. 129-131.

9. Мансурова М.А., Таджибаев З., Мансурова Д., Динамические исследования механизма с упругой связью толкателя нижней нити швейной машины // Ж. «Известия Вузов», серия технических наук, № 2-3, Ташкент, 2002, - С.69-72.

УДК 677.21.021

ПАХТАНИ ТОЗАЛАШ МАШИНАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мурадов Рустам Мурадович
НамМТИ профессори, Rustam.m@list.ru +998942729456

Жамолов Абдурахмон Солижонович
НамМТИ, PhD, abdurahmon_jamolov@gmail.ru, +998 93 914 54 25

Қозоқов Саидмухтор Олимжон ўғли
НамМТИ таянч докторанти, qozoqovsaidmuxtorgmail.com +998993090241

Тохирова Мафтуна Умиджон қизи
НамМТИ таянч докторанти, [+998770106123](tel:+998770106123)

Аннотация. Ушбу мақолада пахтани майда ифлосликлардан тозалаш бўйича янги таклиф этилаётган қурилма келтирилган бўлиб, бу қурилмани ишлаш жараёнида бурчак тезлигининг оний қиймати ҳамда тебранишларнинг оний қийматларини отсилографдан фойдаланиб графикларини топилган ҳамда натижаларни таҳлил қилинган.

Аннотация. В этой статье приведена новая предполагаемая конструкция устройства по очистке хлопка от мелких примесей, а величина углов раскрытия и

величина вибраций в процессе работы устройства находятся по осциллографу, находятся по графикам, а также дополнительно анализированы и приведены по результатам.

Annotation. This article presents a new proposed design of a device for cleaning cotton from small impurities, and the magnitude of the opening angles and the magnitude of vibrations during the operation of the device are found on an oscilloscope, are found on graphs, and are also additionally analyzed and given according to the results.


Калит сўзлар. Майда ифлослик, қозикли барабан, тензодатчик, деформация, отсцилограф, индукция, график, айланувчи ротор.

Ключевые слова. Мелкие примеси, колковый барабан, тензодатчик, деформация, осциллограф, индукция, график, вращающийся ротор.

Key words. Small impurities, peg drum, load cell, deformation, oscilloscope, induction, graph, rotating rotor.

Жаҳонда табиий толалардан бири ҳисобланган пахта толасига талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда, сифатли тола ишлаб чиқаришда пахтани тозалаш қурилмаларидан умумли фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Дунё микёсида тўқимачилик саноатининг асосий хомашёларидан бири бўлган пахта толаси ишлаб чиқарувчи техника ва технологияларини такомиллаштириш орқали ускуналар иш унумдорлигини, тозалаш самарадорлигини яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатини оширувчи техникаларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда [1].

Республикамиз пахтачилик саноатида пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияси, ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатини оширишга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш ва уларни корхоналарга қўллаш бўйича кенг қўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш» бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сифатли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларни қўллаган ҳолда, сифатли пахта толасини олиш учун ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган жиҳозларни модернизация қилиш орқали сифатни ошириш борасида кенг қўламли тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, пахтани тозалашда қия жойлашган қозикли барабанларни конструкциясини такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.




1-расм. Индукцион датчик тузилиши

Шу боисдан пахтани майда ифлосликлардан тозалаш агрегатининг янги қия жойлашган қозикли барабанли конструкциясини ишлаб чиқилди. Бу қия жойлашган

қозикли барабан ишлаш жараёнида қурилмада ҳосил бўлган бурчак тезликнинг оний қийматини ўрганиш учун махсус индукция қонунларига асосланган кичик электр юритувчи куч (ЭЮК) ҳосил қилувчи қурилма тайёрланди [2].

Ушбу қурилмада ҳосил бўлган (ЭЮК) нинг қиймати валдаги бурчак тезликнинг қийматига тўғри мутаносиб бўлиб (ЭЮК)нинг вақт бўйича олинган натижаларини отсилограф ёрдамида ҳисоблаш машинасига юклаб сўнгра график устида таҳлил ишларини олиб бориш имконияти мавжуд бўлади.

2-расмда валдан олинган сигналнинг вақт бўйича графиги келтирилган бўлиб, бунда вақт ўтиши билан ундаги бурчак тезликнинг ўртача қиймати ортиб бўришини кўриш мумкин. График юқорисида кузатув ўтказилган сана ва вақт, отсилограф каналининг тартиб рақами, отсилографда танлаган сигнал қабул қилиш частотаси, даври, сигнал импульслари орасидаги ўтиш вақти ҳамда танланган интервалда кузатилиши мумкин бўлган сигнал кучланиш амплитудасининг қиймати келтирилган [3].



2-расм. Қурилма валининг двигател тасмали узатмаси бириктирилган қисмида олинган индуксион (ЭЮК)нинг вақт бўйича графиги.

Индуксион датчикда индукцияланган ЭЮК:

$$\varepsilon = \varepsilon_m \sin(\omega t + \varphi) \quad (1)$$

қонун бўйича ўзгаради.

Бу ерда

$$\omega = \frac{\alpha}{t} = \frac{2\pi}{t} \quad \text{rad/s} \quad (2)$$

бўлиши керак.

Бирок графикдаги қонуният гармоника қонуниятларига ҳар доим ҳам бўйсунмаслиги кўриниб турибти. Бунга сабаб валга тушаётган юкнинг вал инерсиясига таъсири бўлиб уни кузатиш учун микро ва нано секундлардаги ўзгаришни сезувчи асбобга эҳтиёж пайдо бўлади ва бундай кузатувни отсилографдан фойдаланиб амалга ошириш тўғри танлов эканлигини олинган натижа билан исботланди. Бунга мисол 80 ва 240 мкС ларда бўлган ҳодисадир.


3-расмда дастлабки кузатув нуқтасининг ишчи жисм тушгандан сонги меҳаник кучланишдан чиқиш вақтдаги 30-40 мкС интервали олинган бўлиб бунда қурилманинг меҳаник кучланишда турғун ишлаганини кўриш мумкин. 5-расмда қурилманинг турғун ҳолига интилиши ва суний нотурғунликдан олинган график таҳлилидан фойдаланиб иш жараёнида вижудга келиши мумкин бўлган нотурғунлик ҳолатларида ҳам ишлай олишини баҳолашимиз мумкин. Олинган натижалар таҳлилига кўра пахта тозалаш қурилмаси бурчак тезлигининг ўртача қийматлари доимий сақланди.



3-расм. Валининг двигател тасмали узатмаси бириктирилган қисмида олинган индуксион (ЭЮК)нинг вақт бўйича 2- графиги.

$$u_{o'rt} = \frac{\varphi_1 + \varphi_2 + \varphi_3 + \dots + \varphi_{(n-1)} + \varphi_n}{n} = \frac{d\varphi}{dt} = const \quad (3)$$


(3) ифодага биноан пахта тозалаш қурилмаси бурчак тезлигининг ўртача қийматлари доимий сақланишини кузатиш мумкин. Бунинг учун ихтиёрий натижа қийматларини кетма кет n тасини олиш ва ўрта арифметигини топишни ўзи кифоя. Аниқлик юқори бўлиши учун унинг қиймати катта бўлиши шарт [4].




4-расм. Ўлчов назоратида тасмани салқи ҳолатга келтирилди ва қурилма асос таянчларидан айримлари олиб қўйилган ҳолдаги сигнал шакли

Тензодатчик деформатсия натижасида (ЭЮК) ҳосил бўлишини таъминлаб беради. Бу эса тебранувчи объектни отсилограф ёрдамида тебранишларининг бир неча микросекунд интервалларда кузатишни самарали усулидан фойдаланиш имконини беради. 6-расмда анъанавий усул билан вибратция катталикларини таҳлил қилиш услуби келтирилган.

Бироқ аниқ бир тебранишнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан чекланмасдам балки унинг катталикларини ҳам аниқ интервалларда ўлчай олиш даркор. Бунинг учун аниқ бир деформация катталигига мос келувчи (ЭЮК) қийматларини билиш ва ўлчов қурилмасини калибрлаш (натижаларни мос қонуниятлар асосида керакли катталикларга озгартириш) керак.[5]





5-расм. Қия жойлашган қозикли барабанли пахта тозалаш қурилмасининг турли нукталаридан олинган тензодатчик орқали аниқланган таъсир кучларининг осцилограммалари

Юқоридаги графикда қурилманинг бешта нуктасидаги тебранишларнинг вақт бўйича қийматлари келтирилган бўлиб улар қуйидагича; 1-пахта чиқиш томони тасмали узатма шкифнинг тепа қисмида, 2-пахта чиқиш томони тасмали узатма шкифнинг ён қисмида, 3-двигател қисмида, 4-қурилма чиқиш томон таянчининг қуйидан 15 см тепа қисмида, 5-қурилма ишчи қисмининг юқори иккинчи ярмида [6].

Двигателнинг ўлчамга нисбатан айланувчи роторни айна вақтнинг ўзида маҳовик деб ҳисоблаш ва двигателда тебраниш ва резонанс ҳодисаларни сўндиришга хизмат қилади деб ҳисобланса тўғри бўлади ва бунинг исботи юқоридаги графикнинг учинчи шаклида номоён бўлган.

Қурилманинг ерга яқин нукталарида ҳам юқори қисмга нисбатан тебранишнинг амплитудаси паст, бироқ частота қийматлари айна бир қурилмалиги учун бир бирига яқин. Энергия сарфини ҳисобга олган ҳолда мавжуд тебранишларни ишни самарадорлигига салбий таъсири сезилмади. Аммо кам ва кичик амплитудали тебранишларни сўндириш учун махсус маҳовиклар тайёрлаб фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. W.S. Anthon and D.M. William Cotton ginners handbook АҚШ департаменти, 1994.
2. А. Жамолов, Р. Муродов “Эффективные способы очистки хлопка от мелкого сора” УНИВЕРСУМ: Технические наук. Выпуск:5(74) май 2020 часть 2. Моксва, 11-14 ст
3. А. Жамолов “Analysis of Devices Which Clean Raw Cotton from Fine Impurities” International Jurnal of advanced Research in Science, Engineering and Technology. 6.06.2019(ISSN: 2350-0328) Hindiston
4. Бобоматов А.Х. Пахтани майда ифлосликлардан тозалашнинг самарали конструкциясини яратиш ва ҳисоблаш усулларининг илмий асосларини

такомиллаштириш. Техника фанлари фалсафа доктори диссертация, ТТЕСИ, Тошкент, 2017.

5. Ражабов О.И. Пахта хом-ашёсини майда ифлосликлардан тозалаш технологиясини такомиллаштириш. Техника фанлари фалсафа доктори диссертация, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро, 2019.

6. E.Muxametshina R.Murodov, A.Жамолов “Possibilities of scarring ways to reduce in the process of cleaning the cotton” In recognition of his/her active and invaluable participation during the “1st” international Conference on Energetics, Civil and Agricultural Engineering (ICECAE 2020) skopus ro‘uxatiga kiritilgan 16 oktyabr 2020 yil.

УДК 671.21

ПАХТАНИ МАЙДА ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАГИЧ БАРАБАНИ ЭГРИ ҚОЗИҚЧАСИ ЭГРИЛИК РАДИУСИ ҚИЙМАТЛАРИНИ ХИСОБЛИК НАТИЖАЛАРИ

Джураев Анвар Джураевич
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти т.ф.ф.д проф.
E-mail: adjurayev1948@gmail.com

Юлдашев Козимжон Комилжонович
Андижон машинасозлик институти т.ф.ф.д (PhD)
E-mail: kozimjon590@gmail.com

Далиев Шухрат Латибжонович
Андижон машинасозлик институти т.ф.ф.д (PhD)
E-mail: daliyevshukhrat202@gmail.com

Низомов Темурбек Исожон ўғли
Андижон машинасозлик институти стажёр тадқиқотчи
E-mail: temurbeknizomov@gmail.com, tel: +99(893) 781-81-41

Аннотация. Мақолада тавсия қилинган эгри чизиқли барабанлари бўлган пахтани майда ифлосликлардан тозалашда эгри қозикчалар сиртидан пахта бўлагини муозанат шартига асосан эгри сирти радиусини аниқлаш формуласи келтирилган. Сонли ечим асосида қозикча эгрилик радиусини барабан параметрларига боғлиқлик графиклари олинган тахлиллар асосида параметрларни мақбул қийматлари тавсия қилинган.

Абстрактный. В статье представлена формула для определения радиуса криволинейной поверхности исходя из условия равновесия куска хлопка с поверхностью криволинейных ворсов при очистке хлопка криволинейными барабанами от мелких примесей. На основе численного решения были получены графики зависимости радиуса кривизны сваи от параметров барабана и рекомендованы оптимальные значения параметров.

Abstract. The article presents a formula for determining the radius of a curved surface based on the equilibrium condition of a piece of cotton with the surface of curved piles when cleaning cotton with curved drums from small impurities. Based on the numerical solution, graphs of the dependence of the pile curvature radius on the drum parameters were obtained and the optimal values of the parameters were recommended.


Калит сўзлар. тозалагич, майда ифлослик, эгри қозик, радиус, барабан, бурчак

тезлиги, ишқаланиш, масса, силжиш, реакция, хаво қаршилиги, параметр, тозалаш, самараси.

Ключевые слова. очиститель, мелкая грязь, изогнутый ворс, радиус, барабан, угловая скорость, трение, масса, перемещение, реакция, сопротивление воздуха, параметр, зазор, эффект.

Keywords. cleaner, fine dirt, curved pile, radius, drum, angular velocity, friction, mass, displacement, reaction, air resistance, parameter, gap, effect.

Кириш. Ҳисоб схемаси математик модели. 1ХК тозалаш машинасида 4 та кетма-кет бир хил конструкциядаги ва ишлаш режимида пахта майда чиқиндилардан такроран тозаланади. [1,2]; Бунда тозалаш самараси юқори эмас тола шикастланиши юқори. Тавсия этилган тозалагичда барабан қозикчалари эгри қилиб олинган. Пахтани ҳар тўртта барабандан ўтишида титилганлик даражаси ва илиб олинган пахта бўлаклари массаси ҳар хил бўлади. Шунинг учун бир барабан қозикчалари эгрилигини асослаш учун назарий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.



1-расм. Барабан эгри қозикчали сиртидаги пахта бўлагини мувозанат шартини аниқлаш бўйича ҳисоб схемаси.

1-расмда барабан эгри қозикчаси сиртидаги пахта бўлагини мувозанат шартини аниқлаш бўйича ҳисоб схемаси келтирилган. Унга асосан пахта бўлагига куйидаги кучлар таъсир қилади: \vec{G} – оғирлик кучи; $\vec{F}_{кор}$ – кориолис кучи; \vec{N} – реакция кучи; $\vec{F}_{ин}$ – инерция кучи; $\vec{F}_{мк}$ – марказдан қочма куч; $\vec{F}_{иш}$ – ишқаланиш кучи; \vec{F}_x – хавони қаршилик кучи. [3,4];

Мавзуни аналитик ифодадан фойдаланиб [7,8,9,10]; пахта бўлагини барабан қозикчаси сиртидаги ҳаракат қонунини ифодаловчи ечим оинди:

$$y = \left[\frac{fKR V_x^2}{m\omega^2} + \frac{(1-f^2)g}{2\omega^2(1+f^2)} - \frac{\left(R + \frac{(1-f^2)}{2\omega^2(1+f^2)} \right) - \frac{fKV_x^2}{m\omega^2} (f + \sqrt{1+f^2})}{2f} \right].$$

$$\begin{aligned} & \cdot e^{-\omega t(f+\sqrt{1+f^2})} + \left[\frac{\left(R + \frac{(1-f^2)}{2\omega^2(1+f^2)} \right) - \frac{fKV_x^2}{m\omega^2} (f + \sqrt{1+f^2})}{2f} - \frac{1}{2\omega^2(1+f^2)} g \right] \cdot \\ & \cdot e^{\omega t(f-\sqrt{1-f^2})} + \frac{g}{\omega^2(1+f^2)} \left[f \sin \omega t - \frac{(1-f^2) \cos \omega t}{2} \right] + R - \frac{fKV_x^2}{m} \end{aligned} \quad (1)$$

Бу ерда m – пахта бўлаги массаси; ω – қозикли барабан бурчак тезлиги; R – барабан ички айланиш радиуси; y – ўқ бўйича силжиш масофаси; g – эркин тушиш тезланиши; f – пахта бўлаги билан эгри қозикча орасидаги ишқаланиш коэффициенти; α – оғирлик кучи билан U ўқи орасидаги бурчак.

Олинган (1) ни ечимни тахлилига кўра таъкидлаш лозимки бошлангич қисмида ўтиш жараёнида биринчи иккита қўшилувчи қийматлар вақт ўтиши билан кичиклашиб боради ва уларнинг қийматлари кейинги қўшилувчилар, яъни мажбурий ҳаракатни ифодаловчи ҳадларга нисбатан жуда кичик бўлиб, уларни инобатга олмаймиз.

Шу билан бирга эгри қозикча сиртидаги пахта бўлагини “ U ” ўқи бўйича элементар силжийди. θ – бурчаги бўйича r – радиусга мос равишда ҳаракатланади. 2-расмда келтирилган ҳолат схемасига асосан:

$$\theta = \arcsin \frac{y}{r} \quad (2)$$


Бунда (19) инобатга олсак (20) куйидаги кўринишга келади. Бунда қозикча эгрилик радиуси:

$$\begin{aligned} r = \frac{1}{\theta} & \left[\frac{fKR V_x^2}{m\omega^2} + \frac{(1-f^2)g}{2\omega^2(1+f^2)} - \frac{\left(R + \frac{(1-f^2)}{2\omega^2(1+f^2)} \right) - \frac{fKV_x^2}{m\omega^2} (f + \sqrt{1+f^2})}{2f} \right] \cdot \\ & \cdot e^{-\omega t(f+\sqrt{1+f^2})} + \left[\frac{\left(R + \frac{(1-f^2)}{2\omega^2(1+f^2)} \right) - \frac{fKV_x^2}{m\omega^2} (f + \sqrt{1+f^2})}{2f} - \frac{1}{2\omega^2(1+f^2)} g \right] \cdot \\ & \cdot e^{\omega t(f-\sqrt{1-f^2})} + \frac{g}{\omega^2(1+f^2)} \left[f \sin \omega t - \frac{(1-f^2) \cos \omega t}{2} \right] + R - \frac{fKV_x^2}{m} \end{aligned} \quad (3)$$


Масалани сонли ечими ва натижалар тахлили. Пахтани майда ифлосликлардан тозалагич барабани эгри қозикчаси сиртидаги пахта бўлагини ҳаракатини ҳамда қозикча сиртида пахта бўлагини илиб олиниб олиб кетиши шартидан келиб чиқиб система параметрларининг қуйи қийматларида амалга оширилди: $m=(0,15 \div 0,75) \cdot 10^{-3}$ кг; $g=9,8$ м/с²; $\omega=(40 \div 45)$ С⁻¹; $f=(0,15 \div 0,4)$; $D=2R=(0,31 \div 0,35)$ м; $K=(0,05 \div 0,07)$ кг/м; $V_x=(1,2 \div 1,4)$ м/с; $e=2,72$; $n=0,7 \cdot 10^{-3}$ м.

Сонли ечимга асосан қозикча эгрилик радиусини ўзгариш қонуниятини система параметрларига боғлиқлик графиклари қурилди. 3 – расмда барабан қозикчаси эгрилик радиусини пахта бўлагини силжиш масофасига боғлиқлик графиклари келтирилган. Олинган (1) га асосан “ U ” қийматлари ҳисобланиб (3) га асосан r қийматлари ҳисобланди. Қурилган график боғланишлар тахлилига кўра пахта бўлагини силжиш масофаси $1,5 \cdot 10^{-2}$

м дан $4,2 \cdot 10^{-2}$ м гача кўпайтирилганида қозикчанинг эгрилиги радиуси $\Theta=85^{\circ}$ бўлишида r қийматлари $4,61 \cdot 10^{-2}$ м дан $6,2 \cdot 10^{-2}$ м гача чизиксиз боғланишда кўпайиб бориши кузатилди. Чунки қозикча эгрилик радиуси қанча катта бўлса, пахта бўлагининг силжиш масофаси шунча юқори бўлади.



2-расм. Ҳисоб схемалари.




- 1 – $\theta = 85^{\circ}$; 2 – $\theta = 75^{\circ}$;
 3 – $\theta = 65^{\circ}$; 4 – $\theta = 55^{\circ}$;

3-расм. Барабан қозикчаси эгрилик радиусини пахта бўлагини силжиш масофасига боғлиқлик графиклари.

Қозикча эгрилик зонаси қамров бурчаги қиймати 55° қилиб олинганида эса, қозикча эгрилик радиуси $4,65 \cdot 10^{-2}$ м дан $9,3 \cdot 10^{-2}$ м гача ночизикликни боғланишда ортиб бориши аниқланди. Демак, пахта бўлагини қозикча сиртида етарли даражада сақланиб қолиши учун унинг силжиш масофасини камайтириш, яъни $y \leq (3,0 \div 4,0) \cdot 10^{-2}$ бўлиши ва $\Theta = (60^{\circ} \div 70^{\circ})$ оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, қозикчали барабан бурчак тезлиги ортиши билан марказдан қочма кучини ортиши ҳисобига қозикча сиртидан пахта бўлаклари жуда тез чиқиб кетади. Шунинг учун барабан бурчак тезлигини тавсия қийматларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. 4-расмда барабан қозикчаси эгрилик радиусининг барабан бурчак тезлигини ўзгаришига боғлиқлик графиклари келтирилган. Таҳлилларга биноан қозикчали барабан бурчак тезлиги $4,0 \cdot 10 \text{ С}^{-1}$ м дан $5,0 \cdot 10 \text{ С}^{-1}$ гача ўзгарганида ва пахта бўлаги массаси $0,6 \cdot 10^{-3}$ кг бўлишида қозикча эгрилик даражаси қийматлари $7,78 \cdot 10^{-2}$ м дан $5,21 \cdot 10^{-2}$ м гача ночизикли боғланишда камаяди (4-расм, 1-график). Мос равишда $m=0,2 \cdot 10^{-3}$ кг бўлганида эса, r нинг қийматлари $9,31 \cdot 10^{-2}$ м дан $5,81 \cdot 10^{-2}$ м гача камайиши аниқланди бунда пахта бўлакларини қозикча эгри сиртида етарли вақтгача камайишини таъминлаш учун барабан бурчак тезлиги $\omega \leq (4,3 \div 4,6) \cdot 10 \text{ С}^{-1}$ ва пахтани титилганлиги ҳисобига $m \leq (0,4 \div 0,6) 10^{-3}$ кг бўлиши тавсия этилади.



- 1 – $m = 0,6 \cdot 10^{-3}$ кг; 2 – $m = 0,4 \cdot 10^{-3}$ кг;
 3 – $m = 0,2 \cdot 10^{-3}$ кг;

4-расм. Барабан қозикчаси эгрилик радиусини барабан бурчак тезлигини ўзгаришига боғлиқлик графиклари.

5-расмда тавсия этилган тозалагич барабани қозикчаси эгрилик радиусини унинг сиртидаги пахта бўлаги массасига боғлиқлик графиклари келтирилган. Бунда пахта бўлаги массаси қанча катта бўлса унинг қозикчадан чиқиб кетиши ҳолати юқори бўлади. Ушбу ҳолатда марказдан қочма куч таъсири юқори бўлади. Жумладан, m қийматлари $0,2 \cdot 10^{-3}$ кг дан $0,8 \cdot 10^{-3}$ кг гача ортишида ва ишқаланиш коэффициенти $0,35$ га тенг бўлганида қозикча эгрилик радиуси қийматлари $5,1 \cdot 10^{-2}$ м дан $7,6 \cdot 10^{-2}$ м гача чизиксиз қонуниятда кўпайса, мос равишда $f=0,15$ гача камайганида r нинг қийматлари $6,12 \cdot 10^{-2}$ м дан $9,39 \cdot 10^{-2}$ м гача ночизикли боғланишда кўпаяди. Демак, пахта бўлаклари қанчалик титилган бўлса уни қозикча эгри сиртида сақланиш вақти ортади, тавсия қийматлари $m \leq (0,4 \div 0,6) 10^{-3}$ кг.


Қайд этиш керакки, пахта бўлагини барабан қозикчаси сирти билан ишқаланиш коэффициенти катта бўлса, унинг силжиш масофаси камаяди. 6-расмда барабан қозикчаси эгрилик радиусини f ўзгаришига боғлиқлик графиклари келтирилган. Курилган график боғланишларни таҳлил қилиш асосида аниқландики, пахта бўлагини эгри қозикча сирти билан ишқаланиш коэффициенти қийматлари $0,15$ дан $0,4$ гача кўпайганида ва $R=0,18$ м бўлганида қозикча эгрилик радиуси қийматлари $9,21 \cdot 10^{-2}$ м дан $6,73 \cdot 10^{-2}$ м гача ночизикли қонуниятда камайиб бориши аниқланди. Худди шунингдек, барабан радиуси қиймати $0,15$

м гача камайганида эса r қийматлари $6,59 \cdot 10^{-2}$ м дан $4,83 \cdot 10^{-2}$ м гача камайиши қайд этилди. Бунда ишқаланиш коэффициентлари тавсия қийматлари $f=(0,2 \div 0,25)$.

Тавсия этилган пахтани майда ифлосликлардан тозалагичда тозалаш самарасини таъминлаш учун пахтани титилганлик даражасига қараб барабанлар бўйича қуйидаги қийматлар тавсия этилади:


Биринчи барабанда: $m \geq (0,6 \div 0,8) \cdot 10^{-3}$ кг да $r=(5,5 \div 6,5) \cdot 10^{-2}$ м; $\omega=(0,42 \div 0,43) \cdot 10^2$ с⁻¹.

Иккинчи барабанда $m=(0,4 \div 0,6) \cdot 10^{-3}$ кг да $r=(6,5 \div 7,5) \cdot 10^{-2}$ м; $\omega=(0,43 \div 0,45) \cdot 10^2$ с⁻¹.



1 – $f = 0,35$; 2 – $f = 0,25$; 3 – $f = 0,15$;

5-расм. Тавсия этилган тозалагич барабани қозикчаси эгрилик радиусини унинг шартидаги пахта бўлаги массасига боғлиқлик графиклари.



1 – $R = 0,18$ м; 2 – $R = 0,17$ м;

3 – $R = 0,16$ м; 4 – $R = 0,15$ м;

6-расм. барабан қозикчаси эгрилик радиусини барабан радиусини ўзгаришига боғлиқлик графиклари.

Учинчи барабанда $m=(0,2 \div 0,4) \cdot 10^{-3}$ кг да $r=(7,5 \div 8,5) \cdot 10^{-2}$ м; $\omega=(0,45 \div 0,47) \cdot 10^2$ с⁻¹.

Тўртинчи барабанда $m=0,2 \cdot 10^{-3}$ кг да $r=(8,5 \div 9,0) \cdot 10^{-2}$ м; $\omega=(0,47 \div 0,49) \cdot 10^2$ с⁻¹.

Хулоса. Пахтани майда ифлосликлардан тозалагичнинг самарали конструкцияси тавсия этилган. Назарий тадқиқотлар асосида барабаглар қозикчаларини эгрилик радиуслари ва бурчак тезликларининг мақбул қийматлари тавсия этилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Э.З.Зикриёева. Первичная переработка хлопка сырца. Учебной пособие. Т.,Мехнат, 1999. С 84-86
2. Пособие по первичной обработки хлопка, “Узпахтасаноат” Ташкент, 2019, 141-150 стр.
3. Djuraev A. 1987 Dynamics of working mechanisms of cotton-processing machines (Tashkent: Fan) 168 p
4. Yunusov S.Z. Khaidarov A and Bobomurodov T.G. 2013 Machine unit with the mechanism of a composite cylinder of technological machines *Theory of machines and working processes MNPК 2013 pp 26-7*
5. Mansurov M.A. Madrakhimov SH and Umarova Z.M. 2016 Analysis of the influence of the lengths of the coupler and rocker arm links on the position of the flat four-link mechanism *Theory of mechanisms and machines 14 1(2) pp 21-9*
6. Dzhuraev A, Zukhriddinov A, Mukhammedjanova S, Mavlonova I and Tursunova G. 2020 Dynamics of machine aggregates with mechanisms of working bodies for cleaning cotton from fine impurities. *Solid State technology. Blind Peer Review Referred Journal 63 (6) pp 169-81*
7. Anvar Dzuraev, Sardor Saitkulov, Bekzod Bozorov. Investigation of working bodies of cotton cleaning machine //Modern Innovations, Systems and Technologies, 2021, 1(4).
8. Джураев А. Сайиткулов С.О. ЭПРА Интарнационал Жоурнал оф Ресерч анд Девелопмент (Ижрд) “Ресерч Он Импровинг Ехе Воркинг Бодиес Оф Тхе Мачине Фор Слеанинг Соттон Фром Waste” Воolume: 6 Иссуе 3марч 2021.
9. Сайиткулов С.О. “Development of a New Design for Drying Cotton Seeds with Purpose of Efficient Use of Heat” *International Journal Of Advanced Research In Science, Engineering And Technology. Vol.7, Issue 4, April 2020*
10. A.Djurayev S.Sayitqulov O.Rajabaov B.Haydarov “Analysis of the _____ effect of a piece of cotton with a flat surface with a multi-sided grates slope” *Journal of Physice conference Series №19/12, 2022*
11. A.Djurayev P.Kh. Maxsudov Sh. Holdarov. A.Tukhliyev “Analysis of flexural oscillation of the shaft of saw cylinder on the elastic bearing supports of the fiber cleaner. *Journal of Physice conference Series APITECH-IV-2022*
12. A.Djurayev K.Yuldashev O.Teshaboyev. “Determination of ways of effectient of A SCREW conveyor for transportation of voluntary materials” МНПХ “Технология новых материалов перс пектива развития полимерных материалов применя емых в машинастроении” Андижан 2022 ст,24-26

УДК 671.21

ПАХТАНИ МАЙДА ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАГИЧ БАРАБАНИ ЭГРИ ҚОЗИҚЧАЛАРИ СИРТИДА ПАХТА БЎЛАГИ ҲАРАКАТИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Джураев Анвар Джураевич
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти т.ф.д проф.
E-mail: adjurayev1948@gmail.com

Юлдашев Козимжон Комилжонович
Андижон машинасозлик институти т.ф.ф.д (PhD)
E-mail: kozimjon590@gmail.com

Худойқулов Шавкат Сойибжанович
Наманган давлат педагогика институти т.ф.ф.д (PhD)
E-mail: daliyevshukhrat202@gmail.com

Низомов Темурбек Исожон ўғли
Андижон машинасозлик институти стажёр тадқиқотчи
E-mail: temurbeknizomov@gmail.com, tel: +99(893) 781-81-41

Аннотация. Мақолада тавсия қилинган эгри чизикли барабанлари бўлган пахтани майда ифлосликлардан тозалашда эгри қозикчалар сиртидан пахта бўлагини муозанат шартига асосан эгри сиртни радиусини аниқлишнинг назарий асослари келтирилган. Аналитик усулда пахта бўлагини эгри қозикча сиртидаги харакатини ифодаловчи математик моделда қозикча радиуси, қамров бурчагида барабан радиуси бўйича ўқ бўйлаб харакати формулалари олинган.

Аннотация. В статье представлены теоретические основы определения радиуса криволинейной поверхности исходя из условия уравнивания куска хлопка с поверхности криволинейных ворсов при очистке хлопка криволинейными барабанами от мелких примесей. В математической модели, представляющей движение куска ваты по поверхности изогнутого ворса, получены формулы движения вдоль оси в зависимости от радиуса ворса и радиуса барабана в угле охвата.

Abstract. The article presents the theoretical foundations for determining the radius of a curved surface based on the condition of balancing a piece of cotton from the surface of curved piles when cleaning cotton with curved drums from small impurities. In a mathematical model representing the movement of a piece of cotton wool over the surface of a curved pile, formulas for movement along the axis are obtained depending on the radius of the pile and the radius of the drum in the angle of coverage.


Калит сўзлар. Тозалагич, майда ифлослик, эгри қозик, радиус, барабан, бурчак тезлиги, ишқаланиш, масса, силжиш, реакция, хаво қаршилиги, параметр, тозалаш, самараси, формула.

Ключевые слова. Очиститель, мелкая грязь, изогнутый ворс, радиус, барабан, угловая скорость, трение, масса, перемещение, реакция, сопротивление воздуха, параметр, очистка, эффект, формула.

Keywords. Cleaner, fine dirt, curved pile, radius, drum, angular velocity, friction, mass, displacement, reaction, air resistance, parameter, cleaning, effect, formula.

Пахта хом ашёсини майда ифлосликлардан тозалаш жараёнида асосан барабан қозиклари пахта бўлагини илиб олиб, ўзи билан олиб кетиб, тўрли юзадан судраб ўтиб кетиши, ажралган майда ифлосликлар тўрли юза тешикларидан чиқариб юборилиши билан характерланади. Бунда бошлангич ҳолатда қозикчалар пахтани катта бўлагини илиб олиб, ўзи билан олиб кетиши масаласи деярли ўрганилмаган [1.2]. Умуман олганда, 1ХК тозалаш машинасида 4 та кетма-кет бир хил конструкциядаги ва ишлаш режимида пахта майда чиқиндилардан такроран тозаланади. Бунда тозалаш самараси юқори эмас тола шикастланиши юқори. Тавсия этилган тозалагичда барабан қозикчалари эгри қилиб олинган. Пахтани ҳар тўртта барабандан ўтишида титилганлик даражаси ва илиб олинган пахта бўлаклари массаси ҳар хил бўлади. Шунинг учун бир барабан қозикчалари

эгрилигини асослаш учун назарий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.



1-расм. Барабан эгри қозикчали сиртидаги пахта бўлагини мувозанат шартини аниқлаш бўйича ҳисоб схемаси.

1-расмда барабан эгри қозикчаси сиртидаги пахта бўлагини мувозанат шартини аниқлаш бўйича ҳисоб схемаси келтирилган. Унга асосан пахта бўлагига қуйидаги кучлар таъсир қилади: \vec{G} – оғирлик кучи; $\vec{F}_{кор}$ – кориолис кучи; \vec{N} – реакция кучи; $\vec{F}_{ин}$ – инерция кучи; $\vec{F}_{МК}$ – марказдан қочма куч; $\vec{F}_{иш}$ – ишқаланиш кучи; \vec{F}_x – ҳавони қаршилик кучи.

Пахта бўлагини эгри қозикча сиртидаги мувозанат шarti [3,4]:

$$\sum \vec{F} = \vec{F}_{ин} + \vec{G} + \vec{N} + \vec{F}_{иш} + \vec{F}_{кор} + \vec{F}_x + \vec{F}_{МК} = 0 \quad (1)$$

Олинган (1) вектор тенгламани мос равишда координата ўқлари X ва Y га проекциялаймиз, у ҳолда:

$$\sum_{i=1}^n F_i(x) = 0; \quad \sum_{i=1}^n F_i(y) = 0$$

$$\begin{cases} F_x + F_{қар} - N - G \sin \gamma = m\ddot{x} \\ F_{МК} - F_{иш} - G \cos \gamma = m\ddot{y} \end{cases} \quad (2)$$

(2.2) даги кучларни ҳисоблаш ифодалари [5,6]:

$$F_x = KV_x^2; \quad F_{қар} = 2m\omega\dot{y}\cos \alpha; \quad G = mg; \quad F_{МК} = m\omega^2(R + y); \quad F_{иш} = fN \quad (3)$$

Бу ерда m – пахта бўлаги массаси; ω – қозикли барабан бурчак тезлиги; R – барабан ички айланиш радиуси; y – ўқ бўйича силжиш масофаси; g – эркин тушиш тезланиши; f – пахта бўлаги билан эгри қозикча орасидаги ишқаланиш коэффициентини; α – оғирлик кучи билан Y ўқи орасидаги бурчак.

Ўрнига қўйиб қуйидаги дифференциал тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\begin{aligned} KV_x^2 + 2m\omega\dot{y} - mg \sin \gamma - N &= m\ddot{x} \\ m\omega^2(R + y) - fN - mg \cos \gamma &= m\ddot{y} \end{aligned} \quad (4)$$

Олинган (4) ни системанинг иккинчи тенгламасидан $x=0$ шартига асосан реакция кучини аниқлаймиз:

$$N = KV_x^2 + 2m\omega\dot{y} - mgsiny \quad (5)$$

Хосил қилинган (5) ифодани (4) нинг биринчи тенгламасига қўйиб, пахта бўлагини қозикча сирти бўйлаб ҳаракатни ифодаловчи қуйидаги дифференциал тенгламани хосил қиламиз [7,8];

$$m\omega^2(R + y) - fKV_x^2 - 2fm\omega\dot{y} + fmg siny - mgcosy = m\ddot{y} \quad (6)$$

Олинган иккинчи тартибли дифференциал тенгламани ечимини олиш учун стандарт ҳолатга келтирамиз:

$$\ddot{y} = 2f\omega\dot{y} - \omega^2 y = fgsiny - gcosy + \omega^2 R - \frac{fKV_x^2}{m} \quad (7)$$

Ушбу тенгламани характеристик тенгламаси қуйидагича бўлади [9,10]:

$$a^2 + 2f\omega a - \omega^2 = 0 \quad (8)$$

(7) ни умумий аналитик ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$y = C_1 e^{a_1 t} + C_2 e^{a_2 t} \quad (9)$$

Бу ерда

$$C_{1,2} = f\omega \pm \omega\sqrt{1+f^2} \quad (10)$$

У ҳолда

$$y = C_1 e^{-\omega t(f+\sqrt{1+f^2})} + C_2 e^{-\omega t(f-\sqrt{1+f^2})} \quad (11)$$

(7) тенгламани ўнг қисмини, яъни мажбурий ҳаракати учун ечимини инобатга олсак:

$$y = y_1 + y_2 \quad (12)$$

$$y_1 = a_1 \cos\omega t + b_1 \sin\omega t$$

Икки марта вақт бўйича хосила олсак:

$$\dot{y}_1 = -a_1 \omega \sin\omega t + b_1 \omega \cos\omega t$$

$$\ddot{y}_1 = -a_1 \omega^2 \cos\omega t - \omega^2 \sin\omega t \quad (13)$$

Олинган (13) ни (7) га қўйсак:

$$-a_1 \omega^2 \cos\omega t + b_1 \omega^2 \sin\omega t - 2fa_1 \omega^2 \sin\omega t + 2fb_1 \omega^2 \cos\omega t - a_1 \omega^2 \cos\omega t - b_1 \omega^2 \sin\omega t = g\cos\omega t + fgsiny + \omega^2 R - \frac{fKV_x^2}{m} \quad (14)$$

Коэффициентларни ўзаро солиштириб қуйидаги системани хосил қиламиз:

$$a_1 + 2fb_1 - a_1 = \frac{g}{\omega^2};$$

$$b_1 + 2fa_1 - b_1 = \frac{fg}{\omega^2}; \quad (15)$$

Бу ерда

$$a_1 = \frac{f^2 g}{2\omega^2} - fa_1^2 - \frac{g}{2\omega^2}$$

$$b_1 = f\left(\frac{g}{2\omega^2} - a_1\right)$$

У ҳолда y_1 ни ечими

$$y_1 = \frac{g}{\omega^2(1+f^2)} \left[f\sin\omega t - \frac{(1-f^2\cos\omega t)}{2} \right]$$

(16)

(7) системанинг умумий ечими қуйидагича бўлади:

$$y = C_1 e^{-\omega t(f+\sqrt{1+f^2})} + C_2 e^{-\omega t(f-\sqrt{1+f^2})} + \frac{g}{\omega^2(1+f^2)} \left[f \sin \omega t - \frac{(1-f^2) \cos \omega t}{2} \right] + R - \frac{fKV_x^2}{m} \quad (17)$$

Пахта бўлагини қозикча сиртидаги ҳолатининг бошланғич шартлари $t=0$ да $y=0$, $y=0$ бўлишини инобатга олган ҳолда:

Kirish. Turli xil gruntlarda ishlovchi mashinalarni loyihalash sohasida hozirgi vaqtda mashinalarni qazish jarayonida qazish qarshiligi deb ataladigan murakkab qarshilikni engib oʻtish degan tushuncha mavjud. Uchta asosiy qismning tarkibiy qismlari yigʻindisi sifatida qazish qarshiligini [1-3] aniqlashda qonuniyatlar ochiladi: Buldozerning gruntni kesishga chidamliligi; chizma prizmasining harakatiga qarshilik; pichoqni toʻldirishga qarshilik (paqirli mashinalar uchun) yoki chiplarning pichoq ustida yoki tortish prizmasi orqali harakatlanishiga qarshilik (moldboard ishchi tanasi boʻlgan mashinalar uchun). Ushbu texnika olimlar tomonidan tanqid qilingan boʻlsa-da, u hali ham amaliy hisob-kitoblar uchun ishlatiladi. Eksperimental maʼlumotlarga asoslanib, kesish qarshiligi va qazish qarshilik kuchlarining qiymatlarini belgilash tavsiya etiladi, oʻziga xos qazish qarshiligini tavsiflovchi koeffitsientni hisobga olgan holda hisoblangan bogʻliqliklardan foydalanish taklif etiladi. Kesish va qazish qarshilik kuchlarining kattaligi va naqshlarini aniqlashni aniqlashtirish muhimligi qayd etilgan, bu esa yer koʻchirish mashinalarining samaradorligini oshirish va yaxshilashga eng koʻp hissa qoʻshishi kerak. Tuproqni qazish qarshilik kuchlarining qiymatlarini aniqlashga bagʻishlangan izlanishlar olib borilgan bir qator tadqiqotlar pichoq profili parametrlarining ushbu kuchlarga taʼsir etish darajasini aniqlash va maxsus dasturiy taʼminotni ishlab chiqish imkonini beradi. Maqolada tadqiqotning maqsad va vazifalari koʻrsatilgan, eksperimental tizim taqdim etilgan, tadqiqot metodologiyasi koʻrsatilgan va kerakli miqdordagi tajribalar aniqlanadi. Eksperimental va nazariy tadqiqotlarni olib borish tavsifi berilgan, ularni tahlil qilish amalga oshiriladi. Maqolada tadqiqotning maqsad va vazifalari koʻrsatilgan, eksperimental tizim taqdim etilgan, tadqiqot metodologiyasi koʻrsatilgan va kerakli miqdordagi tajribalar aniqlanadi. Eksperimental va nazariy tadqiqotlarni olib borish tavsifi berilgan, ularni tahlil qilish amalga oshiriladi.

Eksperimental tadqiqotlarning vazifalari:

- qazish qarshiligining gorizontaal komponentining raqamli qiymatlarini, shuningdek, turli parametrlarga ega boʻlgan pichoqlar uchun tortish prizmasi oʻsishi bilan kuchlarning kuchayish intensivligini olish;

– olingan tajriba natijalarini nazariy natijalar bilan solishtirish;


– nazariy tadqiqotlarning adekvatligini baholash.

Eksperimental tadqiqotlar uchun oʻrnatish Tajribalar Jizzax viloyatining Marjonbuloq

konidagi sinov qurilmasida o'tkazildi. Tajriba sinov qurilmasi quyidagi asosiy qismlardan iborat: grunt tarkibi, buldozer pichog'iga bo'lgantalab, grunt tarkibi balandligi 1,2 m, kengligi 1 m va uzunligi 8 m bo'lgan, qum bilan to'ldirilgan to'rtburchak shakldagi idishdan iborat.

Kanalning yuqori qismida deformatsiya o'lchagichni o'rnatish uchun qo'llanmalar mavjud. Qurilma elektr motori orqali o'zgaruvchan tishli nisbatlarga ega bo'lgan uzatmalar qutisi orqali simi tortish orqali boshqariladi. Qurilmaning harakat tezligi uzatmalar qutisini almashtirish orqali o'zgartiriladi. Noto'g'ri taqsimlangan yuk bilan yuzaga kelishi mumkin bo'lgan buzilishlarni bartaraf etish uchun qurilma o'zining bo'ylama o'qi atrofida nosimmetrik tarzda birlashtirilgan ikkita arqon shoxlari orqali haydaladi.


Buldozerning ishchi harakati quyidagicha amalga oshiriladi: dvigatel 6 yoqilganda, baraban 2 uzatmalar qutisi 7 orqali harakatga keltiriladi (1-rasm). Baraban 2 aylanganda uning atrofiga shox 3 o'raladi va arqonning novdasi 5 oqib chiqadi. Buning teskarisi dvigatel rotorining aylanish yo'nalishini o'zgartirish orqali amalga oshiriladi. Bunda baraban qarama-qarshi tomonga aylanadi va endi arqonning novdasi 5 unga kiradi va arqonning novdasi 3 oqib chiqadi. Tezsoometr aravasi teskari yo'nalishda harakatlanadi.



1-arqon; 2-baraban; 3-kiruvchi filial; 4-qurilma; 5-ishlaydigan filial; 6-dvigatel; 7–buldozer uzatmalar qutisi qutisi; 8-bloklar o'rnatiladi; y-ishchi harakatining yo'nalishi.

1-rasm. Arqonni o'rash sxemasi

O'rnatishning asosiy elementi tensometrik aravachadir, uning umumiy ko'rinishi rasmda ko'rsatilgan. 2. Trolley ikki asosiy qismdan iborat - ichki tenzometrik 2 va tashqi 1 ramkalar. Qazish qarshiligining gorizontal komponentini o'lchash uchun tashqi rom 1 bo'lgan 2-tenzometr ramkasining erkin suspenziyasi qo'llaniladi.




1–tashqi rom; 2-ichki ramka; 3-deformatsiya o'lchagich; 4-harakatni ro'yxatga olish kengashi; 5-universal ramka; 6–buldozer pichog'i; 7-qo'llab-quvvatlovchi roliklar; 8–reduktor

2-rasm. Tenzometr aravachasining umumiy ko'rinishi

Tashqi tuzilish 1 tayanch roliklarga 7 o'rnatiladi va tortish stantsiyasiga ulanadi. Bu romda universal rom 5 joylashgan bo'lib, unga pichoq 6 biriktirilgan. Chiplarning qalinligini nazorat qilish uchun 1-ramkaga qo'shimcha ravishda reduktor 8 o'rnatilgan bo'lib, u ichki rom 2 bilan kinematik tarzda bog'langan. Uzatmalar qutisi shxiv tomonidan boshqariladi.

3-rasmda qazish qarshilik kuchlariga ta'sir qiluvchi parametrlarga ega pichoq profilining diagrammasi ko'rsatilgan. "BELARUS-1502" buldozeri uchun pichoq profili parametrlarining qiymatlari ko'rsatilgan va nazariy hisob-kitoblar natijasida tavsiya etilgan.



3- rasm. Pichoq profili parametrlari

1-Jadval

Pichoq profillarining parametrlari


Parametr nomi	O'lchov birliklari	"BELARUS-1502"	Tavsiya etilgan ko'rsatgichlar
Pichoq balandligi H	m	1,028	1,028
Visor balandligi H_K	m	0,205	0,205
Birikish nuqtasi X_{KP}	m	0,446	0,446
Birikish nuqtasi Y_{KP}	m	0,254	0,254
Pichoqning tekis uzunligi a	m	0,323	0,200
Pichoq kengligi B	m	3,630	3,630
Pichoqning egrilik radiusi M	m	0,783	1,2
β	gradus	69,8	69,8
β_K	gradus	95	95
ε	gradus	71,3	71
γ	gradus	50	53

Ekspirimental tadqiqotlar uchun amaliyotda qo'llaniladigan parametrlar bilan dumps modellari tuzilgan va nazariy tadqiqotlar asosida tavsiya etilgan. Dump modellari rasmda ko'rsatilgan. 4.

Jismoniy modellar uchun masshtab koeffitsienti 1:7 - ga teng.

Ishchi korpus tishli kasnagini aylantirish orqali chiplarning qalinligini o'zgartirishga imkon beradi 8 (2 rasimga qarang).

O'lchov natijalarini qayd etish quyidagicha amalga oshiriladi. Tenzometr dan kelgan signallar 3-tenzometrga (2-rasmga qarang), so'ngra portning RS 232 ulagichi orqali kiruvchi raqamli signallarni qayta ishlash dasturi o'rnatilgan shaxsiy kompyuterga uzatiladi (5-rasm). Dastur raqamli signalni so'roq paytida sensorga vaqt va kuchning raqamli qiymatlarini yozib olgan holda MS Excel fayliga aylantirishni ta'minlaydi. Shunday qilib, vaqt qiymatlari va tuproq qazish jarayonining gorizontall komponenti bilan fayllarni kompyuter diskida saqlash mumkin.



4-Rasm. Universal ramkali plow modellari



5- rasm. Deformatsiya o'lchagichli kompyuter bilan

Laboratoriya tadqiqotlari metodologiyasi.

Laboratoriya tadqiqotlarida tajribalarni tayyorlash vaqtini qisqartirish va ularni takrorlashda iloji bo'lsa, bir xil sharoitlarni ta'minlash uchun V.I.Balovnev [8, 9] tomonidan ishlab chiqilgan fizik modellashtirish texnikasidan foydalanilgan.

Tajriba natijalarini dasturiy ta'minot yordamida olingan nazariy natijalar bilan solishtirish uchun kanal dagi tuproqning real fizik-mexanik xossalari va o'rganilayotgan modelning real o'lchamlaridan foydalanilgan.

Tuproq modelini olish uchun asos nozik taneli daryo qumi bo'lib, uning fraktsiyasi hajmi 2 mm dan oshmaydi. Oldindan namlangan qum elektr tebranish platformasi yordamida qazilgan va siqilgan. Tuproqning mustahkamligi bo'yicha o'xshashligini aniqlaydigan ko'rsatkich sifatida DorNII zarbasi ta'sirining soni ishlatilgan. Hujumchi parametrlari [10, 8] da berilgan tavsiyalarga muvofiq o'zgartirildi. Masshtab koeffitsienti $k = 7$. Tuproq modeli tuproqning II

toifasiga mos keladigan 6 marta urish uchun tayyorlangan.

Tajribalar quyidagi tartibda amalga oshirildi. Tuproqni siqishdan oldin, gorizontall platforma qazish boshlanishiga mos keladigan darajada tekislandi. O'rganilayotgan pichoq tenzometrlil trolleybusga o'rnatildi. Buldozer otvali belgilangan miqdorda chuqurlashtirildi. Keyin o'lchash moslamalari ishga tushirildi va tuproqni qazish jarayoni amalga oshirildi, uning natijalari uskunalar tomonidan qayd etildi.

Tajribadan oldin kesish moslamasi yordamida o'rganilayotgan tuproq toifasining xususiyatlarini tavsiflovchi yopishqoqlik va ichki ishqalanish burchagi o'lchandi. Bundan tashqari, tashqi ishqalanish burchagi, buzilmagan strukturaning tuproq zichligi va bo'shashgan tuproqning zichligi o'lchandi [11]. Ushbu o'lchovlarning natijalari jadvalda keltirilgan.

Vaqt o'tishi bilan nazoratsiz ravishda o'zgarib turadigan tizimli xatolar ta'sirini istisno qilish uchun, shuningdek, kosmosda nazoratsiz tarzda o'zgarib turadigan parametrlarning ta'sirini istisno qilish uchun, masalan, yomon siqilish bilan tuproqning heterojenligi, tajribalarni tasodifiy taqsimlash paytida amalga oshirildi. tajriba.


Natijalarni keyingi qayta ishlash jarayonida qazish qarshiligining gorizontall komponentining maksimal va o'rtacha qiymatlari va o'ziga xos kesish qarshiligining tegishli qiymatlari aniqlandi.

6-rasmda toliq chizilgan prizmani o'rnatish jarayonida BELARUS-1502 pichog'i va pichoqni qazish rejimlari uchun 2 sm chip qalinligi bilan tavsiya etilgan parametrlarga ega bo'lgan birlashtirilgan oscillogram ko'rsatilgan.

2- jadval

Tuproqning fizik-mexanik xossalari

Ko'rsatkich nomi	Tuproq toifasi
	II
Zichlik o'lchagichning zarbalari soni	6
Tuproqqa yopishish C , кПа	4
Tuproqning qoldiq yopishishi C_p , кПа	0,45
Ichki (yerdan yerga) ishqalanish burchagi ρ , grad	28
Tashqi (metall ustidagi tuproq) ishqalanish burchagi ω , grad	25
Pichoq ustidagi tuproq zichligi ρ_r , т/м3	1,7



1 - pichoq modeli "BELARUS-1502"; 2 - tavsiya etilgan parametrlarga ega pichoqli model


6-rasm. Chip qalinligi 2 sm bo'lgan qazish qarshilik kuchlarining ostsillogrammasi

Chizma prizmasini yig'ish jarayoni ikkala pichoq uchun taxminan bir xil vaqtni oladi: taxminan 6 s. Kelajakda, chizilgan prizma to'plamini pichoqning deyarli cho'qqisiga ko'tarish paytida, ikkita pichoqni qazishga qarshilik kuchlarining o'sishi deyarli bir xil bo'ladi. Chizma prizmasi to'plamining yakuniy bosqichida tavsiya etilgan parametrlarga ega bo'lgan pichoqdagi qazish qarshilik kuchlari "BELARUS-1502" pichog'iga qaraganda kichikroq qiymatlar bilan o'zgaradi. Nazariy tadqiqotlar davomida ham xuddi shunday natijalarga erishildi.

Tajribalarning kerakli sonini aniqlash usuli. Tajribalarning kerakli soni berilgan sinov usulining K_{var} xarakteristikasi o'zgaruvchanlik koeffitsienti qiymati va natijaning zarur bo'lgan aniqligi K_{dop} darajasi asosida statistik jihatdan o'rnatildi. Tuproqning mexanik xususiyatlarini aniqlash bo'yicha konchilik institutida o'tkazilgan ko'plab tajribalar asosida [12, 13] tavsiya etilgan qiymat $K_{dop} = 12\%$ ni qabul qilamiz.

Tuproqni qazish - bu shaklda ko'rsatilgan ostsillogrammalardan ko'rinib turganidek, kuchlarning mos keladigan o'zgarishi bilan birga tortuvchi prizmalarning parallel to'plami bilan tuproq chiplarini davriy ravishda ajratish jarayoni. 6...8. Kuchlarning ekstremal qiymatlarini belgilashda ularning minimal sonini bilish kerak, bu qabul qilingan o'lchov aniqligini ta'minlaydi. O'lchov natijalarini aniqlashning yagona diapazonini olish uchun bir xil chip qalinligi bilan barcha tajribalar uchun to'liq chizilgan prizma to'plamini ta'minlaydigan yo'l uzunligi qabul qilindi.

Tajriba davomida kuch tebranishlari sonini aniqlash qiyin bo'lganligi sababli, natijada olingan namunani olish uchun tuproq to'planishi jarayonida tebranishlar soni, keyingi maksimal qiymatlarning oldingisidan og'ishi aniqlandi. o'rnatilgan ishonchlilik talablariga javob beradigan ekstremal kuch qiymatlari. Chizma prizmasining o'sishiga mos keladigan maydon uchun o'lchovlar o'tkazildi.




1 - pichoq modeli "BELARUS-1502"; 2 - tavsiya etilgan parametrlarga ega pichoqli model

7-rasm. Chip qalinligi 4 sm bo'lgan qazish qarshilik kuchlarining ostsillogrammasi

Shu maqsadda dastlabki tajribalar o'tkazildi, ular uchun ma'lumotlar qazish maydonining butun uzunligi bo'ylab olindi. Shundan so'ng, MS Excel dasturidan foydalanib, tebranishlar sonining o'rtacha arifmetik qiymati va chizilgan prizmaning o'sishi davomida qo'shni

maksimallar orasidagi farq, ularning maksimal qiymatlari va standart og'ish aniqlandi.



1 - pichoq modeli "BELARUS-1502"; 2 - tavsiya etilgan parametrlarga ega pichoqli model
8-rasm. Chip qalinligi 3 sm bo'lgan qazish qarshilik kuchlarining ostsillogrammasi

Tajribalarning kerakli sonini aniqlash uchun avval bir xil sharoitda 10 ta tajriba o'tkazilgan. Olingan tebranishlar sonining o'rtacha qiymatlari va qo'shni maksimallar ortasidagi farqning matematik kutilishiga ko'ra, statistik ishlov berish amalga oshirildi, uning natijalariga ko'ra [12] texnikasidan foydalangan holda, statistik ishlov berish amalga oshirildi. Tavsiya etilgan tajribalar soni. Natijalar 3- jadvalda keltirilgan.

3- Jadval

Tajribalarning statistik ma'lumotlari

Tajriba raqami	Tebranishlar soni	Yuqorilar orasi-dagi farqni matematik kutilish
1	15	33,3788
2	12	34,846
3	14	42,182
4	13	35,9464
5	11	41,0816
6	13	42,182
7	12	38,514
8	15	32,6452
9	14	41,4484
10	14	35,9464
Kutilgan qiymat	13,3	31,51
Standart og'ish	1,26	7,22
O'zgaruvchanlik koeffitsienti	9,47	22,9
$\frac{K_{\text{ДОП}}}{K_{\text{ВАР}}}$	1,26	0,52

Kerakli tajribalar soni		5
-------------------------	--	---

Shunday qilib, tavsiya etilgan parametrlarga ega bo'lgan pichoq modellarining har biri uchun o'lchov natijalarini faylga yozib olish va ularni keyingi statistik tahlil qilish bilan 0,02 m chip qalinligi bilan beshta tajriba o'tkazildi.

Ekspirimental va nazariy tadqiqotlarni solishtirish

Ekspirimental ma'lumotlar, ularning muqarrar ravishda tarqalishi tufayli, statistik usullar bilan qayta ishlanishi kerak. Har bir tajriba uchun kesish qarshilik komponentlarining mavjud qiymatlaridan ularning o'rtacha qiymati aniqlandi. Shundan so'ng, bir xil sharoitlarda o'tkazilgan barcha tajribalar natijalariga ko'ra, parametrning o'rtacha qiymati nihoyat hisoblab chiqildi, unga ko'ra hisoblangan qiymat bilan nomuvofiqlik aniqlandi.

Ekspirimental natijalarni ishlab chiqilgan usul bilan aniqlangan nazariy natijalar bilan solishtirganda, ularning nomuvofiqligi mumkin, ularning sabablari:

- hisoblash metodologiyasida va hisoblash sxemalarida qabul qilingan taxminlar;
- eksperimental tadqiqotlarda muqarrar o'lchov xatolari;
- tuproqning fizik-mexanik xususiyatlarini aniqlashda muqarrar xatolar.

Kesish qarshiligining gorizontalar komponenti uchun nazariy va eksperimental qiymatlar o'rtasidagi tafovutlar jadvalda keltirilgan. 4. Natijalar chip qalinligi 0,02 m, pichoqning kavisli qismining radiusi 1,2 m, kesish burchagi 53°, pichoqni o'rnatish burchagi 71° va uzunligi bo'lgan tuproqning birinchi toifasi uchun olingan. 0,2 m pichoqning to'g'ri qismi. Qiyosiy tahlil 4-Jadvalda keltirilgan.

4- jadval

Tadqiqotning eksperimental va nazariy natijalari

Tajriba raqami	Tebranişlar soni	Yuqorilar orasidagi farqni matematik kutish	Standart og'ish
1	11	33,8	7,2
2	11	47,6	8,6
3	13	34,9	9,4
4	15	31,2	7,1
5	14	42,7	10,8
nazariy qiymati	14	35,6	9,5

Natijalarni tahlil qilish (4-jadvalga qarang) tebraniş cho'qqilari orasidagi farqni matematik kutish qiymatlari eksperimental ravishda olingan bir xil qiymatlar oralig'ida ekanligini ko'rsatadi. Natijalar standart og'ish uchun o'xshash.

Xulosa. Ekspirimental tadqiqotlar mualliflar tomonidan ishlab chiqilgan usullardan foydalangan holda olib borilgan nazariy tadqiqotlar natijalarini tasdiqladi. Turli xil ish rejimlarida olingan to'plangan eksperimental material instrumental nazorat uchun mavjud bo'lgan parametrlarga muvofiq qiyosiy tahlil qilish imkonini berdi.

Tahlil shuni ko'rsatdiki, buldozer pichog'i bilan tuproqni qazishda qo'llaniladigan ishlab chiqilgan nazariy qoidalar ushbu turdagi qazish paytida sodir bo'ladigan hodisalarning tabiatini etarli darajada aks ettiradi va eksperimental natijalar bilan yaxshi mos keladi.

Natijalarni tahlil qilish (4-jadvalga qarang) tebraniş cho'qqilari orasidagi farqni matematik kutish qiymatlari eksperimental ravishda olingan bir xil qiymatlar oralig'ida ekanligini ko'rsatadi. Natijalar standart og'ish uchun o'xshash.

Xulosa. Ekspirimental tadqiqotlar mualliflar tomonidan ishlab chiqilgan usullardan foydalangan holda olib borilgan nazariy tadqiqotlar natijalarini tasdiqladi. Turli xil ish

rejimlarida olingan to'plangan eksperimental material instrumental nazorat uchun mavjud bo'lgan parametrlarga muvofiq qiyosiy tahlil qilish imkonini berdi.

Tahlil shuni ko'rsatdiki, buldozer pichog'i bilan tuproqni qazishda qo'llaniladigan ishlab chiqilgan nazariy qoidalar ushbu turdagi qazish paytida sodir bo'ladigan hodisalarning tabiatini etarli darajada aks ettiradi va eksperimental natijalar bilan yaxshi mos keladi.

Qazishga qarshilik kuchlarining kattaligiga eng muhim ta'sir pichoqning kavishli qismining radiusi tomonidan amalga oshiriladi. Radiusning 40% ga o'sishi oxirgi bosqichda (to'liq chizilgan prizma bilan) qazish qarshilik kuchlarining chip qalinligiga qarab 20 ... 30% ga kamayishiga olib keldi.

Dizaynda [14] asosida olingan buldozer pichog'i profilining kavishi qismining radiusi qiymatlari, agar kamaytirish zarurati tug'lsa, 30 ... 40% ga oshirilishi kerak. tuproqlarning rivojlanishi davrida qarshilik kuchlarini qazishga bo'lgan qarshiliklarini hisobga olish zarur.

ADABIYOTLAR

1. Ветров, Ю. А. Расчеты сил резания и копания грунтов / Ю. А. Ветров. – Киев : Изд-во Киев. ун-та, 1965. – 123 с.

2. Шукуров, Р., Шукуров, Н., & Хужаназаров, Б. (2020). К вопросу повышения износостойкости рабочих органов землеройных машин. In *Образование, наука и технологии: актуальные вопросы, инновации и достижения* (pp. 241-245).

3. Рўзибоев А.Н, Шукуров Н.Р, Хужаназаров Б.Ф., Долговечности зубьев рабочего органа инженерных машин. Статья принята к публикации в журнал № 3 (59), 2021 год. Территория распространения: Российская Федерация, зарубежные страны. сайт журнала: <https://scientific-publication.com>.

4. Хўжаназаров Б.Ф., Бульдозер ишчи органларининг бурилиш қияликлари бўйича ўрнатишда иш самарадорлигини ошириш методикаси. The journal of academic research in educational sciences (issn 2181-1385 volume 1, issue 4 december 2020).

5. Шукуров, Р. У., Шукуров, Н. Р., & Хужаназаров, Б. Ф. (2020). Энергетический подход в изучении процесса изнашивания рабочих органов землеройных машин. Молодой ученый, (16), 168-171.

6. Шукуров, Р., Шукуров, Н., & Хужаназаров, Б. (2020). К вопросу повышения износостойкости рабочих органов землеройных машин. Образование, наука и технологии: актуальные вопросы, инновации и достижения, 241-245.

7. Хужаназаров, Б. Ф. (2022). Повышение эффективности работы бульдозера при разработке грунта. Инновацион технологиялар, 1(1 (45)), 32-35.

8. Хо'janazarov, В. (2022). Xalq xo'jaligida ishlatilayotgan buldozerlarini kesuvchi ishchi jihozlarining chidamliligini oshirish usullari. *Involta Scientific Journal*, 1(3), 1-5.

9. Хо'janazarov, В. (2022). Выбор материала и метода повышения износостойкости режущих элементов бульдозеров. НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ МЕХАНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ НАМАНГАН-2022 ISSN 2181-3760 № 2 (2), 2022

10. Хо'janazarov, В. (2022). Ish samaradorligini oshirish uchun vintli burg'uli kuchaytirgichli bul'dozerlardan foydalanish. АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ МАШИНАСОЗЛИК ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ (Maxsus son).

УДК 631.314.4

**ТЕКИСЛАГИЧ-ЗИЧЛАГИЧНИНГ ҒАЛТАКМОЛАСИ ТОМОНИДАН ТУПРОҚНИ
ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЗИЧЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ**

Тўхтақўзиев Абдусалим
ҚХМИТИ, т.ф.д., профессор, abdusalim_1950@mail.ru телл: +998977190518

Эргашев Маруф Мухаммаджонович
ҚХМИТИ, PhD. maruf19840710@mail.ru телл: +998909487002

Акбаров Исломжон Азамжон ўғли
ҚХМИТИ, PhD. akborov_91@bk.ru телл: +998911441254

Аннотация. Мақолада дала юзасини текислаш, ундаги кесакларни майдалаш ва тупроқни зичлаш мақсадида текислагич ва ғалтакмоладан ташкил топган осма текислагич-зичлагич ишлаб чиқилганлиги таъкидланган ва унинг ғалтакмоласи томонидан тупроқни талаб даражасида зичланишини таъминлаш бўйича ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Аннотации. В статье отмечается, что с целью выравнивания поверхности поля, размельчения комков и уплотнения почвы разработан навесной выравниватель-уплотнитель, состоящий из выравнивателя и катка и приведен результаты теоретических и экспериментальных исследований по обеспечению требуемой степени уплотнения почвы его катком.

Annotations. The article notes that in order to level the field surface, crush clods and compact the soil, a mounted leveler-compacter was developed, consisting of a leveler and a roller, and the results of theoretical and experimental studies to ensure the required degree of soil compaction by its roller are presented.

Таянч сўзлар: текислагич-зичлагич, текислагич, ғалтакмола, солиштирма тик босим кучи, тупроқнинг уваланиш даражаси, тупроқнинг зичлиги, тортишга қаршилиқ.

Ключевые слова: выравниватель-уплотнитель, выравниватель, каток, удельная вертикальная сила давления, степень крошения почвы, плотность почвы, тяговое сопротивление.

Key words: leveler-compacter, leveler, roller, specific vertical pressure force, degree of soil crumbling, soil density, traction resistance.


Кириш. Ҳозирги даврда ерларни экишга тайёрлашда далалар юзасини текислаш, ундаги кесакларни майдалаш ҳамда тупроқни талаблар даражасида зичлаш учун турли текислагичлар ва ғалтакмолалар кенг қўлланилади. Текислагичлар қўлланилганда далалар юзаси сифатли текисланади, аммо ундаги кесаклар яхши майдаланмайди ҳамда тупроқ етарли даражада зичланмайди, ғалтакмолалар қўлланилганда эса тупроқ яхши зичланади ва кесаклар яхши майдаланади, лекин дала юзаси талаб даражасида текисланмайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз томонимиздан текислагич ва ғалтакмоладан ташкил топган текислагич-зичлагич ишлаб чиқилди [1,2]. Иш жараёнида унинг текислайдиган қисми дала юзасини текислайди, ғалтакмола эса ўз ўқи атрофида айланиб текислагич томонидан текисланган дала юзасидаги кесакларни майдалайди ва тупроқни керакли даражада зичлайди.

Ушбу мақолалда ишлаб чиқилган текислагич-зичлагичнинг ғалтакмоласи томонидан тупроқни талаб даражасида зичланишини таъминлаш бўйича ўтказилган

назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар назарий механика ва аналитик геометриянинг қонун ва қоидалари ҳамда О`зДст 3412:2019 “Қишлоқ хўжалик техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва қуроллар. Синов дастури ва усуллари” ва О`зДст 3193:2017 “Қишлоқ хўжалик техникасини синаш. Машиналарни энергетик баҳолаш усули” бўйича ўтказилди [3-6].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Қўйилган масалани тадқиқ этиш учун биринчи навбатда иш жараёнида текислагич-зичлагичнинг ғалтакмоласи томонидан тупроққа бериладиган тик босим кучини аниқлаймиз. Бунинг учун текислагич-зичлагичга бўйлама-тик текисликда таъсир этувчи барча кучларни (1-расм) унинг шу текисликдаги оний айланиш маркази “ π ” га нисбатан мувозанат тенгламасини тузамиз



1-расм. Текислагич-зичлагичга бўйлама-тик текисликда таъсир этувчи кучларнинг схемаси

$$\sum M_{\pi} = mg(X_{\pi} + l_m) - R_x(Z_{\pi} + H_1 - b) - N_x(Z_{\pi} + H_1 - 0,5D + d) - N_z(X_{\pi} + l_N) = 0. \quad (1)$$

$N_x = \mu N_z$ [7] эканлигини ҳисобга олганда (1) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\sum M_{\pi} = mg(X_{\pi} + l_m) - R_x(Z_{\pi} + H_1 - b) - N_z[X_{\pi} + l_N + \mu(Z_{\pi} + H_1 - 0,5D + d)] = 0, \quad (2)$$

бунда m – текислагич-зичлагичнинг массаси;

g – эркин тушиш тезланиши;

R_x – текислагич-зичлагич текислагичининг олдида уюлган тупроқни ҳаракат йўналиши бўйича суришдан ҳосил бўладиган қаршилик кучи;

N_x, N_z – тупроқ томонидан текислагич-зичлагичнинг ғалтакмоласига таъсир этувчи реакция кучининг бўйлама ва тик ташкил этувчилари;

X_{π}, Z_{π} – мос равишда текислагич-зичлагичнинг пастки осини нуқталари $A(A_1)$ дан унинг бўйлама-тик текисликдаги оний айланиш марказигача бўлган бўйлама ва тик масофалар;

l_m – текислагич-зичлагичнинг пастки осини нуқталаридан унинг оғирлик марказигача бўлган бўйлама масофа;

H_1 – текислагич-зичлагич текислагичининг пастки қисмидан унинг пастки осини нуқталаригача бўлган тик масофа;

d – текислагич-зичлагич текислагичи ва ғалтакмоласининг пастки қисмлари орасидаги тик масофа;

b – текислагич-зичлагич текислагичининг пастки нуқтасидан R_x куч қўйилган нуқтагача бўлган тик масофа;

D – ғалтакмоланинг диаметри;

l_N – текислагич-зичлагичнинг пастки осиш нуқталаридан ғалтакмоланинг айланиш марказигача бўлган бўйлама масофа;

μ – ғалтакмоланинг думалашга қаршилик коэффиценти.

Текислагич-зичлагичнинг ғалтакмоласи томонидан тупроққа бериладиган тик босим кучи Q тупроқ томонидан унга таъсир этадиган реакция кучи N нинг тик ташкил этувчиси N_z га тенг бўлади, яъни $Q = N_z$. Буни ҳисобга олган ҳолда (2) ифодадан қуйидагига эга бўламиз

$$Q = N_z = \left[mg(X_\pi + l_m) - R_x(Z_\pi + H_1 - b) \right] : \left[X_\pi + l_N + \mu(Z_\pi + H_1 - 0,5D + d) \right]. \quad (3)$$

Бу ифодадаги X_π ва Z_π ларни тракторнинг осиш механизми ва текислагич-зичлагичнинг осиш қурилмаси ўлчам ва параметрлари орқали ифодалаймиз. Бунинг учун $X_A(A_1)Z$ координаталар системасида $A(A_1)(0; 0)$ ва

$D(D_1)(\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2} - (H_3 + h - H_1)^2; H_3 + h - H_1)$ ҳамда $B(0; H_2)$ ва $C(\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2} - (H_3 + h - H_1)^2 - X_B; H_3 + h - H_1 + Z_B)$ нуқталардан ўтадиган тўғри чизиқларнинг тенгламаларини тузамиз. Улар мос равишда қуйидаги кўринишга эга бўлади [8]

$$Z = \frac{(H_3 + h - H_1)X}{\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2} - (H_3 + h - H_1)^2} \quad (4)$$

ва

$$Z = \frac{(H_3 + h + Z_B - H_1 - H_2)X}{\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2} - (H_3 + h - H_1)^2 - X_B} + H_2, \quad (5)$$

бунда H_3 – тракторнинг таянч текислигидан унинг осиш механизми пастки тортқиларининг кўзғалмас шарнирлари $A(A_1)$ гача бўлган тик масофа;

h – текислагич зичлагич текислагичининг тупроққа ботиш чуқурлиги;

l_0 – трактор осиш механизми пастки тортқиларининг узунлиги;

X_C, Z_C – трактор осиш механизми пастки ва марказий тортқиларининг

$D(D_1)$ ва B кўзғалмас шарнирлари орасидаги бўйлама ва тик масофалар;

H_2 – текислагич-зичлагичнинг пастки ва юқориги осиш нуқталари орасидаги тик масофа;

l – текислагич-зичлагичнинг пастки осиш нуқталари орасидаги кўндаланг масофа;

c – трактор осиш механизми пастки бўйлама тортқиларининг кўзғалмас шарнирлари D ва D_1 орасидаги кўндаланг масофа.

(4) ва (5) тенгламаларни биргаликда ечиб, X_π ва Z_π ларни аниқлаймиз

$$X_{\pi} = \frac{H_2 \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2}}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \times \left(\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right) \quad (6)$$

ва

$$Z_{\pi} = \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left(\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right)}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \quad (7)$$

X_{π} ва Z_{π} нинг ушбу қийматларини (3) ифодага қўйиб ва олинган натижани текислагич-зичлагичнинг қамраш кенглигига қўйиб, ғалтакмола томонидан тупроққа бериладиган солиштирма, яъни унинг бир бирлик қамраш кенглигига тўғри келадиган тик босим кучи Q_c ни аниқлаймиз

$$Q_c = \left[m_c g \left(\frac{H_2 \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2}}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \times \left(\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right) + l_G \right) - R_{xm}^c \left(H_1 - b + \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left(\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right)}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \right) \right] : \left[\frac{H_2 \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2}}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \times \left(\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right) + l_{zm} + \mu \left(H_1 - 0,5D + d + \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left(\sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right)}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - 0,25(l-c)^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \right) \right] \quad (8)$$


бунда m_c – текислагич-зичлагичнинг бир бирлик қамраш кенглигига тўғри келадиган

массаси;

$R_X^c - R_X$ текислагич-зичлагичнинг бир бирлик қамраш кенлигига тўғри келадиган қаршилиқ кучи.


Ўтказилган тажрибавий тадқиқотларимизда ЧКУ-4А-II чизел-култиватори билан 14-16 см чуқурликка ишлов берилган майдон тупроғини 6-8 км/соат ҳаракат тезлигида талаб даражасида зичлаш учун, яъни унинг 0-10 см қатламдаги зичлиги 1,1-1,2 г/см³ оралиғида (ўртача 1,15 г/см³) бўлишини таъминлаш учун [9,10] ишлаб чиқилган текислагич-зичлагич ғалтакмоласи томонидан тупроққа 2,2-2,3 кН/м тик юкланиш берилиши аниқланган. (8) ифода бўйича бунга асосан текислагич-зичлагич текислагичининг пастки қисмидан унинг осиш қурилмаси пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофани, яъни 1-расмдаги H_1 масофани тўғри танлаш ҳисобига эришилинади, чунки ундаги, яъни (8) ифодадаги H_2 ва l масофалар стандартлашган [11], H_3 , l_6 , c , X_6 ва Z_b масофалар трактор осиш механизмининг ўлчамлари бўлганлиги учун уларни ўзгартириб бўлмайди, текислагич-зичлагичнинг массаси m ва ўлчамлари l_m , l_N ва D лар эса асосан у белгиланган технологик жараённи ишончли ва сифатли бажарилиши ҳамда кам энергия ва материалҳажимдорликка эга бўлиши шартларидан келиб чиқиб қабул қилинган.

$m_c = 300 \text{ kg/m}$, $g = 9,81 \text{ m/s}^2$, $R_{xm}^c = 2000 \text{ N/m}$, $H_2 = 0,7 \text{ m}$, $l_6 = 0,95 \text{ m}$, $l = 1,04 \text{ m}$, $c = 0,62 \text{ m}$, $H_3 = 0,55 \text{ m}$, $X_B = 0,3 \text{ m}$, $Z_B = 0,56 \text{ m}$, $l_N = 1,6 \text{ m}$, $l_m = 0,9 \text{ m}$, $\mu = 0,2$, $d = 0,03 \text{ m}$, $b = 0,10 \text{ m}$, $h = 0,10 \text{ m}$ ва $D = 0,4 \text{ m}$ қабул қилиниб [1,3-5], 2-расмда (8) ифода бўйича Q_c ни H_1 га боғлиқ равишда ўзгариш графиги қурилди. Ундан кўриниб турибдики, текислагич-зичлагичнинг ғалтакмоласи томонидан тупроққа бериладиган тик солиштирма босим кучи талаб даражасида, яъни 2,2-2,3 кН/м бўлиши учун H_1 масофа 38-47 см оралиғида бўлиши лозим. Ушбу олинган натижаларни текшириб кўриш учун дала тажрибалари ўтказилди ва унда H_1 масофани тупроқнинг уваланиш сифати, 0-10 см қатламдаги зичлиги ҳамда такомиллаштирилган текислагичнинг тортишга солиштирма қаршилигига таъсири ўрганилди.



2-расм. Q_c ни H_1 га боғлиқ равишда ўзгариш графиги

Тажрибаларнинг натижалари 3-расмда келтирилган. Улардан кўриниб турибдики, H_1 масофа ортиши билан тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 25 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори, унинг зичлиги ва текислагич-зичлагичнинг солиштирма қаршилиги ортган. Бунинг сабаби шуки, H_1 масофа ортиши билан ғалтакмола томонидан тупроққа бериладиган солиштирма тик босим кучи ва демак ушбу кўрсаткичлар ортади.



1 – 6,0 km/h ҳаракат тезлигида; 2 – 8,0 km/h ҳаракат тезлигида

3-расм. Тупроқнинг уваланиш даражаси (а) ва зичлиги (б) ҳамда текислагич-зичлагичнинг тортишга солиштирма қаршилиги (в) ни унинг текислагичининг пастки қисмидан осиш қурилмаси пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофага боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

3, б-расмдаги график боғланишлар бўйича текислагич-зичлагичнинг ғалтакмоласи тупроқни талаб даражасида зичлаши учун H_1 масофа 37-42 см оралиғида бўлиши лозим. Бу натижалар назарий тадқиқотларнинг натижаларига тўлиқ мос келади.

Хулоса. Ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари бўйича 6-8 км/соат ҳаракат тезлигида ишлаб чиқилган текислагич-зичлагичнинг ғалтакмоласи томонидан тупроқ талаб даражасида зичланиши учун унинг текислагичининг пастки қисмидан осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа 37-42 см оралиғида бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Патент на полезную модель РУз. FAP №01807. Мала-выравниватель // Тўхтақўзиев А., Эргашев М.М., Акбаров И.А.// Расмий ахборотнома. – 2022. – № 3.
2. Tukhtakuziev A., Ergashev M. M., Akbarov I. A. SMALL LEVELER WITH ROLLER // Scientific-technical journal. – 2021. – Vol. 4 : Iss. 1. Article 6. – С. 42-45.
3. Бутенин Н.В., Лунц Я.Л., Меркин Д.Р. Курс теоретической механики. Динамика. – 3-е изд., испр. – Москва: Наука, 1985. – Т. II. – 496 с.
4. Выгодский М.Я. Справочник по высшей математике. – Москва: АСТ: Астрель, 2006. – 991 с.
5. О‘zDSt 3412:2019 “Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва қуроллар. Синов дастури ва усуллари” – Тошкент, 2019. – 53 б.
6. О‘zDSt 3193:2017. «Қишлоқ хўжалик техникасини синаш. Машиналарни энергетик баҳолаш усули». – Ташкент, 2017. – 21 б.
7. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. –М.: Машиностроение. 1977.–328 б.
8. Тўхтақўзиев А., Мансуров М., Расулжонов А., Каримова Д. Тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий асослари. Монография. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2020. – 167 Б.
9. Соколов В.Н. Влияние уплотнения почвы при маловании на всходы, развитие и урожайность хлопчатника // Механизация хлопководства. – Ташкент, 1968. – №2. – С. 6-9.
10. Соколов Ф.А. Агронимические основы комплексной механизации хлопководства. – Ташкент: Фан, 1977. –224 с.

11. ГОСТ 10677-2001 “Устройство навесное заднее сельскохозяйственных тракторов классов 0,6-8. Типы, основные параметры и размеры”. – Минск, 2001. – 10 с.

УДК. 631.313.2

ИККИ ҚАТЛАМДА ИШЛОВ БЕРАДИГАН ТЕБРАНМА ТИШЛИ БОРАНА ПАРАМЕТРЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ

Умурзақов Акрамжон Хақимович
НамМҚИ, доцент, т.ф.д., umurzakov1963@mail.ru. Тел: +998936730063

Қосимов Аъзамжон Адихамжоновиқ
НамМҚИ, доцент, т.ф.ф.д. (PhD), aaqosimov85@gmail.com. Тел: +998972168064

Имомов Муқимжон Хабибжоновиқ
НамМҚИ, таянч докторант, i.x.imomov11284@mail.ru. Тел: +998972168064

Набижоновиқ Ўткирбек Аслбек ўғли
НамМҚИ, таянч докторант, utkirbeknabijanov310393@gmail.com +99899 4387590

Аннотация. Ушбу мақолада ерга экишдан олдин икки қатламда ишлов берадиган тебранма тишли борананинг олдинги секция ва орқа секциясининг тиш узунликларини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган қийматларни аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Аннотация. В данной статье представлены результаты исследования по определению значений длин зубьев переднего сечения и заднего сечения колебательного зубчатого бораны, которые обрабатываются в два слоя перед посадкой в грунт, с низким энергопотреблением.

Annotation. This article presents the results of a study to determine the values of the lengths of the teeth of the front section and the rear section of the oscillating toothed borane, which are processed in two layers before planting in the ground, with low energy consumption.

Калит сўзлар: тишли борона, тишлар, ишчи звено, масса, пружина, рама, ҳалқалар, бикирлик.

Ключевые слова: зубовая борона, зубья, рабочее звено, масса, пружина, рама, кольца жёсткость

Key words: tooth harrow, teeth, working link, mass, spring, frame, rings stiffness

Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий муассасаларнинг кўплаб тадқиқотлари ва олимларнинг тажрибалари [1] шуни кўрсатадики, кузги шудгорлаш қанчалик сифатли бажарилса ҳам ерлар эрта баҳорда ўз вақтида бороналанмаса тупроқ намни йўқотиб, тез қуриб қолади, бегона ўтлар ривожланади, оқибатда кузги шудгорлашнинг аҳамияти пасаяди. Шунинг учун барча экин майдонларида тупроқнинг юқорги 8-10 см қатлами етилишига қараб, қисқа муддатда (2-3 кунда) эрта баҳорги бороналаш ўтказилади.


Олиб борилган изланишларимиз натижасида икки қатламда ишлов берадиган тебранма тишли борона конструкцияси ишлаб чиқилди (1-расм). Конструкцияга қўйилган вазифани бажариш учун борона рамасининг ўртасига кўндаланг балка ўрнатилган ва унга ортдаги икки қатор ишчи звенолар маҳкамланган, олдинги икки қатордаги ишчи звенолар эса раманинг олд балкасига сикилувчи пружиналар орқали бириктирилган бўлиб, орқа

қатор тишлари олдинги қатор тишларига нисбатан икки баробар узун этиб тайёрланган.

Иш жараёнида агрегатнинг олд секция ишчи звеноси тортқи орқали рама ташқарисидан ўрнатилган сиқилувчи пружина билан жиҳозланган ва рамага қўзғалмас қилиб маҳкамланган. Унга ҳаракат жараёнида тупроқнинг қаршилик кучи таъсир этади ва ишчи звенонинг иш жараёнида юзага келадиган қаршилик кучлари туфайли тебранишлар пайдо бўлиши ҳисобига тупроқни юза қисмини қисман юмшатади. Орқа секциядаги тишлар, олд қатор тишларга нисбатан икки баробар узунроқ этиб тайёрланганлиги сабабли, борона ишчи звенolari майдон рельефига тўлиқ мослашиб тупроққа ишлов бериш сифатини оширади [2].

Ушбу мақолада икки қатламда ишлов берадиган тебранма тишли боронанинг агротехник ва энергетик кўрсаткичларини унинг параметрларини мақбуллаштириш бўйича Хартли-5 режаси бўйича ўтказилган кўп омилли тажрибаларнинг натижалари келтирилган [3-5].

1-жадвалда омиллар, уларнинг белгиланишлари, ўзгариш орилиқлари ва сатхлари келтирилган. Улар ўтказилган назарий тадқиқотлар ва бир омилли тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда танланди. (1-жадвал)



1-Осиш қурилмаси билан жиҳозланган рама; 2,3-олдинги ва орқа қатор ишчи звенolar; 4-халқа; 5-қўндаланг балка; 6,7-олдинги ва орқа қатор тишлари; 8-сиқилувчи пружина
1-расм. Икки қатламда ишлов берадиган тебранма тишли боронанинг конструктив схемаси

Тадқиқотларни ўтказишда тебранма тишли борона олдинги ва орқа секциялар тишининг узунлиги, ўткирланиш бурчаги, изларининг кенглиги ва агрегатнинг ҳаракат тезлиги унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди ва улар қуйидагича шартли белгиланди:

- X_1 – борона олдинги секциясининг тиши узунлиги, мм;
- X_2 – борона орқанги секциясининг тиши узунлиги, мм;
- X_3 – борона тишининг ўткирланиш бурчаги, градус;
- X_4 – борона изларининг кенглиги, мм;
- X_5 – агрегатнинг ҳаракат тезлиги, км/соат.

1-жадвал

№	Омилларнинг номланиши	Омилларнинг вариацияланиш оралиғи	Омилларнинг сатҳи		
			-1	0	+1
1.	Борона олдинги секциясининг тиши узунлиги, мм	10	40	50	60
2.	Борона орқанги секциясининг тиши узунлиги, мм;	10	80	90	100
3.	Борона тишининг ўткирланиш бурчаги °	10	70	80	90
4.	Борона излари орасидаги масофа, мм;	5	45	50	55
5.	Агрегатнинг ҳаракат тезлиги, км/ч	1,5	6,0	7,5	9,0

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида ишлов бериш чуқурлиги (Y_1 , см) ва унинг ўртача квадратик четланиши (Y_2 , см), тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 25 мм кичик фракциялар миқдори (Y_3 , %), боронанинг тортишга қаршилиги (Y_4 , кН) ҳамда дала юзасидаги нотекисликларининг ўртача квадратик четланиш (Y_5 , см) қабул қилинди.

Тажрибаларда олинган маълумотларга ишлов беришда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен критериясидан, регрессия коэффицентлари қийматини баҳолашда Стьюдент критериясидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер критериясидан фойдаланилди [4,5].

Тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- ишлов бериш чуқурлиги бўйича (Y_1 , см)

$$Y_1 = +7,956 + 0,945X_1 + 1,203X_2 + 0,341X_3 - 0,322X_4 - 0,388X_5 - 0,281X_1^2 - 0,080X_1X_3 + 0,120X_1X_4 + 0,113X_1X_5 - 0,238X_2^2 - 0,112X_2X_3 + 0,087X_2X_4 + 0,080X_2X_5 - 0,584X_3^3 + 0,064X_3X_4 + 0,126X_4^2 - 0,083X_4X_5 + 0,161X_5^2; \quad (1)$$

- ишлов бериш чуқурлигининг ўртача квадратик четланиши бўйича (Y_2 , см)

$$Y_2 = +1,079 + 0,152X_1 + 0,180X_2 + 0,015X_3 + 0,141X_4 + 0,124X_5 + 0,087X_1^2 - 0,019X_1X_2 + 0,023X_1X_3 + 0,021X_1X_4 - 0,039X_1X_5 + 0,076X_2^2 + 0,039X_2X_3 + 0,023X_2X_5 + 0,078X_3^2 + 0,019X_3X_5 - 0,054X_4^2 + 0,017X_4X_5 + 0,041X_5^2 \quad (2)$$

- юмшатирилган қатламдаги тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (Y_3 , %)

$$Y_3 = +92,065 - 0,862X_1 - 0,688X_2 - 0,633X_3 - 3,003X_4 + 1,846X_5 - 0,840X_1^2 + 0,581X_1X_2 + 0,644X_1X_3 + 0,671X_1X_5 -$$

$$-1,140X_2^2-0,671X_2X_3-0,643X_2X_5-1,140X_3^2-0,580X_3X_5+0,862X_4^2-0,841X_5^2; \quad (3)$$

- тебранма тишли боронанинг тортишга қаршилиги бўйича (Y_4 , кН)

$$Y_4=+378,405+23,267X_1+35,478X_2+35,422X_3+31,163X_4+55,767X_5-19,555X_1^2+3,640X_1X_2+2,327X_1X_3+3,227X_1X_4-1,106X_1X_5-21,256X_2^2+1,098X_2X_3+2,006X_2X_4-2,327X_2X_5-21,255X_3^2+2,060X_3X_4-3,640X_3X_5+6,344X_4^2-2,740X_4X_5+31,678X_5^2. \quad (4)$$

- дала юзасидаги нотекикликларнинг ўртача квадратик четланиши бўйича (Y_5 , см)

$$Y_5=+1,000+0,052X_1+0,077X_2+0,071X_3+0,147X_4-0,151X_5+0,057X_1^2+0,010X_1X_2+0,004X_1X_3+0,006X_1X_4+0,074X_2^2-0,004X_2X_5+0,074X_3^2+0,005X_3X_4-0,010X_3X_5-0,062X_4^2-0,008X_4X_5-0,073X_5^2 \quad (5)$$

(1-5) регрессия тенгламаларида Y_1 мезон, яъни ишлов бериш чуқурлиги 4-6 см оралиғида бўлиши, Y_2 мезон, яъни тупроқнинг уваланиш даражаси 80 фоиздан кам бўлмаслиги, Y_3 мезон, яъни боронанинг тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиш шартларидан келиб чиқиб MS Excel дастури бўйича биргаликда ечилиб, 6-9 км/соат ҳаракат тезлиги учун омиллар қуйидаги қийматга эга бўлиши лозимлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Тишли боронанинг мақбул қийматлари

X_5		X_1		X_2		X_3		X_4	
Кодланган	Натурал, км/соат	Кодланган	Натурал, градус	Кодланган	Натурал, мм	Кодланган	Натурал, мм	Кодланган	Натурал, мм
1	9	-0,2735	47,26	-0,6136	83,86	0,348	83,48	-0,127	49,36
0	7,5	0,625292	56,25	-0,7124	82,87	0,07426	80,74	-0,374	48,12
-1	6	-0,0487	49,51	0,3493	93,49	-0,124	78,76	-0,404	47,97

Ўтказилган кўп омилли тажрибаларнинг натижалари бўйича 6-9 км/соат ҳаракат тезликларида кам энергия сарфлаган ҳолда тупроққа агротехника талаблари даражасида ишлов бериши, унинг олдинги ва орқанги секциясининг тишлари узунлиги мос равишда 47,26-56,25 мм ва 82,87-93,49 мм, ўткирланиш бурчаги 78-83°, излар орасининг кенлиги 47,97-49,36 мм оралиғида бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Пахтачилик маълумотномаси. – Тошкент, Fan va texnologiya, 2016. – 540 б.
2. Патент № IAP 07340 Тишли борона/ А.Х.Умурзақов, В.М.Турдалиев, Д.А.Абдувахобов, М.Х.Имомов // Расмий ахборотнома. – 2023.
3. Кобзарь А.И. Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва:Физматлиб, 2006. – 816 стр.
4. Аугамбаев М., Иванов А.З., Терехов Ю.И. Основы планирования научно-

исследовательского эксперимента. – Ташкент: Ўқитувчи, 1993.– 336 с

5. Веденяпин В.В. Общая методика экспериментального исследования и обработки опытных данных . – Москва: Колос, 1973. – 199 с.

УДК 631.313

**ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИНИНГ ИШЛОВ БЕРИШ
ЧУҚУРЛИГИНИ ЎЛЧАЙДИГАН ҚУРИЛМА ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ МАҚБУЛ
ҚИЙМАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

Тўхтақўзиев Абдусалим

ҚХМИТИ, т.ф.д., проф, +99897719-05-18, tuxtaqo'ziyev@gmail.com

Комилов Неъматилла Мухаммаджонович

ҚХМИТИ, PhD, +99897742-11-27, komilovn@gmail.com

Абдувахобов Дилшод Абдувоҳидович

НамМҚИ, PhD, доцент, +99(897) 707-18-25, d.a.abduvahobov@gmail.com

Хайдаров Камолиддин Сайфуллаевич

НамМҚИ, таянч докторант, +99(893) 407-19-09, kamoliddin1506@gmail.com

Аннотация. Мақолада тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлов бериш чуқурлигини машиналашган усулда ўлчайдиган қурилма ишлаб чиқилганлиги таъкидланган ва унинг ўлчаш аниқлигига таъсир этадиган асосий параметрлари(параллелограмм механизм таянч ғилдирагининг диаметри, тўғинининг кенлиги ҳамда унга бериладиган тик юкланиш)нинг мақбул қийматларини аниқлашга доир ўтказилган кўп омилли экспериментларнинг натижалари келтирилган. Кўп омилли экспериментлар В₄ режаси бўйича ўтказилган. Бунда баҳолаш мезони сифатида ишлов бериш чуқурлигининг мавжуд усул ва қурилма билан аниқланган ўртача қийматлари орасидаги фарқнинг абсолют қиймати олинган.

Аннотация. В статье упоминается о разработке устройства для механизированного измерения глубины обработки почвы почвообрабатывающими машинами, а также приводятся результаты многих факторных экспериментов по определению допустимых значений его основных параметров (диаметр опорного колеса параллелограммного механизма, ширина пучка и потери восстановления), влияющие на точность его измерения. Многомерные эксперименты проводили по плану Б4. При этом в качестве критерия оценки принималось абсолютное значение разницы между средними значениями глубины обработки, определенными существующим методом и устройством.

Abstract. In the article, it is noted that a device for mechanized measurement of the working depth of soil tillage machines has been developed, and the results of multi-factor experiments conducted to determine the optimal values of the main parameters affecting its measurement accuracy (the diameter of the parallelogram mechanism, the width of the hub and the vertical load applied to it) are presented. Multivariate experiments were conducted according to plan V4. In this case, the absolute value of the difference between the average values of the processing depth determined by the existing method and device was taken as an evaluation criterion.

Калит сўзлар: тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, ишлов бериш чуқурлигини


аниқлайдиган қурилма, параллелограмм механизм, таянч гилдирак, электрон блок, маълумотларни узатиш ва қабул қилиш қурилмалари.

Ключевые слова: глубина обработки почвы, устройство определения глубины обработки почвы, параллелограммный механизм, опорное колесо, электронный блок, устройства передачи и приема данных.

Key words tillage depth, tillage depth determination device, parallelogram mechanism, support wheel, electronic block, data transmission and reception devices.

Кириш: Маълумки, тупроққа ишлов бериш машиналарининг асосий иш кўрсаткичларидан бири бу ишлов бериш чуқурлиги ва унинг барқарорлиги(бир текислиги) ҳисобланади. Ҳозирги даврда тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлов бериш чуқурлиги ва унинг барқарорлигини аниқлашда сермеҳнат ҳамда аниқлиги паст бўлган усуллар(кўндаланг ва бўйлама профилларни олиш, ишлов берилган қатламга чизғич ботириш, эгат ўлчагич билан эгат девори баландлигини ўлчаш ва бошқалар)дан фойдаланилмоқда [1-3] ҳамда бунда олинган натижаларга алоҳида қайта ишлов бериш жараёнларига кўп вақт ва меҳнат сарфланмоқда. Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда биз томонимиздан тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлов бериш чуқурлигини машиналашган усулда ўлчайдиган ва бир йўла унинг статистик характеристикалари(ўртача арифметик қиймати, ўртача квадратик четланиши ва вариация коэффиценти)ни аниқлайдиган қурилма ишлаб чиқилди [4-7] ҳамда унинг параметрларининг мақбул, яни тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлов бериш чуқурлигини юқори аниқликда ўлчанишини таъминлайдиган қийматларини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқотлар ўтказилди.

Тажрибаларни ўтказиш учун қурилманинг тажриба нусхаси ишлаб чиқилди ва тайёрланди. 1-расмда қурилманинг умумий, 2-расмда эса унинг маълумотларни узатиш, қабул қилиш ва қайд этиш қурилмалари билан биргаликдаги кўринишлари келтирилган.



1-расм. Тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлов бериш чуқурлигини аниқлайдиган қурилманинг умумий кўриниши



2-расм. Қурилманинг маълумотларни узатиш, уларни қабул қилиш ва қайд этиш қурилмалари билан биргалликдаги кўриниши

Қурилма параллелограмм механизм 1, электрон блок 2 ва унинг штангаси 3 ва таянч ғилдирак 4 ни ўз ичига оладиган электрон модулдан ташкил топган бўлиб, кулф 5 воситасида тупроққа ишлов бериш машиналарининг рамасига маҳкамланади. Электрон блокнинг штангаси параллелограмм механизмнинг тортқилари билан шарнирли боғланган, электрон блок 2 нинг ўзи эса узунлигини ўзгартириш имконига эга бўлган ушлагич 6 орқали кулф 5 билан кўзгалмас боғланган. Қурилма куйидаги тартибда ишлайди: машинанинг иш органлари маълум чуқурликка ботганда қурилманинг таянч ғилдираги 4 дастлабки ҳолатига нисбатан шунча, яъни иш органларининг тупроққа ботиш (ишлов бериш) чуқурлигига тенг бўлган баландликка кўтарилади ва бу кўтарилишни электрон блок 2 қайд этиб боради ва уни маълумотларни узатиш қурилмаси 7 га узатади. Узатилган маълумотлар қабул қилиш қурилмаси 8 томонидан қабул қилиб олиниб, қайд этиш қурилмаси 9 нинг мониториға график ёки рақам кўринишида чиқарилади ҳамда уларнинг статистик характеристикалари аниқланади.

Қурилма параметрларининг ишлов бериш чуқурлиги юқори аниқликда ўлчанишни таъминлайдиган мақбул қийматларини аниқлаш учун экспериментларни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб кўп омилли тажрибалар ўтказилди [8, 9].

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқотларни ўтказишда тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлов бериш чуқурлигини машиналашган усулда ўлчайдиган қурилма таянч ғилдирагининг диаметри (X_1), тўғинининг кенлиги (X_2) ва унга бериладиган тик юкланиш (X_3) ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги (X_4) унинг ўлчаш аниқлигига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди. 1-жадвалда омиллар, уларнинг белгиланишлари, ўзгариш оралиқлари ва сатҳлари келтирилган.

Кўп омилли тажрибалар V_4 режаси бўйича ўтказилди [9] ва унга мос равишда диаметри ва тўғинининг кенлиги турлича бўлган таянч ғилдираклар тайёрланди, унга бериладиган тик юкланиш қўшимча юклар қўйиш орқали, иш тезлиги эса трактор узатмалари қутиси воситасида ўзгартирилди.

Омилларнинг ўзгариш оралиқлари ва сатҳлари

№	Омиллар ва уларнинг ўлчов бирлиги	Омилларнинг				
		кодланган белгила- ниши	ўзгариш оралиги	сатҳлари		
				қуйи (-1)	асосий (0)	юқори (+1)
1.	Паралелограмм механизм таянч ғилдиракнинг диаметри, см	X ₁	5	30	35	40
2.	Паралелограмм механизм таянч ғилдираги тўғинининг кенглиги, см	X ₂	2,5	10	12,5	15
3.	Қурилманинг таянч ғилдирагига бериладиган тик босм кучи, Н	X ₃	50	150	200	250
4.	Иш тезлиги, km/h	X ₄	1	5	6	7

Кўп омилли экспериментлар ҚХМИТИ тажриба далаларида ТТЗ-812 трактори ва ишлаб чиқилган қурилма билан жиҳозланган ПН-3-30 плугидан ташкил топган хайдов агрегат қўлланиб ўтказилди (3-расм). Бунда баҳолаш мезони сифатида хайдов чуқурлигининг мавжуд усул ва қурилма қўлланиб аниқланган ўртача қийматлари орасидаги фарқнинг абсолют қиймати олинди.



3-расм. Тажрибаларни ўтказиш жараёни

Кўп омилли тажрибалардан олинган маълумотларга ҚХМИТИнинг тажриба-синов бўлимида ишлаб чиқилган “PLANEXP” дастури бўйича ишлов берилди. Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен критериясидан, регрессия


коэффициентларининг қийматини баҳолашда Стьюдент критериясидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер критериясидан фойдаланилди [9].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Тажриба натижаларига кўрсатилган дастур бўйича ишлов берилиб, баҳолаш мезонини адекват ифодаловчи куйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$Y = 0,554 - 0,455X_1 - 0,317X_2 + 0,212X_3 + 0,300X_4 + 0,420X_1^2 - 0,050X_1X_2 - 0,050X_1X_3 + 0,088X_1X_4 + 0,585X_2^2 - 0,341X_2X_3 + 0,078X_2X_4 + 0,680X_3^2 + 0,079X_3X_4 + 0,005X_4^2$$

Мазкур регрессия тенгламаси ва у бўйича қурилган график боғлиқлиқлар (4-расм) таҳлили шуни кўрсатадики, қурилма таянч ғилдирагининг диаметри, тўғинининг кенглиги ва унга бериладиган тик юкланиш, яъни X_1 , X_2 ва X_3 омиллар ортиши билан ўлчаш аниқлиги қабарик параболо қонуниятга бўйича ўзгарган, агрегат тезлиги, яъни X_4 омил ортиши билан эса ўлчаш аниқлиги пасайган.

Қурилма параметрларининг ишлов бериш чуқурлигини юқори аниқликда ўлчанишини таъминлайдиган қийматларини аниқлашда олинган регрессия тенгламаси ПК «Pentium IV» компьютерида Excel дастурини «ечимни кидириш» (поиск решения) амали бўйича 5-7 km/h тезликлар учун минимал қийматга эга бўлиши шартидан ечилди [10]. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.



1, 2, 3 – мос равишда ҳаракат тезлиги 5, 6 ва 7 km/h бўлганда

4-расм. Ишлов бериш чуқурлигининг мавжуд усул ва қурилма билан аниқланган ўртача қийматлари орасидаги фарқнинг абсолют қийматини қурилма параметрларига боғлиқ равишда ўзгариши

Тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлов бериш чуқурлигини машиналашган усулда ўлчайдиган қурилма параметрларининг мақбул қийматлари

X ₄		X ₁		X ₂		X ₃	
кодлан	хақиқ	кодлан	хақиқ	кодлан	хақиқ	кодлан	хақиқ
1	7	0,4384	37,19	0,1784	12,94	-0,1531	192,34
0	6	0,5541	37,77	0,2752	13,18	-0,0665	196,67
-1	5	0,6698	38,34	0,3721	13,43	0,0201	201,00

Демак, 5-7 km/h ҳаракат тезликларида тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлов бериш чуқурлигини машиналашган усулда ўлчайдиган қурилма ишлов бериш чуқурлигини юқори аниқликда ўлчаши учун унинг таянч ғилдирагининг диаметри 37,19-38,34 см, тўғинининг кенглиги 12,94-13-43 см ва унга бериладиган тик босм кучи 192,34-201,00 N оралиғида бўлиши лозим. Омилларнинг ушбу қийматларида ишлов бериш чуқурлигининг мавжуд усул ва қурилма билан аниқланган ўртача қийматлари орасидаги фарқнинг абсолют қиймати 0,05-0,73 см ни ташкил этди. Бу қийматлар мавжуд меъёрий ҳужжатларда ишлов бериш чуқурлигини ўлчаш учун руҳсат этилган хатолик(± 1 см)дан кичик.

Хулоса: Ўтказилган кўп омилли тажрибаларнинг натижалари бўйича тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлигини машиналашган усулда ўлчайдиган қурилма ишлов бериш чуқурлигини юқори аниқликда ўлчаши учун унинг таянч ғилдирагининг диаметри 37,19-38-34 см, тўғинининг кенглиги 12,94-13,43 см ва унга бериладиган тик юкланиши 192,34-201,00 N оралиғида бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. O'zDSt 3412:2019 “Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва қурооллар. Синов дастури ва усуллари” // Расмий нашр. – Тошкент, 2019. – 52 б.
2. O'zDSt 3355:2018 “Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ чуқур ишлов берувчи машиналар ва қурооллар. Синов дастури ва усуллари” // Расмий нашр. – Тошкент, 2018. – 32 б.
3. Абдувахобов Д. А., Мадрахимова М. Б., Крыгин С. Е. Равномерность хода почвообрабатывающих машин по глубине обработки и их устойчивость //Вклад университетской аграрной науки в инновационное развитие агропромышленного комплекса. – 2019. – С. 8-11.
4. Tukhtakuziyev, A., Abduvakhobov, D. A., Khaidarov, K. S., Gofurjanov, I. I., & Madrakhimova, M. B. (2022, December). Study of device vertical vibration for measuring the working depth of soil working machines. In IOP Conference Series: Earth and Environmental Science (Vol. 1112, No. 1, p. 012044). IOP Publishing.
5. Tuxtakuziyev A., Abduvaxobov D.A., Komilov N.M., Xaydarov K.S. Tuproqqa ishlov berish mashinalarining ishlov berish chuqurligini avtomatik ravishda nazorat qiluvchi qurilma uchun dasturiy ta'minotni yaratish // O'zR. IMA ning EHM dasturi uchun guvohnomasi. № BGU 00564 17.03.2022
6. D.A. Abduvahobov, K.S.Khaydarov, & M.B.Madraximova. (2021). Method Of Determining The Sustainability Of Working Depth Of Earthquaking Machines With Digital Device. The American Journal of Engineering and Technology, 3(05), 156–159.
7. D.A. Abduvahobov, K.S.Khaydarov, and M.B.Madraximova. 2021. “Method Of

Determining The Sustainability Of Working Depth Of Earthquaking Machines With Digital Device". The American Journal of Engineering and Technology 3 (05):156-59

8. Джонсон Н., Лион Ф. Статистика и планирование эксперимента в технике и науке. Методы обработки данных / Пер. с английского. – Москва: Мир, 1990. – 610 с.

9. Аугамбаев М., Иванов А.З., Терехов Ю.И. Основы планирования научно-исследовательского эксперимента. –Ташкент: Ўқитувчи, 1993.– 336 б.

10. Кашаев С.М. Офисные решения с использованием Microsofty Excel 2007 и VBA. – СПб.: Питер, 2009. 352 с.: ил.

11. Abduvahobov, D. A., Kh, I. M., & Madrahimova, M. B. (2020). THE role of information and pedagogical technologies in teaching on general technical subjects. реализация международных и федеральных стандартов в психологии и педагогике, 3.

УДК 635.13

МАССАСИ ЎЗГАРУВЧАН КОМБИНАЦИЯЛАШГАН МАШИНАЛАРНИНГ ТОРТИШГА ҚАРШИЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЯНГИ ЁНДАШУВИ

Турдалиев Вохиджон Махсудович
НамМҚИ, т.ф.д., профессор, vox-171181@mail.ru, тел:+99897 335 39 93

Махкамов Фуломжон Усмонжонович
НамМҚИ, т.ф.д., mgulomjon_m@mail.ru, +998939382588

Шералиев Икромжон Иброхимович
НамМҚИ, Sheraliyev127@inbox.ru, +998972532516

Эксанова Санталатхон Шаробидиновна
НамМҚИ, таянч докторант, santalatxoneksanova@gmail.com, тел:+998943075778

Аннотация. Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган машиналарни такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлардан бири бу уларни комбинациялаштиришдир. Машиналарни комбинациялаштириш орқали иш унумини ошириш, меҳнат сарфини камайтириш, ресурс ва энергия тежамкорликка эришиш, тупроқнинг структурасини сақлаш ва бошқаларга эришиш мумкин. Тадқиқотнинг мақсади - сабзавотчиликда қўлланиладиган массаси ўзгарувчан комбинациялашган машиналарнинг тортишга қаршилик кучини аниқлашдан иборат. Ушбу машиналарнинг иш жараёнида уруғ экиш ёки ўғит солиш жараёнида массалари камайиб боради, бу эса ўзидан тортишга қаршилик кучини камайишига сабаб бўлади.

Аннотация. Одним из перспективных направлений совершенствования машин, используемых в сельском хозяйстве, является их комбинирование. Комбинируя машины, можно повысить производительность, снизить трудозатраты, можно достигнут ресурсо и энергосбережению, сохранить структуру почвы и многое другое. Цель исследования - определить тяговое сопротивление комбинированных машин с переменной массой, используемых в овощеводстве. При работе этих машин масса уменьшается при посеве или внесении удобрений, что позволяет снижение тягового сопротивления.

Annotation. One of the promising areas for improving machines used in agriculture is their combination. By combining machines, you can increase productivity, reduce labor costs,

achieve resource and energy savings, preserve soil structure, and much more. The purpose of the study is to determine the traction resistance of combined machines with variable mass used in vegetable growing. During the operation of these machines, the weight is reduced when sowing or fertilizing, which allows a reduction in traction resistance.

Калит сўзлар. Комбинациялашган машина, тортишга қаршилик, энергиятежамкорлик, тупроқ, ишлов бериш, уруғ экиш, ўғитлаш, масса, ўзгариш, ишчи орган.

Ключевые слова. Комбинированная машина, тяговая сопроотивления, энергосбережения, почва, обработка, посев, внесение удобрений, масса, изменения, рабочий орган.

Keywords. Combined machine, traction resistance, energy saving, soil, cultivation, sowing, fertilization, weight, changes, working body.

Қишлоқ хўжалиги машиналари ишчи органларнинг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнининг энергетик модели учун амалда чиқувчи омил сифатида энергетик параметрлар танланади. Тупроққа ишлов беришда ишчи органларнинг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнининг энергетик параметри этиб тортишга қаршилик кучини танлаб олиш одатий ҳолга айланиб улгурган. Уни танлаб олишнинг афзаллиги шундаки, ундан двигателнинг қувватини ёки тортиш қобилиятини аниқлаш мумкин. Энергетик моделнинг кирувчи омиллари сифатида эса тупроқнинг хоссалари ва ишлов бериш жараёнининг энергияга таъсир этиши мумкин бўлган ишчи органнинг параметрлари олиниши мумкин. Бундай омилларни қисқагина энергетик омиллар деб аталади [1].

Тупроққа ишлов бериш жараёнида энергия асосан уларнинг таянч ғилдиракларида ҳосил бўладиган қаршиликларни енгиш, иш органлар томонидан тупроқни кесиш, деформациялаш, парчалаш ва уларнинг таъсири остида тупроқ тузилишини ўзгариши натижасида юзага келадиган қаршиликларни енгишга сарфланади, яъни [2]

$$A = A_1 + A_2 + A_3 + A_4,$$

бунда A -умумий энергия сарфи, J ; A_1 - тупроққа ишлов бериш машина ва куруллари таянч курилмаларида ҳосил бўладиган қаршиликларни енгиш учун энергия сарфи, J ; A_2 - иш органларининг тиғлари тупроқни кесиши учун энергия сарфи, J ; A_3 - тупроқни деформациялаш ва парчалашга энергия сарфи, J ; A_4 - иш органларининг таъсири остида тупроқ тузилишини ўзгариши натижасида юзага келадиган қаршилик кучларини енгишга энергия сарфи, J .

Қишлоқ хўжалигини жадал суръатлар билан ривожланиши энергия ва меҳнат ҳаражатларини камайтириш, бажариладиган технологик жараёнларнинг сифатини ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган замонавий техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоларини қайта кўриб чиқишга ундамоқда.

Адабиётларда келтиришича, қишлоқ хўжалигида энергиятежамкорлик ва меҳнат унумдорлигига эришиш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири комбинациялашган машиналардан фойдаланишдир. Комбинациялашган машиналардан оқилона фойдаланиш орқали бир нечта жараёнларни биргаликда кўшиб бажариш, ижобий натижаларга эришиш мумкин. Масалан, тупроққа экиш олдидан ишлов бериш ва экиш жараёнларини кўшиб бажариш, биринчидан тупроқдаги намликни сақлаш орқали уруғларни униб чиқиши учун керакли шароит яратилади, иккинчидан ўтишлар сонини камайтириш орқали тупроқ структурасини ўзгариши камайдди, учинчидан экиш муддатлари қисқаради [3].

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда тупроққа ишлов бериш жараёнига

барча ҳаражатларнинг 40 % гача бўлган қисми сарф этилганлиги сабабли, ишлов бериш технологияси ва уни амалга оширишда қўлланиладиган машиналарни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга [4].

Қишлоқ хўжалигида энергия ва ресурсларни тежаш муаммосини ечишда иккита асосий йўналиш мавжуд: биринчиси тортишга қаршилик кучини камайтириш, иккинчиси кенг қамровли комбинациялашган машиналардан фойдаланишдир. Агарда кенг қамровли комбинациялашган машиналардан фойдаланилса тортишга қаршилик кучини ортишига олиб келади, бу эса машиналар ишчи органларини рационал конструкцияларини танлашга ундайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, асосий энергетик параметр сифатида машиналарнинг тортишга қаршилик кучи саналади. Тупроққа ишлов бериш машиналарининг тортишга қаршилик кучини аниқлаш учун В.П.Горячкиннинг машхур рационал формуласидан фойдаланиш қулай, яъни [5]

$$P = fG + zkab + z\xi av^2, \quad (1)$$

бунда G -машинадаги оғирлик кучи, N ; f -ишқаланиш коэффициенти; z -машинадаги секциялар сони; k -тупроқнинг солиштирма қаршилиги, N/cm^2 ; a -ишлов бериш чуқурлиги, m ; b -ишчи органнинг қамров кенгилик, m ; ξ -машина ишчи органларининг геометрик ва фрикцион хусусиятларини инобатга оладиган коэффициент, Ns^2/m^4 ; v -машинанинг ҳаракат тезлиги, m/s .

Агарда оғирлик кучи $G=mg$ эканлигини инобатга олсак, у ҳолда (1) ифода қуйидагича кўриниш олади

$$P = fmg + zkab + z\xi av^2, \quad (2)$$

бунда m -машинанинг умумий массаси, kg ; g -эркин тушиш тезланиш, m/s^2 .

Маълумки, комбинациялашган машиналар бажарадиган ишлар таркибига уруғ экиш ва ўғит солиш жараёнлари ҳам киради. Ушбу жараёнларда машинанинг умумий массаси доимий бўлмайди, яъни иш бажариш жараёнида массаси камайиб боради. Чунки, уруғ ёки ўғитлар машинанинг қутиларида дала майдонига тушади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қатор тадқиқотчиларнинг ишларида машиналарни тадқиқ этишда масса ва инерциал параметрларнинг ўзгарувчанлиги кўрсатиб ўтилган, лекин улар бўйича масалаларни ечишда доимий параметрлар билан алмаштирилади. Бу эса нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин.

Массаси ўзгарувчан қурилмалар билан агрегатланган машиналарнинг тадқиқ этишда уларнинг динамик моделлари ва дифференциал тенгламаларини тузишда ўзгарувчан параметрлари киритилади. А.П.Бессонов ўзининг тадқиқотларида, бўғинининг массаси ўзгарувчан механизмлар динамикасини ўрганишда реактив кучни киритиб, қуйидаги тенгламани таклиф этган, яъни [6]

$$\frac{d\left[\frac{m(t) dx}{dt}\right]}{dt} + cx = F(t), \quad (3)$$

бунда $m(t)$ -вақтга боғлиқ бўлган масса, kg ; c -бикрлик коэффициенти, N/m .

Ўзгарувчан массали механик тизимларни тадқиқ этишда албатта тизимнинг ишлаш режимини инобатга олиш зарур. Демак, комбинациялашган машина умумий массасининг ўзгаришини инобатга оладиган бўлсак, (2) ифодадан фойдаланиш орқали комбинациялашган машиналарнинг тортишга қаршилик кучини ўзгариш қонуниятини олишда мураккабликлар туғилади. Шу сабабли комбинациялашган машиналар учун қуйидаги тузилишдаги формула тавсия этилади, яъни


$$P = fg[m_m + (m_y - WBs / 10000) + zkab + z\xi abv^2], \quad (4)$$

бунда m_m -машинанинг массаси, kg; m_y -машина қутисидаги уруғ ёки ўғитнинг массаси, kg; W -уруғ экиш ёки ўғит солиш меъёри, kg/ha; B -машинанинг қамров кенлиги, m; s -машинанинг босиб ўтган йўли, m.

Ушбу (4) ифодада қуйидаги шарт бажарилиши лозим, яъни

$$(m_y - WBs / 10000) \geq 0$$

Чунки, комбинациялашган машина уруғ экишда ёки ўғит солишда қути бўшагандан сўнг қайтадан тўлдирилиши лозим.



1-W=10 kg/ha; 2-W=100 kg/ha; 3-W=200 kg/ha

1-расм. Комбинациялашган машинанинг тортишга қаршилик кучини босиб ўтган масофасига боғлиқлик графиги

Сабзавотчиликда қўлланиладиган комбинациялашган машиналарнинг тортишга қаршилик кучининг ўзгаришини тадқиқ этиш мақсадида (4) ифоданинг сонли ечимини параметрларнинг қуйидаги қийматларида амалга оширамиз: $f=0,5$; $g=10 \text{ m/s}^2$; $m=400 \text{ kg}$; $m_y=250 \text{ kg}$; $W=(10-250) \text{ kg/ha}$; $B=2,8 \text{ m}$; $s=100 \text{ m}$; $z=4$; $k=5 \text{ N/m}^2$; $a=0,15 \text{ m}$; $b=0,3 \text{ m}$; $\xi=150 \text{ Nc}^2/\text{m}^4$; $v=1,4 \text{ m/s}$.

1-расмдаги графикдан кўринадик, уруғ экиш ёки ўғит солиш меъёри 10 kg/ha бўлганда машинанинг тортишга қаршилик кучи 1000 m масофани босиб ўтганда параметрларнинг танлаб олинган қийматларида 3303,82 N дан 3298,82 N гача чизикли қонуниятга камайиб борар экан. Агарда уруғ экиш ёки ўғит солиш меъёри 100 kg/ha ва 200 kg/ha бўлганда машинанинг тортишга қаршилик кучи мос равишда 3303,82 N дан 3163,82 N гача ҳамда 3303,82 N дан 3023,82 N гача чизикли қонуниятга камайиб борар экан.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқотлардан хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, комбинациялашган машиналарни қўлланилиши улар бўйича олиб бориладиган изланишларни ривожлантиришни тақозо этади. Шу билан бирга комбинациялашган машиналар бажарадиган ишлар таркибида уруғ экиш ва ўғит солиш жараёнлари ҳам бўлса, у ҳолда иш жараёнида массанинг камайиши билан тортишга қаршилик кучининг қиймати ҳам тўғри чизикли қонунда камайиб борар экан. Агар уруғ экиш ёки ўғит солиш меъёри катта бўлса тортишга қаршилик кучининг қиймати жадал суръатлар билан камайиши кузатилиши аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Игнатенко И.В. Методы снижения энергозатрат почвообрабатывающих машин с упругозакрепленными рабочими органами: Дисс. ... док.тех. наук. - Ростов-на-Дону, 2003.

- 375 с.

2. Имомқулов Қ.Б. Кам энергия сафлаб тупроққа ишлов берадиган машиналарни яратиш: Тех. фан. док. дисс. – Тошкент, 2016. – 191 б.

3. Дёмшин С.Л. Разработка и результаты исследований комбинированного агрегата для предпосевной обработки почвы // Аграрная наука Евро-Северо-Востока, 2008. - №11. - С. 229-235.

4. Коган А.Б., Швейкин А.П. Исследование плуга с вибрирующими долотами // Состояние и перспективы развития почвообрабатывающих машин, фрез и культиваторов: матер. НТС ВИСХОМ. Вып. 25. М., 1968. - С. 157-161.

5. Горячкин В.П. Собрание сочинений. Т.2. - М.: Колос, 1968. - 480 с.

6. Бессонов А. П. Основы динамики механизмов с переменной массой звеньев. – М.: Наука, 1967. - 280 с.

УДК. 631.313.2

ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРУВЧИ РОТАЦИОН БОРОНА ТИШНИНГ ЎЛЧАМЛАРИ ВА КИНЕМАТИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ АГРОТЕХНИК ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Мухамедов Джабирхон

НамМҚИ профессори, +998905551911, j_m_muxamedov@umail.uz

Абдувахобов Дилшод Абдувахидович

НамМҚИ, доцент, +998977071825, d.a.abduvahobov@gmail.com

Исматуллаев Кахрамон Кодиржонович

НамМҚИ таянч докторанти, +998994747727, kyuks-1989@mail.ru

Мухаммадалиев Бекзодбек

НамМҚИ стажёр- ўқитувчи, +998911785277, bezodmuxammadaliyev00@gmail.com,

Аннотация. Ушбу мақолада назарий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион боронанинг тажрибавий тадқиқоти натижалари келтирилган. Унда ротацион боронанинг тиш шакли ва айланишлар сони ҳамда тиш узунлиги иш сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Аннотация. В статье приведены результаты экспериментальных исследований ротационной бороны разработанный на оснований параметров теоретических исследований. Было исследовано влияние метрических и кинематических параметров на агротехническим показателями.

Annotation. This article presents the results of an experimental study of a rotary harrow working on the soil surface, developed on the basis of theoretical studies. The influence of the shape of the rotary harrow's teeth, the number of revolutions, and the length of the teeth on the work quality indicators was determined.

Калит сўзлар: ротацион борона, тиш узунлиги, тиш шакли, айланишлар сони, фракция, тезлик.

Ключевые слова: ротационной борона, длина зуба, форма зуба, количество оборотов, фракция, скорость.

Key words: rotary harrow, tooth length, tooth shape, number of revolutions, fraction,

speed.

Хозирги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор тупроққа ишлов берувчи машина ва ишчи қуролларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан иборатдир. Бир ўтишда тупроққа ишлов бериш ва пушта олиш технологик жараёнларини амалга оширадиган комбинациялашган агрегатларни ишлаб чиқиш ва уларни синовдан ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Юқоридагиларни инobatга олиб, тупроқ юзасига ишлов берувчи ва пушта олиш агрегати ишлаб чиқилди. Тадқиқотлар ўтказиш мақсадида ротацион боронанинг тажрибавий лаборатория-дала нусхаси тайёрланди (1-расм).

Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион борона секциясининг айланишлар сони, тиш шакли, тиш узунлиги ва агрегат ҳаракат тезлигини тупроқнинг уваланиш сифатига ҳамда ишлов бериш чуқурлигига таъсири тадқиқ этилди.



1-тажрибавий қурилма, 2-юқори, чап ва ўнг тензометрик бармоқлар тракторга уланиши, 3-вал, 4- моментомерни трактор ҚОВга уланиши, 5-тасма, 6-шиф, 7-трактор

1-расм. Қурилмани тензометрик бармоқ ва моментомерни ўрнатилган ҳолати

Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион боронанинг агротехник (тупроқнинг уваланиш сифати, ишлов бериш чуқурлиги) иш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар Наманган туманидаги “Кумуш тола ёғдуси” фермер хўжалигининг дала майдонида ўтказилди. Тажрибалар олдиндан текисланиб ва ёппасига суғорилган махсус майдонда ўтказилди. Тупроқ етилгандан кейин тажрибалар ўтказиладиган майдоннинг 10-12 см чуқурликда ер юзига ишлов берилди. Тажрибалар ўтказилган далалар тупроғи ўрта-оғир соз механик таркибдаги бўз тупроқ бўлиб, ер ости сувлари 10-12 м чуқурликда жойлашган. Тажрибаларни ўтказишдан олдин 0-10 ва 10-20 см қатламлардаги тупроқнинг намлиги ва қаттиқлиги қуйидаги келтирилган [2] усуллар асосида аниқланди. Уларнинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Тажриба ўтказилган майдонлар тупроғининг намлиги ва қаттиқлиги

Қатламлар, см	Тупроқ намлиги, %	Тупроқ қаттиқлиги, МПа
0-10	9,2	1,24
10-20	12,8	1,72

Ўтказилган тажрибавий тадқиқотларда тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион борона энергетик кўрсаткичлари ва тупроқнинг уваланиш сифати ҳамда ишлов бериш чуқурлиги адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида аниқланди [3].

Тажрибаларни ўтказишда лаборатория-дала қурилмаси МТЗ-80.10 тракторига агрегатланган ҳолда ўрганилди (1-расм).


Тажрибаларни ўтказишда назарий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион борона секциясининг айланишлар сонини ҳар хил катталиқда унинг планкасига ўрнатилган тишлар сони 2 донга, ротацион боронага ўрнатиладиган тишларининг узунлигини ўзгартириш йўли билан амалга оширилди.

Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион борона секциясининг айланишлар сони ҳаракатни тракторнинг қувват олиш вали (КОВ) орқали редукторга узатилиб, тасмали узатма шкивни алмаштириш йўли билан ўзгартирилди.

Тажрибаларни ўтказиш учун барча секциялардан фойдаланиб, (2-расм), узунликлари турлича бўлган тишлар тайёрланди (3-расм). Бунда ҳаракат тезлиги 5 ва 7 km/h этиб қабул қилинди.



2-расм. Ротацион борона планкага ўрнатиладиган турли хил шаклдаги тишлар



3-расм. Ротацион борона тишлари узунлиги (1-12; 2-14; 3-16; 4-18 см)) турлича бўлган тишлар

Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион боронанинг иш режими ва параметрларини мақбуллаштиришда экспериментларни режалаштиришнинг математик усулидан фойдаланилди. Бунда тажрибалар уч омилли режа асосида ўтказилди [3, 4, 5].

Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион борона секциясининг тиш шакли ва айланишлар сони унинг агротехник иш кўрсаткичларига таъсири

Ротацион борона тишининг кўндаланг кесими шакли учбурчак, ромб шаклида бўлган ҳамда тишининг ишчи юзасини, яъни юқориги қирғоғига нисбатан пастги қирғоғини 180° ва 360° бурилган шаклдаги тишлар ўрнатилди ҳамда унинг айланишлар сони назарий тадқиқотларга асосан 50 r/min интервал билан 250 r/min дан 400 r/min гача ўзгартириб тажрибалар ўтказилди. Бунда ўзгармас параметрлар тишларнинг айланиш диаметри 40 см, иккита секциянинг тишларни айланишлар диаметри орасидаги масофа 3 см га тенг ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5-7 km/s этиб белгиланди.

Тажриба натижалари 2-3 жадвалларда ва 4-6-расмларда келтирилган.

2-жадвал

Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион боронани тишини кўндаланг кесимининг шакли ва унинг секциясини айланишлар сонини ишлов бериш чуқурлигига боғлиқлиги



Ротацион борона секциясининг айланишлар сони айл/мин	Тишининг кўндаланг кесимининг шакли							
	учбурчак		тўртбурчак		тўртбурчак ишчи юзасини 180° бурилган		тўртбурчак ишчи юзасини 360° бурилган	
	$M_{\text{ўр}}$	$\pm\sigma$	$M_{\text{ўр}}$	$\pm\sigma$	$M_{\text{ўр}}$	$\pm\sigma$	$M_{\text{ўр}}$	$\pm\sigma$
250	9,4	1,20	9,1	1,15	9,6	1,21	9,5	1,23
300	9,7	1,12	9,6	1,13	9,9	1,15	9,7	1,17
350	10,3	1,10	10,4	1,11	10,6	1,16	10,4	1,14
400	10,5	1,05	10,7	1,00	10,8	1,11	10,9	1,1

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ротацион боронанинг айланишлар сони ортиши билан ишлов бериш чуқурлиги барча тишининг иккила кўндаланг кесимининг шакли ортган, буни ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладаган нотекисликлар баландлигини камайиши билан изоҳлаш мумкин. Тиш шаклининг ўзгариши ушбу кўрсаткичларга деярли таъсир кўрсатмаган.

3-жадвал

Ротацион боронанинг тишини кўндаланг кесимининг шакли ва унинг секциясини айланишлар сонини тупроқнинг уваланиш даражасига боғлиқлиги

Ротацион борона секциясининг айланишлар сони айл/мин	Тишининг кўндаланг кесимининг шакли							
	учбурчак		тўртбурчак		тўртбурчак ишчи юзасини 180° бурилган		тўртбурчак ишчи юзасини 360° бурилган	
	>25	<25	>25	<25	>25	<25	>25	<25
250	22,1	77,9	23,7	76,3	21,7	78,3	20,2	79,8
300	19,5	80,5	21,3	78,7	17,6	82,4	15,79	84,21
350	17,9	82,1	18,2	81,8	16,4	83,6	13,9	86,1
400	16,4	83,6	17,6	82,4	15,5	84,5	12,85	87,15



1,2,3 ва 4-мос равишда тишининг кўндаланг кесимининг шакли учбурчак, тўртбурчак, тўртбурчак ишчи юзасини 180° бурилган, тўртбурчак ишчи юзасини 360° бурилган

4-расм. Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион боронанинг тишини кўндаланг кесимининг шакли ва унинг секциясини айланишлар сонини агротехник иш кўрсаткичларини тупроқнинг уваланиш даражасига боғлиқлиги

Тупроқнинг уваланиш сифати ротацион боронанинг айланишлар сони 250 r/min дан 400 r/min ортганда, ротацион борона тишининг кўндаланг кесими учбурчак бўлганда, ўлчами 25 мм дан кичик ва ундан катта бўлган тупроқ фракцияларининг миқдори мос равишда 77,9 % дан 83,6 % га ортган ва 22,1 % дан 16,4% га камайган. Кўндаланг кесими тўртбурчак бўлганда тупроқнинг уваланиш даражаси, мос равишда 76,3 % дан 82,4 % га ортган ва 23,7 % дан 17,6 % камайган. Тишининг кўндаланг кесими тўртбурчак юқориги қирғоғига нисбатан пастги қирғоғи 180° бурилган ҳамла мос равишда 78,3 % дан 84,5 % га ортган ва 21,7 % дан 15,5% га камайган. Тишининг кўндаланг кесими тўртбурчак юқориги қирғоғига нисбатан пастги қирғоғини 360° бурилган ҳамда мос равишда 79,8 % дан 87,15 % га ортган ва 20,2 % дан 12,85 % га камайган. Буни ротацион боронанинг секцияларини айланишлар сони ортиши билан унинг олдинги ва кейинги тишларнинг тупроқнинг кесиш вақтини қисқаришига, демак тупроқ палахсасининг кичиклашиши билан изоҳлаш мумкин. Ротацион боронага ўрнатилган тишининг шакли ўзгариши тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни 25 мм кичик бўлган тупроқ фракциялар миқдори турлича бўлган, унинг секциясининг айланишлар сони 350 r/min бўлганда кўрадиган бўлсак, тишининг кўндаланг кесими учбурчак бўлганда 82,1 % ни, тўртбурчак 81,8 % ни, кўндаланг кесими тўртбурчак бўлганда юқориги қирғоғига нисбатан пастги қирғоғи 180° бурилганда 83,6% ни, 360° бурилганда 86,1% ни ташкил этди. Буни тиш ёрдамида тупроққа берилаётган кучнинг бурчагини ўзгариши билан изоҳлаш мумкин.

Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион борона секциясининг тиши узунлигини агротехник иш кўрсаткичларига таъсири

Тажрибаларда узунлиги 120, 140, 160 ва 180 мм бўлган ротацион борона тишлари тайёрланиб ҳамда курилманинг планкаларига ўрнатилиб экспериментал тадқиқотлар ўтказилди (3–расм). Бунда борона секциясининг айланишлар сони 350 r/min, тиш шакли кўндаланг кесими тўртбурчак юқориги қирғоғига нисбатан пастги қирғоғини 360° га бурилган, тажрибаларни ўтказишда агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5 ва 7 km/h этиб белгиланди.

Тажрибалар натижалари 4-жадвал ва 5-6-расмларда график кўринишида

келтирилган.


4-жадвал

Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион борона тишининг тиши узунлигини унинг агреготехник иш кўрсаткичларига боғлиқлиги

Кўрсаткичлар номи	Ротацион борона тишининг узунлиги, см							
	120		140		160		180	
	Агрегат тезлиги, км/соат							
	5	7	5	7	5	7	5	7
Ишлов бериш чуқурлиги, см M _{yp} , ±σ	9,5 1,04	9,3 1,06	11,4 0,97	11,2 1,03	12,5 1,04	12,3 1,08	13,3 1,14	12,7 1,15
Қуйидаги ўлчамли (мм) фракцияларнинг миқдори, %								
100-50	0	0	0	0	0	0	0	0
50-25	17,95	20,5	15,90	18,45	17,90	20,36	21,30	23,66
<25	82,05	79,50	84,10	81,55	82,10	79,64	78,70	76,34
Сарфланаётган қувват кВт	23,36	25,07	25,93	27,58	29,34	29,90	29,93	30,33
Тортишга қаршилик, Н	520,0	615,0	605,0	735,0	660,0	785,0	680,0	803,0

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ротацион борона тиши узунлиги ортиши ишлов бериш чуқурлиги қаварик, унинг ўртача квадратик четланиши ботиқ парабола қонунияти билан ўзгарди.


Тиш узунлиги 12 см дан 14 см га ўзгарганда ишлов бериш чуқурлиги агрегат тезлиги 5 км/ч бўлганда 9,5 см дан 11,4 см га, 7 км/ч да 9,3 см дан 11,2 см гача ортган, унинг ўртача квадратик четланиши агрегат тезлигига мос равишда ±1,04 см дан ±0,97 см га, ±1,06 см дан ±1,03 см га камайган.



$$1 - F(h) = f(L); 2 - F(h) = f(\sigma);$$

а ва б – мос равишда агрегат тезлиги 5 ва 7 км/ч бўлганда

5-расм. Тупроқ юзасига ишлов берувчи ротацион борона тишининг узунлигини ишлов бериш чуқурлиги (1) га унинг ўртача квадратик четланиши (2) га таъсири



1,2-мос равишда агрегат ҳаракат тезлиги 5 ва 7 km/h бўлганда

6-расм. Ротацион борона тишининг узунлигини тупроқнинг уваланиш даражасига таъсири

Тиш узунлиги 16 см дан 18 см га ўзгарганда, ишлов бериш чуқурлиги агрегат тезлиги 5 km/h бўлганда, 12,5 см дан 13,3 см га, 7 km/h да 12,3 см дан 12,7 см гача ортган, унинг ўртача квадратик четланиши агрегат тезлигига мос равишда $\pm 1,04$ см дан $\pm 1,14$ см га, $\pm 1,08$ см дан $\pm 1,15$ см га ортган.

Тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 25 мм дан кичик бўлган тупроқ фракциялари тиш узунлиги ортиши қабарик парабола қонунияти билан ўзгарди. Тиш узунлиги 12 см дан 14 см га ортганда агрегат тезлиги 5 km/h бўлганда 82,05 % дан 84,10 % га, 7 km/h да 79,50 % дан 81,55 % га ортган, узунлиги 16 см дан 18 см га ортганда агрегат тезлиги 5 km/h бўлганда 82,10 % дан 78,70 % га, 7 km/h да эса 79,64 % дан 76,34 % га камайган.

Демак ўтказилган назарий тадқиқотларда мазкур параметрлар қийматлари экспериментал тадқиқотларда олинган натижаларга мос келди.

АДАБИЁТЛАР

1. РД Уз 63.03-98 «Испытания сельскохозяйственной техники. Методы расчета экономической эффективности испытываемой сельскохозяйственной техники». – Ташкент, 1998. – 49 с.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва: Колос, 1979. – 416 с.
3. Кобзарь А.И. Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва: Физматлит, 2006. – 816 с.
4. Джонсон Н., Лион Ф. Статистика и планирование эксперимента в технике и науке. Методы обработки данных / Пер. с английского. – Москва: Мир, 1990. – 610 с.
5. Аугамбаев М., Иванов А.З., Терехов Ю.И. Основы планирования научно-исследовательского эксперимента. – Ташкент: Ўқитувчи, 1993.–336с.
6. Ж.Мухамедов, Қ.Исматуллаев, А.Рахимжонов, С.Ўлмасов. Тупроқ юзасига ишлов бериш ва пушта олиш агрегат. “Машинасозликда инновациялар энергиятежамкор технологиялар ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Наманган шаҳри 29 май 2021-Б. 280-283
7. № IAP 2021 0106 Ихтиро учун талабнома “Тупроқ ишлов бериш ва пушта олиш агрегати”. А.Джураев., Ж.Мухамедов., Д.Абдувахобов., Қ.Исматуллаев., Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги 2021 йил 8-сонли ахборотномаси

8. Тўхтақўзиев А., Мухамедов Ж., Умурзақов А., Абдувахобов Д.А., Тебранма-тишли борона ўлчамларини асослаш // Механика муаммолари. –Тошкент, 2016.-№3-4.-Б. 104-108. (05.00.00; № 6).

9. Тўхтақўзиев А., Абдувахобов Д.А., Шарнирли-тебранма тишли борона тишининг ўткирланиш бурчагини асослаш // ТДТУ ХАБАРЛАРИ. –Тошкент, 2016.-№ 4.-Б. 126-130.

УДК 631.33.02

ҒАЛТАКЛИ ЭКИШ АППАРАТИНИ ЎҒИТ СОЛИШГА МОСЛАШТИРИШНИ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Турдалиев Воҳиджон Махсудович
НамМҚИ, т.ф.д., профессор, vox-171181@mail.ru, +99897 335 39 93

Қўчқоров Собиржон Каримжонович
НамМҚИ, PhD, доцент, qosobirjon@gmail.com, +998941590032

Шералиев Икромжон Иброхимович
НамМҚИ, Sheraliyev127@inbox.ru, +998972532516

Эксанова Санталатхон Шаробидиновна
НамМҚИ, таянч докторант, santalatxoneksanova@gmail.com, +998943075778

Аннотация. Ушбу мақолада ғалтакли экиш аппаратини сабзавотларга ўғит солиш жараёнига мослаштириш бўйича назарий тадқиқотлари натижалари келтирилган. Шу билан бирга ғалтак бир марта айланганда тушуши мумкин бўлган ўғит массасини аниқлаш ифодаси келтириб чиқарилиб, сонли ечими асосида параметрларни боғлиқлик графиклари олинган. Бундан ташқари, таянч-юритмали ғилдирак билан ғалтакнинг орасидаги узатишлар нисбатини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифода келтириб чиқарилган.

Аннотация. В данной статье представлены результаты теоретических исследований по приспособлению катушечного высевающего аппарата к процессу внесения удобрения для овощных культур. А также, выведено выражение для определения массы удобрения, которая может внести за один поворот катушки, на основе численного решения получены графики зависимости параметров. Кроме того, получено аналитическое выражение, позволяющее определить передаточное отношения между опорно-приводным колесом и катушки.

Annotation. This article presents the results of analytical studies on the adaptation of reel sowing equipment to the process of fertilizing for vegetable crops. And also an expression for fertilization is derived, which can be carried out in one revolution of the coil, based on a numerical solution, graphs are obtained depending on the parameters. In addition, an analytical expression has been obtained that makes it possible to determine the gear ratio between the support-drive wheel and the coil.

Калит сўзлар. Экиш аппарати, ғалтак, ҳаракат, меъёр, ифода, ўғит, масса, узатиш нисбати, айланишлар сони.

Ключевые слова. Выссевающий аппарат, катушка, движения, норма, выражения, удобрения, масса, передаточная отношения, частота выращивания.

Keywords. Sowing machine, reel, movements, rate, expressions, fertilizers, mass, gear


ratio, frequency of cultivation.

Ўғитлаш жараёнларига бағишланган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўғитларни майдон бўйича тенг тақсимланиши бўйлама йўналишда тушиш нотекислигига боғлиқ экан. Майдон бўйича ўғитларни тенг тақсимланишини таъминлаш мақсадида тадқиқотчилар томонидан ўғитлаш аппаратларининг бир нечта конструкциялари тавсия этилган.

Тадқиқ этилаётган ишда экиш машинасини ўғитлаш жараёнига мослаштириш масаласи кўрилатганини инобатга олиб, ғалтакли экиш аппарати ўғит солиш технологик жараёнига мос келишини ўрганиб чиқамиз (1-расм). Бунинг учун биринчи навбатда, ғалтак бир марта тўлиқ айланганда қанча микдорда ўғит солиши мумкинлигини аниқлаймиз. [1] га кўра, ғалтак бир марта тўлиқ айланганда тушиши мумкин бўлган уруф ҳажмини қуйидагича аниқлаймиз (2-расм).

$$V_0 = l_g (\xi z S + \pi d c_p + \pi c_p^2), \quad (1)$$

бунда l_g -ғалтак ишчи қисмининг узунлиги, м; ξ -новларнинг тўлиш коэффиценти; z -ғалтакдаги новлар сони; S -новнинг кўндаланг кесим юзаси, м²; d -ғалтакнинг диаметри, м; c_p -фаол қатлам қалинлиги, м.



1-таглик, 2-ғалтак, 3-розетка, 4-корпус, 5-экиш аппарати валиги, 6- бўшатиш механизми валиги, 7-тўхтатиш болти, 8-созлаш винти, 9-пружина

1-расм. Ғалтакли новсимон экиш аппарати


Агар массани қуйидагича ифодаласак

$$m = V_0 \rho, \quad (2)$$

у ҳолда ғалтак бир марта тўлиқ айланганда тушуши мумкин бўлган ўғит массасини (1) ифодани инобатга олиб қуйидагича аниқлаш мумкин

$$m = \rho l_g (\xi z S + \pi d c_p + \pi c_p^2), \quad (3)$$


бунда ρ -ўғитнинг ҳажмий зичлиги, кг/м³.



a-ҳаракат зонаси; *b*-ўғит доначаларини фаол зонадаги ҳаракат тезлигининг таснифи; I-эркин ҳаракат зонаси; II-мажбурий ҳаракат зонаси; III-фаол қатламдаги ҳаракат зонаси

2-расм. Ғалтакли экиш аппаратида ўғит доначаларини ҳаракати

Новнинг кўндаланг кесим юзасини аниқлашда новни ярим эллипис шаклида эканлигини инобатга олиб, 3-расмдан қуйидагича аниқлаймиз



3-расм. Новнинг кўндаланг кесим юзасини аниқлашга доир схема

$$S = \frac{ab\pi}{4}, \quad (4)$$


бунда a -новнинг кенлиги, м; b -новнинг чуқурлиги, м.

(4) ифодани инобатга олиб, (3) ифодани қайтадан ёзиб ғалтак бир марта тўлиқ айланганда тушуши мумкин бўлган ўғит массасини қуйидагича аниқлаймиз

$$m = \rho l_g \pi \left(\frac{\xi z ab}{4} + d c_p + c_p^2 \right), \quad (5)$$

Ғалтак бир марта тўлиқ айланганда тушуши мумкин бўлган ўғит массасини ғалтак ишчи қисмининг узунлиги ва фаол қатлам қалинлига боғлиқлигини ўрганиш мақсадида (5) ифоданинг сонли ечимини амалга ошираемиз. Бунда параметрларнинг қуйидаги қийматларини танлаб оламиз, яъни [1] га кўра $l_g=0,39$ мм, $\xi=0,9$ мм, $d=50$ мм, $c_p=3-5$ мм, ўғитнинг ҳажмий зичлигини эса [2] га кўра $\rho=810$ кг/м³, ўлчаш натижаларига кўра эса $a=11$ мм ва $b=5$ мм.

4-расмдан кўринадики, ғалтак бир марта тўлиқ айланганда тушуши мумкин бўлган ўғит массаси ғалтак ишчи қисмининг узунлигини ортиши билан тўғри чизикли қонуният ортиб борар экан. Бунда, фаол қатлам қалинлигини ортиши билан ғалтак бир марта тўлиқ айланганда тушуши мумкин бўлган ўғит массаси ҳам ортиб боришини кўриш мумкин. Масалан, фаол қатлам қалинлиги 0,003 м бўлганда ғалтак ишчи қисмининг узунлиги 0 м дан 0,039 м гача ортиб борганда ғалтак бир марта тўлиқ айланганда тушуши мумкин бўлган ўғит массаси 0 кг дан 0,03 кг гача тўғри чизикли қонуниятда ортиб борар экан.



4-расм. Ғалтак бир марта тўлиқ айланганда тушуши мумкин бўлган ўғит массасини ғалтак ишчи қисмининг узунлигига боғлиқлик графиги

Аппаратдаги фаол қатлам қалинлиги 0,004 м ва 0,005 м бўлганда ҳамда ғалтак ишчи қисмининг узунлиги 0 м дан 0,039 м гача ортиб борганда ғалтак бир марта тўлиқ айланганда тушуши мумкин бўлган ўғит массаси мос равишда 0 кг дан 0,036 кг ва 0 кг дан 0,042 кг гача тўғри чизикли қонуниятда ортиб боришини 4-расмдаги графиклардан кўриш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни кўрсатадики, ўғитнинг тушиш миқдорини ғалтак

ишчи қисмининг узунлигини ёки фаол қатлам қалинлигини ўзгартириш орқали сошлаш мумкин экан. Лекин, яна бир катталик борки, у катталик ҳам ўғитлаш меъёрини ва тушиш узлуксизлигин таъминлашда муҳим саналади. Бу катталик аппарат ғалтагининг айланишлар сони ва ҳаракат узатиш механизмининг узатишлар нисбатидир. Кейинги назарий тадқиқотларимизда ушбу катталикларни ўрганамиз.


Юқоридаги таъкитлаганимиздек ўғитлаш меъёрини сошлаш учта параметрни ўзгартириш орқали амалга ошириш мумкин. Булар ғалтак ишчи қисмининг узунлиги ва фаол қатлам қалинлиги ҳамда аппарат ғалтагининг айланишлар сони.

Аппарат ғалтагига ҳаракат таянч-юритмали ғилдиракдан занжирли узутма орқали узатилади (5-расм). Уғитлар қуйидаги тартибда қутидан тупроққа узатилади, яъни таянч-юритмали ғилдирак 1 машина ҳаракатга келган вақтда тупроқ орасида ҳосил бўлган ишқаланиш ҳисобига айланма ҳаракатни амалга оширади. Бунда таянч-юритмали ғилдирак билан битта валга ўрнатилган етакчи юлдузча 2 ҳаракатга келиб, занжир 3 ёрдамида етакланувчи юлдузча 4 ни ҳам ҳаракатга келтиради. Етакланувчи юлдузча 4 аппарат ғалтаги билан умумий валга эга бўлганлиги сабабли у ҳам айланма ҳаракатни амалга ошириб, қути 5 даги ўғитларни ўғит ўтказгич орқали тупроққа узатади.

5-расмдан фойдаланиб, [1] га кўра, аппарат ғалтаги юритмасидаги занжирли узатманинг узатиш нисбатини қуйидагича ифодалаймиз

$$i = \frac{n_g}{n_a} = \frac{z_2}{z_1} = \frac{d_1}{d_2}, \quad (6)$$

бунда n_g -таянч-юритмали ғилдирак ва етакчи юлдузчанинг айланишлар сони, айл/мин; n_a -етакланувчичи юлдузчанинг айланишлар сони, айл/мин; z_1 ва z_2 -мос равишда етакчи ва етакланувчи юлдузчаларнинг тишлари сони; d_1 ва d_2 -мос равишда етакчи ва етакланувчи юлдузчаларнинг диаметрлари, м.



5-расм. Аппарат ғалтагининг юритмаси

Агар таянч-юритмали ғилдиракнинг айланишлар сонини машина ҳаракат тезлигига боғлиқлигини қуйидагича ифодалаймиз

$$n_g = \frac{30v_m}{\pi r_g}, \quad (7)$$

бунда v_m -машинанинг ҳаракат тезлиги, м/с; r_g -таянч-юритмали ғилдиракнинг радиуси, м (7) ифодани инобатга олиб, (6) ифодани қуйидагича ёзамиз

$$i = \frac{30v_m}{n_a \pi r_g}, \quad (8)$$

(8) ифода ёрдамида аппарат ғалтаги билан таянч-юритмали ғилдирак орасидаги узатманинг узатилар нисбатини аниқлаш мумкин. Лекин ушбу (8) ифода таркибига технологик жараёни ифода етувчи катталиклар кирмаган. Шунинг учун тадқиқотларимизнинг кейинги босқичини жараёни ифода етувчи катталикларни ҳам узатишлар нисбатига боғлиқлигини ўрганишга қаратамиз. Бунинг учун биринчи навбатда бир метр масофага тушуши лозим бўлган ўғит миқдорини аниқлашга киришамиз. Бунда ўғитлаш машинасининг қутиларидаги ўғитнинг умумий массасини қуйидагича ифодалаймиз

$$m_{ум} = \frac{LBQ}{10^4 \eta_e}, \quad (9)$$

бунда L -кутига ўғит солишдан кейингисигача ўғитлаш машинасининг босиб ўтган масофаси, м; B -машинанинг қамров кенглиги, м; Q -белгиланган ўғит миқдори, кг/га; η_e -кути ҳажмидан фойдаланиш коэффициентини.

Агар ўғитлаш машинасида ҳар бир эгат учун алоҳида қутилар мавжудлигини инобатга олсак, у ҳолда алоҳида қутилардаги ўғит массасини қуйидагича ифодалаш мумкин

$$m_k = \frac{m_{ум}}{z_c} = \frac{LBQ}{z_c 10^4 \eta_e}, \quad (10)$$

бунда z_c -секциялар сони.

Тавсия этилаётган машина ўғитларни локал солишга ва ҳар бир кутида иккитадан экиш аппарати мавжудлигини инобатга олиб, битта экиш аппаратидан бир метр узунликдаги масофага тушиши керак бўлган ўғит массасини қуйидагича ифодалаймиз

$$M = \frac{m_k}{L} = \frac{BQ}{z_a z_c 10^4 \eta_e}, \quad (11)$$

бунда z_a -битта кутидаги аппаратлар сони.

Агар [3] кўра, таянч-юритмали ғилдирак бир марта айланганда ҳар бир ғалтак ёрдамида тушиши лозим бўлган ўғит массасини қуйидагича ифодаласак

$$m_y = \frac{2\pi_g M}{i}, \quad (12)$$

бунда M -ҳар бир метр узунликка тушиши лозим бўлган ўғит массаси, кг/м; i -узатишлар нисбати.

У ҳолда (5), (11) ва (12) ларни инобатга олиб, таянч-юритмали ғилдирак ва аппарат ғалтаги орасидаги узатишлар сонини қуйидагича ифодалаймиз

$$i = \frac{2r_g BQ}{z_a z_c 10^4 \eta_e \rho_l g \left(\frac{\xi z_a b}{4} + d c_p + c_p^2 \right)} \quad (13)$$


Таянч-юритмали ғилдирак ва аппарат ғалтаги орасидаги узатишлар нисбатини ишчи орган параметрлари ва технологик катталикларга боғлиқлигини ўрганиш мақсадида (13) ифоданинг сонли ечимини амалга оширамиз. Бунда параметрларнинг қуйидаги қийматларини танлаб оламиз, яъни [1] га кўра $l_g=0-39$ mm, $\xi=0,9$ mm, $d=50$ mm, $c_p=3-5$ mm, ўғитнинг ҳажмий зичлигини эса [2] га кўра $\rho=810$ kg/m³, ўлчаш натижаларига кўра эса $a=11$ mm, $b=5$ mm, $B=2,8$ mm, $Q=250$ kg/ha, $r_g=0,25$ m, $z_a=4$, $z_c=2$, $\eta_e=0,85$.

б-расмдан кўринадики, таянч-юритмали ғилдирак ва аппарат ғалтаги орасидаги

узатишлар нисбатини аппаратдаги фаол қатламнинг қалинлиги ортиши билан камайтириш зарур экан. Яъни, аппарат ғалтаги секинроқ айланиши керак экан. Бунда, ғалтак ишчи қисми узунлигининг ортиши билан таянч-юритмали ғилдирак ва аппарат ғалтаги орасидаги узатишлар нисбатини камайтириш керак эканлигини эгри чизиклардан кўриш мумкин. Масалан, ғалтак ишчи қисмининг узунлиги 0,013 м бўлганда ҳамда фаол қатламнинг қалинлиги 0,003 м дан 0,005 м гача ортиб борганда узатиш нисбати 1,6 дан 1,15 гача эгри чизикли қонуниятда камайиб борар экан.


Ғалтак ишчи қисмининг узунлиги 0,026 м ва 0,039 м бўлганда ҳамда фаол қатламнинг қалинлиги 0,003 м дан 0,005 м гача ортиб борганда узатиш нисбати мос равишда 0,79 дан 0,58 гача ва 0,53 дан 0,38 гача эгри чизикли қонуниятда камайиб борар экан. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ғалтак ишчи қисмининг узунлиги 0,039 м дан 0,026 м га камайса узатиш нисбатини ҳам кескин камайтириш лозим экан.

Яна бир муҳим кўрсаткич, яъни ўғитлаш меъёрини таянч-юритмали ғилдирак ва аппарат ғалтаги орасидаги узатишлар нисбатини боғлиқлигини ифодаловчи графиклар 7-расмдан келтирилган. Ушбу 7-расмдаги графикларга кўра, ўғитлаш меъёрини орттириш керак бўлса, у ҳолда узатиш нисбатини ёки ғалтак ишчи қисмининг узунлигини орттириш керак экан. Масалан, ғалтак ишчи қисмининг узунлиги 0,013 м бўлганда ҳамда ўғитлаш меъёри 200 кг/га дан 300 кг/га м гача орттирилса узатиш нисбати ҳам мос равишда 1,07 дан 1,6 гача тўғри чизикли қонуниятда ортиши керак экан. Ёки ғалтак ишчи қисмининг узунлиги 0,026 м ва 0,039 м бўлганда ҳамда ўғитлаш меъёри 200 кг/га дан 300 кг/га м гача орттирилса узатиш нисбати ҳам мос равишда 0,53 дан 0,8 гача ҳамда 0,36 дан 0,53 гача тўғри чизикли қонуниятда ортиши керак экан.



1- $l_g=13$ mm; 2- $l_g=26$ mm; 3- $l_g=39$ mm

6-расм. Таянч-юритмали ғилдирак ва аппарат ғалтаги орасидаги узатишлар нисбатини фаол қатлам қалинлигига боғлиқлик графиги



1- $l_g=13$ mm; 2- $l_g=26$ mm; 3- $l_g=39$ mm

7-расм. Таянч-юритмали ғилдирак ва аппарат ғалтаги орасидаги узатишлар нисбатини ўғитлаш меъёрига боғлиқлик графиги

Юқорида ўтказилган тадқиқотлар асосида, ўғитлаш меъёрини созлаш ёки бошқариш мумкин, лекин ўғитларни тушиш узлуксизлигини ёки ўғитлаш нотекислигини созлашда мураккабликлар туғилиши ихтимоли мавжуд. Шунинг учун ўғитларни тушиш узлуксизлигини ёки ўғитлаш нотекислигини ўрганиш масаласини тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш орқали ечамиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Н.И.Кленин, В.А.Сақун. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – М.: Колос, 1980. – 671 с.
2. <https://infoindustria.com.ua/svoystva-udobreniy-opredelyayushhie-ih-kachestvo/>
3. Н.П.Ларюшин, А.В.Шуков. Теоретические исследования технологического

процесса работы нового высевающего аппарата с винтовой катушкой // Технические науки, Нива Поволжья, 2009. - №4 (13). – С.75-79.

УДК 631.313.6: 634.1-13

ТУРЛИ КЕНГЛИКДАГИ ИНТЕНСИВ БОҒ ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРУВЧИ ҚУРУЛМА КОНСТРУКТИВ СХЕМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Имомкулов Кутбиддин Бокижонович
ҚХМИТИ, т.ф.д., профессор, Тел: +998941536619, e-mail: iqb_1978@inbox.uz

Мамарасулова Манираҳон Турсунбоевна
АндҚХАИ доценти, т.ф. PhD

Аманов Азамат Кушназарович
ҚХМИТИ, докторанти, Тел: +998972747610, azamata1976@mail.ru

Аннотация. Мақолада турли схемадаги интенсив боғ қатор ораларига мосланувчан тупрокка ишлов берадиган ресурутежамкор технология ва уни амалга оширадиган универсал қурилма конструкцияси ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, бунда ёнилғи мойлаш материаллар сарфи ҳамда эксплуатацион харажатларни 1,5-2,0 баробаргача камайтириш ҳақида маълумотлар берилган.

Аннотация. В статье приведены сведения о ресурсосберегающей технологии обработки подвижных почв в междурядьях интенсивных садов разной планировки и конструкции универсального устройства, ее реализующей, в которой приведены сведения о снижении расхода горюче-смазочных материалов и эксплуатационных затрат за счет 1,5-2,0 раза.

Annotation. The article provides information about the resource-saving technology for processing moving soils in the row-spacing of intensive orchards of different layouts and the design of a universal device that implements it, which provides information on reducing the consumption of fuels and lubricants and operating costs due to 1.5-2.0 times.

Калит сўзлар. Интенсив, схема, тупрок, зичлик, мой, ёнилғи, ресурс, технология, материал, эксплуатацион, қурилма, конструкция, унумдор, ҳосил, агрегат, структура

Ключевые слова. Интенсив, схема, земля, плотность, нефть, топливо, ресурс, технология, материал, эксплуатация, устройство, строительство, производительный, продукт, единица, структура

Keywords. Intensive, scheme, soil, density, oil, fuel, resource, technology, material, exploitation, device, construction, productive, crop, aggregate, structure

Кейинги йилларда Республикамизда ҳўл мева етиштиришни кўпайтириш ва бу соҳанинг ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июндаги 458-сон қарори билан Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги низом тасдиқланди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон қарори. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда республикада боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш назарда тутилган [2-3].

2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилиши натижасида Республикамизда 431 минг гектардан боғ ва узумзорлар мавжуд бўлиб, 2030 йилга келиб мевали боғлар 420 минг гектарга узумзорлар 210 минг гектарга етказиш режалаштирилган [4].

Боғдорчилик кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларидан бири ҳисобланади. Республикамизда илгари ташкил этилган экстинсив боғлар қатор оралари кенглиги 8x8 м, 8x6 м, 8x4 м, 6x5 м, 6x4 м, 5x4 м, 5x3 м схемаларда экилган бўлса, кейинги вақтда замонавий интенсив боғларни ташкил этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Интенсив боғлар қатор оралари кенглиги 2,5x1, 3x1; 3,5x3; 3,5x2,5; 3,5x1,5; 3,5x1,0 схемаларда экилмоқда. Интенсив боғларни қатор ораларига ишлов берадиган кам энергия ва меҳнат сарфлаб, технологик жараёнларни сифатли бажарадиган техника воситаларини ишлаб чиқаришга алоҳида этибор қаратилмоқда.

Интенсив боғлардан юқори ҳосил олиш учун қатор ораларига асосий ишлов беришда янги технологиялар ва техникалардан фойдаланиш, интенсив боғ қатор ва тана ораларини белгиланган агротехник талаблар даражасида юмшатиш ишларини ўз вақтида сифатли яқунлашни тақозо қилади.


Маълумки, Республикамиз шароитида интенсив боғ қатор ораларига ишлов бериш турли хилдаги машиналар билан амалга ошириб келинмоқда. Улар асосан хориждан келтирилган техника воситалари бўлиб, амалда интенсив боғлар қатор оралари кенглиги турли схемаларда экилган. Бундай интенсив боғларда фойдаланиладиган техника воситалари фақат битта схемадаги қатор ораларига ишлов берилади ёки тўлиқ ишлов бериш амалга оширилмайди. Бу эса ўз навбатида энергия сарфини ҳамда эксплуатацион харажатларни ортишига олиб келмоқда. Агрегатлар кириш сонининг ортиши, тупроқ структурасини бузилишига, тупроқ қаттиқлиги ва зичлигини ортишига олиб келиб, дарахтларни илдиз тизимининг ривожланишига салбий таъсир этмоқда [5].

Бундан ташқари бундай интенсив боғлар қатор ораларига ишлов беришда фойдаланиладиган техника ва ускуналар етишмаслиги агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарилишини кечикишига олиб келмоқда.

Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда республикамизда барпо этилган турли схемадаги интенсив боғлар қатор оралари бир ўтишида сифатли тупроққа ишлов берадиган униеве́рсал қурилмалардан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки бундай қурилмалардан фойдаланилганда алоҳида техника воситаси сотиб олиш талаб этилмайди, қатор ораларидан ўтишлар сони кам бўлиши ҳисобига тупроқ кам зичланади ва бу дарахтларни илдиз системасини яхши ривожланишига замин яратиб беради. Бундан ташқари, ҳар хил турдаги тупроққа ишлов берадиган машиналарга бўлган эҳтиёж ва тўғридан-тўғри қилинадиган эксплуатацион харажатлар камаяди, иш унуми ортади.

Олиб борилган адабиётлар таҳлили ва тадқиқотлар натижасида турли кенгликдаги интенсив боғ қатор ораларидаги тупроққа ишлов бериб, бегона ўтларни йўқотадиган қурулма устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [6].

Таклиф қилинаётган машина 3,0 ва 3,5 метр кенликда ташкил қилинган боғларда ўлчов кенлигини ўзгартириб, 10-15 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла бегона ўтларни қирқиб йўқотадиган қурилма конструктив схемаси ишлаб чиқилди (расм).



a – қамров кенлиги 3,0 м ҳолатидаги, *б* – қамров кенлиги 2,5 м ҳолатидаги
Расм. Турли кенликдаги интенсив боғ қатор ораларига ишлов берувчи қурилманинг конструктив схемаси.

Қурулма қуйдаги қисмлардан ташкил топган: осиш қурулмаси 1, тортқи 2, асос рама 3, паралелограм механизими бўйича бурулувчи ўнг 4 ва чап 5 рамалар, диски иш орган 6, шарнер 7, дисklarни асос рамага нисбатан ўзгармаслигини таъминловчи тортқи 8.

Қурулма интенсив боғ қатор ораларига ишлов беришда унинг қамраш кенлигига қараб, ҳимоя зонасини эътиборга олган ҳолда қамраш кенлигини созланади. Бунда паралелограм механизими бўйича бурулувчи ўнг ва чап рамалар тортқи орқали ўзгартирилади. Биринчи қаторда жойлашган диски иш органлар бегона ўтларни қирқиб,

тупроққа ишлов бериб, асос рамага нисбатан тупроқни суради. Иккинчи қатордаги дискли иш органлари асос рама томон сурулган тупроқларни қайта дала юзаси бўйлаб тенг тақсимланишини таъминлайди. Натижада интенсив боғ қатор оралари сифатли юмшатилиши ва бегона ўтларни йўқотилишига эришилади.

Хулоса. Тавсия этилаётган курилмадан фойдаланилганда алоҳида техника воситаси сотиб олиш талаб этилмайди, қатор ораларидан ўтишлар сони кам бўлиши ҳисобига тупроқ кам зичланади ва бу дарахларни илдиз системасини яхши ривожланишига замин яратиб беради. Бундан ташқари, ҳар хил турдаги тупроққа ишлов берадиган машиналарга бўлган эҳтиёж ва тўғридан-тўғри қилинадиган эксплуатацион ҳаражатлар 30 фоизга камаяди, иш унуми эса 1,5-2,0 марта ортади.

АДАБИЁТЛАР

1. “Қишлоқ хўжалик бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар(пакана ва ярим пакана) хўраки, кишмишбоп ва саноатбоп ток кўчатлари ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш ҳаражатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июндаги 458-сон қарори. lex.UZ.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳага қўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 11-декабрдаги ПҚ-4549-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5388- сон Фармони.

5. Ю.Б.Саимназаров., А.У. Арипов., Х.А. Бобоева., Г.М. Караходжаева. Интенсив олма боғларини ташкил этиш ва уларни парвариш қилиш технологияси бўйича тавсиянома. - Тошкент: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2019. - 42 б.

6. Имомқулов Қ.Б, Аманов А.К, Абдуназаров Э.Э. Интенсив боғ қатор ораларига ишлов беришнинг самарали усуллари. “Инновацион техника ва технологияларнинг қишлоқ хўжалиги озиқ - овқат таъминотидаги муаммо ва истиқболлари” мавзусидаги III Халқаро илмий- техник анжуман. -Тошкент, 2023. –Б.100-101.

UDK 656.13

SHOVQIN MIQDORLARINI AVTOMOBIL HARAKATLANISHI JARAYONIDA BAHOLASH

Nazarov Anvar Aripovich
Toshkent davlat transport universiteti, t.f.d. Professor

Odilov Nurmuhammad Eshpo'lat o'g'li
JizPI, katta o'qituvchi, odilovnurmuhammad0124@gmail.com, +99897.328-92-92

Annotatsiya. Ushbu maqolada avtotransport vositalarini ekspluatatsiya qilish jarayonida

shovqin miqdorining oshib ketishi sabablari, hosil bo'layotgan shovqin miqdorini tajriba yo'llari bilan aniqlash va kamaytirish, ekspluatatsiya davridagi konstruktiv va ekologik xavfsizlikni ta'minlash usullari tahlil etilgan. Ushbu maqolada ishlab chiqilgan tavsiyalar asosan avtotransport vositalarining ekspluatatsiya davrida texnogen zararlanishini kamaytirib, ekologik xavfsizligini ta'minlashga qiladi.

Аннотация. В данной статье анализируются причины увеличения количества шума при эксплуатации автотранспортных средств, методы определения и снижения количества создаваемого шума опытным путем, обеспечение конструктивной и экологической безопасности при эксплуатации. Рекомендации, разработанные в данной статье, направлены в основном на снижение техногенного ущерба при эксплуатации и обеспечение экологической безопасности автотранспортных средств.

Abstract. This article analyzes the reasons for the increase in the amount of noise during the operation of motor vehicles, the methods of determining and reducing the amount of noise generated by experiments, and ensuring structural and environmental safety during operation. The recommendations developed in this article are aimed mainly at reducing man-made damage during operation and ensuring environmental safety of motor vehicles.

Kalit so'zlar: avtomobil, shovqin, transport vositalari, texnik holat, avtotransport korxonalari, ekologik xavfsizlik, texnik xizmat, texnik talablar.

Ключевые слова: автомобиль, шум, транспортные средства, техническое состояние, автотранспортные предприятия, экологическая безопасность, техническое обслуживание, технические требования.

Key words: car, noise, vehicles, technical condition, motor transport enterprises, environmental safety, technical service, technical requirements.

Bugungi kunda aholi avtomobillashtirish darajasi o'sib borishi, shaharlar va aholi yashash punktlaridagi avtomobillar qatnovining ham ortishiga, bu esa o'z navbatida atrof muhit va odamlarga turli xil zararli oqibatlarini keltirib chiqaruvchi avtomobil transport shovqinining ortishiga sabab bo'lmoqda. Avtomobil yo'llarida va shahar ko'chalarida avtotransport vositalari harakatlanishida shovqin miqdorlarining oshib ketishi natijasida ekologik xavf oshib bormoqda. Bu salbiy holatlarni oldini olish hozirgi davrning dolzarb muammolaridandir.

Ushbu muammoni hal qilish maqsadida ko'plab mamlakatlarning yetakchi universitetlarida har-xil loyihalar ishlab chiqilmoqdaki, bularning barchasi endilikda ekologiyaning yaxshilanishi, ekologik jihatdan sof energiya ishlab chiqarish va zararsiz, shovqinsiz avtomobillarni ishlab chiqarishni yo'lga qo'yishga qaratilgan [9]. Bu esa insonlar ezgulikga intilyotganidan darak beruvchi omillardir. Hozirgi kunda har bir inson bu oqibatlarga befarq bo'lmasdan o'z hissasini qo'shsa kelajak avlod uchun biz zaharlangan olamni emas balki musaffo olamni meros qilib qoldirgan bo'lardik.

Bugungi kunning dolzarb massalaridan biri, ekspluatatsiya davomida transport vositalarining texnik soz harakatlanishini ta'minlashdir. Albatta, transport vositalari harakatlanish davomida unga bir qancha omillar ta'sir qiladi va ular quyidagilardir:

- Yo'l sharoiti;
- Iqlim sharoiti;
- Ekspluatatsion sharoit;
- Haydovchi malakasi va tajribasi [1].

Turli omillar ta'sirida transport vositalarining texnik ishchi qobiliyati yo'qolib boradi va ekologik ko'rsatkich hisoblangan shovqin darajasi belgilangan me'yor ko'rsatkichidan oshib ketadi [9]. Shu o'rinda shovqinning quyidagi turlarini qayd etish mumkin.

Механик shovqin: avtomobil konstruksiyasi yoki detallaridagi turtkilar, tashqi


jihozlanish va avtomobil tashqarisidagi tebranishdan hosil boʻladigan shovqinlar [7].

Mexanik shovqin asosan transport vositalari harakatlanish jarayonida avtomobilning dvigatelida, transmissiyasida, uzatmalar qutisida, tormoz tizimining mexanizm va qismlarida paydo boʻladi.

Avtomobil transmissiyasining ishlash jarayonida shovqinni yoʻqotish uchun birlashgan detallar doimiy mustahkamlanishi, transmissiyon moylarning qovushqoqligi yoʻqolmasligi va kamaymasligini nazorat qilish lozim. Transmissiya agregatlaridagi tishli shesternyalarning bir biriga ilashishida hech qanday tirqish qolmasligini taʼminlash kerak, uzatmalar qutisidagi shesternyalarga ham xuddi shunday talab qoʻyiladi [8].

Dvigatel va transmissiya agregatlari atrofini shovqin yutuvchi poʻlat bilan qoplash, shovqin muhofazasida eng qulay usullardandir. Shovqinni soʻndirish uchun dvigateldagi tishli va zanjirli uzatmalar oʻrniga tasmali uzatmalar, mexanik tizim bilan ishlaydiga barcha qurilmalarni gidravlik sistemalarga almashtirish kerak boʻladi. Dvigatelning bir-biriga ishqalanuvchi detal va uzellariga zamonaviy ishqalanishga qarshi maxsus qovushqoq surkov moylari (ester, nanopartikullar)dan foydalanish avtomobildan chiqadigan shovqin darajasini kamaytiradi [11]. Dvigatel va transmissiya agregatlari tarkibidagi materiallar yeyilishga chidamli, elastik xususiyatlarga ega boʻlishi kerak. Uzatmalarning yigʻilishida juda kichik tirqishlarning mavjud boʻlishi ham shovqinni keltirib chiqaradi, shuning uchun loyihalash jarayonlari mukammal va sifatli bajarilishi lozim.

Mexanik uzatmalar tasnifi quyidagi rasmda keltirilgan (1-rasm).



1-rasm. Mexanik uzatma tasnifi.

Uzatmalardagi va podshipniklardagi shovqinlarni aniqlash va diadnostikalash metodi quyidagi jadvalda keltirilgan (1-jadval).

1-jadval

Yuqori chastotali tebranishlarni podshipniklar aylanishi boʻyicha diadnostikalash metodi bilan qiyosiy tahlili

Peak Vue metodi va yuqori chastotali tebranishni soʻndirish	Zarba impuls metodi
Afzalligi	
1. Moylashdagi nuqsonlarning sezuvchanligi 2. Yeyilish nuqsonlariga yuqori sezuvchanligi 3. Yigʻish jarayonlariga yuqori sezuvchanligi 4. Nuqsonlar turlarini aniqlash imkoniyati 5. Nuqsonlar tarqalish darajasini aniqlash imkoniyati 6. Texnik holatini bashorat qilish imkoniyati	1. Moylashdagi nuqsonlarning yuqori sezuvchanligi 2. Yeyilish nuqsonlarning yuqori sezuvchanligi 3. Yigʻish jarayonlari yuqori sezuvchanligi 4. Texnik holati boʻyicha qisqa tezkor bashoratlash imkoniyati
Kamchiligi	
1. Moylashdagi nuqsonlar aniqlashda ishonchligining chegaralanganligi 2. Nuqson paydo boʻlishdagi kuchlar guruhi sezuvchanligining pastligi 3. Detallar yuzasidagi shovqin darajasi yuqoriligi	1. Nuqsonlar turlarini aniqlash imkoniyati yoʻqligi 2. Ishqalanuvchi yuzalardagi bir qator nuqsonlarni aniqlash imkoniyati yoʻqligi 3. Tarqaluvchi nuqsonlarni aniqlash imkoniyati

Aerodinamik shovqin: ishlatilgan gazlar chiqarish jarayonida (kiritish va chiqarish kollektori) hosil boʻladigan shovqinlar [3].

Aerodinamik shovqinni kamaytirish maqsadida avtomobillarning tovush soʻndirgichlariga katalitik neytralizatorlar oʻrnatilmoqda. Bu tizim nafaqat dvigateldan chiqayotgan gazlarni tozalab qolmasdan balki undan chiqayotgan shovqinni ham meʼyor darajasida pasaytirishga ham xizmat qiladi. Avtomobilni bu tizim bilan jixozlash uning konstruksiyasiga va dvigatel quvvati yoʻqolishiga koʻp taʼsir qilmaydi, lekin shovqin darajasi sezilarli darajada taʼsirini koʻrsatadi. Shu maqsadda, hozirda avtomobil va dvigatel konstruksiyasiga bogʻliq ravishda koʻp slindrli dvigatellarda ikkita katalitik neytralizator qoʻllaniladi [10-12], hamda payvandlanib quvurlar orqali markaziy ovoz soʻndirgich bilan shovqinni pasaytiradi (2-rasm).



2-rasm. Katalitik neytralizator

Neytralizatorlar aktiv katalitik moddalar bilan qoplangan keramik yoki metal monolit element boʻlib shovqin darajasini kamaytiradi.

Elektromagnitli shovqin: elektromexanik qurilma elementlaridagi magnit kuchlaridan (stator, generator) hosil boʻladigan shovqinlar.


Maʼnbalardan maʼlumki, inson quloqlari tovushning tebranishlar soni 16 Gs dan 20000 Gs gacha oraliqda boʻlsa eshitadi. Gers – bu tovush chastotasi. Yaʼni bir sekund davomida

tebranishlar soni bilan ifodalanadi. Shovqin-tovushning bosimi, jadallik va boshqa ko'rsatkichlar bilan tavsiflanadi. Tovush jadalligi shartli o'lcham – 1B (bell) bilan o'lchanadi. Bu odamning eshitish a'zosi qabul qila oladigan eng kuchsiz tovush. Amalda tovush jadalligi detsibel (dB) bilan o'lchanadi, u 0,1B ga teng. Odamning eshitish organi qabul qiladigan eng kichik jadallik 1B yoki 10 dB “eshitilish ostonasi” dir [2].

Shovqin darajasi. Shovqin darajasini me'yorlashtirish shovqinning insonga salbiy ta'sirini kamaytirishga qaratilgan asosiy tadbirlardan biri hisoblanadi. Shovqinning inson sog'ligiga ta'siri uning chastotasiga bog'liq bo'lganligi sababli, har bir shovqin oktava polosasi uchun alohida ruhsat etilgan shovqin darajasi belgilangan. Shovqinning eng yuqori ruhsat etilgan darajasi past chastotalar uchun, ruhsat etilgan past darajasi esa yuqori chastotali shovqinlar uchun qabul qilingan [6]. Masalan, eng kichik tovush bosimi nazariy va ilmiy ishlar bajariladigan ish joylari uchun belgilangan bo'lib, u o'rtacha geometrik chastota 8000 Gs bo'lganda 30 dB deb qabul qilingan. Eng yuqori tovush bosimi esa doimiy ish joylarida, ishlab chiqarish binolari, mashina va traktorlarning kabinalari uchun belgilangan bo'lib, u o'rtacha geometrik chastota 63 Gs bo'lganda 99 dB ga teng [4].

Shu o'rinda shovqin kuchi xarakteriga ko'ra 4 guruxga bo'linadi:

1. Shovqin kuchi 0-05 DB bo'lsa normal ovoz hisoblanadi. Masalan: daraxtlarning shivirlashi, soatning yurishi, normal musiqa ovozi.
2. Shovqin kuchi 60-90 DB bo'lsa yoqimsiz ovoz hisoblanadi. Masalan: yengil sanoat korxonalari, ko'cha transporti shovqini, chang yutgich, kir yuvish mashinalarining ovozi.
3. Shovqin kuchi 100-120 DB bo'lsa, zararli va inson sog'lig'iga salbiy ta'sir ko'rsatadigan ovozdir. Masalan: to'qimachilik, paxtachilik sanoatidagi dastgohlar, mototsikl, tramvay, temir yo'l, qishloq xo'jaligi mashinalari, qattiq musiqiy ovoz.
4. Shovqin kuchi 130-200 DB bo'lsa, juda xavfli. Masalan: portlash, reaktiv samalyot ovozi, havo trevogasi [5].




3-rasm. NOR-140-NNR markali shovqin o'lchash qurilmasi.

Hozirgi vaqtda transport oqimining shovqinni aniqlash uchun GOST 17187-81ning talablariga mos bo'lgan shovqin o'lchash qurilmasi - shumomer bilan ma'lum masofalarda va holatda joylashtirilib o'lchanadi (3-rasm) [4].

Har-bir sinov o'tkazilayotgan vaqtda shovqinni o'lchash qurilmasi kolibirovka qilinib keyin tadqiqot o'tkaziladi.

Tadqiqot jarayonida, haydovchi ish o'rnini, uning joylashuvi va uning ish faoliyatiga ta'sir etuvchi turli tarkibdagi shovqinlarni miqdori bo'yicha aniqlash maqsadga muvofiqdir (4-rasm).



4-rasm. Shovqinni aniqlash nuqtasi.

Bir qancha avtomobillarning xarakatlanishidagi hosil qilayotgan shovqin darajasini quyidagi metod bo'yicha baholash amalga oshiriladi:

Tanlangan n toifadagi avtomobillar shovqinining o'rtacha arifmetik $L_{o'rt}$ qiymati

$$L_{o'rt} = \frac{1}{j} \sum_{i=1}^j L_{mi} \tag{1}$$

Bu erda: L_{mi} - m - chi avtomobillarning shovkin tasnifining i - qiymat miqdori

j - m - chi avtomobilni o'lchash qiymati

m - tanlangan avtomobil nomeri

Shovqin tasnif ko'rsatkichlarning arifmetik miqdori

$$L = \frac{1}{n} \sum_{m=1}^n L_{o'r} \tag{2}$$

Bu erda n – tanlangan avtomobillar soni

Ishlab chiqarish me'yor og'ishining o'rtacha kvadrati S_p ni baholash

$$S_p = \sqrt{\frac{1}{n-1} \sum_{m=1}^n (L_{o'r} - L)^2} \tag{3}$$

Jami o'rtacha kvadrat og'ishi S_l ni baholash

$$S_l = \sqrt{S_k^2 + S_p^2} \tag{4}$$

Bu erda S_k - o'lchov hisobi bo'yicha o'rtacha kvadrat og'ish bahosi, bu shovqinga sinov me'yor standarti bo'yicha o'rnatiladi.

Tanlab olingan avtomobillarning taxlil koeffitsienti K quyidagicha hisoblanadi.

$$K = 1,5S_l + 0,564 (G_m - S_l) \tag{5}$$

Baholovchi ko'rsatkich G_m tajriba jarayonida jadval asosida o'tkazilgan tadqiqotlar bo'yicha tanlanadi va $S_l = 0,5$ DB teng deb hisoblanadi (2-jadval).

2-Jadval

Shovqin tasnifini aniqlash metodi	Baholovchi ko'rsatkich, G_m DB		
	O'rtacha geometrik chastota G_s	$L_{o'r}$ tovush quvvati ning korrektiv	O'rtacha tovush darajasi uchun L_p

									qiymati	
	60	125	250	500	1000	2000	1000	8000		
Haydov chining ishchi o'rindig'ida statsionar holatda	-	3,5	2,5	2,0	2,0	2,0	2,0	3,0	2,0	-
Haydovchini ng ishchi o'rindig'ida dinamik holatda	5,5	5,5	3,5	2,5	2,5	2,5	2,5	3,55	2,5	3,0

Avtomobildan shovqinni kamaytirish bo'yicha tavsiyalar:.

- avtomobilda mexanik shovqinni konstruktiv xususiyatining yuqori aniqlikni oshirish;
- mexanik shovqinni yuzaga keltiruvchi zarba bilan ishlaydigan detallarga termik ishlov berish;
- Aerodinamik shovqinnig yuzaga kelishida dizel, injektor va karbyuratorli dvigatellardan chiquvchi chiqindi gazlar zararligini kamaytirish; [12]
- dvigatellarda katalitik neytralizator qo'llash;
- elektromexanik qurilma elementlaridagi magnit kuchlaridan hosil bo'ladigan shovqinlarni rostlash va maxkamlash darajasini oshirish orqali kamaytirish.

Xulosa o'rnida ekspluatatsiya sharoitlarida avtotransport vositalarining ekologik xavfsizlik nazoratini amalga oshirganda, foydalanadigan ekologik me'yorlar avtotransport korxonasi ishlab chiqarish texnika bazasi bilan jihozlanganlik darajasiga bog'liqligini hisobga olish talab qilinadi. Shu o'rinda ishlab chiqarish texnik baza belgilangan tartibda bo'lishi, transport vositalarining texnik holatini texnik jihatidan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga muvofiqligini baholashni tashkil etish va o'tkazish uchun tegishli texnologik, sinov jihozlari va o'lchash vositalari bilan ta'minlangan bo'lishi maqsadga muvofiq bo'lib, avtomobillardan chiqayotgan shovqin darajasini kamaytirishga olib keladi.

Yuqoridagi tartibda avtomobillarning shovqin daraja holatlarini baholash yetarli emas, shu maqsadda ekspluatatsion ko'rsatkichlari bilan baholash tashkil etilsa, avtomobillarning ekologik xavfsizligi ta'minlanib, samarali ishlashiga olib keladi.

ADABIYOTLAR

1. Avtomobillar texnik ekspluatatsiyasi. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi avtotransport oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik sifatida tavsiya etgan. Prof. Sidiqzadev Q.M. umumiy tahriri ostida, Toshkent "VORIS-NASHRIYOT", 2008. 560 b
2. GOST 17187-2010. Ovoz balandligi taymerlari. Standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish bo'yicha davlatlararo kengash tomonidan qabul qilingan (2010 yil 10 iyundagi 37-sonli bayonnomasi).
3. GOST 19358-85 «Avtomobillarning ichki va tashqi shovqini. Ruxsat etilgan darajalar va o'lchov metodlari»
4. Azizov Q. H. "Harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari". Fan va texnologiyalar nashriyoti. T.2009. 267b

5. Osipov, G.L., Prutkov, B.G., Shishkin, I.A., Karagodina, I.L., Shaharlarni shovqin muhofazasi va unga qarshi kurashish bo'yicha tadbirlar, M., 1975, 215s.
6. Исломов, Ш. Э., & Одилов, Н. Э. Ў. (2022). АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ МАЖМУАСИ ИШТИРОКИДА АТРОФМУҲИТ СИФАТИНИНГ ТЕХНОГЕН ЎЗГАРИШИ. Academic research in educational sciences, 3(5), 479-486.
7. Адилов, О. К., & Одилов, Н. Э. (2022). РАСЧЕТ РАМНЫХ КОНСТРУКЦИЙ АВТОМОБИЛЬНЫХ ПРИЦЕПОВ. Вестник науки, 4(3 (48)), 210-216.
8. Одилов, Н. Э. (2021). Особенности эксплуатации двс газобаллонных автомобилей. Academic research in educational sciences, 2(12), 238-244.
9. Odilov, N., & Muxtorov, A. (2022). Avtomobillar harakatini xavfsiz tashkil etishda GPS tizimlaridan foydalanish samaradorligi. Academic research in educational sciences, 3(2), 298-303.
10. Nurmukhammad, O. (2021). Safety methods at gas filling stations for cars. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 27-36.
11. Odilova, S. S. Q., & Odilov, N. E. O. (2021). Muqobil yonilg'ilardan motor yonilg'isi sifatida foydalanish istiqbollari. Academic research in educational sciences, 2(1).
12. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. Academic research in educational sciences, (3).
13. O'G, O. N. E. L. (2022). Jamoat transportlarida yo'lovchilar oqimini aniqlashning zamonaviy usullari tahlili. Механика и технология, 4(9), 130-137.
14. Методические рекомендации по защите от транспортного шума территорий, прилегающих к автомобильным дорогам. М: 2011. 127 с. http://xn-7sbbsihqkmc5avi8evalbg7a.xn--p1ai/images/files/met_rec_rad.pdf
15. Traffic noise reduction in Europe. Health effects, social costs and technical and policy options to reduce road and rail traffic noise. <http://www.ce.nl>
16. Highway Design Manual. Chapter 1100. Highway traffic noise abatement. June 26, 2006. p.7. <https://www.nysdot.gov/divisions/engineering/design/dqab/hdm>
17. <http://www.fhwa.dot.gov/environment/noise/design/index.htm>
18. <http://www.xabar.uz/uz/avtomobil/mamlakatlarda-kishi-boshiga-nechtadan-avtomobil-togri-keladi>
19. <https://www.env.go.jp/en/air/noise/noise.html>
20. <http://privetstudent.com/kursovyye/kursovyye-po-ekologii/1961-issledovanie-urovnya-shuma-v-zone-vliyaniya-avtomobilnyh-dorog.html>.

UDK 631.31

SUBSTANTIATION PARAMETER SPHERICAL COULTER OF REVERSIBLE PLOUGH

A.R.Normirzaev

NamECI, associate professor, candidate of technical sciences, nabducaum@mail.ru

Abstract. The article presents an experimental study of the determination of rational parameters values between racks is determined disks, the vertical load on disk, translational speed of qualitative indicators of the unit. Rational values of size of disks and operating modes of a disk skating rink defined the use of a method of mathematical planning of multiple-factor experiments and joint solution of received regression equations.

Аннотация. В статье представлено экспериментальное исследование по

определению значений рациональных параметров между стойками дисков, вертикальной нагрузки на диск, поступательной скорости качественных показателей агрегата. Рациональные значения размеров дисков и режимов работы дискового катка определили использование метода математического планирования многофакторных экспериментов и совместного решения полученных уравнений регрессии.

Аннотация. Мақоллада диск ustunlari orasidagi ratsional parametrlarning qiymatlarini, diskga tushuvchi vertikal yukni, uning sifat ko'rsatkichlarining harakat tezligiga bog'liqligi bo'yicha eksperimental tadqiqot taqdim etilgan. Disk o'lchamlari va diskning ishlash rejimlarining ratsional qiymatlari ko'p faktorli tajribalarni matematik rejalashtirish usulidan foydalanishni va olingan regressiya tenglamalarini birgalikda echimi keltirilgan.

Ключевые слова: диск, параметр, скорость, режим работы, колонка, действие, качество, модель, обработка.

Kalit so'zlar: disk, parameter, tezlik, ish rejimi, ustun, harakat, sifat, model, ishlov berish.

Key words: disk, parameter, speed, operation mode, column, action, quality, model, processing.

1. Introduction

Now, intermediate (repeated) growing crops in the Republic are cultivated after cleaning winter grain (generally wheat). Thus, on a surface of the soil, there is a significant amount of the vegetable remains, weeds and their seeds [1,2]. Employment of moldboard or minimum processing of the soil under intermediate (repeated) growing crops leads to the increased contamination of crops during their vegetation and therefore decreasing in amount of the nutrients consumed by the cultivated plants that oppresses the last and reduces their productivity [3,4,5]. Besides, the leafy layer mass remaining on a surface of the soil and in its top layers leads to deterioration of quality indicators of work of seeders and tools for interrow processing the row of cultures [6,7].

In modern world, practice the adaptation at the same time with ploughing are applied to a surface treatment of the soil with reverse ploughs, and their main working body is the disk sealing skating rink with a wedge-shaped profile of a working surface of a disk in combination with which various types of skating rinks, cultivating of condensing and leveling workers of bodies are applied [8,9,10,11].

The stated analysis shows that for soil climatic conditions of the Republic with farmlands, big percent of spaces occupies average and low-contour maps with average and heavy soils on mechanical structure [12,13], mostly we accept hinged option of the adaptation design of which will provide high maneuverability of the unit [14,15]; it is possible to apply disk skating rinks with a wedge-shaped profile of a working surface to consolidation of the lower horizons of an arable layer [16,17,18], dyeing of soil blocks and large lumps, and for high-quality performance of the chosen technological process of the combined processing of the soil [16,18,19], it is necessary to find the additional working bodies providing application of consolidation of the top horizon of an arable layer, alignment of a field and creation of leafy layer horizon on its surface [15].

2. Materials and methods

Rational values of size, row-spacing of disks and operating modes of a disk skating rink defined use of a method of mathematical planning of multiple-factor experiments and joint solution of received regression equations [15,19].

Parameters of adaptation have been chosen from regime for its investigation of received regression equations vertical loading of a disk and forward speed as its works which are the most

influencing quality and energetic indicators were chosen from regime parameters of the adaptation for researches [19-21].

As functions of a response 10 cm and the traction resistance of the adaptation falling on 1 m of width of a skating rink capture since the first has restriction according to agrotechnical requirements (not less than 80%) are accepted percentage of soil fractions less than 25 mm in size in horizon 0–10 sm, and the second has essential impact on a consumption of fuels and lubricants and productivity of the unit.

On the basis and aprioristic information and results of one-factorial experiments, the levels and intervals of a variation of factors given in table 1 were chosen.

Table 1

Levels and intervals of a variation of factors.

Factors	Unit measurements	The coded designation of factors	Variation intervals	Levels of factors		
				low (-1)	basic (0)	top (+1)
Size row-spacing disks, l	sm	X_1	5	15	20	25
Vertical load of a disk, Q	N/piece	X_2	37.5	537.5	575.0	612.5
Forward speed, V	m/s	X_3	0.5	1.5	2.0	2.5

Thickness (30 mm), corner of sharpening (600) and diameter of a disk (400 mm) were accepted without any change. Corners of the condensing installation (260) and a bend leveling (1400) parts of the equalizer, income corner to the soil of the mulching plates (1540) and size of their row-spacing (10 cm) also didn't change.

Experiments were given with the use of three disk workers of skating rink bodies and according to the accepted levels of sizes row-spacing of disks of 15 cm, 20 cm and 25 cm. Width of capture of the equalizer with the mulching plates equaled 33 cm, 43 cm and 53 cm. These values are accepted by taking into account the thickness of a disk of a skating rink and need of the movement a trace of the extreme mulching plates and disks. Thus, on each equalizer, the quantity of the mulching plates (n_n) which is determined by a formula was established

$$n_n = \frac{2 \cdot l}{l_1} + 1, \quad (1)$$

i.e. at l of equal 15 cm, 20 cm, 25 cm and $l_1 = 10$ cm, the quantity of mulching plates made respectively 4 pieces, 5 pieces and 6 pieces.

Assuming that the most fully influence of factors on function of a response will describe a polynom of the second order, plan of B3 was realized. For reduction of influence of uncontrollable factors by function of a response on sequence of carrying out experiments, it was appointed with the use of the table of random numbers.

3. Results and discussion

As a result of realization of a matrix and the plan of B3, the regression equations which are adequately describing are received:

Percentage of fractions is less than 25 mm in size, %

$$U_1 = 82.975 - 6.363X_1 + 1.947X_2 + 7.837X_3 - 6.372X_{12} + 1.821X_1X_2 - 2.421X_1X_3; \quad (2)$$

the traction resistance falling on 1 m of width of capture of the adaptation, kN/m.

$$U_2 = 1.367 - 1.113 X_1 + 0.104 X_2 + 0.240 X_3 - 0.068 X_1X_3 + 0.075 X_2X_3. \quad (3)$$

Calculation of coefficients of regression, checking of reproduction of process and

hypothesis of adequacy of the received equations were carried out by a well-known technique on the personal computer of the Pentium.

The hypothesis of uniformity of dispersion at identical number of repetitions of experiences was estimated by means of Kohren’s criterion (T_0), the importance of coefficients of regression determined on Students’ criterion, and adequacy of model of process determined on Fischer’s (F) criterion. Values of coefficients of reproducibility and adequacy are given in tab. (2) from which it is visible that experiments are reproduced, and regression models (2), (3) adequately describe processes with confidential probability of 95% and don't contradict the obtained experimental data, as $K_{tabl} > K_{pict}$, “ $F_{tabl} > F_{pict}$ ”.

The table value of criterion of Student for 5% a significance value put 2,048 for both regression models (2 and 3) describing process.

The analysis of the equations of repression shows that the row-spacing of disks happens to increase in size, decrease in fractions less than 25 mm in size and traction resistance (U_2) in the capture of a skating rink falling on 1 m width, and at increase in vertical loading and forward speed of the movement these indicators increase. Moreover, the speed factor, and less essential - vertical loading has more essential impact on functions of a response.

Table 2

Checking of reproducibility and adequacy of models.

Designation of function of a response	Dispersions		Freedom degrees				Criterion			
	Reproducibility	Adequacy	Reproducibility		adequacy		to Kokhren's, K		Pischers, F	
			V_1	V_2	V_1	V_2	Tabl	Calculation	Tabl	Calculation
U_1	7.141	2.557	2	14	7	28	0.33	0.229	2.36	1.074
U_2	$9.9 \cdot 10^{-3}$	$2.05 \cdot 10^{-3}$	2	14	8	28	0.33	0.187	2.29	0.622

From the equations it is visible the influence that on the U_1 function interaction of factors (X_1) and vertical loading (X_2), row-spacing of disk (X_1) and the speed (X_3), and has impact on the U_2 function – interactions of factors of row-spacing (X_1) and the speed (X_3) of vertical loading (X_2) and speed (X_3). These interactions have impact on intensity of response of the functions change them depending on the level of interaction component factors is fixed. So, for example, at smaller values of size of disks (X_1) with increase in the forward speed (X_3), function of a response (U_1 and U_2) increase with bigger intensity, than at great values of X_1 or at great values of vertical loading (X_2) change of speed leads to more intensive change of U_2 and vice versa, to a t.a of function of a response the row-spacing of disks (X_1), vertical loading (X_2) and speed of the movement (X_3) are in difficult dependence on size.

The joint solution of the equations of regression (2) and (3) had been received optimum values of factors in the studied range of their change (Table 3) proceeding from $U_1 > 80\%$ and $U_2 > \text{min}$.

Table 3

Optimum values of factors

Factors	Unit of measurements	Conventional sigh	Code values	Natural values
l	sm	X_1	-0.2508	18.75
Q	N/piece	X_2	-0.990	538

V	m/s	X ₃	-0.3175	1.84
---	-----	----------------	---------	------

From table 3 it is visible that optimum size of a high-speed operating mode of the adaptation has low value which predetermines the small productivity of the unit. That's why optimization at preset values of forward speed was performed. Results are given in table 4

Table 4

Rational values of parameters

V (X ₃), m/s		l(X ₁), cm		Q (X ₂), N/piece	
Coded	natural	coded	natural	coded	natural
-1.0	1.5	There is no decision			
-0.5	1.75	-0.3	18.5	0.0	564
0	2.0	0.1	20.5	-1.0	527
+0.5	2.25	0.4	22.0	-1.0	527
+1.0	2.5	0.6	23.0	-1.0	527

4. Conclusions

Thus, during the work at speeds of movement of 1.75–2.50 m/s, the demanded maintenance of soil fractions is less than 25 mm in size in the horizon 0–10 cm at the minimum traction resistance will be provided if: $l = 18.5–23.0$ cm and $Q_d = 527–564$ N/piece.

In the range of forward speeds of 2.25–2.5 m/s (Table 4) are available rational value of disks ($l = 22.5$ cm) entering $l = 22–23$ cm which multiply and provide to width of capture of the case (45 cm), at a rational arrangement of a skating rink, influence of its adjacent disks serially on a hollow and a height of estuarine a surface of a cross profile of an arable land. Therefore, we accept this value row-spacing of disks $l = 22.5$ cm as rational. Besides, at such size, the row-spacing in the range above the marked speeds ($V=2.25–2.5$ m/s) doesn't change rational values of necessary vertical load of a disk of equal 527 N/piece, to a t.a for a three-case plough capture of 135 cm wide the necessary quantity of disks will be 7 pieces, and vertical loading of the kg $Q_k=347$ adaptation.

REFERENCES

1. Normirzayev, A. R., Nuriddinov, A. D., & Tukhtabayev, M. A. (2023, March). Undercarriages impact on soil of machine-tractor units during tillage and cultivation of agricultural crops. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2612, No. 1, p. 030032). AIP Publishing LLC.
2. Нормирзаев, А. (2022). Результаты экспериментальных исследований приспособления к плугу. Scienceweb academic papers collection.
3. Нуриддинов, А. (2022). Плуг мосламанинг мақбул қийматларини аниқлаш. Scienceweb academic papers collection.
4. Normirzayev, A. R., & Nuriddinov, A. D. (2022). Grounding of the Longitudinal Distance from the Plow Corps to the Center of the Disk Skimmer. Innovations in Science and Technology, 8, 14-20.
5. Тухтабаев, М. А., Нормирзаев, А. Р., & Вахабова, М. А. (2022). Уменьшение уплотнения почвы при обработке междурядий хлопчатника.
6. Normirzayev, A. R., & Nuriddinov, A. D. (2022). Grounding of the Longitudinal Distance from the Plow Corps to the Center of the Disk Skimmer. Innovations in Science and Technology, 8, 14-20.
7. Нишонов, Б. М. (2021). Юза ишлов берувчи ротацион юмшаткичнинг радиусини аниқлаш. Scienceweb academic papers collection.
8. Нормирзаев, А. (2020). Создание оборотного плуга для вспашки полей с растительными остатками. Scienceweb academic papers collection.

9. Байбобоев, Н. Г., Насриддинов, А. А., Нормирзаев, А. Р., & Нуриддинов, А. Д. (2014). Энергоресурсосберегающий комбинированный агрегат для обработки почвы. Вестник Рязанского государственного агротехнологического университета им. П.А. Костычева, (3 (23)), 42-44.
10. Нормирзаев, А., & Нуриддинов, А. (2020). Разработка комбинированного агрегатов для основной и предпосевной обработки почвы. Точная наука, (69), 56-58.
11. Нормирзаев, А. Р., Нуриддинов, А., & Валиева, Г. (2018). Влияние угла атаки предплужника и скорости агрегата на дальность отбрасывания почвы. Сельский механизатор, (9), 18-19.
12. Tukhtabaev, A. M., Nuriddinov, A. D., & Xidirov, U. X. (2021). Anthropogenic Impact Assessment of Undercarriages on Soil. IJARSET. India, №, 8(1).
13. Normirzayev, A. R., Nuriddinov, A. D., & Tukhtabayev, M. A. (2023, March). Undercarriages impact on soil of machine-tractor units during tillage and cultivation of agricultural crops. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2612, No. 1, p. 030032). AIP Publishing LLC.
14. Tukhtabayev, M.A., & Valiyev, B.F. Applying for Wide Coverage Machine-Tractor Aggregates in Reducing Soil Compaction. International Conference on Contemporary Innovations in Mechanical Engineering (CIME-2022), India.
15. Normirzaev, A., Nasritdinov, A. A., & Tuxliev, G. A. (2013). Influence of cross displacement disk skim coulter concerning field cut of the case on parameters of job of a plough. European Applied Sciences.-5, 18-21.
16. Gaybullaev, B., Normirzaev, A., Nishonov, B., & Nuriddinov, A. (2020). Influence of an attack angle of a spherical disk sagger and the congressive unit speed on the distance of soil. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems, 6, 512-517.
17. Нормирзаев, А. Р., Нишонов, Б. М., & Валиева, Г. Ф. (2017). Обоснования поперечного и продольного расстояния дискового предплужника и влияние на показатели работы плуга. In Теория и практика современной науки (pp. 84-86).
18. Нормирзаев, А. Р., & Нишонов, Б. М. (2017). Отбрасывание почвы сферическим дисковым предплужником. Вестник Науки и Творчества, (1 (13)), 86-90.
19. Nasritdinov, A., Normirzaev, A., & Nuriddinov, A. (2015). Development of aggregates for main and presowing soil cultivation for sowing catch crops. Scientific and Technical Journal FerPI, 3, 53.
20. Насритдинов, А., Нормирзаев, А., & Нуриддинов, А. (2015). Разработка агрегатов для основной и предпосевной обработки почвы к севы промежуточных культур. Научно-технический журнал ФерПИ, (3), 53.
21. Нормирзаев, А., Насритдинов, А., & Дадахужаев, А. (2014). Оралик экинлар экиш учун асосий ва экиш олдида тупрокка ишлов берувчи агрегатни ишлаб чиқиш. ФарПИ ИТИ журнали.

UDK 537.622:620.22

**ELEKTRODVIGATEL ISHLAB CHIQRISHDA YUMSHOQ MAGNITLI
MATERIALLARDAN FOYDALANISH AVZALIKLARI**

DemidenkoOlgaFedorovna
Dr.sci., tel.: +375173171149, E-mail: orion_minsk@tut.by

Valiyev Bobur Fayzimuroto‘g‘li

Annotatsiya: Maqolada kukunli magnit yumshoq materiallarni rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari tahlil qilinadi. Elektrodvigatel ishlab chiqarishda yumshoq magnitli materiallardan foydalanishda ishlab chiqilgan ma'lum materiallarning tadqiqotlarini o'z ichiga oladi. Elektrodvigatel ishlab chiqarishdagi malum kamchiliklarni bartaraf etish, uning yig'ilish jarayonini tezlashtirish o'rganiladi

Аннотация: В статье проанализированы основные тенденции развития порошковых магнитомягких материалов. Включает исследования некоторых материалов, разработанных при использовании магнитомягких материалов в производстве электродвигателей. Исследуется устранение некоторых недостатков в производстве электродвигателя, ускорение процесса его сборки.

Abstract: The article analyzes the main trends in the development of soft magnetic powder materials. Includes research on some materials developed using soft magnetic materials in the manufacture of electric motors. The elimination of some shortcomings in the production of an electric motor, the acceleration of the process of its assembly is being investigated.

Kalit so'zlar: Elektrodvigatel, transport, magnit, yumshoq, material, yig'ish.

Ключевые слова: Электродвигатель, транспорт, магнитомягкий материал, сборка.

Keywords: Electric motor, transport, softmagneticmaterial, assembly.

KIRISH.

Magnitlanishni teskari o'zgartirish jarayonida kam energiya yo'qotadigan magnit materiallarni ishlab chiqarish bugungi kunda sanoatning dolzarb muammolaridan biridir. Bunday materiallarni tadqiq qilish va ishlab chiqish o'tgan asrning boshidan boshlab amalga oshirilganligiga qaramay, magnitlanish-magnitlanishning teskari o'zgarishi mexanizmini o'rganish va ushbu materiallarning sifatini yaxshilash bugungi kunda ham dolzarbdir. Buning sababi shundaki, yumshoq magnit materiallar turli xil texnik qurilmalarda (elektr generatorlari, elektr motorlari, o'lchash asboblari, induktorlar va boshqalar) keng qo'llaniladi, ularning sifat darajasi bunday materiallarning zamonaviy navlarining xususiyatlari bilan belgilanadi [1].

An'anaga ko'ra, Elektrodvigatellarini ishlab chiqarishda magnit materiallar birinchi o'rinni egallaydi. Biroq, elektrotexnik po'latdan tayyorlangan yumshoq magnitli mahsulotlarni kukun holatga keltirish masalasi juda istiqbolli [2], chunki bu yumshoq magnitli materiallarmetallurgiya texnologiyasining afzalliklaridan foydalanishga imkon beradi. Asosanelektrodvigatelning qo'zg'alish qismlarini presslash orqali ishlab chiqarish imkoniyatidan yanada oshadi. Kukunli yumshoq magnit materiallarning iqtisodiy va ba'zi hollarda texnik afzalliklari ularning o'zgaruvchan sohalarda keng qo'llanilishini ta'minlaydi [3].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Tadqiqot usuli. O'zgaruvchan magnit maydonlarda ishlaydigan materiallarni olib ularni qoliplarda presslab elektrodvigatel qo'zg'aluvchan qismlariga mahkamlab uning ko'rsatkichlarini o'rganish.

Tadqiqotning maqsadi. Elektrodvigatelnii ishlab chiqish jarayonlarini tezlashtirish, iqtisodiy samaradorligini oshirish va elektrodvigatelning ish unumini o'rganish.

Tadqiqotning natijalari. Materiallardan foydalanish davrida mahsulotning kichik o'lchamlari olinadi, bunda magnit oqimlarining yo'nalish ta'siri o'zgartirilganda qismning butun qalinligida magnitlanishning teskari o'zgarishiga erishiladi. Agar shu munosabat bajarilsa, bu ishlatish mumkin bo'ladi:

$$d \leq 10^5 \sqrt{\frac{2p}{\mu_{\max}}}$$

bu erda d - magnit zanjirning qalinligi, mm; r - magnit yadro materialining o'ziga xos elektr qarshiligi, $\text{Om}\cdot\text{m}$; μ_{max} - maksimal magnit o'tkazuvchanlik (o'lchovsiz qiymat) [6].

Formuladan shu kelib chiqadiki, magnit o'tkazuvchanligi yuqori bo'lgan materiallardan tayyorlangan magnit yadrolar o'zgaruvchan magnit maydonlarda qarshiligi sezilarli darajada oshsa yoki qatlamli struktura hosil bo'lsa qatlam qalinligi hisoblangan qiymatdan oshmasligi kerak. Chunki qotishma elektr qarshiligini ko'p bo'lmagan miqdorda oshirishi mumkinligi sababli, 50 Hz chastotada ishlaydigan magnit zanjirning qalinligi elektr po'latdan yasalgan varaqning qalinligidan (0,35) uch baravar oshmasligi kerak, ya'ni $0,35 \cdot 3 \approx 1$ mm. G'ovakligining oshishi elektr qarshiligini oshirishga ham imkon beradi, lekin oshirilsa samarali induksiya kamayadi, natijada umumiy yo'qotishlar ko'payadi. Temir kukunlari asosidagi materiallarni o'rganish shuni ko'rsatdiki, o'ziga xos yo'qotishlarni kamaytirish bir necha usullar bilan amalga oshirilishi mumkin.

Masalan, temir kukunlari asosidagi materiallarga qotishma qo'shimchalar (fosfor, kremniy, alyuminiy, bor) kiritiladi, parcha kukunlari va qatlamli mahsulotlar ishlatiladi, izolyatsion plyonka hosil qilish uchun manba materialining zarrachalarini sirt oksidlanishi amalga oshiriladi [8].

Taxminan 25 mkm qalinlikdagi yassi yoriqlar ko'rinishidagi zarralari bo'lgan kukunlardan foydalanish nisbatan kichik demagnetizatsiyakoeffitsientini va bunday yoriqlar tekisligi magnit maydonga perpendikulyar yo'nalishda yo'naltirilgan bo'lsa, maydon yo'nalishi bo'yicha yuqori o'tkazuvchanlikni ta'minlaydi [8]. PJ4 kukuni va ED-5 smolani parchalarini izolyatsion bog'lovchi sifatida ishlatganda, qatlamlar bo'ylab qarshilik oqimlari yo'nalishi bo'yicha 750 $\text{mOm}\cdot\text{mgacha}$ oshadi, bu esa toza temirdan farqlio'laroq $7,7 \cdot 10^3$ baravar ko'pdir [9]. Zarrachalar orasidagi magnit bo'lmagan qatlamlarning paydo bo'lishi bilan bog'liq holda, ichki demagnetizatsiyakoeffitsienti paydo bo'ladi, bu esa kuchning samarali qiymatining oshishiga va shunga mos ravishda magnitlanishning yo'qotishlariga olib keladi, bu esa temir po'stlog'iga asoslangan materiallardamagnitsizlashish 80% dan oshishiga olib keladi. Bu quyidagicha ifodalanadi:

$$R_{1,0/50} = 10 \text{ Vt/kg}$$

An'anaviy elektr po'latlarini almashtirishi mumkin bo'lgan taniqli kukunli magnit yumshoq materiallardan biri bu temir-fosfor aralashmalik materialidir [9]. Yumshoq magnit mahsulotlarni ishlab chiqarish uchun odatda 0,6% fosfor o'z ichiga olgan PJF06 kukuni ishlatiladi. 1-jadvalda 700 MPa bosim ostida presslangan, vodorod atmosferasida 1250°C haroratda 4 soat davomida qizdirishgan va 0,6% rux stearati bilan PJF06 temir-fosfor kukunidan tayyorlangan namunalarning magnit xususiyatlari ko'rsatilgan. Taqqoslash uchun jadvalda xuddi shu texnologik rejimlar bo'yicha ishlab chiqarilgan Shvetsiyaning Hoganas kompaniyasi kukunidan olingan namunalarning magnit xususiyatlari ko'rsatilgan [6].

1-jadval

Temir-fosforli materiallarning magnit xususiyatlari

Chang markasi	Zichlik, G/sm^3	Induksiya, B2000, T	O'tkazuvchanlik, mmax	Majburiy kuch, $N_s, \text{A}/\text{m}$	Yo'qotishlar, $R_{1.0/50}, \text{Vt}/\text{kg}$
PJF06	7.1	1.4	4000	85	7-9
RAS	7.2	1.3	4000	100	8

Fosfor qo'shilishi past haroratlarda (1050 °C) temir bilan qattiq eritma hosil qiladi, bu nafaqat sintirlash jarayonini tezlashtirishga, balki materialning elektr qarshiligini 19 $\text{mOm}\cdot\text{smgacha}$ oshirish orqali umumiy yo'qotishlarni kamaytirishga imkon beradi. 0,5% P va 1% Pda 22 $\text{mOm}\cdot\text{smgacha}$.

Temir-fosforli qotishmalarini temir kukunini ferrofosfor bilan presslash natijasida ishlab chiqarish bo'yicha ishlar mavjud [7]. Eng yaxshi natijalar 1% og'irlikdagi fosfor miqdori va ammiak atmosferasida 1250°Cda qizdirish orqali olingan. Biroq ferrofosfor qotishmasining kamchiligi shundakifraktsiyani olish uchun uni 100 mkgacha maydalash kerak.

Shuning uchun temir-kremniy qotishmalari keng qo'llaniladi. Temir-kremniy qotishmalar yumshoq magnit materiallardan biri bo'lib, o'zgaruvchan tok qurilmalarida foydalanish uchun zarur xususiyatlar ega [7].

Biroq, diffuz to'yinganlikdarjasipurkash yo'li bilan olinganda tarkibida kremniy miqdori 2%dan 6,5% gacha bo'lgan temir-kremniy kukunlarini olishga urinishlar shuni ko'rsatdiki silikonning yuqori kimyoviyfaolligi tufayli fayalit Fe_2SiO_4 va shishasimon SiO_2 fazasiqisman hosil bo'ladi. Temir-kremniy kukunlarini olish uchun tadqiqotlar asosida kremniy oksidlanishini oldini olish choralari ko'rish kerak. Buning uchun kislorod miqdori minimal bo'lgan xom ashyoni ishlatish, maxsus plomba va erituvchi qulflardan foydalanish kerak degan xulosaga keldik. Ishlab chiqarish jarayonida konteynerlar, kukun purkash moslamalari, inert muhit va boshqa sharoitlar inobatga olinishi shart [5].

NATIJALAR

Eksperimental ma'lumotlarga asoslanib [3] Fe-Si va Fe-P kukunli qotishmalari tarkibida aralashmalar kam bo'lgan kukunlarning magnit xossalari qadoqlash zichligi va zarrachalar hajmiga qarab aniqlanishi aniqlandi. Materialda kerakli strukturani yaratishga va kerakli magnit xususiyatlarga erishishga ta'sir qiluvchi asosiy omillardan biri qizdirish sharoitlari hisoblanadi. Avvalo, temir-kremniy qotishma namunalarini qizdirishda materialning oksidlanishini butunlay yo'q qilish va undagi aralashmalarning minimal miqdori bilan katta qobiqli strukturani yaratish kerak. Bu ishlarda bor va alyuminiyning oksidlanish qobiliyatini inobatga olgan holda [5] materiallarga muqobil bo'lishi mumkin bo'lgan temir-kremniyli po'latlarning tuzilishi va xossalari shakllantirish qonuniyatlari tizimli ravishda o'rganiladi. Uni past va o'rta quvvatli elektr mashinalarining magnit zanjirlarida qo'llaniladi. Bunday qotishmalarda magnit o'tkazuvchanlik va magnit induksiya kremniy taqsimotining bir xil bo'lmaganligiga bog'liq. Eng yuqori magnit induksiya (1,7 Tl) 1% kremniyli qotishmalar va eng yuqori magnit o'tkazuvchanligi (≈ 5000) 6,5% kremniyli qotishma (har ikkala qotishma ham 1300°C haroratda pishiriladi va 0,06% bor tarkibida mavjud bo'ladi).

Alyuminiyning qizdirib kiritilishi paytida strukturani sezilarli o'sishiga va shunga mos ravishda magnit xususiyatlarning yuqori qiymatlariga o'tishiga olib keladi. Masalan, [4] da mualliflar kukunli metallurgiyada yumshoq magnit Fe-1% Al qotishmasini olishdi. 12 soat davomida 1482°C da qizdirilgandan so'ng, qotishma past majburiy kuchga ($H_c \approx 72 \text{ A / m}$), nisbatan yuqori magnit o'tkazuvchanlikka ($\mu \approx 5000$) va yuqori to'yingan magnit induksiyaga ($B_s \approx 1,3 \text{ Tl } 640 \text{ A/m bo'lganda}$) ega edi. Magnit yumshoq xususiyatlariga ko'ra, Fe-1% Al qotishmasi sof kukunli temir va hozirda ishlab chiqarilayotgan Fe-Si va Fe-P qotishmalaridan oshib ketdi. Ammo bunday materialning optimalqizdirish haroratida (1482°C) alyuminiyningintensiv bug'lanishi tufayli sezilarli massa yo'qolishi sodir bo'ladi.

O'zgaruvchan maydonlarda ishlash jarayonida ulardagi magnit yo'qotishlarni kamaytirish uchun kukunli materiallarning elektr qarshiligini oshirish uchun eruvchan shisha kukunlari (yumshatishning boshlanishi harorati 350°C) kiritilishi mumkin [11]. Biroq, bu holda, shisha qo'shimchalar magnit induksiya va magnit o'tkazuvchanlik qiymatini pasaytiradi, chunki yo'naltirilgan oqimining yo'qotishlari biroz kamayadi.

Keyingi yillarda kukunli magnit yumshoq materiallardan foydalanish sohasida zarur xossa va tuzilishga ega bo'lgan maxsus kukunlar olish bo'yicha tadqiqotlar olib borilmoqda [3].

Kukunli metallurgiya instituti (Moskva) va Sulinskiy metallurgiya zavodi mutaxassislari

6. Ражабов А. и др. Ғўза майдонларига трихограмма тарқатиш қурилмаси //АгроИлм. Тошкент. – 2017. – №. 3. – С. 93-94.

7. Ражабов А. Х., Тухтабаев М. А. Сопротивление в цилиндрической трубе эжектора расселителя трихограммы //Инновацион технологиялар. – 2020. Спецвыпуск. – С. 50-54.

8. Худаяров Б. М. и др. Скорость потока воздуха в цилиндрической трубе эжектора расселителя трихограммы //Техническое обеспечение сельского хозяйства. – 2019. – №. 1. – С. 125-132.

9. Арипов А. О. и др. Инновационная технология производства хлопка-сырца //Инновацион технологиялар. – 2020. Спецвыпуск. – С. 11-15.

10. Тухтабаев М. Устройство для дозированного расселения трихограммы //Scienceweb academic papers collection. – Рязань: РГАТУ, 2022.

11. Кассета для разведения трихограммы. Изобретение СССР № SU 1547799 А1. Кл. А01К 67/00 // Оpub. 07.03.1990. Бюл. № 9.

12. Хамидов Х. и др. Устройство для дозированного расселения трихограммы //Патент на изобретение Узб № IAP05592. Оpub. 29.06.2018, Бюл. № 6.

13. Устройство для дозированного расселения трихограммы с воздуха. Изобретение СССР № 1675165 А1. Кл. В64D 1/16 // Оpub. 07.09.1991. Бюл. № 28.

14. Тухтабоев М. А. Экологическая оценка широкозахватных машинно-тракторных агрегатов //Современные тенденции развития аграрного комплекса. – 2016. – С. 272-275.

15. Тухтабаев М.А., Нормирзаев А.Р., Вахабова М.А. Расселение трихограммы механизированным способом / Сбор. статей LXXI международной естественнонаучной конференции: Техноконгресс. – Кемерово, 2022. – С. 5-11.

16. Ражабов А.Х., Тухтабаев М.А., Хошимжонов Ж.Я. Сопротивление в цилиндрической трубе эжектора расселителя трихограммы / Материалы национальной научно-практической конференции: Современное состояние и перспективы развития механизации сельского хозяйства и эксплуатации транспорта, 13 декабря 2021 года. – Рязань: РГАТУ, 2021. – С. 142-146.

17. Ражабов А. Х., Тухтабоев М. А., Джиянов М. Р. Ғўза майдонларига трихограмма тарқатишнинг технологик асослари //Глобальная наука и инновация. – Нур-Султан, 2021. Том-1, – № 3(14), – С. 17-19.

UDK 631.53.027.325

МАККАЖО‘ХОРИ МАHSULDORLIGINI OSHIRUVCHI ELEKTR AVJLANTIRISH TEKNOLOGIYASI

Yusupov Dilshod Rashidovich
Namangan muxandislik qurilish instituti, PhD, dotsent. dilshod-el@mail.ru

Otaxonov Xusan Raxmatjon o‘g‘li
Toshkent davlat texnika universiteti Qo‘qon filiali doktoranti, xusanotaxonov55@gmail.com

Annotatsiya: Maqolada makkajo‘xori mahsuldorligini oshirishda uning biologik ko‘rsatkichlarini elektrotexnologik usulda urug‘ni ekishdan oldin ultrabinafsha nurning turli xil

diapazonlarida ta'sir qilib elektr avjlanirish, zararsizlantirish xisobiga unuvchanlik darajasini, o'suvchanlik, ildiz qismidagi o'zgarishlarni, kasalliklarni oldini olishni o'rganish bo'yicha amaliy tadqiqot natijalari keltirilgan.

Annotatsiya: В статье с целью повышения продуктивности кукурузы изучаются ее биологические показатели электротехнологическим методом перед посевом семян при воздействии разного спектра ультрафиолетового света, уровень всхожести, рост, изменения корневой части, профилактика болезней представлены результаты практических исследований по обучению.

Abstract: In the article, in order to increase the productivity of corn, its biological indicators are studied by the electrotechnological method before sowing seeds under the influence of a different spectrum of ultraviolet light, the level of germination, growth, changes in the root part, disease prevention, the results of practical research on training are presented.

Kalit so'zlar: Makkajo'xori urug'i, kvartlash metodi, ultrabinafsha nur, elektr, avjlanish, urug'ini unuvchanligi, biometrik ko'rsatkichlar, bioenergetik, biosintetik jarayonlar, ultrabinafsha nur, genetik zaxirlari, ildiz soni.

Ключевые слова: Семена кукурузы, метод четвертования, ультрафиолетовое излучение, электричество, прорастание, всхожесть семян, биометрические показатели, биоэнергетические, биосинтетические процессы, ультрафиолетовое излучение, генетические ресурсы, количество корней

Key words: Maize seeds, quartering method, ultraviolet radiation, electricity, germination, seed germination, biometrics, bioenergetic, biosynthetic processes, ultraviolet radiation, genetic resources, number of roots

KIRISH

Makkajo'xori urug'i sifatini yaxshilash va buning natijasida hosildorlikni oshirish O'zbekiston agrosanoat kom'leksining eng muhim dolzarb masalalaridan biridir. Bugungi kunda qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirish, qayta ishlash va saqlashning yangi usullari va texnologiyalari ishlab chiqilmoqda. Urug'larni saqlash paytida ularning bioenergiya zaxirasi tugaydi, shuning uchun urug'lik materialining samarali uyg'onishi, o'simliklarning sog'lom o'sishi va rivojlanishining turli xil energiya ta'sirlaridan foydalanish taklif etiladi.

So'nggi yillarda qishloq xo'jaligi maxsulotlari mahsuldorligini oshirish amaliyotida donli ekinlar, sabzavotlar, dukkakli ekinlar va ularning urug'lariga kimyoviy usulda ishlov berish ishlari keng miqyosida jadallashmoqda, lekin insoniyat uchun esa ekologik sog'lom mahsulot muhimdir. Dunyo olimlari tomonidan kimyoviy usuliga qaraganda soddaroq kimyoviy moddalardan xoli bo'lgan ekologik toza yuqori samaradorlikka ega erisha oladigan zararsiz usullarni joriy etish ustida izlanmoqdalar. Hozirga kelib, elektrofizik usulda urug'ga va o'simlikka ta'sir qilish faol tadbir etila boshladi[1,2].

Hozirda ma'lumki, ultrabinafsha nurlanishdan turli biologik ob'ektlardagi ijobiy ta'sirlari o'rganish bo'yicha izlanish va uning natijalari mavjud.

Ultrabinafsha nur xar bir tirik organizm uchun kerakli bo'lgan muxim omillardan biri hisoblanadi. Har xil turdagi nurlanishlarning ta'sirlari va uzoq vaqt davomida o'tkazilgan tajribalarning ijobiy natijalari qaramay, bu boradagi ishlar natijalari qishloq xo'jaligida foydalanish samarasi haqida hali aniq fikrlar mavjud emas[3,4].

Makkajo'xori urug'lari, barcha o'simlik urug'lari kabi, turli xil kimyoviy elementlardan iborat. Makkajo'xori urug'larida to'lgan asosiy elementlarga uglerod (C), vodorod (H), kislorod (O) va azot (N) kiradi. Bu elementlar makkajo'xori urug'ida mavjud bo'lgan uglevodlar, li'idlar, oqsillar va nuklein kislotalar kabi biologik molekularning tuzilishi va faoliyati uchun zarurdir. Ushbu asosiy elementlarga qo'shimcha ravishda, makkajo'xori urug'lari fosfor (P), kaliy (K),

kaltsiy (Ca), magniy (Mg), olingugurt (S), temir (Fe), marganets (Mn) sink (Zn) kabi boshqa elementlarni ham o'z ichiga oladi. Bu elementlar turli xil fiziologik jarayonlarda, jumladan, ferment faollashuvida, fotosintezda, ozuqa moddalarini o'zlashtirishda va urug'larning rivojlanishida hal qiluvchi rol o'ynaydi. Bu jarayonni ya'ni urug'ni biologik jarayonini tezlashtirish uchun ultrabinafsha nur (UV) tahsirlari orqali tadqiqot ishlarini amalga oshirib kelinmoqda. [5,6]

Urug'larning ultrabinafsha (UV) nurlanishida hujayraning biologik membranasining o'tkazuvchanligi o'zgaradi, bu esa dastlabki o'sish jarayonlarini rag'batlantirishga olib keladi. UV nurlanishi natijasida lipidlarning oksidlanish darajasi, pH va ATF(adenozin trifosfat) faolligi o'zgaradi, bu esa urug'larning energiya salohiyatini oshirishga olib keladigan bioenergetik va biosintetik jarayonlarning kuchayishiga olib keladi.

Bundan tashqari, UV nurlanishi urug'lardagi o'sishning genetik zaxiralari jalb qiladi, bu o'simliklarning ko'p asrlik quyosh nurlanishiga moslashishi bilan bog'liq bo'lib, bu o'simliklarning o'sishi va rivojlanishiga olib keladi.

Mazkur ishda tadqiqotning maqsadi makkajo'xori urug'ining ekish oldin ultrabinafsha nur bilan ishlov berib, qo'yidagi ko'rsatkichlardagi o'zgarishlarni tajriba va tuproq sharoitida amaliy izlanishlarni olib borishdan iboratdir.

АДАБИЙОТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Qishloq xo'jalik ekinlari urug'ini ekishdan avval avjlantirish maqsadida elektr maydonida saralash, ishlov berish ishlari bir qancha olimlar tomonida b; j, bq natijalar olib kelingan bo'lib, xorijda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida qo'llash bo'yicha ilm-fanni rivojlanishiga sezilarli ulushni A.M.Kuzin, N.M.Berezkina, S.I.Vasilev, I.V.Yudaev, S.V.Mashkov E.E.Samurganov, I.I.Martinenko, A.A.Shevchenko, P.N.Listov, L.G.Prishep, A.M.Basov, A.M.Yevreinov, N.A.Klimov, V. I.Baev, I.F.Borodin, W.L.Balls, K.S.Chastets, V.I.Tarushkin, V.B.Shmigil, V.S.Leonov, V.M.Bogoyavlinskiy, Yu.I.Bajenov, M.G.Nikolaeva, V.G.Burlakov, S.V.Oskin, A.A.Niyazkulov, V.D.Mamadjanov va boshqalar qo'shganlar.

O'zbek olimlari V.V.Mazayev, A.Muxammadiyev, A.Yusubaliyev, P.Musabekov, H.M.Muradov va S.Islikov boshqalarning urug'larni ekishdan oldin nurlanishini o'rganish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, bu xar bir tirik organizmga ijobiy qiladi, jumladan qishloq xo'jaligi ekinlarida hosil olish muddatini qisqartirishi, hosildorlikning oshishi, zararkunandalardan tozalashga, kasalliklarni oldini olish imkonini beradi.

Ye.A.Kalashnikova esa urug'larga elektrotexnologik ishlov berish ya'ni lazer, elektromagnit, yuqori chastotali va boshqa turdagi nurlanishlar fizik parametrlari ta'sirlari bilan ishlov berish ularning genetik holatlarini o'zgartirmaydi, balki genomning faolligini oshiradi, o'sish va shakllanish jarayonlarini rag'batlantiradi [2].

Yuqoridagi olimlarning tadqiqot ishlari elektr maydon, yuqori chastota, magnit maydonlarida ishlov berish bo'yicha olib borilgan bo'lsada, lekin makkajo'xori urug'ini ekishdan oldin ultrabinafsha nur bilan ishlov berib elektr avjlantirish hamda maqbul parametrlarini aniqlash bo'yicha amaliy tadqiqotlar o'tkazilmagan.

Tadqiqot ikki bosqichda o'tkazildi. Birinchi etap – nurlangan va nurlanmagan urug'larni unuvchanligini va o'sish energiyasini, hamda ko'chatlarning biometrik ko'rsatkichlari: poya va barglarning massasi, ildiz tizimining uzunligi va massasi. Ikkinchi bosqich – dala sharoitida o'simliklarning rivojlanish bosqichlari bo'yicha o'sishini fenologik kuzatishlar asosida o'tkazildi. Tadqiqotlarni olib borishda makkajo'xorining "Moldaviya 425 MB" navidan foydalanildi.

НАТИЖАЛАР

O'simliklarning o'sish energiyasi urug'larning hayotiyligining asosiy ko'rsatkichlaridan biri bo'lib, u urug'larning unib chiqish tezligi va birdamliligini tavsiflaydi. Urug'lik materialining

sifatini baholashning asosiy mezonini laboratoriya unib chiqish ko'rsatkichidir, chunki u standart sharoitlarda, namlik, haroratda ko'chat bergan urug'larning foizini ko'rsatadi.

Tadqiqotni tajriba sharoitida olib borishda, makkajo'xori urug'larining elektr avjlantirish hisobiga unib chiqishi va o'sish energiyasini oshirish uchun urug'ga ultrabinafsha nur bilan ta'sir qilingan variantlar fenologik kuzatishlar asosida o'rganilda. Tadqiqot jarayonida urug'larni kvartlash metodidan foydalanib variantlarga ajratib olindi. Har variant uchun urug' 30 donadan qilib olindi. Urug'larni turli hil me'yorlar asosida ishlov berilgan variantlar termostat (iqlim kamerasi)ga joylashtirib, namlik va harorat datchigini nazorat qilib turilda. Har kuni fenologik kuzatishlar amalga oshirildi. Tadqiqot natijalari 10-kunga kelganda va nazorat hamda variantlardagi farqlar -jadvalga kiritildi.

Tajriba sharoitida qilingan variantlar tuproqda tuvakchalarga ekilgan holatda ham kuzatishlar o'tkazilda. Bunda ham tadqiqot 4 ta variant asosida olib borildi. Natijalar 20-kunda olindi va 2-jadvalga kiritildi.



1-Rasm. Makkajo'xori urug'ni unuvchanligini tajriba sharoitida aniqlash.

Yuqoridagi rasmda tajribaning, nazorat va 3 ta variant asosida urug'ning unuvchanligi aniqlangan. 3- variantdagi (o'ngdan birinchisi) o'simlikning bo'yi va tana qismi qalinlini qolgan variantlarga nisbatan yuqoriligini ko'rishimiz mumkin.

1-jadval

Makkajo'xori urug'lariga elektrotexnologik ishlov berish orqali ko'chatlarning biometrik ko'rsatkichlariga ta'siri

№	Variantlar	UBN da ishlov berish vaqti, sek	Urug' soni	Ildiz uzunligi (sm)	Ildiz soni (ta)	Ildiz uzunligi o'rtachasi (sm)	Ildiz soni o'rtachasi (ta)
1	Nazorat	-	30	455.5	75	15.1	2.5
2	$4 \cdot 254 + 300 = n \cdot A + B$	30	30	371	85	12.3	2.8
3	$4 \cdot 254 + 300 = n \cdot A + B$	50	30	257	60	8.5	2
4	$4 \cdot 254 + 300 = n \cdot A + B$	70	30	522.5	102	17.4	3.4

Izoh: UBN-ultrabinafsha nur, n-lampalar soni, A va B dipazondagi nurlar

Yuqoridagi jadvalda- har bir variantning ildiz uzunligi va ildiz soni 30 ta urug'ning jami o'lchamlari umumiy qilib olingan. Ildiz uzunligi o'rtachasi va ildiz soni o'rtachasi umumiy qiymatni 30 ga bo'lganimizdan kelib chiqdi. Natijada Variant-3 ning qiymatlari boshqa variantlarga qaraganda yuqoriligini ko'rishimiz mumkin.



2-rasm. Urug'ning tuproq sharoitidagi xolati

2-jadval

Ishlov berilgan urug'ni tuproq sharoitidagi biometrik ko'rsatkichlari

№	Variantlar	Unib chiqish soni (ta)	Massa (gr)
1	Nazorat	5	6
2	4*254+300	11	11
3	4*254+300	12	16
4	4*254+300	15	17

МУХОКАМА

Ilmiy izlanish olib borish uchun makkajo'xori urug'ini ekishdan oldin unuvchanligini oshirish maqsadida TDTU Qo'qon filiali "Elektr va elektronika" kafedrasida ilmiy loyihalarida va tuproq sharoitida tadqiqotlar ishlari olib borildi.

Tadqiqot ishi urug'ga ishlov berish va uni fenologik kuzatish metodikasi asosida bajarildi. Tajriba 2 xil usulda olib borildi ya'ni tajriba sharoitida urug'ning unuvchanligi va tuproq sharoitida esa ko'chatning o'sish davri qisqaligi kuzatildi. Ushbu tajribani o'tkazishda makkajo'xori urug'ini 30 donadan qilib olindi. Urug'larni $\lambda=254$ nm bo'lgan lampadan 4 ta (har bir lampa 30Wt) va $\lambda=300$ nm bo'lgan lampalar orqali amalga oshirildi. Quvvat esa $P=150$ Wt ni tashkil qildi.

XULOSA

O'tkazilgan tajribadan olingan ma'lumotlarning tahlili asosida quyidagilarni xulosa qilish mumkin. Makkajo'xorini ("Moldaviya 425 MB") navli urug'ini ekishdan oldin urug'ga balandligi 4 sm, quvvati $P=150$ Wt va ishlov berish vaqti 70 sekund davomida ultrabinafsha nur berilganda, V-4 dagi urug'ning biologik ko'rsatkichlarda ijobiy natijalar aniqlandi. Ushbu olingan ko'rsatkichlar nazoratga nisbatan solishtirilganda V-4 dagi nurlatilgan urug'larning ildiz uzunligi V-1 natijalariga qaraganda 2.3 sm uzun hamda ildiz soni esa 1-2 taga oshganligini aniqlandi. Bundan tajriba sinov qishloq xo'jaligida makkajo'xori donini va silos tayyorlashda qo'llab hosildorlikni oshirishda tavsiya etiladi.

ADABIYOTLAR

1. Авдеева, В. Н. Применение электрофизических факторов в процессе предпосевной обработки семян пшеницы // Инновации аграрной науки и производства: состояние, проблемы и пути решения: сб. тр. Международной науч.-практ. конф. – Ставрополь, 2008. – С. 101-104.

2. Долговых, О. Г. Влияние лазерной обработки на семена яровой пшеницы Ирен- / О. Г. Долговых, В. В. Красилников, Р. Р. Газтдинов // Инженерный вестник

Дона. – 2012. – № 4(2). – С. 2-4.

3. Казакова, А. С. Влияние предпосевной обработки семян ярового ячменя электромагнитным полем переменной частоты на их посевные качества / А. С. Казакова, М. Г. Федорищенко, П. А. Бондаренко // Межвузовский сб. науч. тр. – Зерноград: ФГОУ ВПО АЧГАА, 2005. – С. 207-210

4. Ксёэнз, Н. В. Анализ электрических и магнитных воздействий на семена / Н. В. Ксёэнз, С. В. Качешвили // Механизация и электрификация сельского хозяйства. – 2000. – №5. – С. 30

5. D.R.Yusupov, X.R.Otaxonov- Makkajo‘xori maxsuldorligini oshirishda urug’larga elektrotexnologik ishlov berish. INNOVATIONS IN TECHNOLOGY AND SCIENCE EDUCATION- ISSN 2181-371X, 2023. 1486-1492b.

UDC. 635.131:133

VEGETABLE CULTIVATION TECHNOLOGY AND BASICS OF LAND PREPARATION FOR PLANTING

Abdunazarov Elbek Elmurodovich,
Scientific Research Institute of Agriculture Mechanization, doctoral student, PhD
Phone: +998941517756, e-mail: abdunazarovelbek@gmail.com

Makhsudov Azizjon Pulatovich,
Namangan engineering-construction institute, doctoral student, +998973748500

G‘ulomov Muhammadjalol Nizomjon o‘g‘li,
Namangan engineering-construction institute, researcher. +998905660173, muhammadjalol0098@gmail.com

Muxammadaliyev Bekzodbek Dilmurod o‘g‘li,
Namangan engineering-construction institute, researcher. +998917585277, bekzodmuxammadaliyev00@gmail.com

Abstract. This article discusses vegetable cultivation technology and the basics of land preparation for planting, with a focus on how to prepare to transplant seedlings. The article provides guidance on when to transplant seedlings and how to figure out the exact timing, as well as tips for making sure the soil is ready and waiting for the best weather to transplant seedlings. The article also outlines the step-by-step process for transplanting seedlings and such as what happens if you transplant seedlings too early, how big seedlings should be before transplanting, and how to transplant small seedlings. By following the tips and guidance provided in this article, readers can successfully transplant their seedlings and enjoy a bountiful vegetable harvest.

Аннотация. Ushbu maqolada sabzavot etishtirish texnologiyasi va erni ekish uchun tayyorlash asoslari ko‘rib chiqiladi, ko‘chatlarni ko‘chirib o‘tkazishga qanday tayyorgarlik ko‘rishga e‘tibor beriladi. Maqolada ko‘chatlarni qachon ko‘chirib o‘tkazish va aniq vaqtni qanday aniqlash bo‘yicha ko‘rsatmalar, shuningdek, tuproq tayyor ekanligiga ishonch hosil qilish va ko‘chatlarni ekish uchun eng yaxshi ob-havoni kutish bo‘yicha maslahatlar mavjud. Maqolada, shuningdek, ko‘chatlarni ko‘chirib o‘tkazishning bosqichma-bosqich jarayoni va agar siz ko‘chatlarni juda erta ko‘chirib o‘tkazsangiz nima bo‘ladi, ko‘chat o‘tkazishdan oldin ko‘chatlar qanchalik katta bo‘lishi kerak va kichik ko‘chatlarni qanday ko‘chirib o‘tkazish kerakligi haqida gapirib beradi. Ushbu maqolada keltirilgan maslahatlar va ko‘rsatmalarga rioya qilib, o‘quvchilar

o'z ko'chatlarini muvaffaqiyatli ko'chirib o'tkazishlari va mo'l-ko'l sabzavot hosilidan bahramand bo'lishlari mumkin.

Аннотация. В данной статье рассмотрена технология выращивания овощей и основы подготовки земли к посадке, с акцентом на том, как подготовить рассаду к пересадке. В статье приведены рекомендации о том, когда пересаживать рассаду и как выяснить точные сроки, а также советы, как убедиться, что почва готова и дожидаться лучшей погоды для пересадки рассады. В статье также описывается пошаговый процесс пересадки рассады и, например, что произойдет, если вы пересадите рассаду слишком рано, какими большими должны быть рассады перед пересадкой и как пересаживать маленькие рассады. Следуя советам и рекомендациям, приведенным в этой статье, читатели смогут успешно пересадить рассаду и получить богатый урожай овощей.

Keywords: vegetable cultivation, land preparation, seedling transplanting, timing for transplanting, soil preparation, weather conditions, step-by-step transplanting, seedling size, early transplanting, garden preparation, planting tips, garden, garden care, vegetable harvest, small seedling transplantation.

Калит сўзлар: sabzavot yetishtirish, yer tayyorlash, ko'chat ekish, ko'chirib o'tkazish muddati, tuproq tayyorlash, ob-havo sharoiti, bosqichma-bosqich ko'chirib o'tkazish, ko'chat hajmi, erta ekish, bog' tayyorlash, ekish bo'yicha maslahatlar, bog', bog' parvarishi, sabzavot yig'ishtirib olish, mayda ko'chat ekish.

Ключевые слова: выращивание овощей, подготовка земли, пересадка рассады, сроки пересадки, подготовка почвы, погодные условия, поэтапная пересадка, размер рассады, ранняя пересадка, подготовка сада, советы по посадке, сад, уход за садом, сбор урожая овощей, пересадка мелкой рассады.

Introduction. Growing your own vegetables can be a rewarding experience, providing you with fresh, healthy produce right from your garden. However, to reap the benefits of a bountiful vegetable harvest, it is important to understand the basics of vegetable cultivation technology and land preparation for planting. One crucial aspect of vegetable gardening is transplanting seedlings into your garden. It is essential to know when to transplant seedlings, how to figure out the exact timing, and how to properly prepare the soil and handle the seedlings. This article will provide guidance on preparing to transplant seedlings into your garden, including tips on soil preparation, weather conditions, and step-by-step instructions for transplanting seedlings. Additionally, it will answer some frequently asked questions, such as what happens if you transplant seedlings too early, how big seedlings should be before transplanting, and how to transplant small seedlings. By following the information and guidance provided in this article, you can successfully transplant your seedlings and enjoy a bountiful vegetable harvest [1-4].

Methods.

Determine the ideal time for transplanting: Seedlings should be transplanted when they have grown large enough to handle and the weather conditions are favorable. The ideal time can vary depending on the type of vegetable, so it is important to research and determine the specific timing for each crop [5].

Before transplanting, make sure the soil is ready for the seedlings. Clear the area of any weeds or debris, loosen the soil with a garden fork, and add compost or other organic matter to improve soil fertility.

Seedlings should be transplanted when the weather is mild and cloudy, or just after a rain shower. Avoid transplanting on hot, sunny days as it can stress the seedlings.

Water the seedlings well a few hours before transplanting. This will help the roots remain

moist during the transplanting process.

Use a trowel or garden fork to dig holes in the prepared soil, making sure each hole is deep enough to accommodate the root ball of the seedling.

Gently remove each seedling from its container and carefully loosen the roots. Place the seedling in the hole and backfill with soil, pressing the soil down firmly around the base of the plant [5].

Water the seedlings immediately after transplanting to help the soil settle around the roots and reduce transplant shock.

Results.

Vegetable cultivation is a rewarding activity for both hobby gardeners and commercial farmers. To ensure a successful harvest, it is essential to understand the basics of land preparation and the technology involved in vegetable cultivation. One crucial aspect of this process is transplanting seedlings into your garden at the right time and in the right way. In this article, we will discuss these topics in detail.

The best time to transplant seedlings depends on the specific vegetable variety and the local climate. Typically, seedlings should be transplanted when they have developed at least two sets of true leaves and are strong enough to be handled. This usually occurs 4-6 weeks after the seeds have been sown in seed trays or pots. Keep in mind that transplanting seedlings too early may cause them to be more susceptible to diseases and pests, while transplanting too late may lead to overcrowding or competition between plants for nutrients and water [6].

To determine the best time to transplant your seedlings, consider the following factors:

Knowing the average last frost date for your region is essential. This information can be found through local agricultural extension services or online resources. Seedlings should be transplanted after the last frost date to ensure they are not damaged by freezing temperatures.

Most vegetables require a certain soil temperature for optimal growth. For example, tomatoes, peppers, and eggplants prefer soil temperatures between 60-70°F (15-21°C), while cool-season crops like lettuce and cabbage can tolerate lower temperatures. Use a soil thermometer to monitor the soil temperature and ensure it is suitable for the specific vegetable you are transplanting [7].

Pay attention to the development of your seedlings. As mentioned earlier, they should have at least two sets of true leaves and be strong enough to handle. Do not transplant seedlings that are too small or weak, as they may not survive the process.

Before transplanting seedlings, it is essential to prepare the soil properly. This involves the following steps:

Remove any weeds, rocks, and debris from the planting area. Weeds can compete with your vegetables for nutrients, water, and sunlight, so it is vital to have a weed-free plot.

Use a garden fork or tiller to break up compacted soil, allowing for better root growth and drainage. Aerating the soil also helps to improve its structure, making it easier for plant roots to access water and nutrients.

Add organic materials like compost, aged manure, or peat moss to improve the soil's fertility and texture. These amendments help to provide essential nutrients to your plants and improve the soil's water retention capacity.

Apply a balanced, slow-release fertilizer according to the manufacturer's instructions. This will provide essential nutrients to your plants throughout the growing season.

Transplant seedlings during a period of mild, overcast weather to reduce the risk of transplant shock. Avoid transplanting seedlings on hot, sunny days or during periods of heavy rain or strong winds, as these conditions can cause unnecessary stress to the young plants [8].

How To Transplant Seedlings (Step By Step)

Give your seedlings a thorough watering before transplanting to help reduce transplant shock.

Create planting holes in the prepared soil that are slightly larger than the seedlings' root ball. Space the holes according to the recommended spacing for the specific vegetable variety.

Gently remove the seedlings from their pots or trays, taking care not to damage the roots. Loosen any tangled roots to encourage proper growth.

Carefully place the seedlings in the planting holes, ensuring the root ball is completely covered by soil. Make sure the seedlings are planted at the same depth they were growing in their containers.

Fill in the holes with soil, gently firming it down to remove any air pockets.

Water the transplanted seedlings thoroughly to help settle the soil around the roots and reduce transplant shock [9].

Apply a layer of organic mulch around the seedlings to help retain moisture, suppress weeds, and regulate soil temperature.

Transplanting seedlings too early can expose them to unfavorable weather conditions, such as frost or strong winds, which can damage or kill the young plants. Additionally, seedlings that are not strong enough may struggle to establish themselves in the garden, resulting in stunted growth or susceptibility to pests and diseases [10].

Seedlings should have at least two sets of true leaves and be strong enough to handle before transplanting. The ideal size may vary depending on the specific vegetable variety, but generally, seedlings should be 4-6 weeks old and have a well-developed root system.

To transplant small seedlings, follow these steps:

1. Water the seedlings thoroughly before transplanting to reduce transplant shock.
2. Prepare the planting area by clearing weeds, loosening the soil, amending with organic materials, and fertilizing as needed.
3. Dig planting holes slightly larger than the seedlings' root ball, spaced according to the recommended spacing for the specific vegetable variety.
4. Gently remove the seedlings from their containers, taking care not to damage the roots. Loosen any tangled roots to encourage proper growth.
5. Carefully place the seedlings in the planting holes, ensuring the root ball is completely covered by soil and at the same depth they were growing in their containers.
6. Fill in the holes with soil, gently firming it down to remove any air pockets.
7. Water the transplanted seedlings thoroughly to help settle the soil around the roots and reduce transplant shock.
8. Apply a layer of organic mulch around the seedlings to help retain moisture, suppress weeds, and regulate soil temperature [11].

By following these steps and considering the factors discussed in this article, you can successfully transplant your seedlings and enjoy a bountiful vegetable harvest [12].

Discussion. Transplanting seedlings is a critical step in vegetable cultivation, and proper techniques can ensure a successful harvest. The discussion on preparing to transplant seedlings into your garden begins with identifying the ideal time for transplanting. It is essential to research the specific timing for each crop, as it can vary depending on the type of vegetable. Waiting for the ideal weather conditions can also minimize transplant shock and stress to the seedlings.

Another crucial aspect of preparing to transplant seedlings is ensuring that the soil is ready for the seedlings. Clearing the area of any weeds or debris, loosening the soil, and adding

compost or other organic matter can improve soil fertility and support the growth of healthy seedlings.

When transplanting seedlings, it is essential to handle them carefully to avoid damaging the delicate roots. It is also important to water the seedlings before and after transplanting to reduce transplant shock and help the soil settle around the roots.

In addition to the step-by-step process of transplanting seedlings, the discussion also addresses some frequently asked questions. Transplanting seedlings too early can cause stress and failure to grow properly, while seedlings should have at least two sets of true leaves and be sturdy enough to handle before transplanting. Small seedlings require extra care to avoid damaging the delicate roots, and a small trowel or spoon can be used to dig holes for them.

Preparing to transplant seedlings into your garden requires careful planning, timing, and techniques. By following the guidance provided in this article, you can successfully transplant your seedlings and enjoy a bountiful vegetable harvest.

Conclusion. In conclusion, transplanting seedlings is an essential step in vegetable cultivation and requires careful planning and techniques. Identifying the ideal timing for transplanting and ensuring that the soil is ready for the seedlings are crucial elements of preparing to transplant seedlings into your garden. Waiting for the ideal weather conditions and handling the seedlings carefully can also minimize transplant shock and stress [13].

The step-by-step process of transplanting seedlings, as well as the answers to frequently asked questions, provide valuable guidance for gardeners looking to successfully transplant their seedlings. Transplanting seedlings too early can cause stress and failure to grow properly, while seedlings should have at least two sets of true leaves and be sturdy enough to handle before transplanting. Small seedlings require extra care to avoid damaging the delicate roots.

By following the guidance provided in this article, gardeners can successfully transplant their seedlings and enjoy a bountiful vegetable harvest. Proper techniques and preparation can ensure healthy plants, and the satisfaction of growing your own fresh, healthy produce can be a rewarding experience.

REFERENCES

1. Hale J. et al. Connecting food environments and health through the relational nature of aesthetics: Gaining insight through the community gardening experience // *Social science & medicine*. – 2011. – Т. 72. – №. 11. – С. 1853-1863.
2. Imomkulov K. B., Abdunazarov E. E. The results of the experiments conducted on the selection of the type of working body of the machine for burying pomegranate bushes // *Эффективность применения инновационных технологий и техники в сельском и водном хозяйстве*. – 2020. – С. 65-70.
3. Qutbiddin I. et al. Burying machine to pomegranate bushes // *Journal of Critical Reviews*. – 2020. – Т. 7. – №. 13. – С. 1377-1381.
4. Abdunazarov E. Justification of the vertical distance from the support plane of the pomegranate burying machine to the lower suspension points // *Uzbekistan Journal of Engineering and Technology*. – 2021.
5. Raevens S. et al. Echocardiography for the detection of portopulmonary hypertension in liver transplant candidates: an analysis of cutoff values // *Liver transplantation*. – 2013. – Т. 19. – №. 6. – С. 602-610.
6. Bazzaz F. A. Plant-plant interactions in successional environments // *Perspectives on plant competition*. – 1990. – С. 239-263.
7. Ariza C., Tielbörger K. An evolutionary approach to studying the relative importance

of plant-plant interactions along environmental gradients //Functional Ecology. – 2011. – Т. 25. – №. 4. – С. 932-942.

8. Herrera F. et al. Replacement of a peat-lite medium with municipal solid waste compost for growing melon (*Cucumis melo* L.) transplant seedlings //Compost science & utilization. – 2009. – Т. 17. – №. 1. – С. 31-39.

9. Bakijonovich I. Q. i dr. Construction of a machine stacker for burying pomegranate bushes // Mechanics and technology. - 2022. - Т. 3. – no. 8. - S. 98-102.

10. Abdunazarov E. A Анор тупларини кўмадиган машина таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофани асослаш //Uzbekistan Journal of Engineering and Technology. – 2021.

11. Qutbiddin I. et al. BURYING MACHiNE TO POMEGRANATE BUSHES //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 13. – С. 1377-1381.

12. Абдуназаров Э., Ортиқов Н. Такмиллаштирилган анор тупларини кумадиган машина //Инвестицияларни диверсификациялаш асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш: Республика илмий-амалий конференцияси туплами. – 2019. – С. 284-287.

13. Каримжонович Қ. С., Абдуназаров Э. Э., Ортиқов Н. Б. Ў. Кўмилган анор тупларини тўлиқ очадиган қурилма текислагичининг очилиш бурчагини тадқиқ этиш //Механика и технология. – 2022. – Т. 3. – №. 8. – С. 127-132.

UDK 62-144.3

ИЧКИ YONUV DVIGATELLARNING SIQISH VA KENGAYISH JARAYONLARI PARAMETRLARI TAHLILI

Urazov Bekzod Abdukarimovich

Jizzax politexnika instituti, assistent, +998933032860, urazov.bekzod86@mail.ru

Аннотатсия. Ichki yonuv dvigatellarning siqish va kengayish jarayonlari parametrlarini tahlil qilishda talabalar uchun bu parametrlar yetarli emas degan xulosaga kelindi. Ushbu masalani yechishda ichki yonuv dvigateling siqish va kengayish jarayonlarining asosiy ko'rsatkichlari qatorida turadigan, porshenga tushadigan yuklanishning kilogrammlarda ifodalanishini ilmiy nuqtai nazardan tahlil qilish talab etiladi va masalaga bunday yondoshish talabalarida porshenga tushadigan yuklanishning naqadar ulkanligini to'liq tasavvur qilishlariga erishiladi.

Аннотация. При анализе параметров процессов сжатия и расширения двигателей внутреннего сгорания был сделан вывод, что этих параметров недостаточно для студентов. Для решения этой задачи необходимо с научной точки зрения проанализировать выражение нагрузки на поршень, являющейся одним из основных показателей процессов сжатия и расширения двигателя внутреннего сгорания, в килограммах.

Annotation. When analyzing the parameters of the processes of compression and expansion of internal combustion engines, it was concluded that these parameters are not enough for students. To solve this problem, it is necessary from a scientific point of view to analyze the expression of the load on the piston, which is one of the main indicators of the processes of compression and expansion of an internal combustion engine, in kilograms.

Калит so'zlar: Dvigatel, yuklanish, siqish, kengayish, dizel, tsilindr, porshen.

Ключевые слова: двигатель, поршень, цилиндр, дизель, расширение, нагрузка,


сжатие.

Key words: engine, to load, compression, expansion, diesel engine, cylinder, piston.

Hozirgi zamon transport vositalariga (avtomobil, traktor, yo'l qurilish mashinalari) kuch agregati sifatida ichki yonuv dvigatellari o'rnatiladi. Bunday dvigatellarda ish aralashmasi yonganda hosil bo'lgan issiqlik mexanik ishga aylanadi. Ichki yonuv dvigatellarida suyuq va gaz holatidagi yonilg'ilarni ishlatish mumkin. Ichki yonuv dvigatellari (IYoD) ixchamligi, ishonchliligi va yonilg'ini kam sarflashi bilan dvigatellarda ustun turadi.

Avtomobil transport mashinalarida ichki yonuv dvigatellarning turli quvvat bilan ishlash rejimlarining qisqacha tahlili yoki ichki yonuv dvigatellarning siqish va kengayish jarayonlari parametrlari tahlili

Siqish jarayonida -"nadduv"li va "nadduv"siz to'rt taktli dvigatellarda kiritish klapanlari berkitilgandan keyin, ikki taktli dvigatellarda esa gaz almashinuv jarayoni tugagandan so'ng porshen silindr yuqori chekka nuqtaga tomon harakat qilganda siqish jarayoni sodir bo'ladi. Silindrga kirgan yangi zaryadning harorati va bosimi siqish natijasida ortadi. Siqish darajasi karbyuratorli dvigatellarda detonatsiyali yonishning paydo bo'lishi bilan, dizellarda esa dizel yonilg'isining o'z-o'zidan alanganish harorati bilan cheklangan bo'ladi. Shu sababli siqish jarayoni oxirida zaryadning harorati va bosimi ma'lum chegarada bo'ladi. Dizellarda siqish jarayoni oxirida harorat va bosimning oshishi bilan siklning unumdorligi oshadi hamda issiqlikdan foydalanish yaxshilanadi.




1- rasm. Siqish jarayonining diagrammasi

Haqiqiy siklda siqish jarayonining sodir bo'lish xususiyati 1-rasmda ko'rsatilgan. Siqish jarayonining birinchi davrida zaryadning harorati tsilindr devorlari kallagi va porshen tubining haroratidan past bo'lgani uchun zaryad qiziydi. Porshenning yuqori chekka nuqtaga tomon harakati davomida zaryad tobora ko'proq siqiladi va uning harorati T_3 hamda silindr devorlarining o'rtacha harorati T_d orasidagi farq kamayib boradi. Siqish jarayonining ma'lum bir nuqtasida zaryad va silindr devorlarining harorati tenglashadi.

Kengayish jarayonida-ichki yonuv dvigatellarida yongan ish aralashmasining kengayishi natijasida issiqlik energiyasi mexanik energiyaga aylanib, foydali ish bajariladi. Haqiqiy siklda yonish mahsulotlari yuqori haroratda kengaygani uchun issiqlikning bir qismi tashqi muhitga tsilindrning kallagi, devorlari va porshenning tubi orqali uzatiladi. Natijada yonish mahsulotlarining harorati pasayadi. Yonish jarayonini z nuqtada tugallashning iloji bo'lmagani uchun kengayish jarayonida ham issiqlik ajralishi davom etadi.

mosligiga asoslanadi. Matematik hisob kitoblar olib borilganda natijalar quyidagicha bo'ladi. Misol uchun ma'lum ma'nodagi dizel dvigateli porsheniga tushadigan yuklanishining tahlilini ko'rib chiqamiz.



3-rasm

Ma'lumki dizel dvigatellarining $z(.)$ nuqtadagi bosimi 8 MPa ga teng.[1] .

$$R=8 \text{ M'a}=8 \cdot 10^6 \cdot a$$

$$R=F/S \quad F=P \cdot S \quad \text{bu yerda } S\text{-porshen yuzasi. } R\text{-porshenga ta'sir etuvchi bosim. } S=\pi \cdot d^2/4.$$

$$R=8 \cdot 10^6 \text{ Pa.}$$

$$F=P \cdot S=8 \cdot 10^6 \text{ N/m}^2 \cdot (\pi \cdot d^2)/4=8 \cdot 10^6 \cdot (3,14 \cdot 110^2 \cdot 10^{-6})/4=75988 \text{ N} \approx 76 \text{ kN.}$$

$$F=m \cdot g \Rightarrow m=F/g=(76 \cdot 10^3 \text{ N})/10 \text{ m/s}^2=(7,6 \cdot 10^3 \text{ kg} \cdot \text{m/s}^2)/\text{m/s}^2=7,6 \cdot 10^3=7,6 \text{ t.}$$

$$1 \text{ N}=1 \text{ kg} \cdot \text{m/s}^2. \quad A=F \cdot S=76 \text{ kN} \cdot 120 \text{ mm}=76 \cdot 10^3 \cdot 120 \cdot 10^{-3} \text{ m}=9120 \text{ J}=9 \text{ kJ.}$$

Dvigatel turlari	η_2	$T_{\xi}, \text{ k}$	$P_{\xi}, \text{ M'a}$	m	$A \text{ kJ}$
Dizel	1.18.....1.23	800.....1300	0.25.....0.6	Dizel agar 7-6t $P_z = 8 \text{ MPa}$	8.....9
Karbyuraterli dvigatel	1.23.....1.30	1400.....1700	0,4.....0.6	karbyurator 4.5-5t $P_z = 5 \text{ MPa}$	5.....6

Yuqorida keltirilgan hisob kitob natijalaridan ko'rinib turibdiki ichki yonuv dvigateli laboratoriyalarini olib borishda talabalarga ishning mohiyatini tushuntirishda turli shakldagi dvigatellarda ish qismida, hisob-kitob ishlarini olib borishda kurs loyiha ishlarini olib borishda dvigatelning silindri ichida bitta porshenga tushadigan bosimini aniqlash bilan birgalikda necha kilogramm yuk ta'sirida porshen xarakatlanishi aniqrog'i avtomobil dvigatelni butun mexanizmlarini ishlatish uchun qolaversa butun avtomobilni (traktorni) yurgizib yuborish uchun kerak bo'ladigan og'irlik kuchining salmog'ini aniqlashdir.

Bu bilan talabalarda dvigatel silindri ichida yonish kamerasi atrofidagi detallarning juda katta yuklanish ostida va juda katta haroratda ishlashligini hamda porshenga tushadigan yuklanishning naqadar ulkanligini talabalarda to'liq tasavvur qilinishiga erishildi. Ichki yonuv dvigatellarining siqish va kengayish parametrlari masalan kengayish va siqishdagi parametrlar η , P_{ξ}, T_{ξ} lar qatoriga mva A larni qo'shib qo'yilsa va kengayish parametrlari qatoriga η_2, P_z, T_z

lar qatoriga m_z va A_z qo'shib qo'yilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi [2-3].

ADABIYOTLAR

1. Qodirov S. M. Ichki yonuv dvigatellari. Toshkent 2006 y.
2. Артаматов М.Д. Панкратов Г.П. Теория конструкция и расчет автотранспортных двигателей. Москва 1963 г. 69-96 стр.
3. Маматов Х.М. va boshqalar "Avtomobililar", T, "O'qituvchi", 1982 yil.
4. Вишняков Н.Г. и др. «Автомобиллар» (Основ конструкции). Москва, «Машиностроение» 1986 й.
5. Вахламов В.К. Техника автомобильного транспорта. М «Транспорт» 2004 г.
6. Литвинов А.С., Фаробин Я.Е. Автомобиль. Теория эксплуатационных свойств. Москва. «Машиностроение» 1989г.

UDK 656.1

AVTOTRANSPORT KORXONA USTAXONALARIDA EKOLOGIK MUHITNI BAHOLASH USLUBIYATI

Umirov Ilhom Iskandar o'g'li

JizPI, p.f.f.d. (PhD), dots. v.b., +99897326 4747, umirov-i@mail.ru

Annotatsiya. Ushbu maqolada ishlab chiqilgan tavsiyalar asosan avtotransport vositalaridan ekspluatatsiya davrida ekologik xavfsizligini ta'minlashdagi va korxonadagi ustaxonalar ekologik muhit faoliyatini oshirishga hamda texnologik jarayonni amalga oshirishga xizmat qiladi. Shuningdek, avtotransport korxonalarida ish jarayoni davrida ajralib chiqadigan zararli moddalar miqdorini hisoblash usullari keltirilgan.

Аннотация. В этой статье приведена разработка методических рекомендаций и применения их результатов в производство в целях усовершенствования экологического безопасности движения автомобильного транспорта, обеспечение технологического процесса и экологического условия участка. Существуют также методы расчета количества вредных веществ, выбрасываемых в процессе работы в цехах автотранспортных предприятий.

Abstract. This article describes the development of guidelines and the application of their results in production in order to improve the environmental safety of road traffic, ensuring the technological process and the environmental conditions of the plots. There are also methods for calculating the amount of harmful substances emitted during work in the shops of motor transport enterprises.

Tayanch so'zlar: transport, transport masalasi, ekologik matematik masala, zarali moddalar, ustaxona, muhit, uglerod oksidi, oltingugurt, azot oksidi, lak va bo'yoq materiallari.

Ключевые слова: транспорт, транспортные задачи, экологические математические задачи, вредные вещество, участки, условия, окись углерода, сера, оксиды азота, лаки и лакокрасочные материалы.

Key words: transport, transport problems, the ecological mathematical problems, harmful substance, carbon monoxide, sulfur, nitrogen oxides, varnishes and paints and varnishes.

Muammo: Hozirgi kunda Respublikamiz avtotransport korxonalarida transport vositalari harakatlanishi natijasida turli xil zararli moddalar miqdorining oshib ketishi, ustaxonalar

faoliyatining me'yor bilan ishlamasligi natijasida ekologik xavfsizlikning yo'qolishi yuzaga kelmoqda.

Muammoni echishdan maqsad: avtotransport korxonasi ustaxonalarida ish jarayoni davrida ajralib chiqadigan zararli moddalar miqdorini tajriba yo'llari bilan aniqlash, ekspluatatsiya davridagi faoliyatini oshirish va ekologik xavfsizlikni ta'minlash.

Ma'suliyati cheklangan jamiyatlarining eng ko'p zararli moddalar hosil qiluvchi mintaqalari va ustaxonalari quyidagilar hisoblanadi.

- 1) Bo'yoqchilik mintaqasi
- 2) Payvandlash mintaqasi
- 3) Yuvish tozalash mintaqasi
- 4) Akkumulyator ustaxonasi
- 5) Shina ta'mirlash ustaxonasi
- 6) Diagnostika posti
- 7) Dvigatellarni sinash uchastkasi

Bo'yoqchilik mintaqasida hosil bo'ladigan zararli chiqindilar miqdorini hisoblash.

Avtomobillarning kuzovi, agregatlari va detallarining yuzasini bo'yoq va lak bilan qoplash va uni quritish jarayonida atmosferani ifloslantiruvchi bir qator zararli moddalar ajralib chiqadi, jumladan atseton, butil atsetat, ksilol, stirol, etilbenzol, amil spirt, uayt-spirt, etilsellozol, amilatsetat, toluol, dioksan, metanol, propanol, etilmetilbenzol, S_I-S_{I0} uglevodorodlar kabi 20 dan ortiq uchuvchan birikmalar bug' va gaz ko'rinishida atmosfera havosiga chiqarib yuboriladi.

Lak va bo'yoq materiallar tarkibidagi ifloslantiruvchi moddalar tashlamasining miqdori qoplamaning surkash usuliga, qo'llaniladigan jihozlarning ish unumdorligiga, qoplamaning qalinligiga, ifloslantiruvchi moddalarni ushlab qoluvchi yoki neytrallovchi vositalarning mavjudligiga va boshqa bir qator sub'ektiv omillarga bog'liq.

Dastlabki hisoblarda lak va bo'yoq materiallarining yoki erituvchilarning uchuvchan birikmalari bo'yash va quritish jarayonida to'liq ravishda gazzimon holatga o'tib ketadi deb qabul qilinadi.

Dastlabki ma'lumotlar sifatida lak va bo'yoq materiallarining rejaviy yoki haqiqiy sarfi, ulardagi uchuvchan birikmalarning tarkibiy ulushi, uchuvchan birikmalarni tozalanish darajasi kabi ko'rsatkichlar e'tiborga olinadi.

Manba orqali atmosferaga tashlanayotgan ifloslanishlarni hisoblash quyidagicha amalga oshiriladi.

Maxsus gaz tozalash qurilmalari qo'llanilmagan hollarda, lak va bo'yoq materiallari bilan avtomobil kuzovi va detallarini qoplash davomida ajralib chiqadigan va atmosfera havosiga qo'shib ketadigan aerozollar miqdori quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$M_a = M_K \cdot f_a \cdot f_T \cdot 10^{-4}, t \quad (1)$$

Bu yerda: M_K - qoplash uchun ishlatiladigan lak va bo'yoq materiallari massasi, T; f_a - aerozol ko'rinishida yo'qotilgan lak va bo'yoq materiallarining sarflanish ulushi, %.

f_T - lak va bo'yoq materiallari qattiq tarkibining ulushi, %.

Gaz tozalash uskunalari qo'llanilgan hollarda ajralib chiqadigan aerozollar miqdori quyidagicha aniqlanadi:

$$M_a = M_K \cdot f_a \cdot f_T (1-n) \cdot 10^{-4}, T \quad (2)$$

bu yerda: n - tozalash darajasining birlik usuli.

Maxsus gaz tozalash qurilmalari qo'llanilmagan hollarda, lak va bo'yoq materiallarining uchuvchan birikmalari tarkibidagi ifloslantiruvchi moddalarning umumiy miqdori quyidagicha

aniqlanadi:

$$M_a = M_K \cdot f_\rho \cdot f_{p.o} \cdot 10^{-4}, t \quad (3)$$

bu yerda : f_ρ - lak va bo'yoq materiallarining umumiy massasiga nisbatan uchuvchan birikmalarning ulushi, %. $f_{p.o}$ - lak va bo'yoq materiallaridagi erituvchilarning umumiy tarkibiga nisbatan uchuvchan birikmalarning ulushi, %.

Xuddi shu hol uchun qoplangan lak va bo'yoq materiallarini quritish paytida uchuvchan birikmalardan ajralib chiqadigan ifloslanuvchi moddalarning umumiy miqdori quyidagicha aniqlanadi.

$$M_a = M_K \cdot f_\rho \cdot f_{p.c} \cdot 10^{-4}, t \quad (4)$$

bu yerda: $f_{p.c}$ - qoplangan lak va bo'yoq materiallarini quritish paytida eritmalarning umumiy miqdoriga nisbatan uchuvchan birikmalarning ulushi, %

Agar lak va bo'yoq materiallaridagi uchuvchan birikmalar tarkibidagi ifloslantiruvchi moddalar miqdori e'tiborga olinsa, u holda:

- qoplanish paytidagi yo'qotishlar miqdori, T.

$$M_a = M_K \cdot f_\rho \cdot f_{p.o} \cdot f_K \cdot 10^{-6}, t \quad (5)$$

- quritish paytidagi yo'qotishlar miqdori, T:

$$M_a = M_K \cdot f_\rho \cdot f_{p.c} \cdot f_K \cdot 10^{-6} t \quad (6)$$

bu yerda: f_K - lak va bo'yoq materiallari uchuvchan birikmalari tarkibidagi ifloslantiruvchi moddalar miqdorining ulushi, %

Maxsus gaz tozalash qurilmalari qo'llanilgan hollarda:

- qoplanish paytidagi yo'qotishlar miqdori, T

$$M_{ok} = M_K \cdot f_\rho \cdot f_{p.o} \cdot f_K (1-n) \cdot 10^{-6} t \quad (7)$$

- kiritish paytidagi yo'qotishlar miqdori, T

$$M_a = M_K \cdot f_\rho \cdot f_{p.c} \cdot f_K (1-n) \cdot 10^{-6} t \quad (8)$$

Lak va bo'yoq materiallari uchuvchan birikmalari tarkibidagi ifloslantiruvchi moddalarning umumiy miqdori quyidagicha aniqlanadi;

$$M_{o\bar{o}} = M_{o.k} + M_{c.k} \quad (9)$$

Agar bir qavat bo'yoq qoplanish kerak bo'lgan yuzaning umumiy maydoni va gaz tozalash qurilmasi bo'lmagan holda atmosfera havosiga ajralib chiqadigan ifloslantiruvchi moddalarning solishtirma miqdori ma'lum bo'lsa, u holda

$$M_{okp} = \sum_{i=1}^n g_{ig} \cdot F_{ij} \cdot 10^{-6} t \quad (10)$$

bu yerda: g_{ig} - i - turdagi lak va bo'yoq materiallarini j - texnologik jarayon bilan yuzalarni qoplash paytida ajralib chiqadigan ifloslantiruvchi moddalarning solishtirma miqdori, g/m^2 ;

F_{ij} - lak va bo'yoq materiallari bilan qoplanadigan yuza maydonining o'lchami, mm^2 .

Vaqt birligi ichida atmosferaga chiqarib tashlanadigan zararli moddalar miqdori quyidagicha hisoblanadi.

$$M_K = M_{C.T} \frac{1000}{60t}, g/s \quad (11)$$

bu yerda: $M_{C.T}$ - OND – 86 tavsiyaga binoan 30 - minutdan ortiq bo'lmagan o'rtacha oraliqni hisobga olgan holda t – minut vaqt ichida qoplama hosil qilish texnologik jarayonida lak va

bo'yoq materiallarining sarflanish miqdori, kg;

t – texnologik jarayon uchun vaqt, minut;

Shunday qilib, vaqt birligi ichida atmosferaga chiqarib yuboriladigan bo'yoq aerozollari miqdori quyidagi formula yordamida hisoblanadi:

$$M_a = 0,56 \cdot M_k \cdot f_a \cdot f_T \cdot 10^{-4} \quad (12)$$

bu yerda: M_k - bo'yoq qoplamasini hosil qilish uchun 30 minutlik texnologik jarayon davomida foydalaniladigan lak va bo'yoq materiallarining massasi, kg.

Shinamontaj mintaqasida hosil bo'ladigan zararli chiqindilar miqdorini hisoblash.

Avtomobil g'ildirak shinalarini ta'mirlashda maxsus rezinalaridan foydalaniladi; shina kameralarini yamashda esa vulkanlanuvchan rezinalar ishlatiladi. Odatda ta'mirlash materiallari o'z joyiga elimlab yopishtirilgach, ular 140 °S harorat ostida vulkanizatsiya jarayoniga jalb etiladi.

Vulkanizatsiya jarayonida uglerod oksidlari, oltingugurt angidridi va boshqa zararli moddalar ajralib chiqadi.

Ushbu jarayonda, qo'llaniladigan jihozlarning birlik ishlash vaqtiga bog'liq holda atmosferaga ajralib chiqariladigan zararli moddalar miqdori quyidagicha aniqlanadi:

$$M_i^x = K_x \cdot B_x \cdot T_x \cdot 10^{-3}, \quad \text{kg/yil} \quad (13)$$

bu yerda: K_x - zararli moddalar ajralib chiqishining solishtirma ko'rsatkichi, g/kg; B_x - sarflanadigan materiallarning massasi, kg/soat; T_x - jihozlarning ish vaqti, soat/yil.

Organik bo'lmagan chang, ya'ni talklash jarayonida ajralib chiqadigan chang miqdori quyidagicha hisoblanadi:

$$Q = K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot G \quad t/yil \quad (14)$$

bu yerda: K_1 0,2 – talkning egovlanish koeffitsienti, K_2 0,35 – talkni idishlarga joylash, tortish va tashish paytida uning yo'qolishini hisobga oluvchi koeffitsient; K_3 0,2 – mahalliy yo'qotishlar koeffitsienti; G - quruq talklash uchun sarflanadigan talkning miqdori, t/yil:

Oltingugurt angidridining ajralish miqdori esa quyidagichadir.

- 1t rezina mahsulotini qizdirishda – 0,9 g/t.
- 1t rezina mahsulotini shprints orqali siqib chiqarishda - 1,35 g/t;
- 1t rezina mahsulotini vulkanlashda – 3,88 g/t.

Payvandlash mintaqasida hosil bo'ladigan zararli chiqindilar miqdorini hisoblash.

Avtomobil kuzovlari, radiatori, shassi qismlari va ayrim detallarini ta'mirlashda yoki ularni qayta tiklashda metallarni kesib olish va ularni bir–biriga payvandlashda quyidagi ishlar bajariladi:

- metallarni eritish va kesib olish;
- yoysimon, gazli va plazmali payvandlash;
- ishqalanish orqali payvandlash.

Metallarni eritish, kesib olish va payvandlash chog'ida atmosferaga quyidagi zararli moddalar ajralib chiqadi:

- metall oksidlari;
- azot oksidlari;
- uglerod oksidlari;
- ftor vodorod gazi.

Ushbu jarayonda qo'llaniladigan payvandlash jihozlarining birlik ish vaqtiga bog'liq holda atmosferaga ajralib chiqariladigan zararli moddalar miqdori quyidagicha aniqlanadi.

$$M_i^y = K_y \cdot B_y \cdot T_y \cdot 10^{-3}, \quad \text{kg/yil} \quad (15)$$

bu yerda: K_2 – payvandlash va kesish jarayonida zararli moddalar ajralib chiqishini solishtirma ko'rsatgichi, g/kg . B_y - sarfladigan materialning massasi, $kg/soat$; T_y - jihozlarning ish vaqti, $soat/yil$.

MChJlardagi avtomobillarning yo'lga chiqishida tartibsizlik va texnik nosoz transportlarning ekspluatatsiya qilinishda ekologik muommalarning kelib chiqishiga sabab bo'lmoqda.

Shu o'rinda, avtomobillarning harakatlanishi uchun vaqtning asosiy qismidan foydalanilganligi sababli ushbu rejimda eng ko'p zararli moddalar hosil bo'lish va muhitning buzilishiga olib kelmoqda. Ishlatilgan gazlar tarkibining juda kichik miqdori ham kuchli zaharlovchi ta'sirga ega bo'lgani uchun, asosiy faoliyatga ega bo'lgan ustaxonalar muhitini ekologik talab bo'yicha loyihalash tavsiya etiladi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 18 iyuldagi "O'zbekiston Respublikasi avtomobil sanoatini jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ№4394-sonli qarori.
2. M. Z. Musajonov Avtoservis korxonalarini loyihalash asoslari. Toshkent. Tamaddun nashriyoti 2017 yil. 336 b.
3. Sh. E. Islomov "Jizzax shahrida avtomobillarga servis xizmat ko'rsatish sifatini oshirish muammolari"; Iqtisodiyot tarmoqlari rivojlanishini ta'minlovchi fan, ta'lim hamda modernizatsiyalagan energiya va resurs tejankor texnologiyalar, texnika vositalari: muammolar, echimlar, istiqbollor. Respublika miqyosidagi ilmiy-texnik anjuman. Jizzax: JizPI, 17-18 aprel 2015 y. 407-409 b.
4. O.K.Adilov, Sh.E.Islomov, Sh.A.Suvonqulov. Transport vositalaridan ajralib chiqadigan zararli moddalar miqdorini aniqlash bo'yicha boshqaruv tizimida monitor xizmati. TAYI axborotnomasi. 2015 y. 3-son.
5. O.K.Adilov, G.I.Mamaev, L.M.Mamaeva, J.A.Adilov (2018). Pollution of atmosphere motor transport ,San Francisco, USA. 30 March pages 118-123.
6. Adilov OK (2017). Technology of obtaining electricity with the participation of vehicles on the streets of the city . Materials of the international scientific-practical conference. (June 9-10) Volume 5,p 34-37.
7. Адиллов, О. К., Сувонкулов, Ш. А., Кулмурадов, Д. И., Умиров, И. И., & Бойжигитова, И. А. (2019). Причины изменения технического состояния автомобиля. Актуальные научные исследования в современном мире, (1-2), 116-118.
8. Адиллов, О. К., Умиров, И. И., & Уразов, Б. А. (2020). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. Academic research in educational sciences.
9. Умиров, И. И., & Хамракулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашishi. Academic research in educational sciences.
10. Адиллов, О. К., Умиров, И. И., & Барноев, Л. (2020). Транспортни хавфсиз бошқариш кўрсаткичларини баҳолаш. Academic research in educational sciences.
11. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. Academic research in educational sciences.
12. <https://www.autostat.ru/news/41081/>.

УДК 656.1

ТРАНСПОРТНИ ҲАВФСИЗ БОШҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Умиров Илҳом Искандар ўғли

Жиззах политехника институти, email: umirov-i@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада ишлаб чиқилган тавсиялар асосан автотранспорт воситаларини турли иқлим шароитларида эксплуатация қилиш даврида меъёрий кўрсаткичларни ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини оширишга хизмат қилади.

Аннотация. В данной статье предусмотрена разработка методических рекомендаций и применение их результатов в производстве с целью повышения качества эксплуатации и обеспечения безопасности дорожного движения на автомобильном транспорте.

Abstract. This article provides the development of methodological recommendations and the application of their results in production in order to improve during operation and ensure road safety in road transport.

Ключевые слова: транспортное средство, техническое обслуживание, безопасность дорожного движения, показатели, количество.

Калит сўзлар: автомобил, хизмат кўрсатиш, иқлим, ҳаракат хавфсизлиги, кўрсаткич, микдор.

Key words: vehicle, maintenance, road safety, indicators, quantity.

KIRISH. Автомобил транспортини бошқаришда долзарб муоммалардан бири, бу барча замонавий талабларга жавоб бера оладиган юқори малакали хайдовчилар таркибини тайёрлашдир. Тайёрлаш жараёнида хайдовчилар юк ва йўловчиларни ташишда хавфсизлигини тўлиқ таъминлашга маъсулликни эслатиб бориш билан уларнинг тиббий ва психофизиологик ҳолатларини назорат этиш, транспорт воситалари техник хуссиятлари ҳамда йўл ҳаракат қоидалари ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида узлуксиз таълимни жорий этиш лозим. [1]

Шу ўринда ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тизимига таъсир этувчи элементлар тўплами йўл транспорт ходисалари ва йўл ҳаракат қоидалари бузилишининг вужудга келишини назарий асослаш талаб этилади. Элементлар тўпламидан фойдаланиб хайдовчилар тайёрлаш жараёнини бошқаришда схемали боғланишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, республикамизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши ҳамда чет эл фирмаларида ишлаб чиқарилган, юқори эксплуатация кўрсаткичларига эга бўлган турли хил маркадаги автомобилларнинг корхоналарда эксплуатация қилиниши туфайли йўлларда транспорт воситалари ҳаракатланиш жадаллигини қайта кўришни талаб этади.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA. Жиззах шаҳри кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракат оқими жадалликларини куннинг соатлар, hafta кунлари, мавсумий ўзгаришларини кузатиш билан баъзи ҳолатларда ҳаракатни ташкил этиш тизиминининг шаҳар бўйича эксплуатация жараёнида ҳам таъсирини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам шаҳар транспорт тизими бўйича транспорт воситаларининг ҳаракат оқими ўзгаришларини кўчалар аро кўриш билан айнан, бир кўчанинг ҳар бир бўлакларида алоҳида-алоҳида ўрганиш керак бўлади.

Автомобилни бошқарар экан хайдовчи узлуксиз равишда йўл- шароити ҳақида ахборот олиб туриши керак. Хайдовчи 90-95% ахборотни ташқи муҳит оркали олади. Агар

ҳайдовчи ахборотларни ўз вақтида қабул қилиб, таҳлил қила ололмаса ёки кечикиб олса, натижада фаол хавфсизлик бузилади ва сушт хавфсизликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади, бу ўз ўрнида йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келиши мумкин. Маълумки, ёмғир ёки қор ёғаётганда, туман тушганида, йўлларда чанг кўтарилганида ва туннинг қороғу пайтларида кўриниш масофаси чекланиб қолади.

МУНОКАМА. Шу ўринда кўриниш масофаси чекланган ҳолат бўйича Жиззах вилоят статистика маълумотларидан, туннинг қороғу пайтларида ҳаракат жадаллиги кундузгига нисбатан бир неча марта кам бўлишига карамай, йўл-транспорт ҳодисалари кўпроқ, оғрлик даражаси эса каттароқ бўлиш кузатилди. [3]

№	ЙТХлар турлари	Содири этилган ЙТХлар тақсимои %	
		Кундузи	Тун
1	Йўл қатнов қисмининг чекасида кетаётган пиёдани уруб юбориш	5	12
2	Велосипедчиларини уруб юбориш	3	6
3	Транспорт воситаларининг тўқнашуви	2	7
4	Тўхтаб турган транспорт воситаларига урулиш	4	9
5	Транспорт воситаларининг тўсиққа урулиши	2	5

1-жадвалдан кўришиб турибдики, куннинг қоронғу пайтида энг катта хавф барча банд учун ҳам юқори.

Кўриш масофаси қуйидаги омиллар тўсирида ҳам чекланиши мумкин:

- йўлнинг қатнов қисмини қониқарсиз даражада ёритилиши;
- алоҳида ёритиш тизимининг техник носозлиги;
- ҳайдовчининг қаттиқ чарчаганлиги;
- қарама - қаришидан тушаётган чироқ нуридан ҳайдовчининг кўзи камашишидан ва бошқалар.

Тунда содир бўлган ЙТХнинг экспертизаси даврида юқоридаги омиллар ва уларнинг таъсири ҳар томонлама чуқур ўрганилиши керак, шу билан бир вақтда ҳайдовчининг руҳий-психологик ҳолати билан боғлиқ бўлган омиллар ҳам назардан қолмаслиги керак. Ҳайдовчи куннинг ёруғ вақтида йўлнинг қатнов қисмидаги ва ёқасидаги жисмларнинг жойлашувини англаб етмаса ҳам жуда узоқдан кўради ва унга яқинлашгани сари қарор қабул қилишга тайёрланиб келади, бу эса унинг қарор қабул қилиш ва реакция вақтини камайишига олиб келади. Тунда эса йўлнинг қатнов қисми ва ёқасидаги жисмларнинг жойлашувини аниқ билмайди ва унга яқинлашганда кескин қарор қабул қилишга олиб келади, бу эса реакция вақтининг катта бўлишига ҳамда фаол хавфсизликнинг йўқолишига сабабчи бўлади.

Шу ўринда қуйида туннинг қоронғу вақтида Зомин туман Пишағар ҚФЙ худудидаги автомобил йўл қатнов қисмида автомобилнинг ҳаракат йўналишига параллел йўналишда ҳаракатланаётган пиёдани босиб кетиш ходисасининг аналитик ечимининг илмий таҳлили келтирилган(1-расм).

Бунда пиёда автомобил билан бир йўналишда ҳаракатланаётган бўлган, унинг йўлини мусбат яъни (+Sn) ва аксинча (-SJ) деб оламиз.


Пиёдани босиб кетиш ҳодиса жараён механизмини қайта тиклаш орқали,

автомобилнинг техник хусусиятларини ва ҳайдовчи бахтсиз ҳодисани олдини олиш учун техник имкониятга эга бўлган жойини таҳлил қилганимизда, яъни S , (1-ҳолат). Бунда автомобил V , тезлик билан ҳаракатланаётган пайтида пиёда V тезлик билан ҳаракатланиб S йўлни босиб ўтган.

НАТИЖАЛАР. Шу ўринда пиёдани босиб кетган жойдан автомобилнинг хавфли вазият вужудга келгунча эгалаган жойи қуйидагича аниқланади:


$$S_y = S_k \pm S_n = S_k \pm \frac{S_y V_n}{V_a} \text{ бу шартдан } S_y = S_k V_a (V_a \pm V_n)$$

Пиёданинг юрган вақти: $t_n = \frac{S_k}{(V_a \pm V_n)}$



1-расм. Автомобилнинг пиёдани босиб кетиш жараёни

Шундай ҳолатда ҳайдовчи ҳодисанинг олдини олиш учун тормоз берганда (2-расм), эксперимент натижалари қуйидагича амалга оширилади.



2-расм. Автомобилни тормозлаш жараёнида пиёдларни босиб кетиш ходисаси

Юқоридаги расмдан кўриниб турганидек, пиёданинг кўриниш масофаси қуйидагича аниқланади:

$$S_k = S_y \pm S_n$$

Хавфли вазият вужудга келган пайтда автомобилдан пиёда турган жой-гача бўлган масофа:

$$S_y = [S_k V_a \pm (V_a - V_n)^2 V_n / 2j] / (V_a \pm V_n)$$

Юқоридаги иккала ҳолат учун, ҳайдовчи ўз вақтида тормоз берганида, ҳодисанинг олдини олиш учун техник имкониятни таъминлаш талаб этилади. Буни текшириш учун автомобилнинг тўхташ йўлининг узунлигини аниқлаш лозим:

$$S_{TT} = (t_1 + t_2 + 0.5t_3)V_a + V_a^2 / 2j$$

Агар $S_{TT} > S_y + \Delta b$ бўлса, ҳайдовчининг ҳодиса олдини олиш учун техник имконият мавжуд эмас ва аксинча $S_{TT} < S_y + \Delta b$ бўлса, ҳайдовчида ҳодисани олдини

олиш учун техник имконият мавжуд. Ҳисоблар натижаси ва экспертнинг хулосалари у танлаб олган катта-ликларнинг қийматига боғлиқ бўлади.

Тўғри чизиқли ҳаракат қилаётган автомобил пиёдани уриб кетганида ҳодисани олдини олиш мумкин ёки мумкин эмаслигини таҳлил қилиш жараёнида хавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги шартларини кўриб чиқиши керак

-ҳайдовчининг воқеа ҳолати бўйича реакция вақти ва қарор қабул қилиши;
-ҳайдовчи автомобилни пиёданинг ҳаракат чизиғига бўлган масофада тўхтата олиши;

-автомобилдан олдин пиёданинг ўтиб кетиши;

-автомобилнинг пиёдадан олдин ўтаб кетиши

Келтирилган ушбу шартларга мос танлаб оладиган катталикларнинг таъсирини қуйидаги мисолда яъни, тормоз берилганда пиёдани босиб кетиш ҳодисаси-да кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳайдовчи пиёдани ўз вақтида кўрган, у ҳолда авомобилнинг пиёдани босиб кетиш вақти t_a , пиёданинг ҳаракатланиш вақтидан катта ёки тенг бўлиши мумкин t_n ,

Ўз навбатида $t_a = T + (V_a - V_6)$

$$t_n = \frac{S_n}{V_n} \text{ ёки } T + \frac{V_a - V_6}{j} \geq \frac{S_n}{V_n} \text{ га тенг.}$$

Агар V_a ва V_6 ни 1 формуладаги S_{ny} масофалар орқали баҳоласак, у ҳолда

$$\sqrt{j} \leq (\sqrt{2S_{uz}} - \sqrt{2S_{ny}}) / (S_n/V_n - T_1) \text{ бўлади.}$$

Бу ерда $T_1 = T + 0.5t_0 = t_p + t + t_0$, с;

t_p -ҳайдовчининг реакция вақти, с,

t -тормоз тизимининг ишга тушиш вақти, с,

t_0 -секинлашиш вақти, с.

Юқоридаги формула хавфсизликни таъминлаш шартининг назарий шаклидир. Формуладан кўриниб турибдики, j қанча кичкина бўлса, ҳайдовчи тўғри ҳаракат қилган деб хулоса чиқариш мумкин. Шунинг учун j нинг қиймати кичик, K_3 нинг қиймати катта бўлса ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш ва ўз ўрнида фаол хавсизликни таъминлаш имкони юзага келади. Баъзи бир катталикларнинг қиймати ҳисоблар натижасига таъсири қуйидаги жадвалда келтирилган,

1-жадвал

Хавфсизлик шартлари	j	Q_i	K_3	V_s	S_i	$S_{ю}$	$S_{й}$
1	-	-	+	+	-	+	-
2	-	-	+	+	-	+	+
3	+	+	-	-	+	-	+
4	+	+	-	-	+	-	+

Юқоридаги содир бўлган йўл транспорт ходисасини таҳлил қилсак, у ҳолда; Ҳайдовчи ўз вақтида тормоз бериш имконига эга бўлган вақтини ҳисобласак.

$$T_{жс} = t_p + t_{иш} + 0.5t_0 = 0.8 + 0.1 + 0.5 \cdot 0.1 = 0.95 \text{ сек}$$

$$T_1 = t_p + t_{иш} + t_0 = 0.8 + 0.1 + 0.1 = 1 \text{ сек}$$

Пиёданинг тезлиги $V_n = 2 \text{ м/с}$ бўлган, у ҳолда пиёдани автомобил босиб кетгунича юрган вақти:

$$t_n = S_n / V_n = 6 / 2 = 3 \text{ сек}$$

Шу ўринда секинлашиш $j=3,5 \text{ м/с}^2$ бўлганда, автомобилнинг бошланғич тезлиги қуйдагича аниқланади.

$$V_a = 0.05 \cdot 3.5 + \sqrt{2 \cdot 24.5 \cdot 3.5} = 13.3 \text{ м/с}$$

Пиёдани босиб кетгунича автомобилнинг ҳаракатланган вақти:

$$t = 0.95 + (13.3 - 5.6) / 3.5 = 3.15 \text{ с}$$

$$t_n = 3.0 \text{ с} < t_q = 3.15 \text{ сек.}$$

XULOSA. Демак ҳайдовчи пиёдадан олдинроқ ҳодисанинг олдини олиш учун ҳаракат қила бошлаш учун реакция вақти етарли бўлмаган ва қарор қабул қилишда кескин хатоликка йўл қўйган. Агар секинлашиш $j=4,5 \text{ м/с}^2$ бўлганда, автомобилнинг бошланғич тезлиги қуйдагича аниқланади.

$$V_a = 0.05 \cdot 3.5 + \sqrt{2 \cdot 24.5 \cdot 4.5} = 15.05 \text{ м/с}$$

Бу ҳолатда автомобилнинг пиёдани босиб кетиш вақтидаги тезлиги

$$V_b = \sqrt{2 \cdot 24.5 \cdot 4.5} = 6.35 \text{ м/с}$$

ни ташкил этиши аниқланди ва йўл ёқасида кетаётган пиёдаларни босиб кетиш вақтидаги автомобилнинг ҳаракатланиш вақти:

$$t_q = 0.95 + (15.05 - 6.35) / 4.5 = 2.88 \text{ с}$$

ташкил этиши аниқланди, бу ҳолатда $t_n=3,0 > t_q=2,88 \text{ с}$ бўлгани учун ҳайдовчи кечикиб ҳаракат қилган ва қарор қабул қилишда катта хатоликка йўл қўйган деб хулоса чиқариш мумкин.

Пиёданинг тезлиги $V_a=3,0 \text{ м/с}$ бўлганда, у ҳолда пиёданинг автомобил босиб кетгунича юрган вақти: $t_n = S_n / V_n = 6 / 3 = 2 \text{ сек}$. Бунда, пиёданинг босиб ўтган йўли $S_n=4 \text{ м}$ бўлган деб хулоса қилиш мумкин.

ЙТХ ни экспертиза қилишдаги энг мураккаб масалалардан бир бу автомобиллар тўқнашув жараёнидаги экспертизасидир. Чунки автомобиллар бир-бири билан ҳар хил йўналишда, тезликда тўқнашиши мумкин. Улар кузовининг мустаҳкамлиги ва массалари ҳам бир-биридан кескин фарқ қилишини ҳамда транспорт воситаларининг техник хусусиятларини ҳам этиборга олиш талаб этилади.

Шунингдек, автомобиллар тўқнашуви ҳодисасининг механизмини таҳлил этиш учун улар тўқнашган жой, тўқнашув олдида уларнинг жойлашуви, тўқнашув олдидаги тезлигини ҳамда автомобилларнинг конструктив эксплуатацион хусусиятларини ва техник ҳолатларини аниқлаш зарур бўлади.

ADABIYOTLAR

1. Ш.М.Мирзиёев. (2018). Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти агентлиги ходимлари билан бўлиб ўтган маърузаси.
2. Жиззах ш ИИБ ЙХХБ статистик маълумотлари 2018 й.
3. Ҳамрақулов О., Магдиев Ш. (2005). Автомобилларнинг техник эксплуатацияси. Жиззах. “Адолат”. 262-б.
4. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги Жиззах вилоят бошқармаси маълумотлари. 2018.
5. Адилов О (2015). Автотранспорт корхоналарида ҳаракат хавфсизлиги хизматини такомиллаштириш. Тошкент. “Наврўз”. – 122-б

УДК: 625.7:528.4:528.9

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЮРИТИШ БОСҚИЧЛАРИ

Мусаев Илҳомжон Мақсудович

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Миллий тадқиқот университети доценти, т.ф.н., (890-997-58-13 ilkhommus@mail.ru)

Эргашев Муҳаммадюсуф Муҳаммадолим ўғли

НамМҚИ катта ўқитувчиси (899-977-78-03 mukhammadjusufergashev@mail.ru)

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд автомобиль йўллари ва уларнинг таснифи, йўл тоифалари бўйича тақсимланиши, геомаълумотлар базасида шакллантириш ҳолати ва жараёнлари ўз аксини топган. Шу билан бирга автомобиль йўллари келажакдаги ҳаракат миқдорига қараб тоифаланиши, Автомобиль йўллари давлат руйхатидан ўтказиш ва уларни фойдаланишдаги аҳамияти бўйича улуши баён этилган.

Аннотация. В данной статье отражены существующие автомобильные дороги Республики Узбекистан и их классификация, распределение по категориям дорог, состояние и процессы формирования в базе геоданных. При этом описывается классификация автомобильных дорог по объему будущего трафика, государственная регистрация автомобильных дорог и их доля в значимости использования.

Annotation. In this article, the existing highways in the Republic of Uzbekistan and their classification, distribution by road categories, the status and processes of formation in the geodatabase are reflected. At the same time, the classification of highways according to the amount of future traffic, the state registration of highways and their share in the importance of their use are described.

Калит сўзлар: автомобиль йўллари, объект, масштаб, схема, геомаълумотлар базаси, сунъий иншоотлар.

Ключевые слова: автомобильные дороги, объект, масштаб, схема, база геоданных, искусственные сооружения.

Key words: highways, object, scale, scheme, geodatabase, artificial structures.

Қириш. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида кадастр ишларини юритишда геодезик, картографик таъминотини олиб бориш ва кадастр карталарини тузиш ҳамда уларни даврий янгилаб боришни мақсад қилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.


Давлат томонидан бошқариш тизимида рақобат муҳитини шакллантириш ва йўл хўжалиги тармоғига инвестициялар жалб этилиши автомобиль йўллари давлат кадастри (кейинги ўринларда АЙДК) ва автомобиль йўлларининг автоматлашган тизимини модуллаштиришнинг муҳим босқичи бўлиб хизмат қилади.

Бизга маълумки, давлатларнинг ривожланганлиги алоқа йўллари тизимлашганлигида ҳам кўринади. Алоқа йўллари сув ҳавзаларидаги йўллар, темир йўллар, ҳаво йўллари ва албатта автомобиль йўллари ҳисобланади. Мамлакатимиз миқёсида оладиган бўлсак биз учун қулай ҳисоблангани автомобиль йўллари дидир. Шундай экан, автомобиль йўллари лойиҳалаш ишларини давлат сиёсати даражасига кўтариш, уларни сифатли қуриш ва эксплуатация қилиш бугунги кунда давлат ривожига ўз ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йиллари давомида автомобиль йўллари соҳасида сезиларли ўзгаришлар кузатилиб, тез суръатларда ривожлана бошлади. Аҳолига хизмат кўрсатишга катта аҳамият қаратилди. Ушбу соҳани янада ривожланишида автомобиль йўллари давлат кадастрини ўрни бекиёсдир.

Тадқиқотлар. Бугунги кунда, мамлакатимизда жами 209 496 км автомобиль йўллари бўлса, шундан 42 869 км ёки 21 %и умумий фойдаланишдаги, 141 882 км ёки 68 %и ички хўжалик (хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчалари) ҳамда 24 745 км ёки 11 %и идоравий ва инспекторлик автомобиль йўллари ташкил этади (1-расм).

Республика бўйича автомобиль йўллари тармоғининг зичлиги 41км/100км² ни ташкил қилади. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғининг ўзига хослиги шундан иборатки, маҳаллий аҳамиятдаги йўллар 51,7%, мукамал қопламали йўллар 52,9%, икки тасмали йўллар 76,4%, IV ва V-тоифали йўллар 63,8% ни ташкил қилади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғи картаси

Юқорида таъкидлаганимиздек, мавжуд автомобиль йўллари узунлиги 42 869 км.ни ташкил этган бўлиб, шундан 3 993 км халқаро, 14 203 км. давлат, 24 673 км маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари ҳисобланади. Автомобиль йўллари маъмурий аҳамияти кўра қуйидагича тавсифланади:

- Халқаро
- Давлат
- Маҳаллий

Автомобиль йўллари келажакдаги ҳаракат миқдорига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади (1-жадвал).

Автомобиль йўлларни маъмурий аҳамиятига кўра тавсифланишига изоҳ бериб

ўтаминиз:

- халқаро аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари - бу Республикалар марказларини ўзаро боғловчи, шунингдек йирик саноат марказлари ва йирик маданият марказларини боғловчи, қўшни давлатлар билан транспорт ва саёҳат учун бўладиган алоқаларни таъминловчи йўллардир.

- давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари - Республика марказларини аҳолиси 100 мингдан 500 минггача бўлган шаҳарлар билан боғлайди.

- маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари - вилоятлар ва туман марказларини, қишлоқ ва шаҳарларни (аҳолиси 10 мингдан 50 минггача бўлган), давлат ва республика аҳамиятидаги йўллар билан ички туман марказларини, аҳоли яшаш пунктларини, маҳалла фуқаролар йиғинларини бир бири билан йўл алоқаларига хизмат қилади.

1-жадвал

Автомобиль йўллари келажакдаги ҳаракат миқдориغا қараб тоифаланиш жадвали

Йўлларнинг иқтисодий аҳамияти	Йўл тоифаси	Келажакдаги ҳисобий ҳаракат миқдори, дона/сут	
		Транспорт бирлигида авт/сут	Енгил автомобильга келтирилган дона/сут
Халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўллар	Ia (автомагистрал)	7000 дан юқори	14000 дан юқори
	Ib (тезюрар йўл)	7000 дан юқори	14000 дан юқори
	II	3000-7000	6000 - 14000
	III	1000-3000	2000 - 6000
Маҳаллий аҳамиятдаги йўллар	IV	100-1000	200 - 2000
	V	100 дан кам	200 гача

Йўлларни техник параметрларни замонавийлаштириш ва бунинг учун ҳозирги лойиҳаларда цементбетон қопламали йўллар қуришни, транспорт воситалари айланиб олиш жойларини кенгайтириш яъни, ер устидан ёки ер остидан ўтказишни мукамал лойиҳалар тузиш билан амалга оширилади. Шу ўринда йўлларда автомобилларни ҳаракатланиш хавфсизлигини ва қатнаш қулайлигини ошириш назарда тутилмоқда.

Сўнги йилларда, аниқроғи 2022 йилда жами 7,546 трлн сўмлик автомобиль йўлларини созлаш ва сақлаш ишлари бажарилган бўлиб, 23 040,7 км. автомобиль йўллари қайта қурилган ва таъмирланиб фойдаланишга топширилган.

Автомобиль йўлларини лойиҳалашда авваламбор табиий шароитларга зарар келтирмайдиган тадбирлар таҳлил қилиниши зарур. Бундай тадбирларни ишлаб чиқишда қишлоқ хўжалик ерлари, масжидлар, мозорлар ва бошқа давлат аҳамиятидаги иншоотларнинг жойланиши ҳисобга олиниши талаб қилинади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, автомобиль йўлини режлаштириш ва қуришда АЙДК алоҳида ўрин тутаяди. Бунда, йўл объектларини ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ҳолатини доимий равишда назорати ва уларни баҳолаш мақсадида АЙДК юритилади.

АЙДК қуйидагиларни ўз ичига олади:

АЙДКдаги мавжуд объектларни рўйхатга олиш ва асосий объектларни техник характеристикаси; АЙДКдаги мавжуд объектларни баҳолаш; муассасанинг кадастр китобини ташкил қилиш, кадастр картасини тузиш, йиллик ҳисоботини тузиш, автоматлаштирилган маълумотлар базаларини киритиш ва бошқалар. Шу билан бирга корхонанинг кадастр китобидаги маълумотлар асфальт бетон заводлари, карералар,

таъмирлаш заводлари, қурилиш бошқармалари, темирбетон заводи, автобазалар учун алоҳида қабул қилинган шакллар тузилиши назарда тутилади.

АЙДКга қарашли объектлар (бино ва иншоотлар, сунъий иншоотлар)ни ҳуқуқий томондан қуйидагилар рўйхатга олади. Ҳудудий автомобиль йўллари бошқармаси ва бўлимлари, карер, автокорхона, таъмирлаш заводи, асфалт-бетон заводи, темир-бетон заводлари.

Автомобиль йўлларига қарашли объектлар ер кадастрига ҳам қарашли бўлади. Ер кадастри орқали ер участкалари ҳуқуқий субъектларини рўйхатдан ўтказиш талаб этилади. Автомобиль йўллари давлат кадастрини рўйхатидан ўтказилиши, йўл кадастри туркимига киритишда ер кадастрининг геоахборот тизимлари орқали рўйхатга олинishi лозим бўлади.

Автомобиль йўллар кадастр субъектлари ҳуқуқини рўйхат қилинишда асосий кўчмас мулк объектларини давлат иншоот ва бинолар кадастри орқали рўйхатга олинади.

Автомобиль йўллар давлат кадастрига йўл муҳофаза ва ҳимоя зонасидаги ер участкалари ҳам киради. Автомобиль йўллари тўғрисидаги ахборотларни давлат ер кадастрининг геомаълумотлар базасидан олинади.

Автомобиль йўллари кадастрининг рўйхатига кириш учун қуйидаги асосий маълумотлар талаб қилинади:

Объект номи, қайдномага қарашлилиги, ташкил этилган вақти, тўлиқ номланиши, давлат корхонасининг номи, қандай ҳужжатларга асосланиб иншоот ташкил этилганлиги, ким томонидан ер участкаси фойдаланишга берилганлиги, ер участкасини ҳисобга олинган вақти ҳамда давлат АКТ номери, ер участкасини яроқли ёки яроқсизлиги ҳақидаги маълумот, ер участкаларини сони, ер участкасини умумий майдони, туман ер участкасини схемаси, объектларнинг ер участкаси плани, ким томонидан қачон тасдиқланганлиги, ер участкасини чегараси қачон ва ким томонидан қайд этилган, ер участкасидаги ер турлари структураси, ер участкасини ердан фойдаланувчи ўртасидаги шартномаси, ер участкасининг эгаси ва фойдаланувчи субъектини белгилаш, иккинчи вақтга фойдаланиш майдони, уни тўғри йўналтириш бўйича маълумотлар ўз аксини топиши зарур.

“Автомобиль йўллари давлат кадастри объект ва субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” бўлимида автомобиль йўлларини ташкилотнинг кадастр китобида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Автомобиль йўллари ва унинг объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги маълумотлар талаб этилади:

-объектларнинг тури, номи, кадастр рақами, жойлашган жойи, тоифаси, фойдаланишга топширилган вақти, хизмат қилиш зонаси, қуввати, ер участкасининг майдони.

-кадастр рўйхати ва маълумоти давлат автомобиль йўллари регистрация китобига киритилади. Автомобиль йўллари биринчи навбатда рўйхатдан объектни ўтказишда маълумотлар ва фойдаланишга топширилганлиги, сўнгги вақтидаги кадастр объектини ҳолати текширилади ва маълумот олинади.

-автомобиль йўлларига қарашли объектлар ер кадастрига ҳам қарашли бўлади. Ер кадастри орқали ер участкалари ҳуқуқи субъектларини рўйхатдан ўтказиш лозим. Автомобиль йўллари давлат кадастри рўйхатидан ўтказилиши, йўл кадастрига киритишда ер кадастрининг геоахборот тизим орқали рўйхатга олинishi лозим.

-автомобиль йўллари давлат кадастрининг субъектлари ҳуқуқини рўйхатга

олишига асосий кўчмас мулк объектларини давлат иншоот ва бинолар кадастри орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги “Автомобиль йўллари Кўмитаси”нинг Наманган вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармасининг маълумотига кўра 2023 йил 1 январь ҳолатига Наманган вилоятида 14163 км автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан, 3529 км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва 10634 км ички йўллар ҳисобланади (2-расм).



2-расм. Наманган вилоятидаги автомобиль йўллариининг фойдаланишдаги аҳамияти бўйича улуши, % ҳисобида


Наманган вилоятида жами 14163 км автомобиль йўлининг кадастр планини тузиш ишлари олиб борилган бўлиб, ҳозирда автомобиль йўллари объектларининг кадастр планини янгилаш ишлари олиб борилмоқда. Норматив ҳужжатлар сингари автомобиль йўллари ва унга тегишли бўлган объектларнинг кадастр плани асосий ҳужжат ҳисобланиб, автомобиль йўллари давлат кадастрида махсус режим асосида сақланади ва унга ёзувли кўринишдаги маълумотлар киритиб борилади.

Натижа. Объектнинг кадастр плани асосий график шакл бўлиб, унда объектларнинг кадастр геомаълумотлари сақланади. Кадастр плани ёки йиғма жилди объект ишга туширилгач тузилади ва хатлов асосида шакллантирилади. Кадастр плани ер участкасининг ва объектнинг махсус коди кўрсатилади. Панда объектнинг барча техник кўрсаткичлари сақланади. Кадастр плани объектларни ўлчамларига қараб турли масштабларда тузилади. Масалан, 1:10000 - 1:50000 ва 1:500 - 1:2000 масштабларда тузилади. Кадастр планида ер солиғи учун олинадиган майдон кўрсатилган бўлади.

Автомобиль йўллари кадастри ҳужжатларини расмийлаштириш ва улардан фойдаланишда, АЙДК объектига бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, объектнинг кадастр картаси, кадастр йиғма жилди, кадастр китобининг асосий турларидир.

АЙДК картаси автомобиль йўллариининг объектлари жойлашган ерни, муҳофаза чегараларини, баҳолаш, миқдор кўрсаткичлари ва сифат тавсифларини акс эттирувчи график чизма ҳужжати саналади. Ушбу 3-расмда келтирилган картада кадастр

объектларининг географик жойлашуви, ҳукукий мақоми, миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлари ва баҳоси ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади.



3-расм. Наманган вилоятидаги мавжуд автомобиль йўллари ва унинг сунъий иншоотлари тушурилган схемаси

Автомобиль йўллари давлат кадастрининг объектлари ва сунъий иншоотлари жамланиб, дала ишлари натижасида йўлларнинг плани ёки топографик картаси тузилади. Шу тартибда автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш учун дастлабки асослар жамлаб борилади.

Хулосалар. Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикасида жами 209 496 км автомобиль йўллари мавжудлиги, шундан 21%и умумий фойдаланишдаги, 68%и ички хўжаликдаги ҳамда 11%и идоравий автомобиль йўллари эканлиги аниқланди ва мониторинг қилинди. Шу билан бирга Наманган вилоятида 14163 км автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан, 3529 км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва 10634 км ички йўллар эканлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ergashev M., Abdurakhimov V. The use of basic GNSS stations, which are situated in Namangan, in the field of automobile roads //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 28-33.
2. Ergashev M., Mamajonov M., Kholmirezayev M. Automation and modulation of highways in gis software //Теория и практика современной науки. – 2020. – №. 5. – С. 9-14
3. Inamov, A. N., Ergashev, M. M., Nazirqulova, N. B., & Saydazimov, N. T. (2020). The role of geo information technologies in management and design of the state cadastre of roads. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 154-160.
4. Dadaxodjayev, A., Mamajonov, M., Ergashev, M., & Mamajonov, M. (2020). Creating a road database using gis software. *Интернаука*, (43-2), 30-32.
5. Dadaxodjayev, A., Mamajonov, M., Ergashev, M., & Mamajonov, M. (2020). Automated drawing of roads in credo complex program. *Экономика и социум*, (11), 1673-1676.
6. Инамов, А., Эргашев, М., Назиркулова, М., & Сайдазимов, Н. (2021). Геоахборот

технологиялари асосида автомобиль йўллари карталарини яратиш ва давлат кадастрини юритиш. Общество и инновации, 2(10/S), 84-90.

7. Dadaxodjajev A., Mamadjonov M., Ergashev M., Mamajonov M.. GAT dasturiy ta'minotidan foydalanib avtomobil yo'llari ma'lumotlar bazasini yaratish. Academic research in educational sciences, VOLUME 2 | ISSUE 10 | 2021 2(10), 687-693.

8. Murodjon, Mamajonov, Kholmirezayev Mirzokhid, and Ergashev Muhammad Yusuf. "GAT dasturiy ta'minotidan foydalanib avtomobil yo'llari ma'lumotlar bazasini yaratish" uzacademia scientific-methodical journal republican number 3 on the subject «Increasing the innovative activity of youth, improving the spirituality and achievements in science» collection of materials august 31, 2020 part 12 pages 536-538." ISSN (E)–2181–1334.–2020.

9. Ergashev M. et al. Автомобиль йўллари соҳасида доимий фаолият кўрсатувчи базавий GNSS станцияларидан фойдаланиш //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 52-61.

10. Ergashev M. et al. ANALYSIS OF ROAD INFORMATION IN GEOINFORMATION SYSTEMS //ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ. – 2021. – С. 90-94.

11. Инамов, А., Эргашев, М., Назиркулова, М., & Сайдазимов, Н. (2021). Создание дорожных карт и ведение государственного кадастра на основе гео-информационных технологий. Общество и инновации, 2(10/S), 84-90.

12. Inamov, A. N., Ergashev, M. M., Ruziev, I. M., Lapasov, J. O., & Egamberdiev, J. A. DIAGNOSIS OF SPATIAL PHOTO ERRORS IN GEOPHYSICAL CONNECTION.

13. Мусаев И. М., Эргашев М. М. Ў. Геоинновацион технологиялар асосида автомобиль йўллари давлат кадастрини шакллантириш ва юритиш //Механика и технология. – 2022. – №. Спецвыпуск 1. – С. 210-219.

14. Muxtorov O'.B., Inamov A.N., Lapasov J.O., Geoaxborot tizim va texnologiyalar. (Amaliy mashg'ulotlar) T., TIQXMMI, 2017 yil, 208 b.

15. Muxtorov O'.B., Inamov A.N., Islomov O'.P., Geoaxborot tizim va texnologiyalar. (Ma'ruza uchun) T., TIQXMMI, 2019 yil, 202 b.

16. Ergashev M.M, Inamov A.N, Inoyatov Q.M, "Avtomobil yo'llarida geoaxborot tizimlari" o'quv qo'llanma, Namangan, NamQI-2019 yil, 142 b.

УДК: 625.7:528.4:528.9

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЮРИТИШ БОСҚИЧЛАРИ

Эргашев Мухаммад Юсуф Мухаммадолим ўғли
НамМҚИ катта ўқитувчиси (899-977-78-03 mukhammad Yusuf ergashev@mail.ru)

Аннотация. Мазкур мақолада автомобиль йўллари бўйича хорижий тажрибалар ўрганилиб, ривожланган мамлакатлардаги автомобиль йўллари кадастр карталарини шакллантириш босқичлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари геомаълумотлар базасида шакллантириш усули такомиллаштирилган.

Аннотация. В данной статье изучен зарубежный опыт автомобильных дорог и проанализированы этапы формирования кадастровых карт автомобильных дорог в развитых странах. При этом на основе опыта развитых стран усовершенствована методика формирования автомобильных дорог в базе геоданных Республики Узбекистан.

Annotation. In this article, foreign experiences on highways are studied and the stages of formation of highway cadastral cards in developed countries are analyzed. At the same time, based on the experience of developed countries, the method of forming highways in the geodatabase of the Republic of Uzbekistan has been improved.

Калит сўзлар: хорижий, автомобиль йўллари, европа, EuroRoadS, IndorCAD, объект, масштаб, схема, геомаълумотлар базаси, сунъий иншоотлар.

Ключевые слова: зарубежные, автомобильные дороги, Европа, EuroRoadS, IndorCAD, объект, масштаб, схема, база геоданных, искусственные сооружения.

Keywords: foreign, highways, Europe, EuroRoadS, IndorCAD, object, scale, scheme, geodatabase, artificial structures.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятига интеграция қилишда ушбу соҳада хорижий давлатлар тажрибаларини тадқиқ қилиш катта имкониятларни беради. Ривожланган давлатларда кадастрларни юритилиши, ташкилий структуралари каби кадастр ишларини олиб бориш усулларини ўрганиш мақсадли олиб борилаётган тадқиқот ишида натижалар олишга асос бўлади.

Бугунги кунга келиб “Кадастр” ибораси қарийиб барча давлатларда ишлатилади. Скандинавия давлати “Кадастр” ибораси ўрнига “Реестр” иборасини ишлатади. Тадқиқотлар “Кадастр” ибораси айрим давлатларда “Кўчмас мулк” иборасига боғлаш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди. Француз олими Блондхеймнинг фикрича “Кадастр” сўзи грекча “катастикон” яъни “ҳисоб дафтари” деган бўлса, яна бир хорижий Чехиялик олим Г.Добнер (1892 йил) бу иборани ўрта асрларда қўлланилаган лотинча “капитаструм” сўзидан олинганлигини айтиб ўтган. Бунинг бошқа бир маъносини ҳудудларни баҳолаш реестри деб ҳам юритилиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар бор.

Хорижий тажрибалар таҳлили. Тадқиқотлар мобайнида Европа давлатлари кадастр тизимлари бир мунча бир-бирларига ўхшаш эканлиги маълум бўлди. Буни кадастр тизимларининг асоси сифатида Франция кадастр тизимининг олинганлигини кўришимиз мумкин. Бизга маълумки, Француз кадастр тизими фиксал кадастр эканлигига Наполеон Бонапарт асос солган. Бунда кадастр маълумотлари систематик равишда барча ҳудудларни ўз ичига олган ҳолда тузилади ва доимий янгиланиб турилади. У ерда кадастр планларига асосий ҳужжат сифатида қаралади. Планларда ҳар бир объект жойлашган ўрни ва уларнинг идентификацион маълумотларини ўрнатишда фойдаланилади. Кадастр планларида компьютер билан бошқариш ягона платформада олиб борилади. Улар “PCI Vecteur” ёки “PCI Image” дастурий таъминотлар асосида маълумотларни бошқаради.

Ғарбий Европа тизимига яқинроқ Дания кадастр тизимини айтишимиз мумкин. Дания давлати умумий координаталар тизимига боғланган бўлиб, тегишли барча ҳудудни ўз ичига қамраб олган кадастр картасига эга. Съёмкалар хусусий секторлар томонидан олиб борилсада, кадастр карталари ва ёзувлар Копенгагенда жойлашган “Matrikel-kontoret” деб номланган марказий давлат идорасида архивланади. Ушбу марказда кадастр ишлари бўйича интерактив хизмат кўрсатилади.


Олмонларда (Германия) эса солиқ кадастридан ажралган ва юридик мақомга эга бўлган кадастр тизими асосида иш юритилади. Кўчмас мулк ва унга эгалик қилишлари тўғрисидаги маълумотлар ердан фойдаланиш мақсадлари билан бирга топографик съёмкалар натижасидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Швеция давлати кадастр тизими алоҳида ўрин тутади. Унда ҳам назарий ҳам амалий масалалар кадастр юритиш тизимида интенсив олиб борилади. Швеция қонунчилигида замонавий ер-аҳборот тизимини яратиш, структураларни ривожлантириш ва шакллантириш, ҳудудий лойиҳалар билан узвий ишлаш кўникмалари мавжуд.

Швецияда кадастр тизими автоматлаштирилганлиги диққатга сазовор. Натижада рўйхатга олиш китобларини ўрнини автоматлашган тизим эгаллаган.

Тажрибалар. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда маълумотлар интеграция қилинганлиги илмий изланишлар даврида автомобиль йўллари кадастри ҳисоби тўлиқ рўйхатга олинган бўлиб, геоахборот тизими оиласига мансуб дастурий таъминотларда геомаълумотлар базаси яратилганлиги аниқланди.

Европа Иттифоқи мамлакатлари алоҳида мамлакатларда автомобиль йўллари стандартлаштиришни мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширишга келишиб олишган бўлиб, 2004 йилда INSPIRE директиваси остида EuroRoadS лойиҳасини ишга туширишга олиб келди. EuroRoadS лойиҳасининг асосий мақсади 2012 йилга келиб EU25+ да (назарий жиҳатдан 40 тагача давлат) бир-бирига ва INSPIRE билан мос келадиган миллий маълумотлар базаларини яратиш саналади (1-расм).




1-расм. “EuroRoadS” тизининг ишлаш принципи

Бугунги кунга келиб, қарийб 22 йил ўтиб “EuroRoadS” лойиҳаси остида яратилган тизим, европадаги автомобиль йўлларида навигацион ҳаракатланиш имконини берувчи биринчи тизимлардан бири бўлганини исботлайди (2.-расм).

2004 йилга келиб ушбу тизим иш бера бошлаган бўлиб, автомобиль йўллари тўғрисидаги барча сифат ва миқдор кўрсаткичлар геомаълумотлар базасига киритилган ҳолда тизимлаштирилди. Маълумотларни тизимлаштириш билан бирга магистрал алоқаларни боғловчи автомобиль йўллари сифатли қуриш ва халқаро стандартларга мослаш мақсадида махсус қуйма-бетон қурилмаси ишлаб чиқилиб барча автомобиль йўллари қайтадан қуриш орқали юқори сифатга эга бўлган I-а даражадаги автомобиль йўлига эга бўлишди. Шу билан бирга ҳаракат интенсивлигини 14 мингдан 20 мингга ошириш имкониятига эга бўлинди.

Таҳлиллар. Хозирда тадқиқотлар натижасида юқорида зикр этилган мамлакатларнинг барчаси “мос келадиган” асосларга кўра ягона Европа маълумотлар базасини эмас, балки турли маълумотлар базаларининг ўзаро таъсири қоидаларини яратиш жараёни яқунлангани аниқланди.

Ўзбекистон Республикасида Давлат кадастрлари ягона тизими (кейинги ўринларда ДҚЯТ), давлат бошқаруви ва унинг фаолияти учун зарур бўлган барча турдаги давлат кадастрлари ахборотлари билан тезкор таъминлашга мўлжалланган. Аниқланган кадастрлар манзилларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги маълумотлар, геодезик ва картографик махсулотлари, статистик маълумотлар, давлат кадастрлари маълумотлари ДҚЯТнинг асосини ташкил этади. ДҚЯТда ҳудудларни комплекс баҳолаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам жамланади.



2-расм. “EuroRoadS” лойиҳаси остида “IndorCAD” дастурида яратилган автомобиль йўлларининг геомаълумотлар базаси дарчаси

Бизга маълумки, мамалакатимизда ДҚЯТнинг объектларига ер, ер соти конлари, фойдали қазилмалар, сув, ўрмон ва ўсимлик, ҳайвонот, моддий маданий мерос, биналар ва иншоотлар, шаҳар ва шаҳарчалар, гидротехника иншоотлари, автомобиль йўллари, темир йўллар, қувурлар, алоқа ва электр линиялари, чиқинди полигонлари, техноген хавф юқори бўлган зоналар, геодезик пунктлар ва давлат кадастрлари ягона тизими масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа объектлар ҳисобланади (3-расм).

Мазкур схемадаги давлат кадастрларини юритилишига ер ҳамда геодезия ва картография давлат кадастрлари асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот объекти бўлган автомобиль йўллари давлат кадастри топографик асосларга кўра географик жойлашуви аниқланиб, геомаълумотлар базасида визуаллаштириш лозим бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 июндаги 152-сон “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорининг 1 иловасига мувофиқ “Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низоми норматив ҳуқуқий ҳужжат сифатида асос бўлиб хизмат қилган.

Биз тадқиқотимизда кўриб чиқмоқчи бўлган автомобиль йўллари давлат кастри ҳам ДҚЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади. Автомобиль йўллари кадастри – йўл объектларини ҳолати, жойлашган ўрни, ҳуқуқий мақоми, иқтисодий баҳоси каби маълумотларнинг мунтазам янгиланиб бориладиган ишончли ахборот тизимидир. Бир сўз билан айтганда, автомобиль йўллари ҳисобга олиш ҳамда уларни ҳолатини баҳолаш мақсадида автомобиль йўллари кадастри юритилади.

2005 йилда тасдиқланган “Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра Автомобиль йўллари давлат кўмитаси томонидан турли шакл ва форматларда (жумладан, жадвал, матн, схема, расм кўринишларида) Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасига маълумотларни тақдим этиб келган. Мазкур маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳукуматга интерактив хизмат курсатиш имконини бермаган. Шу сабабли Давлат кадастрлари палатасининг масъул мутахассислари ташаббусига кўра 2014 йилда “Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартиби

тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди ва 2618-сон билан Адлия вазирлигидан руйхатдан ўтказилди (Хужжат 19.01.2023 йил ўз кучини йўқотган).



3-расм. Мавжуд давлат кадастрларининг таснифлаш схемаси

1-жадвал

Автомобиль йўллари давлат кадастрини геомаълумотлар базасида шакллантириш ҳолатлари

№	Давлат кадастрлари номи	Ўлчов бирлиги	Жами объект узунлиги	Базасига киритилгани	Фоиз ҳисобида (%)
---	-------------------------	---------------	----------------------	----------------------	-------------------


1	Автомобиль йўллари давлат кадастри	дона	14 804	7 005	47%
		километр	209 496	46 411	22%

Хозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 октябрь 620-сон “Фазовий маълумотлар соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига кўра барча давлат кадастр объектлари бирхиллаштирилган рақамли координата асосида вектор формат бирлигида юритилиши белгиланган. Соҳага доир Низом ва Қарор тасдиқлангач автомобиль йўллари давлат кадастри бўйича ахборотлар геомаълумотлар базасида шакллана бошлади ва бугунги кунга келиб жами 209 496 км мавжуд йўллардан 46 411 км яъни 22%и геомаълумотлар базасига киритилгани аниқланди (1-жадвал).

1-жадвалдан кўриниб турибдики қарийб ўртача 65% автомобиль йўллари геомаълумотлар базасига киритилмаган ва юқори аниқликдаги геодезик-топографик дала тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Мазкур ҳолатни тадқиқот жараёнида ўрганиб автомобиль йўлларини тизимли юритилиши ва геомаълумотлар базасига киритилиши бўйича тавсиялар муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда давлатларнинг ижтимоий - иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамланиши, ҳар томонлама ривожланиш имкониятларини кўрсатиш ва ривожланиб тараққий топишини давлат кадастрларининг ягона тизими белгилайди.

Натижа. Маълумки, кадастр карталарини лойиҳалаш ва тузиш ишлари албатта, зарурий съёмкалар натижалари асосида олиб борилади. Кадастр съёмкаси – кадастр объектларининг махсус съёмкасидир. Унда кадастр ҳисоби объектларининг ҳужжатларини тайёрлаш ва жойда чегараларини ўрнатиш мақсадида олиб борилади. Бунда, кадастр объектлари мазкур объектнинг шакли, ўлчами, жойлашаган ер майдонларини ўз ичига қамраб олади (4-расм).



4-расм. Автомобиль йўллари топографик съёмка қилиш натижасида ҳосил бўлган плани


Кадастр ишларида олиб борилаётган съёмка ишлари натижаларида фазовий маълумотларнинг икки хили шакллантирилади: картографик ҳамда маълумотномали (тавсифли, описание). Картографик маълумотлар ўз таркибига, рақамли ёки қоғоз кўринишдаги кадастр карталарни олади. Унда объектларнинг жойлашган ўрнини маълум координаталар системасида аниқланади ва зарурий маълумотлар ўз аксини топади.

Жойларда объектнинг эгаллаган ҳудудини юқори аниқликдаги чегара ва бошқа

зарурий маълумотларини олиш мақсадида кадастр карталари 1:2000, 1:1000, 1:500 масштабларда олиб борилади.

АЙДК ишларини тартибга солишда ҳамда кадастр ишларини тизимли юритиш ишларида масофадан зондлаш ва аэросуратлар маълумотларидан фойдаланилмоқда. Ушбу маълумотлар автомобиль йўллариининг чегараларини ҳамда эгаллаган майдонларини аниқлаш суратларни қайта ишлаш билан картографик маълумотларни тўғри йўналтириш орқали кадастр карта ва планларини юқори аниқликда тузилмоқда.

Кадастр карталарнинг вазифа ва мақсадларига кўра ушбу карта ёки планда мавжуд воқеа ва ҳодисаларнинг сифати ҳамда миқдор жиҳатдан кўрсаткичлари юқори аниқликда тасвирланиб, қайта ишланиб, таҳлил қилиниб, ўзининг географик ҳудудига боғланган ҳолда тузилганлиги сабабли бундай карта ва планларни лойиҳалаш ва тузиш мураккаб саналади (5-расм).




5-расм. Автомобиль йўллариини географик жойлашувига боғлаш ва уни текшириш жараёни

Кадастр карта ва планларини лойиҳалаш ва тузишда тегишли ҳудуднинг илгари тузилган топографик план ва карталари зарурий манба сифатида фойдаланилади. Кадастр ишлари олиб борилаётган ҳудудларнинг карта ва планларини тузиш жараёни манбаи сифатида фойдаланувчи мавжуд тарихий карта ва планлар бўлмаса, олиб борилаётган кадастр съёмкаси алоҳида зарурий аниқликда бажарилиши аниқ мақсадли натижаларни кафолатлайди.

Автомобиль йўллари давлат кадастри карталари, йўллариининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини яъни, автомобиль йўллариини, энини, узунлигини, хизмат кўрсатиш доирасини, йўл усти қопламаниннг турини ва уларнинг таннархини ўзида акс эттиради.


Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишда асосан йирик масштабли кадастр карталари асосий ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикасининг давлат кадастрлари тўғрисидаги қонунида ҳам ўз аксини топган. АЙДК карталарида автомобиль йўллариининг географик жойлашуви, уларнинг категориялари, йўллариининг ўлчамлари каби маълумотларни ўз ичига олган маълумотлари ўз аксини топади.

Автомобиль йўллари давлат кадастри картаси ёки плани автомобиль йўллари кадастрида режим асосида сақланади, унга матнли ва рақамли ахборотлар киритилиб, мунтазам равишда янгиланиб борилади. Бундан ташқари автомобиль йўллари давлат кадастри объектларининг кадастр плани асосий график шакл саналиб, унда объектнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари сақланади (6-расм).



6-расм. Автомобиль йўллари геомаълумотлар базасига рақамли ва матнли маълумотларни киритиш жараёни

Автомобиль йўллари объектларининг ижровий сўмкаси планлари қурилиш ташкилоти томонида қурилиш босқичи якунлагандан сўнг тузилади. Кадастр планига фақатгина қурилиши тугалланган ва белгиланган тартибда эксплуатацияга топширилган объектлар туширилади. Бу план ва карталар махсус кадастр хизмати томонидан олиб борадиган ишларига мосланган ҳолда қулай масштабларда тузилиши талаб этилади. Унда объектларнинг чегаралари, шартли белгилари, номлари ва кадастр рақамлари киритилади. Автомобиль йўллари объектлари эгаллаб турган ер участкалари чегараларининг бурулиш нуқталари координаталари каталоглари кадастр планига илова ҳисобланади (7-расм).



7-расм. Кадастр йиғма жилдига илова қилинадиган автомобиль йўлининг плани

Булардан кўринадики, АЙДК карталарни яратишда барча зарурий жиҳатлари ҳисобга олиниши лозимлиги тадқиқот ишини мақсадини белгилаб беради. Зарурий масштабдаги автомобиль йўл кадастр план ва карталари қуйидаги схемада келтирилгани каби зарурий натижавийликка эришилади (8-расм).



8-расм. Зарурий масштабдаги автомобиль йўл кадастр план ва карталари орқали зарурий натижавийликка эришиш талаблари схемаси

АЙДК карталаридаги мавжуд легенда, компоновка, ёрдамчи ва қўшимча маълумотлар фойдаланувчи имкониятини ҳисобга олган ҳолда тузилиши зарур.

АЙДК карталарини тузишда унинг геодезик-картографик асосини ишлаб чиқиш босқичи асосий жараён ҳисобланади. Кейинги бобларда ушбу жарёнлар бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Хулосалар. Олиб борилган изланишлар таҳлиliga кўра, 65% автомобиль йўллари геомаълумотлар базасига киритилмаган ва юқори аниқликдаги геодезик-топографик дала тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги аниқланди. Автомобиль йўллари тизимли юритилиши ва геомаълумотлар базасига киритилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Зарурий масштабдаги автомобиль йўл кадастр план ва карталари орқали зарурий натижавийликка эришиш талаблари схемаси ишлаб чиқилди. Натижада автомобиль йўллари давлат кадастри(АЙДК)ни тизимли юритиш ишларида картографик маълумотларни тўғри йўналтириш ҳамда карта ва планларни юқори аниқликда тузилишини таҳлил қилиш имконияти яратилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ergashev M., Abdurakhimov V. The use of basic GNSS stations, which are situated in Namangan, in the field of automobile roads //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 28-33.
2. Ergashev M., Mamajonov M., Kholmirezayev M. Automation and modulation of highways in gis software //Теория и практика современной науки. – 2020. – №. 5. – С. 9-14
3. Inamov, A. N., Ergashev, M. M., Nazirqulova, N. B., & Saydazimov, N. T. (2020). The role of geo information technologies in management and design of the state cadastre of roads. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 154-160.
4. Dadaxodjayev, A., Mamajonov, M., Ergashev, M., & Mamajonov, M. (2020). Creating a road database using gis software. *Интернаука*, (43-2), 30-32.
5. Dadaxodjayev, A., Mamajonov, M., Ergashev, M., & Mamajonov, M. (2020). Automated drawing of roads in credo complex program. *Экономика и социум*, (11), 1673-1676.
6. Инамов, А., Эргашев, М., Назиркулова, М., & Сайдазимов, Н. (2021). Геоахборот технологиялари асосида автомобиль йўллари карталарини яратиш ва давлат кадастрини юритиш. *Общество и инновации*, 2(10/S), 84-90.
7. Dadaxodjayev A., Mamajonov M., Ergashev M., Mamajonov M.. GAT dasturiy ta'minotidan foydalanib avtomobil yo'llari ma'lumotlar bazasini yaratish. *Academic research in educational sciences*, VOLUME 2 | ISSUE 10 | 2021 2(10), 687-693.
8. Murodjon, Mamajonov, Kholmirezayev Mirzokhid, and Ergashev Muhammadusuf. "GAT dasturiy ta'minotidan foydalanib avtomobil yo'llari ma'lumotlar bazasini yaratish" *uzacademia scientific-methodical journal republican number 3 on the subject «Increasing the innovative activity of youth, improving the spirituality and achievements in science» collection of materials august 31, 2020 part 12 pages 536-538.* ISSN (E)–2181–1334.–2020.
9. Ergashev M. et al. Автомобиль йўллари соҳасида доимий фаолият кўрсатувчи базавий GNSS станцияларидан фойдаланиш //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 52-61.
10. Ergashev M. et al. ANALYSIS OF ROAD INFORMATION IN GEOINFORMATION SYSTEMS //ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ. – 2021. – С. 90-94.
11. Инамов, А., Эргашев, М., Назиркулова, М., & Сайдазимов, Н. (2021). Создание дорожных карт и ведение государственного кадастра на основе гео-информационных

технологий. Общество и инновации, 2(10/S), 84-90.

12. Inamov, A. N., Ergashev, M. M., Ruziev, I. M., Lapasov, J. O., & Egamberdiev, J. A. DIAGNOSIS OF SPATIAL PHOTO ERRORS IN GEOPHYSICAL CONNECTION.

13. Мусаев И. М., Эргашев М. М. Ў. Геоинновацион технологиялар асосида автомобиль йўллари давлат кадастрини шакллантириш ва юритиш //Механика и технология. – 2022. – №. Спецвыпуск 1. – С. 210-219.

14. Muxtorov O'.B., Inamov A.N., Lapasov J.O., Geoaxborot tizim va texnologiyalar. (Amaliy mashg'ulotlar) T., TIQXMMI, 2017 yil, 208 b.

15. Muxtorov O'.B., Inamov A.N., Islomov O'.P., Geoaxborot tizim va texnologiyalar. (Ma'ruza uchun) T., TIQXMMI, 2019 yil, 202 b.

16. Ergashev M.M, Inamov A.N, Inoyatov Q.M, “Avtomobil yo'llarida geoaxborot tizimlari” o'quv qo'llanma, Namangan, NamQI-2019 yil, 142 b.

УДК 677.017.02

**КОЛОСНИКЛИ ПАНЖАРАНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН
КОНСТРУКЦИЯСИНИ СИНОВ НАТИЖАЛАРИ**

Джамолов Рустам Камолидинович
АЖ “Пахтасаноат илмий маркази”, т.ф.д., проф., E-mail: RustamDjamolov@mail.ru

Рахимов Рашид Хайдарович
Термиз мухандислик технологиялари институти, rrashid@mail.ru

Аннотация. Мақолада пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш самарасини ошириш учун колосникли панжара конструкциясини такомиллаштириш билан сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган бўлиб, натижада чиқиндига ўтаётган пахта миқдорини, тозаланаётган пахтани колосникли панжара узунлиги бўйлаб бир хилда тақсимланиши билан камайтиришга эришилади.

Аннотация. В статье представлены результаты исследования влияния на качественные показатели усовершенствования конструкции колосниковой решетки с целью повышения эффективности очистки хлопка от крупных сорных примесей, в результате чего удается уменьшить количество хлопка, идущего на угар, с равномерным распределением очищаемого хлопка по длине колосниковой решетки.

Abstract. The article presents the results of the study of the impact on the quality parameters with the improvement of the construction of the colosnik grid to increase the efficiency of cleaning cotton from large impurities, as a result, the amount of cotton going to the waste can be reduced, and the cleaned cotton is uniformly distributed along the length of the colosnik grid.


Калит сўзлар: Колосник, олти қиррали, панжара, тозалаш самараси, ифлослик, оралик масофаси, йирик ифлослик.

Ключевые слова: Колосник, шестигранник, решетка, очистительный эффект, загрязнения, зазор, крупные загрязнения.

Key words: Colosnik, six-sided, grid, cleaning effect, impurity, spacing, large impurity.

Пахтани йирик ифлосликлардан тозалашда пахта толасига ёпишиб ётган йирик ифлосликларни ажратиш учун силкитиш ва уришни амалга ошириш керак [1]. Пахтани арра тишларида илиб колосниклар орасидан судраб ўтишда колосникларга урилиб йирик ифлосликлар колосниклар орасидан отилиб чиқади. Колосникларга пахтани урилишида ундаги йирик ифлосликларни ажралиши колосникларнинг шаклига ҳам боғлиқдир [2]. Лекин колосникларнинг шаклини чигит ва тола шикастланишига таъсири кўп ўрганилган ва олти қиррали колосниклар таклиф этилган [3]. Тадқиқотларда колосникларнинг қирраларини чигит шикастланишига таъсири кўпроқ ўрганилиш тавсиялар берилган, лекин тола шикастланишига таъсири етарлича ўрганилмаган.


Колосникли панжара конструкциясини ўрганиш учун УХК стендининг бир дона агрегатига мослаб икки хилдаги колосникли панжара тайёрланди, биринчи тадқиқотлар асосида тавсия этилган кўндаланг кесим юзаси олти қиррали колосникли панжара ва иккинчиси панжарага колосникларни кетма-кетин биринчисини олти қиррали сўнг айланали этиб ўрнатилган 1-расм.



1-расм. Колосникли панжара конструкцияси.

1-айлана шаклидаги; 2-олти қиррали колосниклар.

Тажрибаларни ўтказишда С-6524 селекция навли, I- ва IV- саноат навларидан фойдаланилди. Тажрибаларни уч қайтаришда ҳар бир қайтариш учун 60 кг дан пахта олинди, натижаларининг ўртача қиймати 2-3-расмлардаги гистограммаларда келтирилган.




2-расм. Олти қиррали конструкциядаги колосникли панжарани ўрнатиб тозалаш натижалари.

Гистограммадан кўринадикки I-саноат навли пахталарни тозалашда агрегатнинг тозалаш самараси 19,6% ни ташкил этса, чигитнинг механик шикастланишини ошиши 0,4% ни, чикиндида пахта бўлаклари миқдори 0,2 % ни ташкил этса, IV-саноат навли пахталарда эса тозалаш самараси 17,9% ни, чигитнинг механик шикастланишини ошиши 0,6% ни, чикиндида пахта миқдори эса 0,98 % ни ташкил этмоқда. Колосникли панжарага кетма-кетликда пахта ҳаракат йўли бўйича айлан ва олти қирра шаклидаги колосникларни ўрнатилганида (3-расм) тозалаш самараси I-саноат навида 21,4 % ни ташкил этиб, тўлиқ олти қиррали колосникни ўрнатилганига нисбатан 1,8% га юқори, чигитнинг механик шикастланиши 0,3 % га камайган ва чикиндидаги пахта бўлаклари миқдори 0,18 % ни, IV-саноат навида эса тозалаш самараси 20,3 % ни ташкил этиб, амалдагисига нисбатан 2,4 %

га кўпайган ва чигитнинг механик шикастланиши 0,2 % га камайган бўлса, чиқиндидаги пахта бўлақларининг миқдори 0,93 % ни ташкил этмоқда.

Тажрибалардан маълум бўлдики, колосникли панжарадаги колосникларни тўлик олти қиррали тайёрланиши амалдаги тозалагичларга нисбатан тозалаш самараси юқори бўлиши мумкин [4], лекин ҳар гал пахтани қирраларга урилишидан ифлосликлар билан пахта бўлақларини ҳам чиқинди билан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун тозаланган пахта сифат кўрсаткичларини ошириш билан бирга чиқиндига кетаётган пахта бўлақларини камайтириш йўналишида тадқиқотларни давом эттирилди.

Ишлаб чиқариш жараёнида тозалагичларнинг ишлашини кузатилганда регенерация аррачали барабанида тозаланаётган пахта агрегатнинг кўпроқ икки чеккасига сурилиши ва икки чеккада пахта тўпланишидан шу ерда кўпроқ пахта бўлақлари чиқиндига ўтиши кўрилди. Ушбу ҳолатни тажрибада текшириб кўриш учун пахта тозалаш корхонасидаги УХК пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичининг чиқинди шнегини пастки қопқоғи очилди ва колосникли панжарани тўрт қисмга белбоғлари орасини тўсилиб, чиқиндиларни алоҳидадан олинди. Тажрибаларни ўтказишдан олдин барча технологик тирқишлари амалдаги регламент [5] бўйича назоратдан ўтказилди.



3-расм. Кетма-кет айлана ва олти қиррали колосниклар ўрнатилган панжарада.

Олинган чиқинди миқдори ва таркибидаги пахта бўлақлари миқдори 1-жадвалда келтирилган. Тажрибаларни корхонада қайта ишланаётган I-саноат навли, Бух-102 селекция навли, дастлабки ифлослиги 6,8 % ли, намлиги 8,2% ли пахталардан 1800 кг ни ўлчаб олинди ва бир дона УХК дан ўтказилди.

1-жадвал

Тозалашдан ажралган чиқинди миқдори ҳисоби

Кўрсаткичлар	I-бўлак	II-бўлак	III-бўлак	IV-бўлак	Жами
Ажратилган чиқинди миқдори, кг	8,1	7,2	7,45	7,85	30,6
Чиқинди таркибидаги пахта бўлақлари миқдори, кг	1,8	1,2	1,4	1,6	6,0
Чиқинди таркибидаги	22,2	16,7	18,8	20,3	19,6

пахта бўлаги, %					
Дастлабки пахтага нисбатан чиқиндига пахта ўтиши, %	0,1	0,07	0,08	0,09	0,34
Тозалаш самараси, %					18,9

Юқоридаги 1-жадвалдан кўринадики, колосникли панжаранинг I- бўлаги чиқиш қисмида бўлиб, ундан 8,1 кг чиқинди чиққан бўлса, таркибида 1,8 кг пахта бўлаги аниқланди, бунда чиқинди таркибида 22,2% га, дастлабки пахтага нисбатан 0,1 % га тенг. II-бўлаги, ўрта қисмидан 7,2 кг чиқинди олинган бўлса, таркибида 1,2 кг пахта бўлаги мавжуд бўлиб, чиқинди таркибида 16,7 % ни ташкил этса, дастлабки пахтага нисбатан чиқинди таркибидаги пахта бўлак миқдори 0,07 % ни ташкил этмоқда. III-бўлак ўрта қисмидан 7,45 кг чиқинди олинган бўлса, унинг таркибида 1,4 кг пахта бўлаги ажратилди, бу чиқиндига нисбатан 18,8 % ни ташкил этса, дастлабки пахтага нисбатан 0,08 % ни ташкил этмоқда. IV-бўлак охири қисмидан ажралган чиқинди миқдори 7,85 кг ни ташкил этса, таркибида 1,6 кг пахта бўлаклари ажратилди, чиқиндига нисбатан 20,3% ни ташкил эди, дастлабки пахтага нисбатан хисобланганида 0,09 % ни ташкил эимоқда.

Жаъми олинган чиқинди миқдори 30,6 кг ни ташкил этса, унинг таркибида 6,0 кг пахта бўлаги аниқланди, бу эса 19,6 % ни ташкил этса, дастлабки пахтага нисбатан 0,34% ни ташкил этади. Чиқиндидаги пахта бўлаги миқдори умумий тозалаш оқимли тизими бўйича 1,36 % га тенг бўлмоқда, маълумотномага кўра тозалаш тизимидан ажралаётган чиқинди миқдорида дастлабки пахтага нисбатан юқора саноат навларида пахтани тозалаш оқими бўйича 0,4 % дан ошмаслиги белгиланган [4].

Тажрибалардан аниқландики амалдаги УХК пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичларидан ажралаётган чиқиндидаги пахта бўлаклари белгиланган меъёр даражасидан 0,84 % га юқори ва асосан чиқинди миқдори чиқариш томонига I-бўлакка кўпроқ тушаётгани, II-III- бўлакларга нисбатан IV-бўлакка ҳам чиқинди миқдорининг кўплиги аниқланди, энг ками ўрта қисмига II-III- бўлакларга тушар экан 4-расм.



4-расм. Колосниклар бўлакларидан ажралаётган чиқиндилар.

Чиқиндида пахта миқдорининг тозаланаётган пахтани колосникли панжара узунаси

бўйлаб бир хилда тақсимланиши билан камайтиришга эришилади. Бундан ташқари чиқиндида пахта миқдори арра тишларидан пахтани ажратиш нотекислигидан ҳам ортиши мумкин, шунинг учун кейинги ишларда регенерация аррачали барабаннинг колосникли панжарасини конструкцияларини ўзгартириш ва чўткали ажратувчи барабани ҳам ўрганиш талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Джураев А.К. Динамика рабочих механизмов хлопкоперерабатывающих машин. // Изд. ФАН УзССР. – Ташкент, 1987. - С. 142-146.
2. Джураев А.К., Абдуллаев А.В., Мирахмедов Д. Экспериментальное определение нагруженности конических колосников на упругих опорах очистителя хлопка. // Проблемы текстиля. - Ташкент, 2010. - №3 - С.7-10.
3. Ташпулатов Д.С. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш агрегати ишчи элементини такомиллаштириш асосида тозалаш самарадорлигини ошириш: PhD дисс. автореф. – Тошкент, 2020. - ТТЕСИ, - 25 б.
4. Справочник по первичной обработке хлопка. // Книга 1, Ташкент-«Мехнат» - 1994 г. -С.234-235.
5. Пахтани дастлабки ишлаш мувофиқлаштирилган технологияси. “Ўзпахтасаноат” АЖ бошқаруви, Тошкент, 2007 й.

УДК 532.522.001.5

МАТЕМАТИЧЕСКИЙ РАСЧЕТ ВЕЛИЧИНЫ СКОРОСТЕЙ И УДЕЛЬНЫХ РАСХОДОВ В ПРЕДЕЛАХ КРЕПЛЕНИЯ ЗА МНОГОПРОЛЕТНОЙ ПЛОТИНОЙ РЕЗАКСАЙСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА

Худайкулов Савет Ишонкулович
д.т.н. профессор

Международный технический университет КИМЁ, Ташкент, S.Xudaykulov@mail.ru, +998903171490

Хайдаров Шерзод Эргашалиевич
НаМИСИ, inventor_uz@mail.ru, +998936711117, Старший преподаватель

Нишонов Файзулло Холмирзаевич
НаМИСИ, inventor_uz@mail.ru, +998936711117, к.т.н. доцент

Аннотация: в статье предлагается рациональный метод эксплуатации многопролетных водосливных плотин Резаксайского водохранилища, когда вначале все отверстия плотины открываются частично, а затем осуществляется полное открытие отверстия через одно, иачиили со второго. Достоинством метода является существенное ослабление сбойности и полная ликвидация отрывных течений. Показано результаты математического расчета по определению величины скоростей и удельных расходов в пределах крепления.

Аннотация: Мақолада биринчи навбатда тўғоннинг барча тешиклари қисман очилганда, сўнгра очилиш биринчиси орқали ёки иккинчисидан амалга оширилганда, Резаксой сув омборининг кўп ораликли сув тўғонларини ишлатишнинг оқилона усули таклиф этилган. Усулнинг афзаллиги - бузилишнинг сезиларли даражада заифлашиши ва

ажратилган оқимларнинг тўлиқ йўқ қилиниши. Тезликларнинг катталигини ва маҳкамлаш доирасидаги ўзига хос харажатларни аниқлаш учун математик ҳисоблаш натижалари кўрсатилган.

Abstract: The article proposes a rational method for the operation of multi-span spillway dams of the Rezaksai reservoir, when at first all the openings of the dam are partially opened, and then the opening is fully opened through one, or from the second. The advantage of the method is a significant weakening of the failure and complete elimination of separated flows. The results of a mathematical calculation to determine the magnitude of velocities and specific costs within the fastening are shown.

Ключевые слова: Скорость, удельный расход, многопролётная плотина, эксплуатация, ликвидация, отрывные течение, математический расчёт, сооружение, плоский затвор.

Таянч сўзлар: Тезлик, солиштирма оқим тезлиги, кўп ораликли тўғон, эксплуатация, тугатиш, ажратиш оқими, математик ҳисоб, иншоот, текис дарвоза.

Keywords: Velocity, specific flow rate, multi-span dam, operation, liquidation, separated flow, mathematical calculation, construction, flat gate.

Введение. Режим потока в нижнем бьефе сооружения при сбросе воды через плотину существенно зависит от степени и порядка открытия ее пролетов. При неравномерном распределении расхода по фронту водослива в нижнем бьефе возникают сбойные течения, сопровождаемые искривлением динамической оси потока, увеличением скоростей и удельных расходов в пределах рисбермы, отрывом потока от береговой линии [2,7,11]. Эти явления, создающие неблагоприятные условия в нижнем бьефе, нередко служат причиной недопустимых размывов и вызывают необходимость развития и усиления крепления русла, за сооружением.

Опыт эксплуатации сооружений и лабораторные исследования показывают, что, наиболее благоприятные условия в нижнем бьефе создаются, если в начале сброса производить только частичное открытие всех отверстий плотины, а затем - полное. Для подъемных плоских затворов, частичное открытие допускается не более, чем на 20-25% от величины полного напора на гребне водослива (по условиям вибрации затвора и подныривания плавающих тел), после чего затвор рекомендуется поднять полностью. Эти качественные результаты до сих пор не были подтверждены количественными соотношениями, позволяющими установить величину удельных: расходов и скоростей течения в нижнем бьефе.

Цель работы: состояла в нахождении расчетных зависимостей для определения максимальных скоростей и удельных расходов за многопролётной плотинной в прямоугольном отводящем русле при гладком водобое для ел-открываются только на 1/5 полного напора на гребне водослива, а затем последовательно через одно - полностью.

В решении задачи о нахождении максимальной скорости в нижнем бьефе в пределах рисбермы, для принятой схемы маневрирования затворами использовалось уравнение изменения количества движения и уравнение постоянства расхода.

Гидравлические параметры потока в нижнем бьефе определялись в трех расчетных створах (рис.1.):

1. Начальный створ I-I был принят совпадающим со сжатым сечением струи,
2. Створ II-II проведен через центр водоворота с вертикальной осью вращения,
3. Створ III-III располагался в той части русла, где скорости по глубине и ширине потока распределяются приблизительно равномерно.

При решении упомянутых уравнений были использованы следующие допущения.

1. Распределение давлений по глубине потока в контрольных створах принималось в соответствии с гидростатическим законом.

2. Считалось, что в створе I-I скорости течения в сжатых сечениях распределены по площади этих сечений равномерно.

3. Силы сопротивления трения в расчетах не учитывались.

Было принято, что при полном открытии одного или нескольких отверстий в нижнем бьефе за этими отверстиями скорости течения достигают максимального значения за счет эжектирующего свойства струи.




Рис. 1. Расчетная схема сбойности.

При этом здесь формируется струйное течение в ограниченном пространстве. Считалось, что струйный пограничный слой распространяется на всю ширину потока (рис.1). В этом случае профиль средней по глубине относительной скорости на любой вертикали в пределах рисбермы должен удовлетворять универсальной зависимости Шлихтинга–Абрамовича

$$\frac{u - u_n}{u_m - u_n} = \varphi(\eta) = \left(1 - \eta^{\frac{3}{2}}\right)^2 \quad (1)$$

где u_m - максимальная из средних по глубине скорость прямого тока; u_n - максимальная из средних по глубине скорость обратного тока; $\eta = \frac{y}{B}$ - безразмерная ордината точки, в которой скорость равна u .

5. Для удобства математических выкладок каждое полностью открытое отверстие было объединено в группу с рядом расположенным частично открытым отверстием, так

что число групп равнялось числу полностью открытых отверстий. Все остальные отверстия, не входящие в группы, считались открытыми на 1/5 полного напора на гребне водослива.

В начальном створе I-I глубину за частично открытыми пролетами обозначим через h'_m , а за пролетами, в которых частично открытые отверстия чередовались с полностью открытыми, - через h_m , причем $h'_m < h_m$. Глубины h'_m и h_m прослеживаются непосредственно за плотиной, затем, как показывает опыт, уровень свободной поверхности поднимается до глубины h_B , которая устанавливается приблизительно в пределах рисбермы и ниже по течению. Длина рисбермы принимается равной $(25 - 30)h_k$, где h_k - критическая глубина. В створе III-III глубина воды h_2 равна второй сопряженной донного гидравлического прыжка за полностью открытыми отверстиями. В створах II-II и III-III поперечные уклоны свободной поверхности считаем равными нулю.

Прежде чем установить максимальную скорость u_m в пределах рисбермы, определяем неизвестные глубины h_m, h'_m и h_B . Глубина h_n может быть найдена из уравнения изменения количества движения, записываемого для отсека жидкости, ограниченного створами II - II, III- III, дном и свободной поверхностью потока [8,9,12]:

$$\left(\frac{h_B^2}{h_2^2}\right)^3 - \frac{h_B}{h_2}(2Fr_2 + 1) + 2\alpha_{0B}Fr_2 = 0 \quad (2)$$

где α_{0B} - корректив количества движения потока в створе II-II; $Fr_2 = \frac{u_2^2}{2gh_2}$

числа Фруда в створе III-III, u_2 - средняя по глубине скорость в створе III-III.

Корни кубического уравнения (2) находим из выражений:

$$\frac{h_B}{h_2} = 2\sqrt{\frac{2Fr_2 + 1}{3}} \cos\left(\frac{\pi}{3} - \frac{\varphi}{3}\right) = 0 \cos = \frac{\alpha_{0B}Fr_2}{\left(\frac{2Fr_2 + 1}{3}\right)^{\frac{3}{2}}} \quad (3)$$

Число Фруда Fr_2 - в створе III-III определим через среднюю скорость u_2 в нем. Для этого воспользуемся связью, которую дает уравнение постоянства расхода для створа I-I, совпадающего со сжатым сечением за плотиной, и створа III- III:

$$Bh_2u_2 = h_1u_1 \frac{in_i}{2} b_0 + u'_1 h' \left(B - \frac{in_i}{2} b_0 \right) \quad (4)$$

где u_1, u'_1 - средние по глубине скорости в створе I-I за полностью открытыми отверстиями и открытыми частично; h_1, h_2 - сопряжение глубины в прыжке за открытыми полностью отверстиями; h_1 - первая сопряженная глубина за частично открытыми отверстиями; n_i - число отверстий в группе (четное число, но не более четырех, из них одна половина открыта полностью, другая частично); i - число групп; $\frac{n_i i}{2}$ - число

полностью открытых отверстий; b_0 - ширина отверстия в свету; $B_0 = Nb_0$ - общая ширина всех отверстий в свету; N - число всех отверстий водосливного фронта; $B = Nb'_0$ - ширина водосливного фронта; b'_0 - ширина отверстия в осях.

Для удобства выразим скорости u_1, u'_1 через соответствующие удельные расходы: $q_1 = u_1 h_1, q'_1 = u'_1 h'_1$.

После некоторых преобразований определим среднюю скорость в створе III-III:

$$u_2^2 = \frac{u_1^2 h_1^2 \left[1 + \frac{q'_1}{q_1} (2\beta_i - 1) \right]}{(2\beta_i \beta')^2 h_2^2} \quad (5)$$

где $\beta = \frac{2B_0}{in_i b_0} = \frac{2N}{in_i} = 2\beta_i$ - отношение общего количества отверстий к числу

полностью открытых отверстий; $\beta_i = \frac{N}{n_i}$ - отношение общего количества отверстий к

числу их, содержащемуся во всех группах; $\beta' = \frac{b'_0}{b_0}$ - коэффициент, учитывающий ширину бычка.

Таким образом:

$$Fr_2 = \frac{u_2^2}{gh_2} = - \frac{u_1^2 h_1^2 \left[1 - \frac{q'_1}{q_1} (2\beta_i - 1) \right]^2}{(2\beta_i \beta')^2 h_2^2 gh_2} = Fr_1 \left(\frac{h_1}{h_2} \right)^3 \left[\frac{1}{\beta_i \beta'} + \frac{q'_1 (2\beta_i - 1)}{q_1 2\beta_i \beta'} \right]^2 \quad (6)$$

$Fr_1 = \frac{u_1^2}{2gh_1}$ - числа Фруда в сжатом сечении за полностью открытыми

отверстиями.

Корректив количества движения в створе II - II определяется из выражения [8,9,11]:

$$\alpha_{0B} = \frac{\int_0^B u^2 dy}{u_B^2 B} \approx 7 \quad (7)$$

Зная α_{0B} и число Фруда Fr_2 , из формулы (7) можно найти значение относительной глубины $\frac{h_B}{h_2}$ в створе II - II.

Относительную глубину $\frac{h'_m}{h_B}$ найдем из совместного решения уравнений изменения количества движения, составленных параллельно для незатопленного и затопленного донного гидравлического прыжка за частично открытыми отверстиями [8]:

$$\frac{h_m}{h_B} = \sqrt{1 - \frac{\left(1 - \frac{h_1'^2}{h_2'^2}\right) \left(n_3' - \frac{h_1'}{h_2'} \beta'\right)}{\left(1 - \frac{h_1'}{h_2'} \beta'\right) n_3'^3}} \quad (8)$$

где $n_3' = \frac{h_B}{h_2'}$ - коэффициент подтопления для струи, вытекающей из частично открытых отверстий.

Для определения неизвестной глубины h_m и максимальной скорости u_m в пределах рисбермы составляется уравнение изменения количества движения в проекции на продольную ось, совпадающую с осью отводящего канала, для отсека жидкости, ограниченного створами I-I и II-II, дном и свободной поверхностью потока,

$$u_1^2 \frac{in_i}{2} b_0 h_1 + u_1'^2 \left(B_0 - \frac{in_i}{2} b_0\right) h_1' + \frac{gh_m'^2}{2} (B - in b_0') + \frac{gh_m^2}{2} = h_B \int_0^B u^2 dy + \frac{gh_B^2}{2} B \quad (9)$$

Скорость u_B - можно связать с заданными величинами, если уравнение сохранения расхода рассматривать в виде:

$$u_B h_B B = q_1 \frac{in_i}{2} b_0 + q_1' \left(B_0 - \frac{in_i}{2} b_0\right)$$

Откуда

$$u_B = \frac{q_1 \left[1 - \frac{q_1'}{q_1} (2\beta_i - 1)\right]}{(2h_0 \beta_i \beta')} \quad (10)$$

С учетом формул (7) и (10) из зависимости (9) получим:

$$\frac{h_m}{h_B} = \sqrt{Fr_1 \frac{h_1^2}{h_b^2} \left(\frac{\alpha_{0B}}{2\beta_i} \frac{h_1}{h_B} c^2 - k\right) - \frac{h_m^2}{h_n^2} (\beta_i - 1) + \beta_i} \quad (11)$$

Где

$$c = \left[\frac{1}{\beta'} + \frac{q_1'}{q_1} \frac{(2\beta_i - 1)}{\beta'} \right] \quad k = \left[\frac{1}{\beta'} + \frac{q_1'^2}{q_1^2} \frac{h_1}{h_1'} \frac{(2\beta_i - 1)}{\beta'} \right]$$

Заменив в уравнении (9) значение интеграла в его правой части в соответствии с зависимостью $\int_0^B u^2 dy \approx 0,316 u_m^2 B$, вытекающей из выражений (1) и (11), найдем закон падения максимальной скорости вдоль оси потока;

$$\frac{h_m}{h_B} = \sqrt{\frac{Fr_1 \frac{h_1^2}{h_B^2} k + \frac{h_m^2}{h_B^2} (\beta_i - 1) + \frac{h_m^2}{h_B^2} - \beta_i}{0,632 Fr_1 \frac{h_1}{h_B} \beta_i}} \quad (12)$$

Зависимость (12) справедлива для степеней расширения $\beta_i > 2$. При $\beta_i < 2$ ($\beta < 4$) считаем, что пограничный слой распространяется не по всей ширине потока. Значительную часть его составляет ядро b_* , в пределах которого скорость постоянна и равна u_m . В связи с этим изменится величина корректива количества движения в створе II-II, который в данном случае отвечает зависимости [8]:

$$\alpha_{0B} = 7 \frac{1 + 2,16 \frac{1}{\beta_*}}{\left(1 + 3,76 \frac{1}{\beta_*}\right)} \quad (13)$$

где $\beta_* = \frac{B}{b_*}$ Тогда закон падения максимальной скорости при $\beta_i < 2$ найдем с учетом (13) из выражения

$$\frac{h_m}{h_B} = \sqrt{\frac{Fr_1 \frac{h_1^2}{h_B^2} k + \frac{h_m'^2}{h_B^2} (\beta_i - 1) + \frac{h_m^2}{h_B^2} - \beta_i}{0,632 \left(1 + 2,16 \frac{1}{\beta_*}\right) Fr_1 \frac{h_1}{h_B} \beta_i}} \quad (14)$$

Ширина ядра постоянных скоростей b_* определялась по опытным данным в зависимости от степени расширения потока β . Корректив количества движения α_{0B} при $\beta_i < 2$, $\beta < 4$ находим из выражения (13) по известному значению b_* .




Рис. 2. Графики зависимости $\frac{u_m}{u_i} = f(Fr_1, \beta)$

а) при $\beta_i > 2$ б) при $\beta_i < 2$

Численное решение задачи о нахождении относительной скорости в пределах рисбермы было выполнено на ЭВМ.

В задаче считались заданными следующие параметры: $\beta_i = 2 \Leftrightarrow 6$;

$Fr_1 = 10 \Leftrightarrow 100$, соответствующие им сопряженные глубины $\frac{h_1}{h_2}$; α_{0B} .

Расчеты проводились для водослива, имеющего 24,12 и 6 пролетов. Окончательные результаты расчета представлены в виде серии кривых зависимости относительной скорости $\frac{u_m}{u_1}$ от числа Фруда Fr_1 и степени расширения потока β (рис. 2, а при $\alpha_{0B} = 7$, рис. 2б. при $\alpha_{0B} < 7$).

Максимальные скорости течения возникают в нижнем бьефе при условии, когда половина водосливного фронта открыта частично, а во второй половине открытые частично и полностью отверстия чередуются через одно. Это положение согласуется с данными опытов, приведенными ниже.

При $\beta_i = 1$ половина отверстий водосливного фронта будет открыта полностью, а половина - частично (следовательно, $\beta = 2$, $\beta_i = \frac{\beta}{2} = 1$, в нижнем бьефе - плоские условия, а в пределах плотины - неравномерное распределение расходов по фронту, так как каждое частично открытое отверстие чередуется с полностью открытым).

Анализ графиков показывает, что при $\beta_i > 2$ (рис. 2, а) для постоянного числа Фруда с уменьшением степени расширения относительные скорости возрастают, а при $\beta_i < 2$ (рис. 2, б) убывают, приближаясь к значениям относительной скорости в плоских условиях ($\beta_i = 1, \beta = 2$); для постоянной степени расширения с увеличением числа Fr_1 относительные скорости убывают.

Приведенные результаты справедливы, если число Фруда в сжатом сечении потока $Fr_1 > 10$. При $Fr_1 < 10$ сопряжение бьефов будет осуществляться по типу, близкому к прыжку-волне, для которого приведенные зависимости в ряде случаев решения не дают.

Оценку степени увеличения удельного расхода в пределах рисбермы получим путем сравнения удельного расхода q_{np} в пространственном потоке с удельным расходом q_1 в створе I-I за плотиной при полном открытии всех отверстий ($\beta = 1$):

$$\frac{q_{np}}{q_1} = \frac{u_m h_B}{u_1 h_1 n_3} = \left(\frac{u_m}{u_1} \right)_{np} \left(\frac{u_1}{u_2} \right)_{nl} / \frac{1}{n_3}$$

где $n_3 = \frac{h_2}{h_B}$ - относительные скорости в нижнем бьефе в плоских (при полном открытии всех отверстий, рис. 2, б, кривая при $\beta = 1$) и пространственных (рис. 2, а, б, $\beta_i > 1$, $\beta > 2$) условиях; определяются из формул:

$$\left(\frac{u_2}{u_1} \right)_{np} = \frac{h_1}{h_2} \left(\frac{u_1}{u_2} \right)_{np}$$

График зависимости $\frac{q_{np}}{q_1}$ (рис.3, кривая 2) показывает, что при $\beta = 4$ удельный расход в пределах рисбермы при чередовании открытых частично полностью отверстий в 1,7 раза превышает удельный расход в створе I-I за плотиной при полном открытии всех отверстий.

При работе всего водосливного фронта по схеме с чередованием открывается частично и полностью отверстий в нижнем бьефе установится наименьший удельный расход, равный $\frac{q_1 + 0,2q_1}{2} = 0,6q_1$. При увеличении степени расширения потока в нижнем

бьефе β_i от 2 до 6 отношение $\frac{q_{np}}{q_1}$ стремится к единице, а при уменьшении β_i от 2 до 1,

$\frac{q_{np}}{q_1}$ стремится к 0,6. Число Фруда влияет незначительно на изменение относительных удельных расходов.

Для сравнения на рис. 3 приведена кривая 1, характеризующая изменение относительных удельных расходов в случае одностороннего открытия пролетов полностью при условии, что остальные пролеты уже открыты на $\frac{1}{5}$ полного напора на гребне водослива [8,12].

Очевидно, что при такой схеме получается большее увеличение удельных расходов в пределах рисбермы, чем в случае чередования частично и полностью открытых отверстий.

Таким образом, при эксплуатации сооружений следует вначале открывать все отверстия плотины частично. После того, как все затворы будут открыты частично, рекомендуется поднимать затворы полностью через один, начиная со второго. Затем все отверстия разрешается открывать полностью подряд. [8,10,11]




Рис. 3. Графики изменения относительных удельных расходов 1 при последовательном одностороннем полном открытии затворов $q_{np}/q_1 = f(Fr_1, \beta)$ 2- при чередовании открытых частично и полностью затворов $q_{np}/q_1 = f(Fr_1, \beta_i)$

С целью изучения качественной стороны процесса и проверки расчетных зависимостей, полученных теоретическим путем, были проведены экспериментальные исследования в лаборатории гидравлики НИИИВП. Опыты по схеме, изображенной на рис.1, были проведены на модели шести пролётной плотины с гладким водобоем, установленной в прямоугольном горизонтальном лотке шириной 2,4 м, длиной рабочей части 7 м. Ширина пролета в свету была принята 34 см, а толщина бычков 6 см. Профиль водосливной плотины высотой 28,5 см был очерчен по координатам Кригера - Офицеров и плавно сопрягался с дном водобоя. Ограниченное число пролетов (наибольшая величина $\beta = 6$) и высота плотины позволили провести всего три опыта.

В зависимости от пропускаемого расхода Q через полностью открытые отверстия (остальные отверстия пока закрыты) и соответствующего напора H_0 на гребне водослива рассчитывалась вторая сопряженная глубина h_2 - донного гидравлического прыжка в условиях двухмерной задачи. Глубину h_2 устанавливали в конце лотка и поддерживали постоянной. Затем открывались остальные отверстия на $1/5 H_0$ и расход увеличивали до тех пор, пока глубина в верхнем бьефе не установилась на прежнем уровне. [8,9,12].

При этом в нижнем бьефе струи, вытекающие из полностью открытых отверстий, за пределами прыжка сливались в одну, образуя струйное течение так, что весь расход воды сосредотачивался у одного борта лотка, что объясняется эжектирующим свойством струи. У другого борта формировался водоворот с вертикальной осью вращения. Поперечный уклон свободной поверхности за пределами прыжка был равен нулю, отрыва потока от боковой стенки не наблюдалось.

Измерение скоростей в транзитном потоке проводилось трехточечным способом с помощью трубки Пито. Статическим отверстием этой трубки измерялся пьезометрический напор в пяти створах, расположенных в лотке через каждые 0,5 м, начиная от сжатого сечения. Опытами установлено, что сбойность течения при данной схеме работы сооружения выражается только в увеличении удельных расходов.

Значения максимальной скорости в пределах рисбермы для различных расходов при $\beta_i = 1,5$ были нанесены на соответствующую кривую (рис.2,6) Опытные значения

$\frac{u_m}{u_1}$ и $\frac{q_{np}}{q_1}$ достаточно хорошо согласуются с расчетными кривыми. Таблица иллюстрирует значение гидравлических параметров в опытах.

Таблица

Номер опыта	$Q, л.сек$	$\beta_i = N/n_i$	$H, см.$	$h_k, см.$	$h_1, см.$	$h_2, см.$	Fr_1	u_m/u_1	q_{np}/q_1
1	80	1,5	19,6	14,65	5,3	22,4	10,9	0,934	1,28
2	65	1,5	13,9	13,3	3,96	20,3	16	0,248	1,21
3	13	1,5	5,2	7,8	2,79	15,3	17,6	0,229	1,22

Результаты, полученные из экспериментов, являются подтверждением правильности выбранного математического метода.

ЛИТЕРАТУРА

1. Абрамович Г. Н. Теория турбулентных струй. Физматгиз, 1960.-
2. Леви И. И. Движение речных потоков в нижних бьефах гидротехнических

сооружений. Госэнергоиздат, 1955.

3. Михалев М. А. К теории гидравлического прыжка. Извостня, ВНИИГ, т. 78, «Энергия», 1965.

4. Михалев М. А. Расчет второй сопряженной глубины в пространственных условиях сопряжения бьефов. Гидротехническое строительство, 1965, № 8.

5. Чугаев Р. Р. Водосливные бетонные плотины. Ч. I, ЛПИ., 1958.

6. Рахманов А. Н. Очертание поверхностного водоворота транзитного потока и некоторые характеристики донного гидравлического прыжка. Известия ВНИИГ, т. 59. «Энергия», 1958.

7. Гунько Ф. Г. Методика гидравлических расчетов нижних бьефов. многопролетных плотин на равнинных реках при маневрировании затворами. Госэнергоиздат, 1957.

8. Якушкина О. И. Исследование сбойного течения в нижнем бьефе за многопролетной плотиной в случае одностороннего планового расширения потока. Труды ЛПИ, № 312, 1971.

9. У.И. Бегимов, Н.А. Усмонова, Х.М. Якубова, С.И. Худайкулов «Моделирование ударного импульса в водовыпускном трубопроводе» каркидонского водохранилища. Журнал «Проблемы механики». – Ташкент, 2020. - №4. – С.45-48.

10. Худайкулов С.И., Утбосаров Ш.Р. Модели двухслойных течений разноплотностных потоков. Фаргона политехника институти, илмий – техника журнали. scientific-technicaljournal (stjferpi, Фарпи итж, нтж ферпи, 2022, t.26, спец. №1) С63-66.

11. Худайкулов С.И. Муминов О.А., Хайруллаев Р.С. Моделирования процессов вибрации на поворотах инженерных гидросооружений. Фаргона политехника институти, илмий – техника журнали. scientific-technicaljournal (stjferpi, Фарпи итж, нтж ферпи, 2022, t.26, спец. №1) С66-72.

12. Худайкулов С.И. Муминов О.А. Моделирование движения жидкости в вибрирующем водовыпускном трубопроводе. Фаргона политехника институти, илмий – техника журнали. scientific-technicaljournal (stjferpi, Фарпи итж, нтж ферпи, 2022, t.26, спец. №1) С 72-77.

УДК: 622.79:622

GEOMETRIK MODELLASHTIRISH USULLARINI GIDROTEXNIKA INSHOOTLARI LOYIHALASINING ENG OPTIMAL LOYIHA VARIANTINI TANLASH JARAYONIGA QO‘LLASH

Kuchkarova Dilarom Fayzullayevna

t.f.d., professor. “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti”

Milliy tadqiqot universiteti, e-mail: kuchkarova-dilarom@yandex.ru, +998 94 6270517

Ismatov Baxtiyor Sa’dulla o‘g‘li

tayanch doktorant “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti”

Milliy tadqiqot universiteti, e-mail: baxtiyorismatov26@gmail.com, +998 99 759 77 49

Radjabova Shaxnoza Axmatovna

magistrant. Toshkent to‘qimachilik va yengil sanoat instituti,
e-mail: shakhnozaakhmatovna@gmail.com, +99 899 295 30 95

Annotatsiya: Ushbu maqolada topografik sirt bilan bog‘liq bo‘lgan gidrotexnik inshootlarning loyiha chizmasini tuzish jarayoniga modellashtirish usullarini qo‘llash, zamonaviy kompyuter grafik dasturlarini qo‘llash va yangi kompyuter texnologiyalari algoritmlarini yaratish yoritilgan.

Ushbu maqolada gidrotexnik inshootlardan biri bo‘lgan damba loyiha chizmasining bir nechta variantlari keltirilgan. Damba loyihasi chizmasining misolida mavjud chizma qoidalarining soddalashtirilgan variantlari, shuningdek, yaratilgan loyiha chizmasi uchun bir nechta variantlardan eng maqbul variantni tanlash usullari ko‘rsatilgan.

Shuningdek, tavsiya etilgan algoritmlar hozirda mavjud dasturlash tillariga moslashtirilgan.

Аннотация: В данной статье описано применение методов моделирования, использование современных программ компьютерной графики и создание алгоритмов новых компьютерных технологий к процессу создания проектного чертежа гидротехнических сооружений, связанных с топографической поверхностью.

В данной статье представлены несколько вариантов проектного чертежа плотины, являющейся одним из гидротехнических сооружений. На примере чертежа проекта плотины показаны упрощенные варианты существующих правил черчения, а также способы выбора наиболее подходящего варианта из нескольких вариантов созданного чертежа проекта.

Также предлагаемые алгоритмы адаптированы к доступным в настоящее время языкам программирования.

Abstract: This article describes the application of modeling methods to the process of drawing up a design drawing of hydrotechnical construction associated with a topographic surface, the use of modern computer graphics programs and the creation of new computer technology algorithms.

This article draws several options for the design drawing of the dam, which is one of the hydrotechnical construction. The example of a dam project drawing shows simplified versions of the existing drawing rules, as well as ways to select the most optimal option from several options for the created project drawing.

Also, the recommended algorithms are adapted to the currently available programming languages.

Tayanch so‘zlar: Loyiha chizmalari, topografik sirt, loyihalash jarayonini optimallashtirish, Pareto optimal usullari.

Ключевые слова: Чертежи проекта, топографическая поверхность, оптимизация процесса проектирования, оптимальные по Парето методы.

Key words: Project drawings, topographic surface, design process optimization, Pareto optimal methods.

Bugungi rivojlanayotgan davrda har bir tizimni raqamlashtirishga bo‘lgan talab kundankunga ortib bormoqda, bu borada Respublikamiz tomonidan ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda, shular qatorida Gidrotexnika inshootlarini loyihalash jarayonini ham avtomatlashtirishga bo‘lgan talab ham oshib bormoqda. Davlatimiz tomonidan bu borada ko‘plab qaror va farmonlar ishlab chiqilmoqda, Prezidentimizning PF-6200 2021-yil 6-apreldagi “Suv resurslaridan foydalanishda davlat boshqaruvi va nazorati tizimini yanada takomillashtirish va suv inshootlari xavfsizligini ta’minlash chora – tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6200 sonli farmonida ham hozirga kelib ushbu sohalarini rivojlantirish, Gidrotexnika inshootlar xavfsizligini ta’minlash uchun asosiy chora-tadbirlar belgilab berildi.

Gidrotexnika inshootlaridan biri bo‘lgan damba chizmasini topografik sirtda loyihalash

jarayonida tuzilgan loyihalardan eng optimal loyiha variantini modellashtirish usullari yordamida tanlash algoritmlarini tuzib chiqish va ushbu algoritmlarni avtomatlashtirilgan grafik dasturlarda qo'llash orqali loyihalash jarayonini optimallashtirish hozirgi davrda dolzarb muammolardan biri hisoblanadi [1,2,3].

Bugungi kunda zamonaviy kompyuter texnologiyalarining rivojlanishi bilan turli ob'ektlarni raqamli modellarini yaratish va ularni ishlab chiqarish jarayoniga joriy qilish imkoniyati paydo bo'ldi. Raqamli modellar kompyuter grafik dasturlari yordamida loyihalash va ishlab chiqarish jarayonlarida keng qo'llaniladi.

Hozirgi kunda zamonaviy muhandis kasbiy bilimlar bilan bir qatorda tizimli tahlil metodologiyasini ham egallashi, baholay olishi va samarali qarorlar qabul qila olishi kerak. Yechilishi kerak bo'lgan vazifalarning ko'lami qabul qilingan qarorlarni har tomonlama asoslashni, matematik va modellashtirish usullarni qo'llashni, kompyuterlardan grafik dasturlaridan foydalanishni talab qiladi. Shuning uchun hozirgi vaqtda ko'plab umumiy va maxsus qarorlar qabul qilish usullari ishlab chiqilmoqda[4,5].

Shuni ham ta'kidlash kerakki, hozirgi vaqtda kompyuter texnologiyalari va injiniring, boshqaruv faoliyatining keng qo'llanilishi loyihalarning bir nechta variantlarini tuzish va eng optimal variantni tanlab olishni avtomatlashtirilgan tizimlarini yaratishga olib keldi.

Ilmiy izlanishlarda muhandis loyihachi kompyuter grafik dasturlari bilan ishlashning interfaol rejimida yechimlar uchun juda ko'p turli xil variantlarni yaratish, tahlil qilish, eng yaxshi loyiha variantni baholash va tanlash uchun qaror qabul qilish usullarini ishlab chiqish.

Gidrotexnika inshootlaridan biri bo'lgan damba loyiha chizmalarini tuzib chiqish algoritmlari va tuzib chiqilgan bir nechta loyiha variantlari orasidan eng optimal variantini tanlab olish algoritmlarini tuzib chiqsak:

Damba - daryo o'zani va qayirlarida suv yo'lini to'sish yoki oqim yo'nalishini o'zgartirish uchun quriladigan tuproq ko'tarma ko'rinishidagi gidrotexnika inshooti bo'lib, dambalarni loyihalash jarayoniga kompyuter grafik dasturlaridan foydalanib geometrik modellashtirish usullarini qo'llash orqali loyiha chizmasining eng optimal variantini tanlab olishimiz mumkin[6,7].

Yer gorizontallari chizib olingandan so'ng hosil bo'lgan topografik sirtida dambani qurish uchun an'anaviy algoritimga ko'ra oldin ikkita parallel to'g'ri chiziqlar chiziladi, bu parallel chiziqlar Dambaning kengligini bildiradi. Dambaning kengligi orasidagi masofa bizlarga berilgan bo'ladi.

Masalan 2 ta parallel to'g'ri chiziqlar orqali berilgan desak, u holoda to'g'ri chiziqni o'tkazishimiz uchun istalgan gorizontalling bittasidan ixtiyoriy 2 ta nuqta tanlab olinadi. Analitik geometriyadan bizga ma'lumki berilgan 2 ta (x_1, y_1) , (x_2, y_2) nuqtalar orqali bitta to'g'ri chiziqni o'tkazishimiz mumkin.

$$\frac{x - x_1}{x_2 - x_1} = \frac{y - y_1}{y_2 - y_1}$$

Ushbu formula orqali to'g'ri chiziqning tenglamasini topib olamiz:

$$y = \frac{y_2 - y_1}{x_2 - x_1} x + \frac{x_2 y_1 - x_1 y_2}{x_2 - x_1}$$

Shundan so'ng, berilgan to'g'ri chiziqqa dambaning kengligi masofasini quyib parallel to'g'ri chiziq o'tkazamiz. Buning uchun:

To'g'ri chiziqning umumiy tenglamasi $Ax + By + C = 0$ berilgan bo'lsa

$$d = |x_d \cos \alpha + y_d \sin \alpha - p|$$

Bundan: $\cos \alpha = \pm \frac{A}{\sqrt{A^2 + B^2}}$ $\sin \alpha = \pm \frac{B}{\sqrt{A^2 + B^2}}$ $P = \mp \frac{C}{\sqrt{A^2 + B^2}}$

Masalan: $x + y + 1 = 0$ umumiy tenglama bilan berilgan to'g'ri chiziqqa dambaning kengligi $d=10m$ hisoblab parallel to'g'ri chiziq chizilsin:

$$d = |x_d \cos \alpha + y_d \sin \alpha - p|$$

Ushbu formula orqali $\cos \alpha = \frac{1}{\sqrt{1^2 + 1^2}} = \frac{1}{\sqrt{2}}$, $\sin \alpha = \frac{1}{\sqrt{2}}$, $P = \frac{1}{\sqrt{2}}$


Tenglamani yechish orqali parallel to'g'ri chiziq tenglamasini olishimiz mumkin 2-rasm, ya'ni

$$10 = \left| x_d \frac{1}{\sqrt{2}} + y_d \frac{1}{\sqrt{2}} - \frac{1}{\sqrt{2}} \right|$$

$$10 = x_d \frac{1}{\sqrt{2}} + y_d \frac{1}{\sqrt{2}} + \frac{1}{\sqrt{2}}$$

$$10\sqrt{2} = x_d + y_d + 1$$

$$x_d + y_d - 14,1 = 0$$



1-rasm. Parallel to'g'ri chiziq chizmasi

Shundan so'ng berilgan parallel to'g'ri chiziq'larga perpendikulyar to'g'ri chiziq'larni o'tkazishimiz uchun $y = k_1x + b_1$ va $y = k_2x + b_2$ to'g'ri chiziq tenglamalari bilan berilgan bo'lsa, agar $k_1 * k_2 = -1$ bo'lsa, u holda berilgan to'g'ri chiziqqa perpendikulyar bo'lgan to'g'ri chiziq kelib chiqadi [8,9,10].

Dambaning yer ishlar chegarasini topish uchun qiyalikni aniqlab olishimiz, kerak qiyalik gruntning tuzilishiga ko'ra turli xil bo'lishi mumkin:

Damba tanasidagi gruntlar	Damba balandliklari bo'yicha qiyaliklar m da					
	5 m gacha		5 m dan 10 m gacha		10 dan 15 m gacha	
	Yuqorigi	Pastgi m_2	Yuqorigi	Pastgi	Yuqorigi	Pastgi

	m_1		m_1	m_2	m_1	m_2
Loy	2,5	1,75	2,5	2	3	2,5
Qumoq	2,25	2	2,75	2,25	3,25	2,75
Qumloq	2,5	2,25	3	2,5	3,5	3
Mayda qum	3	2,5	3,5	3	3,75	3,25
O'rta qum	2,5	2	3	2,5	3,25	2,75
Yirik qum shag'al	2	1,5	2,5	2	2,75	2,25


Masalan damba tanasidagi grunt o'rta qum sharoitida bo'lsa shuningdek quriladigan damba inshootning eni 10 metr, balandligi 10 metr uzunligi, 50 metr bo'lishi talab qilinsin, unga ko'ra loyiha chizmalarining bir nechta variantlarini tuzib chiqib ularning ichidan eng optimal variantni tanlab olish usulini ko'rib chiqsak:

Buning uchun;

-Loyihaning bir nechta variantlari masalan 5 ta variantini berilgan qiyaliklarni o'zgartirish orqali tuzib chiqish;


-Tuzib chiqilgan loyiha variantlari ichidan eng optimal loyiha variantini tanlash uchun Pareto optimal usullarini qo'llash maqsad qilib olinadi;

1-loyiha variantida qiyalikni $i=1:2.5$, $i=1:3$ deb olamiz va dambaning asosiy tanasiga parallel qilib suniy gorizontallarni o'tkazamiz. Suniy gorizontallarni o'tkazish jarayoni ham yuqoridagi berilgan to'g'ri chiziqqa orasidagi masofani qo'yib parallel to'g'ri chiziq o'tkazish formulasi yordamida topiladi, ya'ni dambaning asosiy konturiga qiyalik masshtab chiziqlari $\lambda=2.5m$, $\lambda=3m$ masofalarni quyib parallel to'g'ri chiziq o'tkazamiz [11,12]. 3-rasm.



2-rasm. Qiyalik masshtab chiziqlari orqali parallel o'tkazilgan to'g'ri chiziqlar

Suniy gorizontallar orasidagi masofa qiyalikga bog'liq, suniy gorizontallarni ikki tomoniga chizilgandan keyin tabiiy gorizontallar bilan suniy gorizontallarning bir nomli gorizontallarini kesishish nuqtalarini belgilab qo'yiladi va topilgan nuqtalarni o'zaro yuqoridagi splayn usulli yordamida tutashtiramiz va natijada xosil bo'lgan egri chiziq bizga yer ishlar chegarasini aniqlab beradi.[13,14]. 4-rasm.



3-rasm. Dambaning gorizontallari berilgan topografik sirtida qurilishi chizmasi.

Yuqoridagi ketma ketlik asosida berilgan damba inshootining loyiha chizmasini qiyaliklarni o'zgartirib berilgan normalarni buzmag holatda 5 ta variant tuzib chiqilgan:

- 1-variant: $m_q = 2.5, m_y = 3$
- 2-variant: $m_q = 2.6, m_y = 3.1$
- 3-variant: $m_q = 2.5, m_y = 3.25$
- 4-variant: $m_q = 2.65, m_y = 3.15$
- 5-variant: $m_q = 2.75, m_y = 3.25$

Ushbu 5 ta loyiha variantlari ichidan eng optimal loyiha variantini tanlab olishda Pareto optimal usullarini ishlatish maqsadga muvofiq, unga ko'ra tuzib chiqilgan loyiha variantlarining har biri quyidagi mezonlar bilan tavsiflanadi[14,15]:

- k_1 – loyihaning narxi
- k_2 – loyiha tuzishga ketgan vaqt
- k_3 – transport xarajatlari

Buni jadval ko'rinishida quyidagicha tasvirlab chiqishimiz mumkin:

<i>Tuzib chiqilgan loyiha variantlari</i>	<i>k_1, loyihaning narxi (mln. sum)</i>	<i>k_2, loyiha tuzishga ketgan vaqt, (soat)</i>	<i>k_3, Transport xarajatlari (mln. sum)</i>
1-variant	50	15	30
2-variant	40	20	60
3-variant	90	20	25
4-variant	100	15	20
5-variant	100	40	50

Bunda eng optimal loyiha variantlaridan birini yoki bir nechtasini tanlash talab qilinadi.

Umuman olganda vazifalar berilgan $k_1, \dots, k_j, \dots, k_m$ mezonlari bo'yicha baholangan N ta ob'ekt.

Eng optimal loyiha variant k_1^+, \dots, k_m^+ mavjud loyiha variantlari to'plamida erishilgan mezonlarning maksimal foydali qiymatlaridan hosil bo'ladi.

Eng optimal loyiha variantiga qo'shimcha ravishda, "talabga javob bermaydigan" loyiha

variant $\{k_1^-, \dots, k_m^-\}$ mavjud loyiha variantlari to'plamida erishilgan mezonlarning minimal foydali qiymatlaridan hosil bo'ladi. Ushbu loyiha variantlari ichidan eng optimal loyiha variant va talabga javob bermaydigan loyiha variant quyidagi xususiyatlarga ega [15]:

Eng optimal loyiha variant $\equiv \{40 \text{ mln.}; 15 \text{ soat}; 30 \text{ mln.}\}$

Talabga javob bermaydigan loyiha variant $\equiv \{100 \text{ mln.}; 40 \text{ soat}; 50 \text{ mln.}\}$

Turli mezonlarni solishtirish maqsadida har bir mezon uchun quyidagi formula bo'yicha nisbiy o'lchov birliklariga o'tish amalga oshiriladi.

$$d_j^i = \frac{k_j^+ + k_j^i}{k_j^+ - k_j^-}.$$

Loyiha variantlarini mezon qiymatlarini nisbiy birliklarga aylantirish natijasi quyidagi jadvalda keltirilgan.

<i>Tuzib chiqilgan loyiha variantlari</i>	d_1	d_2	d_3
1-variant	2.16	2.3	1.8
2-variant	1.27	2.1	3.44
3-variant	2.83	2.1	1.52
4-variant	3.0	2.3	1.2
5-variant	3.0	1.6	4.50

Nisbiy birliklarda d_j^i loyiha variantlarining mezon bo'yicha masofasi sifatida talqin qilinadi. k_j eng optimal loyiha variantlaridan $d_1=1.27$ eng yomoni $d_1=3.0$.

Keyingi bosqichda qaror qabul qiluvchidan mezonlarning nisbiy ahamiyatini belgilash so'raladi. Uning mezonlarining nisbiy ahamiyati haqidagi mulohazasidan W_1, \dots, W_m mezonlarning nisbiy imkoniyati (vazni) koeffitsientlarini belgilanadi. Ko'rib chiqilayotgan misolda loyihaning narxi, loyiha tuzishga ketgan vaqt va transport xarajatlarining bir-biriga nisbatan vaziyati deyarli bir xil bo'lganligi uchun uchun W_1, W_2, W_3 bir xil miqdorda tanlab olinadi.

Bunda, talabga javob bermaydigan loyiha variantlarini aniqlash uchun ular eng optimal loyiha variant bilan solishtirib chiqiladi. Buning uchun quyidagi ifoda yordamida loyiha variantlaridan eng optimal loyiha variantigacha bo'lgan masofalar hisoblanadi:

$$L_i^p = \sum_{j=1}^m \{ [W_j (1 - d_j^i)]^p \}^{1/p},$$

Bunda, p daraja parametrini o'zgartirish orqali kontsentratsiyalar bir metrikdan ikkinchisiga o'tadi. p=1 uchun u quyidagi formula kelib chiqadi:

$$L_{j=1}^1 = \sum_{j=1}^m W_j (1 - d_j^i),$$

Har bir mezon uchun loyiha variantlarining koordinatalari uning nisbiy ahamiyatga ega bo'lgan koeffitsientiga muvofiq masshtablanadi, shundan so'ng "talabga javob bermaydigan" loyiha variantlaridan koordinatalar yig'indisi topiladi. Talabga javob bermaydigan loyiha variantidan masofaga o'tish W_j va $(1 - d_j^i)$ ikkala omillar yo'naltirilgan bo'lishi uchun amalga oshiriladi (W_j va $(1 - d_j^i)$) ning o'sishi qiymatini ko'proq hisobga olishga to'g'ri keladi. i

loyiha variantini baholashda k_j mezon shu bilan birga L_j^1 qiymati bo'yicha eng yaxshi loyiha variantidan masofani ham baholash mumkin; L_j^1 qanchalik katta bo'lsa, loyiha variantlari eng yaxshi loyiha variantiga yaqinroq bo'ladi.

$p=2$ bo'lsa ifoda masshtabli koordinatalarda Evklid masofasiga aylanadi. Shunday qilib, p ni o'zgartirish orqali loyiha variantlarini eng optimal loyiha variant bilan solishtirish uchun keng ko'rsatkichlar sinfidan foydalanish mumkin. Va $p \rightarrow \infty$ bilan bilan metrik quyidagi ifodaga kiradi:

$$L_i^\infty = \min_j (W_j (1 - d_j^i)).$$

Quyida ko'rib chiqilayotgan misol uchun turli n uchun L_i^p qiymatlarini hisoblash natijalarini ko'rsatadi.

p	L_1^p	L_2^p	L_3^p	L_4^p	L_5^p
1	10,7	2,5	9,1	9,8	10,0
2	1,9	3,6	3,4	2,5	1,7
3	4,1	3,4	1,6	0,3	2,7

L_i^p qiymati qanchalik katta bo'lsa, loyiha variantlari eng optimal loyiha variantiga shunchalik yaqinroq bo'ladi. Shuningdek, L_i^p qanchalik kichik bo'lsa, ushbu mezonlar to'plamdan chiqarib tashlashimiz mumkin bo'lgan. Chiqarib tashlash jarayoni foydalanilgan ko'rsatkichga bog'liq bo'lmasligi uchun, barcha hisoblangan ko'rsatkichlar uchun eng optimal loyiha variantidan eng uzoq bo'lgan loyiha variantlari chiqarib tashlanadi. Tahlil qilish qulayligi uchun har bir p uchun eng optimal loyiha variantidan masofa bo'yicha tartiblanadi, bu ko'rib chiqilayotgan misol uchun quyida amalga oshiriladi:


$p = 1$ 1 – variant > 5 – variant > 4 – variant > 3 – variant > 2 – variant

$p = 2$ 2 – variant > 3 – variant > 4 – variant > 1 – variant > 5 – variant

$p = 3$ 1 – variant > 2 – variant > 5 – variant > 3 – variant > 4 – variant

Ushbu ko'rsatkichlarga asosan 1-loyiha variantini 2 ta mezon bo'yicha qolgan variantlarga nisbatan optimal loyiha varianti sifatida tanlashimiz mumkin.

Shuningdek, ushbu loyiha chizmasining uch o'lchamli modeli ham 4-rasmda keltirilgan:



4-rasm. Damba inshootining uch o'lchamli modeli.

Xulosa: Mazkur maqolada gidrotexnik inshootlarni loyihasini tuzish algoritmlari tavsiya qilingan algoritmlari universal xarakterga ega va turli tuman gidrotexnik inshootlari loyihasida qo'llanilishi mumkin shu bilan birga maqolada tavsiya qilingan eng maqbul variant tanlash usuli ham universal xarakterga ega. Ushbu algoritmlarga ko'ra bir nechta loyiha tuzish imkoniyatiga ega bo'lgan qaror qiluvchi shaxs. Berilgan variantlar ichidan eng maqbulini topish diskret mezonli masalalarga qo'llash imkonini beradi. Algoritmlarning afzalligi shundan iboratki bular qulay tarzda dasturlash tillariga ham oson yo'llarga imkon beradi.

ADABIYOTLAR

1. Artemyeva T. V., and Zuikov A. L. Hydraulic modeling of surface vortex funnels. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 1159(1), (2021)
2. K. Deb, S. Agrawal, A. Pratap, and T. Meyarivan. A fast and elitist multi-objective genetic algorithm: NSGA-II. IEEE Transactions on Evolutionary Computation, 6(2):182–197, 2002
3. Gharangik A. M., and Chaudhry M. H. Numerical simulation of hydraulic jump. Journal of hydraulic engineering, 117(9), pp.1195-1211 (1991)
4. Hamid, N.N., Majid, A.A., Ismail A.I. “Quartic B-spline interpolation method for linear two-point boundary value problem”. World Applied Sciences Journal, 2012. - pp. 39–43 (2021)
5. Fauzi, N.I., Sulaiman, J. “Half-sweep modified successive over relaxation method for solving second order two-point boundary value problems using cubic spline”. International Journal of Contemporary Mathematical Sciences, pp. 57–59 (2012)
6. Chawla, M.M., Subramanian, R. “A new fourth-order cubic spline method for second-order nonlinear two-point boundary-value problems”. Journal of Computational and Applied Mathematics, pp. 1–10 (2005)
7. John P. Wilson Digital terrain modeling Spatial Sciences Institute, University of Southern California, Los Angeles, Geomorphology 137 (2012)
8. Artemyeva T. V., and Zuikov A. L. Hydraulic modeling of surface vortex funnels. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 1159(1), (2021)
9. C. A. C. Coello, D. A. VanVeldhuizen, and G. Lamont. Evolutionary Algorithms for Solving Multi-Objective Problems. Boston, MA: Kluwer Academic Publishers, (2002).
10. Hurtado, F., Löffler, M., Matos, I., Sacristán, V., Saumell, M., Silveira, R.I., Staals, F.: Terrain visibility with multiple viewpoints. International Journal of Computational Geometry & Applications 24(04), 275–306 (2014)
11. K. Deb, M. Mohan, and S. Mishra. Towards a quick computation of well-spread pareto-optimal solutions. In Proceedings of the Second Evolutionary Multi-Criterion Optimization (EMO-03) Conference (LNCS 2632), pages 222–236, 2003
12. K. Deb, L. Thiele, M. Laumanns, and E. Zitzler. Scalable test problems for evolutionary multiobjective optimization. In A. Abraham, L. Jain, and R. Goldberg, editors, Evolutionary Multiobjective Optimization, pages 105–145. London: Springer-Verlag, (2000)
13. G. Fadel and Y. Li. Approximating the Pareto curve to help solve bi-objective design problems. Structural and Multidisciplinary Optimization, 23:280–296, (2002).
14. I. Y. Kim and O.de Weck. Adaptive weighted-sum method for bi-objective optimization: Pareto front generation. Structural and Multidisciplinary Optimization, 29(2):149–158, (2005).
15. Kuchkarova D.F., Ismatov B.S., Khodjayev A.M. “The role of computer graphic software in the application of geometric modelling methods” INNOVATION 2021 collection of

articles of the international scientific conference pp.73-75 (2021)

UDK 621.565.94

SUV ISITISH QOZON QURILMASINING GIRAVLIK PARAMETRLARINI ASOSLASH

Arifjanov Aybek Muxamedjanovich

t.f.d., professor (Toshkent Irrigasiya va qishloq xo'jaligi mexanizatsiyalash muhandislari instituti" milliy tadqiqot universiteti)

E-mail: obi_life@mail.ru Тел: +9989935774982

Kurbonov Kozim Muxammadrashitovich

o'qituvchi (Namangan muhandislik-qurilish instituti)

E-mail: kozimqurbonov86@gmail.com Tel: +998949070034

Annotatsiya. Ushbu maqolada suv isitish qozon qurilmalarining energiya tejamkorligini oshirish uchun qozon qurilmalarini gidravlik parametrlarini takomillashtirish orqali suv isitish qozonlarini yaratish bo'yicha tadqiqotlar tahlili keltirilgan. Tadqiqot va hisob-kitoblar natijasida suv isitish qozon qurilmasining issiqlik samaradorligini 15-20% ortishiga erishildi. Bu esa suv isitish qozonlarini foydali ish koeffitsiyentini oshiradi hamda yoqilg'i sifatida ishlatiladigan resurslarning tejashga xizmat qiladi.

Аннотация. В данной статье представлен анализ исследований для повышения энергоэффективности водогрейных котлов и по созданию отопительных котлов путем улучшения их гидравлических параметров с применением эффективных конструктивных элементов. В результате исследований и расчетов удалось повысить тепловой КПД водогрейного котла на 15-20%. Это повышает КПД водогрейных котлов и экономит ресурсы, используемые в качестве топлива.

Annotation. This article presents an analysis of studies to improve the energy efficiency of hot water boilers and to create heating boilers by improving their hydraulic parameters using efficient structural elements. As a result of research and calculations, it was possible to increase the thermal efficiency of a hot water boiler by 15-20%. This increases the efficiency of hot water boilers and saves resources used as fuel.

Kalit so'zlar: quvur, issiqlik, issiqlik almashinishi, gofrirovka qilingan quvur, energiya, harorat.


Ключевые слова: труба, тепло, теплообмен, гофрированная труба, энергия, температура.

Key words: pipe, heat, heat transfer, corrugated pipe, energy, temperature.

Kirish. Respublikamiz hududida ko'plab ijtimoiy ob'yektlar, jumladan maktabgacha ta'lim muassasalari, maktablar, oilaviy poliklinikalar va boshqa jamoat binolarini qish mavsumida isitish uchun individual qozonlar bilan ta'minlanmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida, jumladan, «..hududlarning muhandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilma tizimini hamda xizmat ko'rsatish va servis sohalarini rivojlantirish, hamda uy-joy-kommunal xo'jaligi, ijtimoiy soha ob'yektlari va boshqa sohalarda aholiga qulay sharoit yaratish maqsadida binolarni issiqlik bilan ta'minlashda energiya samarador va qayta tiklanuvchi manbalarini keng joriy etish..» bo'yicha muhim vazifalar belgilab berilgan. Shu sababli, bugungi kunda, isitish qozonlarida issiqlik oqimini har xil rejimlardagi harakati va issiqlik almashinuv jarayonlarini inobatga olib energiya tejamkor isitish qozonlarini yaratish eng dolzarb masalalardan biri bo'lib

qolmoqda [1.,2.,3.,4].

Metodlar. Olib borilgan tadqiqotlar natijasida suv isitish qozon qurilmasiga issiqlik kelishi va uni sarflanishi muvozanatlashgan, ya'ni balanslashgan bo'lishi kerak. Qozon qurilmasidan o'tayotgan suv oqimini gidravlik modelini ifodalash uchun quyidagi sxemani qabul qilamiz (2.1-rasm).



1 - rasm. Qozon qurilmasi quvurida oqim harakatining sxemasi

Diametrlari d_1 va d_2 , uzunliklari l bo'lgan silindrlar orasidagi tirqishda harakat qilayotgan suyuqlik oqimini tekshiramiz. Radiusi r_1 va r_2 bo'lgan ikki silindr orasidagi suyuqlikka ta'sir etayotgan kuchlar muvozanatini ko'ramiz [6.,9.,11].

1-1 kesim yuzasi bo'yicha Ox o'qi yo'nalishida

$$P_1 = p_1 \pi (r_2^2 - r_1^2) \quad (1)$$

bu yerda: p_1 – 1-1 kesimdagi bosim, r_1 va r_2 suyuqlik oqimi radiuslari. kuch, 2-2 kesim yuzasi bo'yicha kuch ta'sir qiladi.

$$P_2 = p_2 \pi (r_2^2 - r_1^2) \quad (2)$$

Ichki silindr sirti bo'yicha

$$T_1 = \tau_0 2\pi r_1 l \quad (3)$$

bu yerda: T_1 – ichki silindr sirti bo'yicha ishqalanish kuchi, τ_0 – urinma kuchlanish, l – quvur uzunligi.

Tashqi silindr sirti bo'yicha

$$T_2 = \tau 2\pi r_2 l \quad (4)$$

bu yerda: T_2 – tashqi silindr sirti bo'yicha ishqalanish kuchi, τ – urinma kuchlanish. Urinma kuchlanishni Nyuton qonuni bo'yicha quyidagicha ifodalaymiz.

$$\tau = \mu \frac{du}{dr} \quad (5)$$

U holda (2.4) ifoda quyidagicha yoziladi:

$$T_2 = \tau 2\pi r_2 l = \mu \frac{du}{dr} 2\pi r_2 l \quad (6)$$

Avvalgi masaladagi kabi suyuqlik hajmining muvozanat sharti bo'yicha quyidagi tenglamani olamiz.

$$\frac{du}{dr} = -\frac{p_1 - p_2}{2\mu l} \frac{r_2^2 - r_1^2}{r} + \frac{\tau_0}{\mu r} \quad (7)$$

Suyuqlikning tezligi $r = r_1$ da nolga teng bo'ladi. Shuning uchun tenglamaning chap tomonini O dan u gacha, o'ng tomonini r_1 dan r gacha integrallab, ushbu munosabatni olamiz.

$$u = -\frac{P_1 - P_2}{4\mu l} \left[(r_2^2 - r_1^2) - 2 \ln \frac{r}{r_1} \right] + \frac{\tau_0}{\mu} \ln \frac{r}{r_1} \quad (8)$$

Silindrning sirtida ($r = r_2$) ham tezlik nolga teng [5.,7.,8.,10].

Shuning uchun

$$u = -\frac{P_1 - P_2}{4\mu l} \left[(r_2^2 - r_1^2) - 2 \ln \frac{r_2}{r_1} \right] - 2 \ln \frac{r_2}{r_1} + \frac{\tau_0}{\mu} \ln \frac{r_2}{r_1} \quad (9)$$

Bu tenglikdan $\frac{\tau_0}{\mu}$ ni topamiz.

$$\frac{\tau_0}{\mu} = \frac{P_1 - P_2}{4\mu l} \left[(r_2^2 - r_1^2) \frac{1}{\ln \frac{r_2}{r_1}} - 2 \right] \quad (10)$$

Shunday qilib, tezlikning kesim bo'yicha taqsimlanishi uchun ushbu munosabatni olamiz.

$$u = \frac{P_1 - P_2}{4\mu l} \left[(r_2^2 - r_1^2) \frac{\ln \frac{r}{r_1}}{\ln \frac{r_2}{r_1}} - (r^2 - r_1^2) \right] \quad (11)$$

$r_2 - r_1 = c$ ning miqdori r_1 dan juda kichik bo'lganda bir qancha amallardan keyin keltirib chiqarish mumkin. Bu esa yuqorida aytilgan fikrlarni yana bir bor tasdiqlaydi. Xalqasimon tirqishdan oqayotgan suyuqlikning maksimal tezligi avvalgidek tirqish balandligining o'rta qismiga to'g'ri kelmaydi. Maksimal tezlikni topish ancha murakkab bo'lgani uchun biz uni keltirmaymiz [18.,20.,21.,22].

Natijalar. Suv isitish qozoni samaradorligini oshirish maqsadida issiqlik ta'minoti qurilmalarining gidravlik parametrlarini takomillashtirish orqali ularning energiya samaradorligini oshirishga erishildi. Bu natijalarga erishish uchun uzluksiz jarayonlarni ta'minlovchi issiqlik uzatuvchi oqimining tezlik qiymatlari, gidravlik qarshiliklar va qattiq zarrachalar konsentratsiyasining yo'nalish bo'yicha konstruktiv parametrlarga nisbatan o'zgarishi hisoblanadi. Xalqasimon tirqishdan oqayotgan suyuqlikning sarfi quyidagicha hisoblanadi [11.,12.,16]:

$$Q = 2\pi \int_{r_1}^{r_2} u r dr = \frac{P_1 - P_2}{8\mu l} \pi (r_2^2 - r_1^2) \left[r_2^2 + r_1^2 - \frac{r_2^2 - r_1^2}{\ln \frac{r_2}{r_1}} \right] \quad (12)$$

U holda o'rtacha tezlikni topish uchun sarfni kesim $-\omega = \pi(r_2^2 - r_1^2)$ ga bo'lamiz.

$$g = \frac{P_1 - P_2}{8\mu l} (r_2^2 + r_1^2) - \left(\frac{r_2^2 - r_1^2}{\ln \frac{r_2}{r_1}} \right) \quad (13)$$

Gidravlik yo'qotish esa quyidagicha hisoblanadi.

$$H_e = \frac{P_1 - P_2}{\gamma} = \frac{8\nu l \ln \frac{r_2}{r_1}}{(r_2^2 + r_1^2) \ln \frac{r_2}{r_1} - (r_2^2 - r_1^2)} \frac{g}{8} \quad (14)$$

Gidravlik radius

$$R = \frac{\omega}{\chi} = \frac{\pi(r_2^2 - r_1^2)}{2\pi(r_2 - r_1)} = \frac{r_2 + r_1}{2} \quad (15)$$

Demak, Reynolds soni

$$Re = \frac{94R}{\nu} = \frac{92(r_2 - r_1)}{\nu} \quad (16)$$

Buni nazarda tutsak,

$$He = \frac{64(r_2^2 - r_1^2) \ln \frac{r_2}{r_1}}{Re \left[(r_2^2 + r_1^2) \ln \frac{r_2}{r_1} - (r_2^2 - r_1^2) \right]} \frac{l}{2(r_2 - r_1)} \frac{g^2}{2g} \quad (17)$$

Avvalgi hollarda belgilashni kiritamiz va gidravlik ishqalanish quyidagicha aniqlanadi:

$$\lambda = \frac{64}{Re} \frac{(r_2^2 - r_1^2) \ln \frac{r_2}{r_1}}{(r_2^2 + r_1^2) \ln \frac{r_2}{r_1} - (r_2^2 - r_1^2)} \quad (18)$$

U holda quvurda yo‘qolgan napor;

$$H_e = \lambda \frac{l}{2(r_2 - r_1)} \frac{g^2}{2g} \quad (19)$$

Suv isitish qozon qurilmalarida oqim harakatini baholashda ikkita yuza geometrik o‘lchash D/d va kompleks kattalik Reynolds mezonida baholash lozim bo‘ladi. Harorat ta‘sirida oqimda yuzaga keladigan jarayon Reynolds mezonida namoyon bo‘ladi. Olib borilgan nazariy tadqiqotlar asosida mavjud isitish qozonidagi gidravlik jarayonlar tahlil etildi. Unga ko‘ra Reynolds soni quyidagicha o‘zgarishi aniqlandi [13.,14.,].

$$Re = \frac{94R}{\nu} = \frac{92(r_2 - r_1)}{\nu} \quad (20)$$


1-jadval

Mavjud isitish qozonidagi oqimning harakat rejimi va Reynolds soni

№	t, C	v, sm ² /s	g, sm/s	r ₂ , sm	r ₁ , sm	Re
1	10	0,0131	0,5	55	12	1641
2	20	0,0114	0,5	55	12	1886
3	30	0,0081	0,5	55	12	2654
4	40	0,0068	0,5	55	12	3162
5	50	0,0054	0,5	55	12	3981
6	60	0,0048	0,5	55	12	4479
7	70	0,0045	0,5	55	12	4778
8	80	0,0038	0,5	55	12	5658
9	90	0,0032	0,5	55	12	6719

Tadqiqotlar natijasida isitish qozonidagi oqimning haroratiga mos ravishda harakat rejimi va Reynolds sonining o‘zgarishi aniqlandi (2-rasm).

Yuqorida keltirilgan (18) formula yordamida mavjud isitish qozonidagi suv oqimining gidravlik ishqalanish koeffitsiyenti aniqlandi. Unga ko‘ra gidravlik ishqalanish koeffitsiyentining qiymati 0,034-0,008 gacha o‘zgarishi aniqlandi (2-jadval, 3-rasm) [15.,17.,19].




2-rasm. Isitish qozonidagi oqimning harakat rejimi

2-jadval

Gidravlik ishqalanish ko'effitsiyentining harorat ta'sirida o'zgarishi

№	t, °C	v, sm ² /s	g, sm/s	r2, sm	r1, sm	Re	λ
1	10	0,0131	0,5	55	12	1641	0,034
2	20	0,0114	0,5	55	12	1886	0,030
3	30	0,0081	0,5	55	12	2654	0,021
4	40	0,0068	0,5	55	12	3162	0,018
5	50	0,0054	0,5	55	12	3981	0,014
6	60	0,0048	0,5	55	12	4479	0,012
7	70	0,0045	0,5	55	12	4778	0,012
8	80	0,0038	0,5	55	12	5658	0,010
9	90	0,0032	0,5	55	12	6719	0,008



3-rasm. Isitish qozoni quvurining gidravlik ishqalanish ko'effitsiyenti

Xulosa. Tadqiqotlar natijasida hozirgi kundagi mavjud suv isitish qozon qurilmalarining issiqlik samaradorligini oshirish maqsadida, qozon qurilmasining takomillashgan konstruktiv

parametrlari ishlab chiqildi va gidravlik hisobi bajarildi. Jumladan issiqlik oqimi harakat qiladigan kesim yuzalari qo‘shimcha qoburg‘alar hisobiga oshirildi, natijada suv isitish qozon qurilmasining issiqlik samaradorligini ortishiga erishildi. Olib borilgan tadqiqotlar natijasida mavjud isitish qozonidagi oqimning harakat rejimi va Reynolds soni 1641-6719 oralig‘ida, gidravlik ishqalanish koeffitsiyenti bo‘lishi 0,008-0,0034 oralig‘ida bo‘lishi aniqlandi. Bu esa ijtimoiy obyektlarda ishlatiladigan suv isitish qozonlarini foydali ish koeffitsiyentini oshiradi hamda yoqilg‘i sifatida sarflanadigan resurslarning tejashga hizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Arifjanov, A., Xodjiyev, N., Jurayev, S., Kurbanov, K., & Samiev, L. (2020, June). Increasing heat efficiency by changing the section area of the heat transfer pipelines. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering (Vol. 869, No. 4, p. 042019). IOP Publishing.
2. Xodjiyev, N., Juraev, S., Kurbanov, K., Sultonov, S., Axatov, D., & Babayev, A. (2022, June). Analysis of the resource-saving method for calculating the heat balance of the installation of hot-water heating boilers. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1). AIP Publishing.
3. Ходжиев, Н., Курбонов, К., & Хошимов, С. (2019). Иссиқлик алмаштиргич курилмасида кувур кесим юзасини ўзгартириш орқали самарадорлигини ошириш усуллари. ФарПИ Илмий техника журнали,(2).
4. Melikuziyev, S., Mirnigmatov, S., Elmuratova, A., Ibragimova, Z., Juraev, S., & Kurbanov, K. (2022, June). New technology for protecting agricultural products from pests. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1). AIP Publishing.
5. Imamnazarov, O. B., Qurbonov, K. M., Pulatova, M. M., Khayitova, M. S., Numonjon, U. A., & Malikov, E. N. (2020). Ground water modes regulation during irrigation by the water-saving method. *Journal of Critical Reviews*, 7(12), 924-927.
6. Arifjanov, A., & Kurbonov, K. (2021). Improvement of hydraulic parameters of heat supply devices. *European Journal of Agricultural and Rural Education (EJARE)* Available Online at: <https://www.scholarzest.com>, 2(12).
7. Арифжанов, А., Ходжиев, Н., Жўраев, Ш., Курбонов, К., & Олимов, И. (2020). Иссиқлик таъминоти кувурларининг ресурс тежамкор параметрларини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш. ФарПИ Илмий техника журнали,(2).
8. Курбонов, К. М. (2022). Повышение тепловой эффективности водогрейных котлов путём улучшения конструктивных параметров. *Энегосбережение и водоподготовка*,(2), 136.
9. Юлдашев, Ж., & Курбонов, К. (2016, June). Предпочтение и недостатки солнечных нагревателей воды обеспечивающих горячей водой. In *Принял участие XIV Международной научной конференции “Актуальные научные исследования в современном мир* (pp. 26-27).
10. Arifjanov, A. M., & Xodjiyev, N. R. Jo‘rayev Sh. Sh., Kurbonov KM, Sultonov SS Analysis of the resource-saving method for calculating the heat balance of the installation of hot-water heating boilers. *NamMTI Ilmiy texnik jurnali*,(6).
11. Ходжиев, Н., & Курбонов, К. (2014). Фойдаланилган энергиядан иккиламчи энергия сифатида фойдаланиш учун яратилган курилмани такомиллаштириш усулларини тадқиқ қилиш. *Ўзбекистон архитектураси ва курилиш журнали*” Тошкент, 2.
12. Арифжанов, А. М., Мухаммадрашитович, Қ. К., & Парпиев, О. Т. (2022). Сув иситиш қозон курилмасининг гидравлик параметрларини ҳисоблаш. *Механика и технология*, 4(9), 157-161.

13. Парпиев, О. Т., Курбанов, К. М., & Курбанова, З. М. (2022). Системы организации педагогических процессов. Экономика и социум, (10-2 (101)), 513-516.
14. Курбонов КМ, А. Д. (2022). Роль учебных мастерских в организации практического обучения. Экономика и социум,(4), 95.
15. Мажидов, Н. Н., & Курбонов, К. М. (2022). Роль Сезонных Солнечных Аккумуляторов В Экономии Топливных Ресурсов. Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science, 3(12), 172-177.
16. Курбонов, К. М., Маматов, А. А., & Косимов, Ж. О. (2022). Усовершенствования Метода Исследования Созданной Установки Для Вторичного Пользования Использованной Энергии. Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science, 3(12), 235-240.
17. Курбонов, К. М., & Мажидов, Н. Н. (2023). ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩИХ СПОСОБОВ СИСТЕМЫ ТЕПЛОСНАБЖЕНИЯ ЖИЛЫХ ЗДАНИЙ. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 12, 195-200.
18. Арифжанов, А., Ходжиев, Н., & Курбонов, К. (2022). Иссиқлик таъминоти қурилмаларининг гидравлик параметрларини такомиллаштириш. ФарПИ Илмий техника журналі, 26(2), 110-114.
19. Жўраев, Ш., Курбонов, К., & Ахатов, Д. (2021). Сув иситиш қозон қурилмаларини энергия тежамкор параметрларини такомиллаштириш. ФарПИ Илмий техника журналі, 25(1), 131-135.
20. Kurbonov, K. M. (2023). USE OF RENEWABLE ENERGY SOURCES FOR HEATING BUILDINGS. Open Access Repository, 4(03), 349-354.
21. Kurbonov, K. (2023). EFFICIENT USE OF ENERGY-SAVING METHODS OF THE HEAT SUPPLY SYSTEM OF RESIDENTIAL BUILDINGS. European Journal of Interdisciplinary Research and Development.
22. Kurbonov, K. (2022). INCREASING THE THERMAL EFFICIENCY OF WATER BOILERS BY IMPROVING DESIGN ARAMETERS. Энегосбережеие и водоподготовка.– 2022.–№ 2 (136).–С. 21-23.

UDK 621.313

**“JIZZAX DON MAHSULOTLARI” AJ ELEVATORINING ELEKTR ENERGIYA
ISTE’MOLINI TAHLIL QILISH VA ENERGIYA TEJASH TADBIRLARINI ISHLAB
CHIQISH**

Pirmatov Nurali Berdiyrovich
Toshkent davlat texnika universiteti prof

Mirzayev Uchqun Nazarqosimovich
Jizzax politexnika instituti, katta o‘qituvchi. Tel: 94-341-88-22 uchqun8822@gmail.com

Аннотация. Ushbu maqolada “Jizzax don mahsulotlari” AJ elevatorining 2021 yildan 2023 yilgacha davrdagi elektr energiya iste’moli tahlil qilingan hamda energiya tejash tadbirlari ishlab chiqilgan. Shuningdek, energiya tejash tadbirlari turlari haqida ham ma’lumotlar keltirilgan.

Аннотация. В данной статье было проанализировано потребление электроэнергии элеватора АО «Жиззах дон махсулотлари» с 2021 по 2023 годы и разработаны

мероприятия по энергосбережению. Также представлена информация о видах энергосберегающих мероприятий.

Abstract. In this paper, the electricity consumption of the elevator of “Jizzax don mahsulotlar” JSC from 2021 to 2023 was analyzed and energy saving measures were developed. It also provides information on the types of energy-saving measures.

Kalit soʻzlar: elevator, aspirator, elektr yuritma, asinxron motor, energiya tejash

Ключевые слова: Элеватор, aspirатор, электропривод, асинхронный двигатель, энергосбережение.

Key words: Elevator, aspirator, electric drive, asynchronous motor, energy saving.

KIRISH

Bugungi kunda sanoat korxonalarida energiya tejash tadbirlarini amalga oshirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Xususan, adabiyotlarda sanoat korxonalaridagi mavjud energiya tejash usullari tahlil qilingan [5,1]. Bu usullar, energiya tejashni optimallashtirish, sarflarni kamaytirish va energiya taqsimotini yanada yaxshilash maqsadida foydalaniladi. Ushbu tahlil natijalariga koʻra sanoat korxonalarida elektr energiya tejashning quyidagi usullari mavjud:

1. Energiya isteʼmolini monitoring qilish va tahlil qilish: Energiya monitoringi tizimlarini oʻrnatish elektr energiyasi qachon va qayerda eng koʻp isteʼmol qilinishini kuzatish imkonini beradi. Bu bizga energiya isrofi hosil boʻlishi mumkin boʻlgan manbalarini aniqlash imkonini beradi.

2. Energiyani tejaydigan uskunalar: eskirgan va samarasiz uskunalarni zamonaviyroq va energiya tejamkor uskunalar bilan almashtirish energiya sarfini sezilarli darajada kamaytirishi mumkin.

3. Texnologik jarayonlarni optimallashtirish: Texnologik jarayonlarni tahlil qilish va optimallashtirish energiya sarfini kamaytirishga, ortiqcha yoki samarasiz texnologik jarayonlarni bartaraf etishga va uskunalar boshqaruvini yaxshilashga yordam beradi.

4. Izolyatsiya va issiqlik izolyatsiyasi: Xonalar va jihozlarni izolyatsiyalash va issiqlik izolyatsiyasi uchun yaxshilangan materiallardan foydalanish issiqlik yoʻqotilishini kamaytirishi va natijada isitish uchun energiya sarfini kamaytirishi mumkin.

5. Yoritishni boshqarish tizimlarini amalga oshirish: avtomatlashtirilgan yoritishni boshqarish tizimlaridan foydalanish yorugʻlik moslamalarining ishlash muddatini qisqartirishi mumkin.

6. Energiyani tejash tizimlarini amalga oshirish: Chastotani oʻzgartirgichlar, reaktiv quvvat boshqaruv qurilmalari kabi texnologiyalardan foydalanish uskunalarning quvvat sarfini boshqarish va uni joriy ehtiyojlarga moslashtirish imkonini beradi.

7. Xodimlarni oʻqitish: energiyani tejash va elektr energiyasidan samarali foydalanish boʻyicha xodimlarning xabardorligini oshirish va oʻqitish yanada masʼuliyatli va tejamkor xatti-harakatlarga olib kelishi mumkin.

8. Qayta tiklanadigan energiya manbalarini joriy etish: quyosh panellari, shamol turbinalari yoki boshqa qayta tiklanadigan energiya manbalarini oʻrnatish korxonaning energiya sarfini qisman yoki toʻliq qoplashi mumkin.

Shuningdek, Sanoat korxonalaridagi elektr yuritmalarda energiya tejash usullari taʼriflangan va quyidagicha keltirilgan[2,3,4]:

1. Chastota oʻzgartirgichlardan foydalanish: Chastotani oʻzgartirgichlar chastota va tarmoq kuchlanishini oʻzgartirish orqali asinxron motorning aylanish tezligini rostlash imkonini beradi. Bu energiya isteʼmolini jarayonning haqiqiy ehtiyojlariga moslashtirishga imkon beradi, kam yuklanish davrida ortiqcha energiya sarfini oldini oladi.

2. Vektorli boshqaruv: Vektorli boshqaruv asinxron motorni boshqarishning aniqroq va

samarali usulini ta'minlaydi. Bu usul motor tezligini ham, cho'lg'amlardagi tokni ham boshqarishga imkon beradi va bu uning samaradorligini oshiradi.

3. Yuklamani rostdash: Yuritmadagi yukni optimallashtirish orqali quvvat sarfini kamaytirishi mumkin.

4. Salt ishlash holatida energiyani tejash rejimi: Asinxron motorlar ko'pincha salt ishlash rejimda ishlaydi. Ushbu rejimda energiyani tejash uchun avtomatik tezlikni kamaytirish funksiyasidan foydalanish yoki hatto dvigatelni vaqtincha o'chirib qo'yish mumkin.

5. Ulanish sxemasini optimallashtirish: yulduz yoki uchburchak kabi ulanish sxemalaridan foydalanish asinxron motorning samaradorligini oshirishi mumkin.

6. Elektr energiya sifatini yaxshilash: Barqaror tarmoq kuchlanishi va chastotasini saqlab turish tebranishlar va o'ta kuchlanishlar tufayli quvvat yo'qotilishini kamaytirishga yordam beradi.

7. Muntazam texnik xizmat ko'rsatish: Elektr yuritmalarga muntazam texnik xizmat ko'rsatish yuritmaning optimal ishlashini ta'minlaydi, eskirish va samaradorlikni yo'qotishning oldini oladi.

8. Monitoring va tahlil: Energiya monitoringi va tahlil tizimlarini o'rnatish yuritmalar samaradorligini kuzatish va yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarga tezda javob berish imkonini beradi.

Demak yuqoridagi energiya tejash tadbirlarini hisobga olgan holda, "Jizzax don mahsulotlari" AJning elevatoridagi asinxron elektr yuritmalardagi elektr energiya iste'molini tahlil qilamiz.

Un ishlab chiqarish jarayonidagi eng muhim bosqichlardan biri bu donni tozalash hamda uni sifatli saqlash hisoblanadi. Bu texnologik jarayonni elevatorlar amalga oshiradi. Elevatorlarning tarkibiy tuzilishi quyidagicha:

yuklash bunkerlar: Donni keyingi ishlov berishdan oldin vaqtincha saqlanadigan bunkerlarga yo'naltiradi;

konveyer lentalar: Donni vertikal yoki gorizontal yo'nalish bo'ylab ko'tarish yoki ko'chirish uchun ishlatiladi. Ish platformalari: Ushbu platformalar texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash uchun liftning turli qismlariga kirishni ta'minlaydi;

yuritmalar va motorlar: Elevator konveyer lentalarini, yoki boshqa uzatish mexanizmlarini boshqaradigan yuritmalar va motorlar bilan jihozlangan;

boshqarish mexanizmlari: Boshqarish tizimlari harakat tezligi va yo'nalishini nazorat qilish, shuningdek, elevatorning ishlashini kuzatish imkonini beradi;

ventilyatsiya va aspiratsiya: Elevatorlardada ish joyini ifloslantirmaslik uchun hamda ishchi personallar sog'lig'ini asrash maqsadida havodan chang va boshqa zarralarni olib tashlaydigan ventilyatsiya va aspiratsiya uskunalaridan foydalaniladi;

tozalash va separatsiya tizimlari: Ba'zi hollarda tizimlar dondan yot jismlarni yoki kiruvchi zarralarni olib tashlash uchun ishlatiladi;

Ushbu komponentlar va tizimlar tegirmonning un ishlab chiqarish jarayonida materialni samarali o'tkazish va ishlov berishni ta'minlash uchun muvofiqashtirilgan kombinatsiyada ishlaydi.

NATIJALAR

Dastavval, ushbu elevatoridagi mavjud asinxron elektr yuritmalar haqida ma'lumot 1 jadvalda keltirilgan.

1 - jadval

Nomi	Quvvati (W)	Soni	Umumiy quvvati (W)	Aylanish tezligi	cosφ	FIK
------	-------------	------	--------------------	------------------	------	-----

				(ayl/min)		
Elevator aspiratorlari motorlari	11000	11	121000	1500	0,86	0,875
Elevator noriyasidagi motor	45000	2	90000	1500	0,9	0,92
Elevator noriyasidagi motor	37000	1	37000	1500	0,9	0,915
Konveyer lentalaridagi motorlar	18500	8	148000	1500	0,86	0,9
Separator motori	3000	2	6000	1500	0,84	0,84
Separator motori	11000	11	121000	1500	0,86	0,875
Kompressor	4000	1	4000	1500	0,83	0,82
Burat motori	4000	1	4000	1500	0,83	0,82
Aspirator yuqori qismi motorlari	1100	11	12100	1500	0,81	0,75

Ushbu elevatordagi elektr yuritmalardagi motorlar tarmoqqa qo‘shimcha boshqaruv jihozlarisiz, to‘g‘ridan – to‘g‘ri ulangan bo‘lib, bu o‘z navbatida elektr energiya isrofini ortishiga olib keladi.

Elevator elektr energiya iste‘molini tahlil qilish uchun 2021-yilning yanvar oyidan 2023-yilning Iyul oyigacha bo‘lgan davrdagi elektr energiya sarfini olamiz.


Buning uchun elevatorga o‘rnatilgan elektr energiya hisoblagichining ushbu davr mobaynidagi oylik hamda o‘rtacha kunlik energiya iste‘molini misol qilib olamiz (2,3 - jadvallar).

2 - jadval.

Yil/oy	2021-yil (kW)	2022-yil (kW)	2023-yil (kW)
Yanvar	32130	17892	24440
Fevral	28396	20306	15260
Mart	35452	31806	31636
Aprel	9964	22040	34778
May	9168	12908	17078
Iyun	19288	11720	8432
Iyul	19544	17842	8628
Avgust	13506	29808	
Sentyabr	23760	26748	
Oktyabr	31216	25896	
Noyabr	35074	17544	
Dekabr	22604	24222	
Umumiy	280102	258732	

Olingan natijalarni grafik ko‘rinishda tasvirlayadigan bo‘lsak, u holga u quyidagicha

ko‘rinishda tasvirlanadi (1-rasm). Grafikdan ko‘rinadiki, Elevatoridagi elektr energiyaning asosiy iste‘moli Mart va Oktyabr oylariga to‘g‘ri kelar ekan. Chunki, aynan shu oylarda respublikamizda boshqa oylarga qaraganda seryog‘in bo‘ladi va donning namlanish darajasi ortadi. Bu o‘z navbatida elektr yuritmalarning ko‘proq ishlashini talab etadi. Shuningdek, Yanvar, Fevral, Sentyabr, Noyabr hamda Dekabr oylarida o‘rtacha iste‘molga yaqin elektr energiya iste‘mol qilingan. Aprel, May, Iyun, Iyul va Avgust oylarida havo harorati nisbatan yuqori bo‘lganligi hamda havodagi namlik miqdori kichik bo‘lganligi sababli elevatoridagi elektr yuritmalar nisbatan kamroq ishchi rejimda bo‘lgan hamda nisbatan kam elektr energiya iste‘mol qilgan.




1 – rasm. Jizzax don mahsulotlari AK ga qarashli elevatorning 2021-yildan 2023-yilning Iyul oyigacha bo‘lgan davrdagi elektr energiya iste‘moli grafik ko‘rinishi.

Agar olingan natijalardan kunlik o‘rtacha elektr energiya iste‘molini aniqlaydigan bo‘lsak, u holda buni 3 jadvaldagidek keltirishimiz mumkin.

3 – jadval

Yil/oy	2021-yil (kW)	2022-yil (kW)	2023-yil (kW)
Yanvar	1036,45	577,16	788,39
Fevral	1014,14	725,21	545,00
Mart	1143,61	1026,00	1020,52
Aprel	332,13	734,67	1159,27
May	295,74	416,39	550,90
Iyun	642,93	390,67	281,07
Iyul	630,45	575,55	278,32
Avgust	435,68	961,55	320,93
Sentyabr	792,00	891,60	
Oktyabr	1006,97	835,35	
Noyabr	1169,13	584,80	
Dekabr	729,16	781,35	

Natijalarni grafik ko‘rinishda tahlil qilamiz. Bu holatda yuqorida o‘rtacha oylik tahlilda ko‘rsatilgan natijalarni grafik ko‘rinishiga o‘xshash holat takrorlanadi (2–rasm).



2 – rasm. Jizzax don mahsulotlari AJga qarashli elevatorning 2021-yildan 2023-yilning Iyul oyigacha bo‘lgan davrdagi o‘rtacha kunlik energiya iste‘moli (kW/soat)

MUHOKAMA

Olingan ma’lumotlardan ko‘rinib turibdiki, “Jizzax don mahsulotlari” AJ ga qarashli ushbu elevator yiliga 260-280 ming kW/soat elektr energiya iste‘mol qilar ekan. Korxonada sutkalik 3 xil qiymatli ta’rif asosida elektr energiya uchun haq to‘laydi va bu o‘rtacha 1 kW/soat elektr energiya uchun 475 so‘mni tashkil etadi.

Ushbu elevator tomonidan 2021 va 2022-yillarda iste‘mol qilinadigan elektr energiyani hisoblaymiz.

$$I_{2021} = P_{yillik} \cdot N_{o'rt} = 280102 \cdot 475 = 133\,048\,450 \text{ so'm}, \tag{1}$$

bu yerda P_{yillik} – yil davomida iste‘mol qilingan elektr energiya miqdori;

$N_{o'rt}$ – 1 kW / soat elektr energiya o‘rtacha sutkalik ta’rif narxi

Xuddi shu (1) formuladan foydalanib 2022-yilda iste‘mol qilingan elektr energiya narxini ham hisoblaymiz.

$$I_{2022} = P_{yillik} \cdot N_{o'rt} = 258732 \cdot 475 = 116\,429\,400 \text{ so'm}$$

Elevatorlarda ishlatiladigan asinxron elektr yuritmalarning aksariyat qismi nominal yuklamadan kamroq yuklama bilan ishladi. Bunga misol qilib Aspiratorlardagi, konveyer lentalaridagi, separatorlardagi va Noriyadagi asinxron motorlarni keltirishimiz mumkin.

Tajriba tariqasida Noriyaga o‘rnatilgan 45 kWli 4AM-200L - 4 asinxron motor ish rejimlari o‘rganildi.

2022-yilning 2 - martidan 2022-yilning 19 - martigacha bo‘lgan davrda ushbu motorlarning elektr energiya iste‘moli hamda yuklama rejimi tahlil qilindi (3 – jadval)

3 – jadval

Sana	45 kWli asinxron motor iste‘mol qilgan elektr energiya	45 kWli asinxron motor ishlash vaqti	45 kWli asinxron motor soatiga iste‘mol qilayotgan elektr energiya
02.03.2022	534,23	18	29,67944444
03.03.2022	441,47	15	29,43133333
04.03.2022	678,7	24	28,27916667

05.03.2022	698,56	24	29,10666667
06.03.2022	703,49	24	29,31208333
07.03.2022	697,31	24	29,05458333
08.03.2022	0	Ishlamadi	0
09.03.2022	0	Ishlamadi	0
10.03.2022	0	Ishlamadi	0
11.03.2022	731,25	24	30,46875
12.03.2022	734,24	24	30,59333333
13.03.2022	723,43	24	30,14291667
14.03.2022	724,87	24	30,20291667
15.03.2022	0	Ishlamadi	0
16.03.2022	0	Ishlamadi	0
17.03.2022	0	Ishlamadi	0
18.03.2022	715,45	24	29,81041667
19.03.2022	737,62	24	30,73416667
O'rtacha 1soatlik elektr energiya iste'moli			29,7346

2022-yilning 22 – mart kuni ushbu motor ATV71HD45N4 tipli chastota o'zgartirgich qurilma orqali tarmoqqa ulandi. Hamda 4 – aprel kunigacha ma'lumotlar qayd avvalgi ma'lumotlar bilan solishtirish uchun qayd etib borildi.

4 – jadval

Sana	45 kWli asinxron motor iste'mol qilgan elektr energiya	45 kWli asinxron motor ishlash vaqti	45 kWli asinxron motor soatiga iste'mol qilayotgan elektr energiya
22.03.2022	582,1	24	24,25416667
23.03.2022	573,86	24	23,91083333
24.03.2022	597,21	24	24,88375
25.03.2022	601,5	24	25,0625
26.03.2022	589,53	24	24,56375
27.03.2022	587,1	24	24,4625
28.03.2022	603,12	24	25,13
29.03.2022	610,27	24	25,42791667
30.03.2022	599,78	24	24,99083333
31.03.2022	0	Ishlamadi	
01.04.2022	0	Ishlamadi	
02.04.2022	592,15	24	24,67291667
03.04.2022	607,38	24	25,3075
04.04.2022	594,47	24	24,76958333
O'rtacha 1soatlik elektr energiya iste'moli			24,7863

XULOSA

45 kWli asinxron motorning to'g'ridan – to'g'ri hamda chastota o'zgartirgich orqali tarmoqqa ulangan holatlar uchun energiya sarfini solishtiramiz. Shartli ravishda bajarilgan ishni ikki xil holat uchun ham teng deb olamiz. U holda

$$W_{tejalayotgan\ energiya\ \%} = \left(1 - \frac{w_1}{w_2}\right) \cdot 100 = \left(1 - \frac{24,7863}{29,7346}\right) \cdot 100 = (1 - 0,8335) \cdot 100 = 16,65\% \quad (2)$$

bu yerda w_1 – chastota o‘zgartirgichli asinxron motorning o‘rtacha 1 soatlik energiya sarfi; w_2 – to‘g‘ridan - to‘g‘ri tarmoqqa ulangan asinxron motorning o‘rtacha 1 soatlik energiya sarfi;

Ushbu natijadan shuni xulosa qilish mumkinki, Elevatoridagi asinxron elektr yuritmalarda chastota o‘zgartiruvchi qurilmalarni qo‘llagan holda 15-20 % atrofida energiya tejashimiz mumkin bo‘lar ekan.

U holda yillik energiya sarfi ham 16,65 % ga kamroq sarflanadi deb hisoblasak, iqtisodiy samaradorlikni 2021 va 2022-yillardagi energiya sarfi bilan taqqoslaymiz.

$$I_{2021tej} = P_{yillik} \cdot N_{o'rt}(w_{tejal.energiya}) = 280102 \cdot 475(0,1665) = 133\,048\,450 \cdot 0,1665 = 22\,152\,567\ so'm$$

$$I_{2022tej} = P_{yillik} \cdot N_{o'rt}(w_{tejal.energiya}) = 258 \cdot 475(0,1665) = 116\,429\,400\ so'm \cdot 0,1665 = 19\,385\,495\ so'm$$

Ushbu usulni qo‘llash orqali, ham iqtisodiy, ham texnik tarafdin samarali tadbirni amalga oshirish mumkin bo‘lar ekan. Agar iqtisodiy ko‘rsatgichlarga e‘tibor qaratilsa ushbu tejalayotgan mablag‘ hisobidan o‘rnatilishi mumkin bo‘lgan chastota o‘zgartirgichlarni sotib olish harajatlarini 2 yilda qoplash mumkin bo‘ladi.

ADADIYOTLAR

1. Nurali Pirmatov and Uchkun Mirzaev. "Ways to Improve the Energy Efficiency of an Electric Drive with Asynchronous Motors." International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN (2021): 230-233.

2. Duvlonov, Jaloliddin. "Analysis Of Frequency Control Systems For Asynchronous Electric Drive." International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN (2021): 102-104.

3. Mirzaev Uchkun, and Hiloliddinoy Diyor. "Methodology Of Energy Audit In Uzbekistan." International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN (2021): 197-199.

4. Orzikul Nurullaev. "Analysis of Energy Saving In Enterprises." International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN (2020): 130-134.

5. Xoshimov F.A., Taslimov A.D. Energiya tejamkorligi asoslari. O‘quv qo‘llanma. - T.: Voris, 2014.

УДК 91.100.15

ИССЛЕДОВАНИЯ ЗОЛО-ШЛАКОВЫХ СМЕСЕЙ ДЛЯ ПРОИЗВОДСТВА СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ.

Хамидов А.И.

профессор Наманганский инженерно-строительный институт

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы использования золо-шлаковых смесей при производстве строительных материалов, приведены результаты исследований по определению физико-механических характеристик растворов, приготовленных из различных составов.

Аннотация. Маколада курилиш материалларни ишлаб чиқаришда кул-шлакли

аралашмаларини ишлатиш масалалари кўриб чиқилган ва турли аралашмалардан тайёрланган қоришмалар физик-механик хоссаларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Abstract. The article deals with the use of ash-slag mixtures in the production of building materials, presents the results of studies to determine the physical and mechanical characteristics of solutions prepared from various compositions.

Ключевые слова. Бетон, вяжущее, цемент, золо-шлаковые смеси, пластифицирующие добавки, сульфитно-дрожжевая барда, суперпластификаторы, наномодификаторы, наночастицы, прочность,

Калит сўзлар. Бетон, боғловчи, цемент, кул-шлакли аралашма, пластификловчи қўшимчалар, сульфат-ачитки бардаси, суперпластификаторлар, наномодификаторлар, нанозаррачалар, мустаҳкамлик.

Keywords. Concrete, binder, cement, ash-slag mixtures, plasticizing additives, sulfite-yeast stillage, super-plasticizers, nanomodifiers, nanoparticles, strength.

Введение. Основная задача материаловедения – для эффективного использования бетона, совершенствование его состава и улучшения физико-механических свойств. Современные бетоны по сравнению с обычным, должны быть долговечными, при этом уменьшения расхода материалов без потери эксплуатационных свойств.

Среди промышленных отходов одно из первых мест по объемам занимают золы и шлаки от сжигания твердых видов топлива (уголь разных видов, горючие сланцы, торф) на тепловых электрических станциях.

Золо-шлаковые отходы (ЗШО), отрицательно воздействуют на окружающую среду, их накопление приводит к загрязнению грунтовых вод и земельных ресурсов.

Необходимо отметить, что ЗШО не вывозятся с территории ТЭС, они соединяясь с оборотными водами образуют гидропульпы.

Территории отведенные под ЗШО становятся непригодными для использования в сельском хозяйстве или для других целей, становятся зонами отчуждения.

Для создания зон отходов (золоотвалов) для золо-шлаковых примесей (ЗШП) в ТЭС, работающих на углях приведенные затраты, платежи на экологию, инвестиционные расходы составляют 5-7% от стоимости вырабатываемой электроэнергии.

В частности для создания новых золоотвалов расходы могут составить 2-4 миллиарда рублей, для строительства ограждающих дамб более 1 миллиарда рублей, и эти расходы оплачиваются потребителями энергии и тепла.

В связи с этим обеспечение экологической безопасности ТЭС – это утилизация ЗШП.

В большинстве развитых странах уделяется большое внимание использованию ЗШП для производства строительных материалов: в Германии и в Дании около 100%, в США, Великобритании, Польше и в Китае около 50-70%. Однако в странах СНГ только 8-10% ЗШП подвергается утилизации и используется при производстве строительных материалов.

На рынке товаров основные потребители ЗШО – строительная индустрия и промышленность строительных материалов. Использование ЗШП уменьшает себестоимость строительных материалов (цемента, сухих строительных смесей, бетона, строительных растворов и др.) минимум на 15-30%.

Наибольший интерес вызывают технологии применения золо-шлаковых отходов в следующих производствах [1]:

- в производстве портландцемента (как активные кремнеземистые добавки) в

количестве 10-15 процентов, в производстве пуццолановых портландцементов марок 300-400 – до 30-40 процентов (золопортландцемент);

- при изготовлении строительных растворов – как активная добавка в количестве 10-30 процентов от массы цемента, при использовании в строительных растворах портландцемента высоких марок (400-500) применение пылевидной золы может сократить его расход до 30 процентов;
- в качестве активного микронаполнителя в тяжелых бетонах, что позволяет снизить расход цемента от 6-10 процентов в бетонах нормального твердения до 12-25 процентов в пропариваемых;
- в производстве силикатного кирпича;
- в жаростойких бетонах – в качестве наполнителя вместо шамотного порошка, что существенно снижает себестоимость таких бетонов;
- при изготовлении зольного и аглопоритового гравия;
- в производстве мелкозернистого аэрированного золобетона и изделий на его основе, в качестве мелкой фракции легких бетонов на пористых заполнителях плотной и поризованной структуры;
- в качестве сырьевых материалов для дорожной промышленности;
- использование золо-шлаковых отходов с повышенным содержанием частиц несгоревшего топлива в производстве глиняного кирпича, что не только улучшает его качество, но и снижает расход технологического топлива на обжиг.

